

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Ш. АБДУЛЛАЕВА

Б А Н К И Ш И

Дарслик

Тошкент – 2003

Банк иши. Дарслик. (Ш. Абдуллаева) Тошкент, Тошкент Молия институти, 2003. 312 бет.

Ушбу дарслик Кадрлар тайёрлаш бўйича таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган намунавий ўқув дастури асосида яратилган, «Банк иши» курси «Пул, кредит ва банклар» назарий фанининг давоми бўлиб, бу фанда мавзуларни назарий жиҳатдан ёритиш билан биргаликда қўпроқ эътибор мавзуларни амалий жиҳатдан ўрганишга қаратилган.

Бу фан ёш банкирларга ва банк ишига қизиқувчиларга мутахассислик бўйича билим беришга, жумладан, банклар фаолиятини ташкил қилиш ва олиб бориш, банкларнинг турли бозор субъектлари билан муносабатларини ташкил қилиш ва умуман банк ишини ташкил қилиш асосларини ўргатишга мўлжалланган.

Муаллиф: и.ф.д., проф. Абдуллаева Ш.З.

Тақризчилар: и.ф.д. проф. **У. Ю. Рашидов,**
и.ф.д., проф. **Т.С. Маликов**
и.ф.н., доц. **Ш.М. Тошмурадов**
и.ф.д. проф. **А.В. Ваҳобов**

Тошкент Молия институти - 2003

Кириш

Бозор муносабатларининг муҳим бўғинларидан бири бўлган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш замирида иқтисодиётни ривожлантириш, халқаро банк тизими талабларига мос келувчи маҳаллий банклар фаолиятини ташкил қилиш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Жамият яхши тараққий қилган банк тизими ва банклар фаолиятига эга бўлмасдан соғлом тараққий қилиши мумкин эмас.

Иқтисодиётни самарали бошқариш унинг муҳим субъекти бўлган банклар фаолиятини ўрганишни, уларнинг ишлаш усуллари, функция ва операцияларини билишни тақазо қиласди.

Мазкур «Банк иши» курси Кадрлар тайёрлаш бўйича таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган намунавий ўқув дастури асосида яратилган, «Банк иши» курси «Пул, кредит ва банклар» назарий фанининг давоми бўлиб, бу фанда мавзуларни назарий жиҳатдан ёритиш билан биргаликда кўпроқ эътибор мавзуларни амалий жиҳатдан ўрганишга қаратилган.

Бу фан ёш банкирларга ва банк ишига қизиқувчиларга мутахассислик бўйича билим беришга, жумладан, банклар фаолиятини ташкил қилиш ва олиб бориш, банкларнинг турли бозор субъектлари билан муносабатларини ташкил қилиш ва умуман банк ишини ташкил қилиш асосларини ўргатишга мўлжалланган.

Банк маҳсус муассаса сифатида ўзига хос бўлга функция ва операцияларни бажаради. У бажарадиган бу функция ва операциялар банклар фаолиятининг қатор бошқа бозор муносабат субъектлари фаолиятидан ажралиб туршига асос ҳисобланади. Банкларнинг иш предмети бўлиб пул маблағлари ҳисбланиб, улар бозор муносабатининг бошқа субъектлари фаолиятида юзага келадиган пул муносабатларининг амалга оширилишида воситачи сифатида майдонга чиқадилар. Пул доимо ўзи билан эҳтиёткорона муомалада бўлишни ва саклашни, уни кўпайтиришга ҳаракат қилишни, уни иқтисод билан самарали ва оқилона ишлатишни талаб қиласди. Пулни тежаб тергаб ишлатадиган одам

доимо пулга эга бўлиши, пулини ҳисобсиз сарфлайдиган киши ундан тезда ажралиб қолиши ва noctor аҳволга тушиши мумкин.

Банк бозор муносабатларининг бошқа субъектларидан фарқли ўлароқ пул билан ишловчи, вақтинча бўш турган пул маблағларини ўзида йиғувчи, уни пул зарур бўлган субъектларга вақтинча фойдаланишга бериб турувчи ва бу пул маблағларини самарали ишлатиш асосида ўз фаолиятини олиб борувчи муассаса ҳисобланади.

Банк ишини қонун ва қоидалар асосида аниқ ва самарали олиб бориш нафақат банк фаолиятини самарали қилади, балки бутун жамиятининг равнақ топишига, иқтисодиётнинг ривожланишига ва жамият аъзоларининг бойишига олиб келади.

Одатда иқтисодиётнинг ҳолати банклар фаолияти билан аниқланади. Банклар иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи орган ҳисобланиб моддий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва олиб боришда воситачи сифатида, капитал айланишининг узлуксизлигини таъминлаш, бўш пул маблағларини йиғиш ва уларни пул зарур бўлган субъектлар ўртасида тақсимлаш бўйича фаолият олиб боради. Банклар фаолиятининг бошқа субъектлардан фарқли яна бир томони шундаки, улар асосан жалб қилинган маблағларга таяниб ишлайдилар. Бу эса ўз навбатида банк ишининг рисклилик даражасини оширади. Чунки банк бир томондан унга ўз жамғармаларини ишониб топширган юридик ва жисмоний шахслар олдида мажбуриятга эга бўлса, иккинчи томондан банк ўз акциядорлари олдида мажбуриятга эга. Шу сабаб банклар маблағларни доимо иқтисод қилиб иш олиб борадилар. Банклар фаолиятидаги бундай эҳтиёткорликни машхур ёзувчи Марк Твен «Банкир шундай одамки, у қуёш чиқиб турганда сизга соябонини бериб туради-ю, ёмғир ёғиши билан уни сиздан тортиб олади» деб таърифлаган эди.

Банк иши бозор муносабатларининг ўзгаришига қараб ўзгариб боради, лекин улар тарихий ровжланишининг қайси даврини олмаган ўзига хос бўлган хусусиятларни классик функциялар ва операцияларни сақлаб қолганлар. Қадимдан ҳам банклар бўш турган пул маблағларини йиғиш, уларни сақлаш, пул зарур бўлган субъектларга вақтинчалик, қайтиб бериш ва тўловлилик шарти билан маблағларни бериб туриши каби операцияларни бажарганлар. Ҳозирги кунда ҳам банк фаолияти қўлами, мижозлари ва операция турлари

кўпайган бўлсада, айнан банкка тегишли бўлган юқоридаги хусусиятлар сақланиб қолган ва янада мустаҳкамланмоқда.

Банк ишига илмий-амалий тараққиётни ўзида мужассамлаштирувчи фан сифатида қараш мумкин. Ҳозирги кундаги банклар олдинги банклардан кўра илфор, янги шаклларда ва янги технологияларда иқтисодиётнинг талаблариға мос келувчи операциялар қўллаш орқали фаолият олиб бормоқдалар.

Жаҳон амалиётида банклар мижозларга 300дан ортиқ турли хил операцияларни тавсия қиласидилар.

Ўзбекистон Республикасида ҳам банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш бораётган шу босқичда асосий мақсад банкларимиз фаолиятини халқаро банк амалиёти андозаларига яқинлаштиришдан, банкларнинг капиталини кўпайтирган ҳолда, уларни хусусийлаштириш, банклар фаолиятида янги замонавий технологиялар қўллаш ва умуман банклар фаолиятининг самарадорлиги орқали иқтисодиётнинг самарадорлиги ва барқарорлигига эришишдан иборат.

Мазкур «Банк иши» дарслиги банклар фаолиятини турли жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, у З асосий бўлимдан иборат.

Биринчи бўлим банклар ва банк тизими деб номланиб, бу бўлимда асосан «Пул, кредит ва банклар» назарий фанининг охирги бўлимларида кўриб ўтилган банк тизими ва унинг буғинлари Марказий банк ва тижорат банклари фролиятини ташкил қилишнинг ҳукукий асослари, бу банкларнинг фаолият кўрсатишига бўлган талаблар, уларнинг фаолиятига рухсат бериш ва лицензияни бекор қилиш, бу банкларнинг асосий мақсад, вазифалари ва функциялари билан боғлиқ саволлар, тижорат банклари фаолиятининг Марказий Банк томонидан назорат қилишни, иқтисодий нормативлар уларга риоя килиш билан боғлиғ мавзулар ёритилган. Банклар фаолиятини ташкил қлиш ва олиб бориш туғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларга изоҳ берилган.

Дарсликнинг иккинчи бўлими тижорат банклари фаолиятининг иқтисодий асосларига бағишланиб, унда тижорат банклари ресурсларини ташкил қилиш, уларнинг таркиби ва манбалари, банк капитали, унинг таркиби, уни ҳисоблаш усуллари, тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлари уларнинг таркиби, тижорат банкларининг активлари ва уларнинг сифат

даражаси таҳлили, тижорат банкларининг даромадлари ва харажатлари уларнинг фойдаси каби мавзулар уз ифодасини топган. Шу бўулимда яна муҳим мавзулардан бири тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўловга лаёқатлиги, банкнинг ликвидлигига таъсир қилувчи омиллар каби масалалар ҳам ёритилган.

Китобнинг учинчи кисми тижорат банклари бажарадиган операциялар ва кўрсатадиган хизматларга бағишлиланган бўлиб, тижорат банкларининг пассив ва актив операциялари, мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда қулланиладиган молиявий коэффициентлар, қисқа муддатли кредитлаш асослари алоҳида кредит турлари ва уларни қўллаш имкониятлари, банклар томонидан берилган кредитларнинг таъминланганлиги, таъминланганлик турлари баён қилинган.

Мазкур бўлимда кредит шартнома, унинг бажарилиши, тижорат банкларининг лизинг, факторинг, форфейтинг операциялари кўриб чиқилган.

Бу бўлимнинг яна бир хусусиятли томони шундаки, унда шу кун иқтисодиётининг долзарб соҳаси бўлган кичик ва урта бизнес субъектлари фаолияти ва уларни кредитлаш асосларининг берилганлигидир.

Бу бўлимда яна тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари, банкларнинг фоиз сиёсати, банк рисклари ва уларни бошқариш масалалари, банкларнинг янги инновацион технологиялари ва хизматлари билан боғлиқ мавзулар ёритилган.

“Банк иши” дарслиги республикада яратилган илк дарслик бўлиб унда маҳаллий иқтисодиёт ва банкларимиз фаолиятининг баён қилиниши билан биргалиқда хорижий банклар амалиёти, уларнинг хусусиятли ва фарқли томонлари ҳам кўриб ўтилган, банк амалиётида мавжуд баъзи муаммолар тўғрисида ҳам фикр юритилган. Китобда ҳар бир мавзунинг охирида талабалар билимини мустаҳкамлаш учун “таянч сўзлар” ва ўз билмини текшириш бўйича саволлар тавсия қилинган. Қўйилган саволларга тўлиқ жавоб бера олиши имкониятидан ташқари баъзи мавзулар бўйича талабаларга мавзу бўйича, ёки унда қўйилган муаммони ўрганмай ўз мустақил фикрини баён қилишга имкон берувчи эсселар ёзиши, ёзма хуносалар ва бошқалар ёзиш вазифаси юклатилади.

«Банк иши» фани тўлиқ ҳажмда Давлат таълим стандартининг «Банк иши» таълим йўналишида ўқитилади. Бу фан ўқув жараёнининг VI, VII, VIII семестраларида ўқитилади. Ўқиш жараёни маъруза, амалий дарслардан ташқари иш ўйинлари, аниқ масалалар ечиш, амалий ҳолат ва масалаларни муҳокама қилишни ўз ичига олади.

Мазкур фан бўйича келгуси банкирлар битирав амалиёт ўтайдилар ва курс иши, фанни ўрганишнинг охирида битирав малакавий ишини тайёрлайдилар.

Мазкур дарслиқдан нафақат келгуси банкирлар, балки молия бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналиши битиравчилари, магистралар ва аспирантлар ҳамда банк ходимлари, фойдаланишлари мумкин.

Дарслиқдан кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлашни ташкил қилишда фойдаланиш мумкин.

Дарсликни тайёрлашда мавзунинг назарий томони билан бирга банклар ва мижозларнинг амалий материаллардан, банк амалиётида фойдаланилдиган меъёрий хужжатлардан кенг фойдаланилган.

Дарсликда республикада банк ишини ташкил қилишнинг асосий йўналишлари билан биргаликда алоҳида мавзулар бўйича амалий материаллар, банк ишининг муҳим терминларнинг изоҳли луғати келтирилган банк амалиёти ҳам баён қилинган.

Мазкур дарсликни яратишда Тошкент Молия Институти «Банк иши» кафедраси мудири и.ф.д., проф. Ш. З. Абдуллаева, раҳбарилигидаги муаллифлар жамоаси жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси муовини и.ф.д., проф. А. К. Қодиров, Ўзбекистон Республикаси Акционер Тижорат «Тадбиркор банки» раиси муовини и.ф.н., проф. Т. М. Қоралиев, Минтақавий Банк Ўқув Маркази директори и.ф.н., доц. З. А. Холмахмодов, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк Ўқув Маркази директори С. Х. Норқобилов, ЎзДЭУ банк ходими и.ф.н О. Ф. Абдусалямова, «Банк иши» кафедраси ўқитувчиларидан и.ф.н., доц. С. Ю. Арзуманян, и.ф.н., доц. И. А. Муругова, доц. К. Н. Наврузовалар иштирок қилишган.

Муаллифлар жамоаси Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети «Халқаро молия ва банк иши» кафедраси аъзолари ва унинг мудири и.ф.д.,

проф. Ў. Рашидовга, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк раиси муовини и.ф.н. Ш. М. Тошмуродовга, и.ф.д., проф. А. В. Ваҳобовга, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси профессори, и.ф.д., проф. Т. С. Маликовга мазкур китобга тақриз берганлиги учун миннатдорчилик билдиради.

Дарслик бўйича фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, Тошкент-84, X.Асомов кўчаси, 7 уй. «Банк иши» кафедрасига юборишингиз мумкин.


Сизнинг фикрларингиз мазкур дарсликни қайта нашр қилишда, унинг сифатини яхшилашга ёрдам беради деган умиддамиз.

I-БҮЛИМ. БАНКЛАР ВА БАНК ТИЗИМИ

I-БОБ. БАНКЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ТИЗИМИ

1-§. Банк ва банк тизимининг ривожланиши босқичлари

Дастлабки банклар қачон ва қандай пайдо бўлганлигини аниқлаш анча қийинчилик туғдиради. Гап шундаки, ҳозирги даврда банклар фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб турлича бўлган операцияларни бажарувчи универсал молиявий ташкилотларни ўзида намоён қилади. Масалан, биринчи даражали тоифага киравчи чет эл банклари ўз мижозларига 300 дан ортиқ турли хил хизматларни кўрсатадилар. Бу операцияларнинг ва хизматларнинг барчаси бир вақт ва бир жойда пайдо бўлмаганлиги сабабли ҳам банк ишининг “бошлангич” нуқтасини аниқлаш аниқ тадқиқодлар олиб боришни ва улар асосида маълум бир фикрларни мужассамлаштиришни талаб қилади. Банкларнинг пайдо бўлиши тарихи бўйича баъзи бир фикрлар тўғрисида сиз тушунчага эгасиз. Банк иши ривожланишини банкнинг алоҳида операциялари миқёсида кўриб чиқадиган бўлсак, банк ишининг тарихий ривожланиши қўйидагича борганини кўришимиз мумкин:



Банклар фаолиятининг энг “қадимги” операциялари бўлиб, пулларни сақлаб бериш бўйича операциялар ҳисобланади. Маълумки, энг қадимги давлатларда ҳам омонатларни қабул қилиш операциялари мавжуд бўлган. Илк бор бундай иш билан маълум обрўга ва ишончга эга бўлган пулдор шахслар, Европа мамлакатларида черков муассасалари шуғулланганлар. Масалан, тарихан машҳур грек эхромлари (масалан, Дельфия, Эфес эхромлари) бир пайтнинг ўзида ўзига хос банк муассасалари бўлиб хизмат қилишган. Йиллар ўтиши билан ўша қадимги даврлардан бошлаб айrim ҳолларда қўйилган пул ёки мулк бўйича фоизлар ҳам ҳисобланган. Банкларнинг келиб чиқишига бағишлиланган мавжуд адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, банкларнинг пайдо бўлишининг асосий ёки бошланғич замини биринчидан, пул маблағларини сақлаб бериш бўлса, иккинчидан, пул маблағларини алмаштириб беришдан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

Пул айирбошлаш бўйича эҳтиёж алоҳида пайдо бўлган. Бунда Европани ёрқин мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ўрта асрларда тангаларнинг ягона тизими мавжуд бўлмаган. Савдо турли мамлакатлар, шаҳарлар, ҳатто алоҳида шахсларнинг тангалари орқали олиб борилган. Барча тангалар турли вазн, шакл ва номиналга эга эдилар. Шунинг учун тангалар билан шуғулланувчи ва

айирбошлашни олиб бора оладиган мутахассислар ўз айирбошлаш столлари билан қизгин савдо кетаётган жойларга жойлашишган. Шу боис, “банк” сўзи итальянча “banco” - айирбошловчининг олдидаги стол деган маънони англатувчи сўздан келиб чиқсан. Бунга ўхшаш операциялар бундан анча аввалги даврларда қадимги Греция, Рим, Шарқда амалга оширилар эди.

Пулни сақлаш ва айирбошлаш бўйича операциялар билан шуғулланувчи шахслар йиғилган бойликлар-пуллар самарасиз, ҳаракатсиз ётганини тушунишар ва агар мавжуд маблағларнинг хеч бўлмагандан бир қисмини бўлса ҳам вактинчалик фойдаланишга берилса, сезиларли фойда олиш мумкинлигини билишар эди. Шундай қилиб, асосида пулларни маълум муддатга қайтариш ва фоиз тўлаш шартлари билан бериш ётган ссуда (кредит) операциялари пайдо бўлган. Бунда гаров сифатида уйлар, кемалар, қимматбаҳо буюмлар, чорва моллари, қуллар қабул қилинган.

Бир банкир, аниқроғи пулни сақлаб берувчи хизматларидан бир-бири билан ўзаро хисоб-китоблар билан боғланган бир неча шахслар фойдаланиш мумкин бўлгани учун, аста-секин мижозларга ҳисоб-китоб хизматини кўрсатиш операцияларига эҳтиёж пайдо бўла бошлади. Даставвал улар қўйидагича амалга оширилар эди. Ҳар бир омонатчи пулни сақлаб берувчида унинг исми ёзилган жадвал шаклидаги ўз ҳисоб варақасига эга бўлган. Бу жадвалда пулларнинг ҳаракати (кирим ёки чиқим) акс эттирилар эди. Бутун операцияни пулни сақлаб берувчи-банкир омонатчининг оғзаки ёки ёзма буйруғи билан амалга оширар эди. Бунда мос ўзгаришлар ўзаро хисоб китобларда иштирок этувчи шахслар жадвалларида киритилар эди. Бу энг содда хизматлар нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг дастлабки шаклларини ташкил қилган.

Барча юқоридаги операциялар дастлаб алоҳида мавжуд бўлган ва кейинчалик улар биз банк деб номлашга одатланган бир хил ташкилотлар чегараларида бирлашганлар. Ғарбий Европада оддий айирбошлаш идораларидан банк уйларига ўтиш жараёни 16-17 асрларда рўй берди.

Кўпчилик иқтисодчилар банк моҳиятини ссуда (кредит) операцияларида кўришга мойилдирлар.


Шуни ҳисобга олиш керакки, ҳар бир давлатда банк фаолиятининг қонуний тарифларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шундай қилиб, банк ишининг асрлик анъаналарига эга Англияда 1979 йилда банклар тўғрисида янги қонун қабул қилинди. Унда “банк” атамасининг таърифига алоҳида эътибор берилган. Британиялик қонун чиқарувчилар банк таърифини анча соддалаштирганлар, яъни улар банк деганда Англия Давлат Банки банк деб тан олган ҳар қандай компания тушунилиши мумкинлигини қайд этганлар. Тўғри, ўз навбатида Англия Банки Жаҳон тажрибаси нуқтаи назаридан умум тан олинган банк хусусиятларига эга бўлган мезонларни ўрнатган. Хусусан, банк мақомига даъво қилувчи компания омонатлар қабул қилаётгани, кредитлар берәётгани, экспорт-импорт молия операцияларини амалга ошираётганлиги, валюта айирбошлаётганлиги, инвестицион хизмат кўрсатаётганлиги ва молия билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳатлар берәётганлигини исбот қилишлари ҳам керак.

Узоқ йиллар давомида жамиятнинг ривожланиши ва унга мос товар-пул муносабатларининг ўсиб, такомиллашиб бориши банкларнинг операциялари ва кўрсатадиган хизматлари кўламининг кенгайиб боришига, жамият аъзоларининг пулга бўлган талабининг ошиб боришига олиб келган. Давлат, жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатини мувофиқликда олиб бориш, давлат ва жамият аъзоларининг пул маблағларига бўлган талабларини қондирган ҳолда давлатнинг иқтисодий жиҳатдан ўсиши ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида банклар ўртасида улар бажарадиган функция ва операциялар кўлами тақсимлана борган, яъни давлат номидан, давлат манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда фаолият кўрсатувчи банклар ва алоҳида жамият аъзолари билан ишловчи банклар ёки юқоридаги икки йўналишни ҳам ўзида мужассамлаштирган банклар (охиригисига Собиқ Советлар давридаги Давлат банкини киритиш мумкин) шакллана борган.

Хозирги замонда жаҳонда умум қабул қилинган тизим бўлиб, икки поғонали банк тизими хизмат қиласи ва у давлат Марказий банки ва тижорат банклари тармоғини ўз ичига олади.

1-чизма

Жаҳонда умумқабул қилинган банк тизими



Марказий Банк банкларнинг банки сифатида банк ва молия муассасалари фаолиятининг барқарорлигини таъминлайди. Биринчи навбатда, у кўпчилик молия институтлари, банкларнинг фаолиятида молиявий жиҳатдан муаммолар юзага келганида, банклар омонатчилар олдидағи ўз мажбуриятларини бажара олмай қолган ҳолда молиявий саросима пайдо бўлишининг олдини олиши керак. Бу масалани ҳал қилиш учун Марказий банк, аввало, тартибга солиш ва назорат қилиш функцияларини иккинчи поғона - тижорат банклари тизимига нисбатан бажаради. Марказий банк мажбуриятига тижорат банкларининг ҳар кунлик фаолиятига аралashiш кирмайди. Марказий банк тижорат банкларнинг меъёрий бошқарилиши, уларнинг тўловга қобилиятлилиги ва ликвидлилигини таъминланишини кузатиб бориши ва омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиши керак. Буларнинг барчаси назорат меъёрлари тизими ёрдамида амалга оширилиб тижорат банклари поғонасига етказилади.

Марказий банк пул сиёсатини ўтказиш йўли билан муомаладаги пул массаси устидан назоратни амалга оширади ва инфляция, ишсизликнинг паст даражасини таъминлаш ва иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиши керак. Бунда Марказий Банк эмиссион банк вазифасини бажаради, яъни муомалага пул белгиларини чиқариш ва уларни муомаладан олиш ҳукуқига эга бўлади.

Марказий банк яна тижорат банклари ўртасидаги ҳисоб-китобларни олиб боришига имконият яратади.

Банк тизимининг иккинчи поғонаси - бу халқ хўжалиги ва ахолига хизмат кўрсатишида бош бўғин бўлган мустақил тижорат банкларнинг тармоғидир. Улар юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида турли ҳисоб-китоб ва кредит операцияларни амалга ошириш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда бошқа

турли банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ операцияларни амалга оширадилар.

Ҳар бир мамлакатда тижорат банкларининг сони турлича бўлиши мумкин. Масалан, Швецияда Давлат банки 40га яқин тижорат банки фаолиятини назорат қиласди, холос, АҚШ да 13 мингга яқин тижорат банклари мавжуд, Швейцарияда эса ҳар 10 минг аҳолига биттадан молия муассасаси тўғри келади. Россияда 1995 йил бошига келиб, Россия Марказий банки томонидан банк операцияларини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган 2486 та тижорат банки қайд қилинган.

Банк тизимининг ривожланиш тарихига чукур ургу бермасдан, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин ташкил қилинган ва такомиллашиб бораётган банк тизими тўғрисида тўхталсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

1991 йилнинг 1 сентябрида Республикамиз мустақиллигининг эълон қилиниши бутун дунё мамлакатлари томонидан тан олинган бозор иқтисодиёти дастакларини бизнинг республикамизга ҳам кириб келишига замин яратди. Шунинг учун ҳам республикамиздаги бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи замонавий банк тизимини яратиш зарурияти туғилди.

Мустақилликка эришилгунга қадар Ўзбекистон банк муассасалари собиқ Иттифоқ банк тизими таркибий қисмига кирав эди. Шу билан бирга бу банклар собиқ “Иттифоқ” банк тизими доирасидан ташқарида фаолият кўрсата олмасдилар. Банк тизими 3 турдаги банкларни: СССР Давлат банки, СССР қурилиш банки ва СССР Ташқи савдо банкини ва Давлат Мехнат омонат-жамғарма кассаларини ўзига оларди. Собиқ Иттифоқ банк тизимида Давлат банки монопол мавқега эга бўлиб, у бир вақтнинг ўзида эмиссия институти, қисқа муддатли кредитлаштириш, хўжаликларга ҳисоб-китоб операциялари бўйича хизмат кўрсатувчи марказ ҳисобланарди. Ҳам эмиссия функцияларини, ҳам ҳисоб-китоблар ва кредитлар бўйича мижозларга хизмат кўрсатиш функцияларини бажаришга монополлашуви Давлат банкини давлат бошқарув ва назорат органига айлантирган эди.

Маъмурий буйруқбозлик даврида кредит муносабатлари иқтисодиётни бошқаришда шаклан юзаки характерга эга эди. Кредит ресурслари ва пул ресурслари ҳаракатини ҳам бошқариш, ҳам назорат қилиш давлат банкининг монопол таъсири остида эди. Булар ўз навбатида собиқ “Иттифоқ” банк тизимининг тор доирада ривожланишига олиб келди. Марказлаштирилган банк бошқаруви асосида фаолият кўрсатган республика банклари тор диорада пул ресурслари ҳаракатини бошқарар, лекин уни бошқарувчилигини назорат қилиш собиқ “Иттифоқ” Давлат банки қўлида эди.

Иқтисодиётни бошқаришнинг марказлаштирилган усулидан воз кечиши ва бозор иқтисодиёти томон дастлабки қадамлар қўйилиши биланоқ марказлаштирилган банк тизимининг қатор камчиликлари рўёбга чиқди. Бу эса, банк тизимида туб ўзгаришларни амалга оширишни талаб этарди.

Банк тизимини қайтадан ташкил этиш 1987 йилда бошланди. Бу жараёнда банк тизимининг ташкилий тузилмасини ўзгартириш, банкларнинг ролини ошириш,

иқтисодий тизимнинг ривожланишига уларнинг таъсирини кучайтириш, кредитни ҳаракатдаги иқтисодий дастакларга айлантириш кўзда тутилганди.

Қайта ташкил этиш жараёнининг биринчи босқичи давлат банкининг янги тузилмасини ташкил этиш билан бошланди. Қайта ташкил этиш модели қўйидагиларни ўз ичига олади:

- икки босқичли банк тизими니 вужудга келтириш: Марказий эмиссион банк ва бевосита хўжаликларга хизмат қўрсатувчи ихтисослашган давлат банклари;

- ихтисослаштирилган банкларни тўлалигича хўжалик ҳисобига ва ўз-ўзини молиялашга ўтказиш;

- иқтисодий тизим доирасида юридик ва жисмоний шахслар билан бўладиган кредит муносабатлари услублари ва шаклларини такомиллаштириш ва бошқалар.

Банк тизимини такомиллаштириш жараёни давомида давлат банки ўзининг кредит тизимидағи марказий ўрнини сақлаб қолган ҳолда корхона ва ташкилотларга кредит бериш ва улар билан ҳисоб-китобларни олиб бориш функциясини маҳсус ихтисослашган банкларга топширди. Яъни банкнинг эмиссион фаолиятини кредитлаш фаолияти билан бирга олиб бориш функциясига чек қўйилади. Давлат банки ихтисослашган банклар фаолиятини бошқарувчи, барча банклар учун бир хил пул- кредит сиёсатини олиб борувчи муассасага айланди. Банк тизимининг такомиллаштирилиши натижасида вужудга келган маҳсус ихтисослашган банклар: Саноат қурилиши банки, Коммунал қурилиш ва социал тараққиёт банки, Агросаноат банки, Ташқи иқтисодий фаолият банки, Жамғарма банки тошкил қилиниб хўжаликлар билан банклар ўртасидаги алоқалари тобора яқинлаштирилди, Ихтисослаштирилган давлат банклари ўзларида маълум даражада бошқарувчилик ролини сақлаб қолдилар. Банк тизимини такомиллаштириш жараёнида жуда муҳим натижаларга эришилди, лекин ташкил қилинган банклар иқтисодий муносабатларнинг хусусиятларини тўлиқ ифода қилолмасди, шунинг учун ҳам банк тизимини янада такомиллаштириш объектив заруриятга айланди.

1988 йилдан бошлаб, икки босқичли банк тизими ташкил этила бошланди. Лекин бу даврда, марказлаштирилган режалашда Марказий банкнинг роли ҳали ҳам юқори, соҳаларнинг деярли ҳамма қисми давлат тасарруфида эди.

Ўзбекистон Республикасида икки босқичли банк тизимини ташкил этишга реал асос 1991 йил 15 февралда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги” қонуни асосида юзага келди. Бу қонунга асосан давлат бошқарув органлари республика Марказий банки фаолиятига аралашмасликлари керак эди. У фақат Республика Олий мажлисига ҳисбот беради. Бу қонунни амалга тадбиқ этиш, асосан, Республикамиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг бошланди.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич йўлини танлаганлиги боис, 1-босқичдаги кредит-пул сиёсати соҳасидаги асосий вазифалар қўйидагилардан иборат қилиб қўйилди:

-Марказий банк бошчилигига кенг тармоқли мустақил тижорат ва хусусий банкларни ўзида мужассамлаштирган икки босқичли банк тизимини вужудга

келтириш, республика худудида йирик чет эл банкларининг бўлимлари ва ваколатхоналарини очиш учун қулай шароит яратиш;

-барқарор пул муомаласини таъминлаш;

-кредит ва нақд пул массасининг асоссиз ўсишини кескин чеклаш;

-Ўзбекистон Республикасининг миллий пулини муомалага киритиш учун зарур иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар, ҳамда имкониятларини яратиш ва бошқалар.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда Мустақил банк тизимини яратишнинг **биринчи босқичи**, миллий валютани муомалага киритиш учун асос яратилган ва икки поғонали банк тизимининг пойdevori қурилган 1991 йилдан 1994 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда мамлакатимизнинг мустақил банк тизимини яратиш бўйича олиб бориладиган тадбирлар 1991 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» Қонуни асосида амалга оширилди. Мазкур қонун бозор муносабатларига ўтиш даври вазифаларига мос келувчи банк муассасалари шаклланишини хуқуқий асосларини белгилаб берди.

Ушбу қонунга мувофиқ, Собиқ ССРР Давлат банкининг республика муассасаси асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тузилди ва унга республикада пул муомаласини тартибга солиш, тижорат банклари тизимини вужудга келтириш ва тўлов тизимини ташкил этиш вазифалари юклатилди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларини кредитлаш ва уларни инвестициялаш функциялари янгидан ташкил қилинган ихтисослаштирилган тижорат банкларига берилди.

Мустақил пул ва банк тизимини яратишнинг **иккинчи босқичи** миллий валюта муомалага киритилган ва икки поғонали банк тизимининг хуқуқий асослари яратилган 1994-1996 йилларни ўз ичига олади. 1994 йилда Миллий валюта сўмнинг муомалага киритилиши мамлакатимизда мустақил пул ва банк тизими шаклланишининг соф босқичи ҳисобланиб, бу босқичда банклар олдида турган вазифаларга янада аниқлик киритилди. Бу даврда Марказий банк асосий эътиборини макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ва шу асосда иқтисодий ўсиш учун қулай шароитлар яратишга қаратди, мамлакатда сифат жиҳатидан бутунлай янги тўлов тизимини яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Ихтисослашган тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришда Вазирлар Махкамасининг «Банк тизимини такомиллаштириш ва пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида» ги 1994 йил 18 мартағи қарори муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда банкларнинг ахборот инфратузулмасини тузиш ва халқаро банк амалиётининг илғор усусларини республика банк амалиётига қўллаш орқали банк тизимини такомиллаштира бориши бўйича йўл-йўриқлар белгилаб берилди. 1994 йилдан бошлаб янги бухгалтерия ҳисоби тизимини ишлаб чиқиш ва уларни банкларга тадбик қилиш жараёни бошланди.

1996 йилда Республика Президентининг «Банк аудити тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонига асосан банк тизимида бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларини жорий қилиш

жараёни янада такомиллаштирилди ва жаҳоннинг нуфузли аудиторлик компанияларидан «Артур Андерсен», «Делойт энд туш», «Кей Пи Эм Жи-(KPMG)», «Эрнест энд Янг», «Куперс энд Лайбранд» кабилар етакчи тижорат банклари фаолиятини аудит қилишга таклиф қилинди. Банк тизимини ривожлантиришнинг яна бир хусусиятли томони шундаки, банк тизимининг хуқуқий асосларини мустахкамлаш ва замон талабларига мослаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларнинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

1995 йил 21 декабрда банк фаолиятининг хуқуқий ва меъёрий тартибга солиш қоидаларини белгиловчи «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ва 1996 йил 25 апрелда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши банк тизимини жаҳон андозаларига яқинлаштириш соҳасида мустаҳкам қонуний пойдевор яратди.

Банк тизимини шакллантирищнинг **учинчи босқичи** 1997-2000 йилларни ўз ичига олиб, у босқичнинг асосий хусусияти банкларни хусусийлаштириш ва акциядорлик –тижорат банкларда бошқарувнинг сифатини ошириш банклар фаолиятида назоратни кучайтиришдан иборат.

Бу жараён Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банклари ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилиниши билан янада фаоллашади. Мазкур Фармонга кўра, низом жамғармасида жисмоний шахсларнинг улуши 50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда тижорат банкларини очиш учун бир қатор имтиёзлар белгиланган эди. Натижада сўнгги йиллар ичida хусусий банкларнинг сони кескин кўпайиб, банк операцияларини амалга ошириш учун дастлабки рухсат берилганлари билан қўшиб ҳисоблагандага 20 тага етди. Ҳозирги пайтда республикада фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг деярли ярми хусусий банклар ҳисобланади.

Банк тизимида хусусий капитални жалб этиш билан бирга, банкларни корпоратив бошқариш тизимини янада мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар ҳам амалга оширилди. Хусусан бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик тижорат банкларини фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1998 йил 2 октябрдаги Фармонининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур Фармон тижорат банкларини бошқаришда акциядорларнинг ва банк кенгашининг ролини оширишга доир чора-тадбирлар мажмуини белгилаб берди.

Ушбу фармон асосида амалга оширилган ислоҳатлар натижасида мамлакатимизда ҳар томонлама мустаҳкам банк тизими, халқаро андозаларга мос келувчи замонавий банк назорати ва банклар фаолиятни тартибга солишнинг самарали механизми яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1999 йил 15 январдаги қарорига асосан банк тизимини барқарорлигини сафарбар этиш, иқтисодиётни кредит билан таъминлашда банкларнинг иштирокини кенгайтириш, банк хизматлари соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида вазифалар белгилаб

берилди. 1991-2000 йиллар мобайнида юзага келтирилган банк тизимини янада халқаро андозаларга яқинлаштириш мақсадида банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирларининг бошланиши банк тизими ривожланишининг **тўртинчи босқичи** бошланганлигини кўрсатади. Бу босқич Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2000 йил 21 мартағи фармони ва Вазирлар Маҳкамасиниг «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2000 йил 24 мартағи Қарори қабул қилиниши билан бошланди.

Бу ҳужжатларга асосан қўйидагилар **бу босқичнинг асосий вазифалари** қилиб белгиланди:

-банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, тижорат банклари мустақиллигини ошириш;

-банк тизими ва унинг бўғинлари ривожланишини рағбатлантириш;

-бўш турган маблағларни банкка жалб қилиш ва омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш;

-банкларнинг иқтисодиётни аниқ секторида ишлаётган корхоналарни, ҳусусан дехқон, фермер хўжаликларини ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш жараёнини кенгайтириш;

-банкларни инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларига айлантириш;

-банкларнинг мижозлар билан ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини шакллантириш;

-аҳолининг банк-молия тизимига бўлган ишончини ошириш;

-хорижий банклар ва бошқа молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, валюта муносабатларини эркинлаштириш ва кенгайтириш каби вазифалар белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошлиғида **37 тижорат банкларини** (1-иловага қаранг) ўз ичига олувчи банк тизими юқорида белгиланган вазифаларни амалга ошириб, бозор ислоҳатларининг фаол қатнашчилари сифатида фаолият олиб бормоқда.

2-ѓ. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мақсади ва фаолияти асослари

Марказий банк банк тизимининг бош банки бўлиб, пул-кредит сиёсатини, эмиссия жараёнларини олиб боради ва миллий пулнинг барқарорлигини таъминловчи муассасадир. 1995 йил 21 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ги Қонуни қабул қилинди.

Марказий банк мақоми ва мақсадлари «Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида белгиланган: «Ўзбекистон Республикаси **Марказий Банки юридик шахс** бўлиб, фақат давлат мулки ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки - иқтисодий жиҳатдан мустақил муассаса, ўз ҳаражатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга.»

Қонуннинг 3-моддасида «Марказий банкининг **бош мақсади** миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат» деб қайд қилинади. Нархларнинг барқарорлигини таъминлаш ва миллий пул бирлигини хорижий валюта бозорларида айирбошлиш курсининг барқарор бўлишига эришишни кўзда тутувчи бу мақсад давлатнинг иқтисодий сиёсатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўрини жуда муҳим эканлигини белгилайди.

Мамлакатда пул муомаласи самарали бўлиши ва молия муассасалари фаолиятининг ишончлилиги пул-кредит ҳамда валюта сиёсати стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишдаги унинг мустақиллигини хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарурлигини тақозо этади. Мамлакат халқ хўжалигини кредитлаш кўрсаткичларини тижорат банкларини қайта молиялашга доир кредит ҳажмларини ва фоиз ставкаларини белгилаш йўли билан тартибга солиш, валюта-кредит сиёсатини амалга ошириш, тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мустақил сиёсати соҳаси бўлиб ҳисобланади. Мустақил сиёсат эса пул ва валюта бозорида юзага келаётган вазиятни, ички бозордаги макроиктисодий шарт-шароитни, ташқи омилларни таҳлил қилиш асосида амалга оширади. Бу ҳолат Қонуннинг 6-моддасида «Марказий банк ўз ваколатлари доирасида қарор қабул қилишда мустақилдир» деб тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот беради. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсияси билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисини тайинлади ва лавозимидан озод қиласди.

Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки юридик шахс сифатида қўчмас мулк ва молиявий ресурсларга эгалик қиласди. Бу ҳол унинг молиявий мустақиллигини мустаҳкамлайди ва мустақил пул-кредит сиёсатини самарали ўтказиш имкониятини беради.

Нархларга ва айирбошлиш курсларига таъсир кўрсатадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бевосита назорати ва таъсирида бўлмаган турли омиллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий мақсадига эришишини мураккаблаштириши мумкин. Шунга қарамай, чет эл

тажрибаси кўрсатадики, айнан Марказий банк макроиктисодий жараёнларнинг ривожланиш йўналишини, биринчи галда, пулнинг қадрсизланиш суръатини ва валюта курсини белгилашни идора қиласди.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ваколатлар бериш билан бир қаторда, унинг учун таъқиқланган фаолият турлари ҳам аниқ белгилаб берилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тижорат фаолияти билан шугулланиш, муассаса ёки ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш таъқиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига корхона ва ташкилотлар фаолиятида банк ҳамда юридик шахслар сифатида иштирок қилишга рухсат этилмайди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ўз ваколатларидан фойдаланишда барча юридик шахсларни баравар қўриши лозим.

3-§. Марказий банкнинг асосий вазифалари, функциялари ва операциялари.

Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қатор муҳим вазифаларни ҳал этади. Улардан энг **асосий вазифалар** сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:


- монетар сиёсатни ва валютани бошқариш сиёсатини шакллантириш, қабул қилиш ҳамда амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини яратиш;
- банклар фаолиятини тартибга солиш ва банкларни назорат қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта захирасини сақлаш ва уни бошқариш;
- Молия вазирлиги билан биргаликда давлат бюджетининг касса ижросини ўюштириш.

Мазкур вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қўйидаги юмушларни адо этиши зарур.

Иқтисодиётни пул-кредит воситасида бошқариш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатини амалга оширувчи сифатида унинг асосий йўналашларини ишлаб чиқариш ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ кейинги молия йили бошланишига узоғи билан 30 кун қолганда бу ҳақда Олий Мажлисга ахборот беради. Марказий банк пул таклифи ҳажмини ўзгартириб, ишлаб-чиқарishнинг умумий ҳажмига, бандлик даражасига ва корхоналар фаолиятининг ўсиш суръатларига таъсир кўрсатади. Иқтисодиётдаги танглик даврида пул таклифи ҳажмининг оширилиши истеъмол ва сармояга бўлган талабнинг ўсишига, бинобарин, бандлик, ишлаб чиқариш ҳажми ортишига ёрдам беради. Пул юқори суръатларда қадрсизланаётган шароитда Марказий банк уларни секинлаштириш зарурлигидан келиб чиқиб муомаладаги пул миқдорини чеклаш сиёсатини ўтказади, натижада иқтисодиётда унга бўлган талаб камаяди, пул бозорларидағи фоиз ставкалари ўзгаради, пулнинг қадрсизланиши камаяди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсатининг асосий йўналишлари, пул массаси ўзгаришининг аниқ мақсадли мўлжаллари ва пул муомаласини тартибга солиш воситалари қонуннинг 4-қисмида ёритилган бўлиб, унда Марказий банкнинг пул-кредит операциялари белгилаб берилган. Схема тариқасида пул-кредит сиёсатининг стратегик мақсадларини қўйидагича ифодалаш мумкин. (2-чизма).

Пул-кредит сиёсатининг стратегик мақсадлари



У ерда кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларини бир йилга ишлаб чиқади ва улар Олий Мажлис томонидан тасдиқлангандан сўнг у мукаммал дастур сифатида қабул қилинади. Бу дастур иқтисодий вазиятни таҳлил қилиш ва олдиндан айтишни, пул миқдорининг йиллик ўстириш суръатларининг мақсадли кўрсаткичларини, кредит, фоиз ва валюта сиёсатини амалга ошириш йўналишларини ўз ичига олади. Умумий иқтисодий таҳлилнинг зарурлигига сабаб шуки, монетар сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш барча муҳим макроиқтисодий ҳодисалар; пулнинг қадрсизланиши, миллий ишлаб чиқаришнинг умумий қисми ва меҳнат ресурсларининг бандлиги, тўлов баланси билан чамбарчас боғланган. Пул муомаласини бошқариб бориш воситаларини қўйидаги чизмадан кўриш мумкин.



Ундан ташқари Марказий банк фоиз (дисконт) сиёсатини, таргетлаш ва бошқа усуллардан фойдаланиб пул массасини бошқариб бориши мумкин.

Муомаладаги пул массасининг ҳажмини, банкларнинг ликвидлигини мувофиқлаштириш ва инфляция суръатларини тушириш мақсадида Марказий банк тижорат банклари учун мажбурий резервлар меъёрини ўрнатиб бериш сиёсатини амалга оширади. Минимал заҳиралар бу тижорат банклари ресурсларининг марказий банкда мажбурий сақланиши зарур бўлган қисмидир. Мажбурий резерв миқдори тижорат банкининг йифилган ресурсларига нисбатан фоизда белгиланади. Бу заҳира бевосита банкларнинг кредитлаш имкониятини чегараласа-да, уларнинг минимал ликвидлигини таъминлаш омили бўлиши мумкин. Мажбурий заҳира меъёри ҳозирги кунда Ўзбекистонда 20 фоизни ташкил қиласди. Марказий банк томонидан заҳира миқдори баъзи бир омилларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилиши мумкин, у омонатларнинг ҳажми, тури, муддатига, банкларнинг бошқа мажбуриятларига боғлик бўлади. Банклар Марказий банкда мажбурий заҳираларни депонентлаш тартибига риоя қилиниши учун жавобгардир. «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда Мажбурий заҳираларни депонентлаш тартиби тўғрисида»ги низомда белгиланган мажбурий заҳираларни депонентлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият қўрсатаётган барча банклар учун тааллуқлидир. Мажбурий резервлар Марказий банкда нақд пул ёки омонатлар қўринишида, Марказий банк белгилайдиган тартибда депозитга ўтказилади. Мажбурий резерв талабларининг меъёрлари ёки таркиби белгилангани ёки ўзгартирилгани тўғрисидаги қўрсатмаларда камидан бир ойлик муддат қўрсатилади, резервларнинг таркиби ёки миқдорига доир янги меъёрларни банклар ана шу муддатгача бажаришлари шарт. Марказий банк мажбурий резервлар бўйича фоизларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қиласди. Заҳира талабларини ҳисоб-китоб қилишда чет эл валютасидаги маблағлар, жисмоний шахслар депозитлари, депозит ва жамғарма сертификатлари, ипотека облигациялари чиқариш йўли билан жалб этилган маблағлар ҳисобга олинмайди. Мажбурий заҳираларни депонентлаш банк вакиллик ҳисобварагидан пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Мажбурий заҳираларни турли фойда келтирувчи активлар билан қоплашга руҳсат этилмайди. Банк мажбурий резерв талабларининг энг кам миқдорини сақлаб турли тўғрисидаги 28-модда қоидаларини бажармаган тақдирда Марказий банк қатъий тартибда бу банкдан етишмаётган маблағ суммасини, шунингдек, қайта молиявий таъминлашнинг икки ставкасидан ошмайдиган миқдорда жарима ундириб олади.

Марказий банкнинг ҳисоб (дисконт) сиёсатининг моҳияти шундаки, у тижорат банклардан векселларни сотиб олади. Мисол учун, мол сотиб оловчи корхонанинг етказиб берилган молларининг ҳақини тўлаш учун маблағи етарли бўлмаса, у товар учун тўловни маълум вақт ўтгандан кейин амалга ошириши тўғрисида вексель бериши мумкин. Мол сотувчи корхонага пул маблағлари зарур бўлган вақтда у векселни тижорат банкига сотиши мумкин. Тижорат банки векселни сотиб олганда унда қўрсатилган суммадан кам суммага сотиб олади. Зарур бўлганда тижорат банки векселни Марказий банкда

ҳисобга қўйиши мумкин. Бу ҳолда Марказий банк ҳам ўз фойдасига маълум фоиз-ҳисоб ставкасини ушлаб қолиши мумкин. Тижорат банклари векселларни сотиб олишда Марказий банкнинг ҳисоб ставкасига таянадилар. Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси тижорат банклари ўрнатадиган ҳисоб ставканинг энг паст чегараси ҳисобланади. Одатда тижорат банкларининг ҳисоб ставкаси Марказий банкнинг ҳисоб ставкасидан юқори бўлади.

Марказий банкнинг тижорат банкларини қайта молиялаштириш сиёсати бу тўғридан-тўғри кредитлаш, векселларни ҳисобга олиш, қимматбаҳо қофозларни гаровга олган ҳолда кредитлар бериш ва кредит аукционларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Бундан келиб чиқсан ҳолда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш операцияси қуйидаги усуулларда олиб борилиши мумкин:

-тижорат банкларининг ихтиёридаги векселарни ҳисобга олиш йўли билан кредитлаш;

-тижорат банклари ихтиёридаги қимматбаҳо қофозларни гаровга олиш йўли билан кредитлар бериш. Бундай кредитлар ломбард кредитлар дейилади.

-тўғридан-тўғри кредит бериш усули.

Кредит ташкилотлари фаолиятида молиявий қийинчиликлар бўлган ҳолларда улар Марказий банкка кредит олиш учун мурожаат қилиши ва Марказий банк кредитидан фойдаланиши мумкин. Ремолиялаштиришнинг асосий мақсади, пул муомаласи ва кредит муносабатларининг ҳолатига таъсир кўрсатишдан иборат. Ремолиялаштириш сиёсатини олиб бора туриб, Марказий банк охирги кредитор сифатида майдонга чиқади. Ўзбекистон Республикасида Марказий банк ўрнатган қоидаларга асосан, қуйидаги активларни гаровга олган ҳолда З ойгача бўлган муддатда кредитлар бериши мумкин:

-олтин, чет эл валютаси, халқаро захиралар тоифасига кирувчи валюта бойликлари ва бошқа бойликлар;

-давлатнинг қарз мажбуриятлари ва давлат томонидан кафолатланган бошқа қарз воситалари.

Марказий банкда депозитга ўтказилган ва унинг депозитарийси учун мақбул бўлган, харид қилиниши ва сотилишига рухсат берилган ва марказий банк улар билан ушбу қонун доирасида бошқа хил операциялар ўтказиши мумкин бўлган активлар, тўланишига банклар асосида кредитлар бериши мумкин.

Банк фаолиятида рискнинг иқтисодий асосланган чегаралардан чиқиб кетмаслик банк системаси барқарор ишланиши муҳим шартидир. Риск доираларини чеклаб қўйиш Марказий банк томонидан тижорат банклари учун риоя этилиши мажбурий бўлган иқтисодий меъёрларни белгилаб қўйиш орқали амалга оширилади. Марказий банк банклар учун мажбурий бўлган иқтисодий меъёрларни, шу жумладан:

-капиталнинг етарлилиги коэффициенти;

-бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гурӯхига таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини;

-ирик кредит таваккалчилик ва инвестицияларнинг энг кўп миқдорини;

-ликвидлилик коэффициентларини ва бошқаларни белгилайди.

Марказий банк иқтисодий меъёрларнинг ўзгариши тўғрисида камида бир ой олдин эълон қиласди. Банклар ва уларнинг филиаллари банкларга оид қонун хужжатларини, белгилаб қўйилган иқтисодий меъёрларни бузган тақдирда Марказий банк улардан устав капиталининг энг кам миқдорининг 0,1 фоизигача жарима ундириш ёхуд айрим операцияларни ўтказишни олти ойгача бўлган муддатга чеклаб қўйиш ҳукуқига эга.

Ҳисоб китобларни ва ўтказиш операцияларини бажариш. Ўзбекистон Республикаси худудида ҳисоб-китоблар нақд пулли ва нақд пулсиз тарзда амалга оширилади. Жами пул айланишининг асосий қисми нақд пулсиз тўловларга тўғри келади. Бунда пулнинг ҳаракати кредит муассасаларидаги ҳисоб варакларга пул ўтказиш ва ўзаро талабларни ҳисобга олиш жараёнида содир бўлади. Маҳсулот сотиш ишларни бажариш, хизмат қўрсатиш йўли билан маблағ топиш, миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, банқдан қарз олиш ва уни қайтариш, аҳолига пул даромадларини тўлаш ва улардан фойдаланиш каби хўжалик муносабатларининг соҳалари воситасида нақд пулсиз обороти хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб вараклари амал қилаётган банк муассасалари орқали ўтади. Ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ва ҳамма банк ҳамда мижозлар учун мажбурий бўлган қоидалар асосида олиб борилади. Ушбу қоидаларнинг бир тарзда қўлланиши бутун республика худудида ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Банклар фаолиятини тартиба солиш ва уларни назорат қилишдан асосий мақсад «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ги қонуннинг 50-моддасига мувофиқ банк тизимини барқарор тутиб туриш, омонатчи ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга оширишнинг асосий васиталардан бири банк фаолиятига рухсатнома (лицензия) беришdir. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маҳсус комиссияси бу фаолият билан шуғулланишга даъвогарларнинг бирламчи хужжатларини кўриб чиқади, пул бозорида уларнинг ишлашга тайёрлигини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабларига жавоб беришини таҳлил қиласди ва қарор ижобий бўлган тақдирда банк фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк муассасаларининг ривожланишини ҳар томонлама ҳисобга олиб ва кузатиб боради. Капиталнинг айнан бир хиллиги, ликвидликка доир талабларни ўз ичига олувчи иқтисодий меъёрларни, шунингдек кредитлаш ҳажми ва лимитларини белгилайди. Қонунда кредит ташкилотларнинг ҳамма турлари учун ягона мазмунга эга бўлган иқтисодий меъёрлар гуруҳининг бажарилиши назарда тутилади. Капиталнинг етарлилиги, активларининг сифати, фойдалилиги ва ликвидлигига қараб тижорат банкларининг молиявий аҳволи баҳоланади, ночор банклар аниқланади.

Расмий олтин-валюта заҳираларини саклаш. Халқаро ҳисоб-китобларда заҳирадаги актив ва кафолатли суғурта фонди вазифасини адо этиш Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатида валюта-маблағларидан шароитга қараб фойдаланиш имконини берибгина қолмай, балки дунё молия бозорларида

операцияларни амалга ошириш йўли билан мамлакатимизнинг олтин валюта захираларини қийматини сақлаб туриш имкониятини яратади. Бошқа молия муассасалари, корхоналар ва хусусий шахслар ҳам хорижий валютага эга бўлиш ва валюта операцияларини ўтказишга ҳақи борлигига қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта захираларини сақловчи асосий депозитарий бўлиб қолиши мумкин.

Ҳукумат маслаҳатчиси-хазина вакили вазифаси. Бу вазифа «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддасида мустахкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳукумат банкири сифатида давлат муассасалари ва ташкилотларининг ҳисобваракларини юритади, ана шу ҳисобваракларда маблағларни жамғаради ва улардан тўловларни амалга оширади: давлат қимматли қоғозлари билан операцияларни ўтказиб туради; давлатга бевосита қисқа муддатли ссудалар шаклида ёки давлат облигацияларини ҳарид қилиш тарзида кредит беради; ҳукумат идораларининг топшириғига биноан олтин билан ёки хорижий валютада операциялар бажаради.

45-моддада белгилаб берилганидек ҳукумат давлат секторига қарз ажратиш масалаларида, кредит беришнинг ички ва ташқи манбаларидан маблағ олиш режалари тўғрисида Марказий банк билан маслаҳатлашади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳукуматнинг фискалъ (хазина) вакили вазифасига мувофиқ ҳукумат ҳисобваракларини юритар экан (47-модда), ҳукуматнинг молия операцияларини амалга оширишда қўмаклашади, бюджет киримлари ва чиқимлари масалалари юзасидан маслаҳатлар беради, давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришда вакил сифатида ишлайди, улар бўйича ҳисобваракларни юритади, давлат қарз мажбуриятлари билан боғлиқ бошқа масалаларини ҳал этишда қатнашади.

Тижорат банкларига кредит бериш. Марказий банк иқтисодиётнинг устувор тармоқларини бевосита кредитламасада, у тижорат банкларининг кредит захираларига бозор усуллари орқали самарали таъсир қўрсатиш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун пул бозорининг турли бўғинларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки операцияларидан, шу жумладан, валюта интервенциясидан, иккиласида бозорда давлат қимматли қоғозлари билан бўладиган операцияларидан, кредит кимошибди савдоларидан фойдаланади. Марказий банк ўзи белгилаган шартларга биноан олтин, чет эл валютаси, халқаро резервлар тоифасига кирувчи валюта бойликлари, давлатнинг қарз мажбуриятлари ва ҳукумат кафолатлаган бошқа қарз воситалари, Марказий банкда депозитга ўтказилган ва унинг депозитарийси учун мақбул бўлган, ҳарид қилиниши ва сотилишига рухсат берилган активлар, тўланишига банклар кафолат берган тижорат векселларини гаровга олган ҳолда тижорат банкларига уч ойгача бўлган муддатда кредит бериши мумкин.

Тижорат банкларига кредит беришнинг энг кўп тарқалган бу тури банкларни қайта молиявий таъминлаш деб юритилади ва у «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасига асосан амалга оширилади.

Тижорат банклари ва хукумат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий мижозлариридир. Бошқача айтганда, **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банкларниң банки** ҳисобланади. Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ўз ҳисобварагларидан ўзаро ҳисоб-китоблар учун фойдаланадилар ва ундан ташқари нақд пул зарур бўлганда ҳам улар Марказий банкга мурожаат қилишади.

Пул эмиссияси. Дунёning кўпгина мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳам пулни эмиссиялаш хукуқига эга, яъни у эмиссия маркази ҳисобланади. Бу вазифа ҳозир ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга, чунки чакана савдода маҳсулот ҳақини тўлаш ҳамда қарз мажбуриятларини узил-кесил узиш учун маблағга эга бўлиши лозимлигини таъминлаш учун нақд пул зарур.

Тижорат банкларининг касса захираларини жамғариш ва сақлаш.

Муомаладаги пул миқдори ҳажмини бошқариш учун Ўзбекистон Республикаси Маркази банки жалб қилинган пул маблағлари ҳажмига қараб тижорат банкларида захираларнинг муайян коэффициентларини белгилайди. Пул-кредит воситасида бошқаришнинг самарадорлиги унинг пул миқдори ўсиш суръати ва тузилмасига, шунингдек, пулнинг қадрсизланиш даражасига таъсири мажбурий захиралаш тизимининг мослашувчанлиги боғлиқ. Кўриб чиқилаётган Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ мажбурий захиралар алоҳида ҳисобварагда нақд пул ёки омонатлар тарзида депонентга олинади. Захиралаш тизими тижорат банкларига ликвидлик билан боғлиқ қисқа муддатли муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қарорига биноан мажбурий захираларга фоизлар қўшиб қўйилиши ҳам мумкин. Тижорат банкларининг маблағларини захиралаш талабларига амал қилиш борасида жавобгарлигини ошириш учун қонунда молиявий санкциялар (53-модда) кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тўланмай қолган пулни қонунда белгиланган тартибда сўзсиз ундириб олиш, шунингдек жарималар солиш ҳукуқи берилган.

Энди Марказий банкнинг ташкилий тузилиши тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз.


Марказий банк ягона марказлаштирилган бошқарув тизимиға эга. Марказий банк зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун тегишли хизматлар ва муассасалар ташкил этади.

Марказий банк Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтида, вилоятларнинг марказлари ва Тошкент шаҳрида юридик шахс мақомига эга бўлмаган бош бошқармалар тузади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бош бошқармаларининг худудий жойлашуви.

Марказий банкнинг бошқарув таркибини қуйидаги чизмада акс эттириш мумкин.

Бошқарув таркиби



Марказий банк раиси Бошқарувининг раиси ҳисобланади. Бошқарув аъзолари Марказий банк раиси тақдимномасига кўра Олий Мажлиснинг Кенгаши тасдиқлайди.

Марказий банк раиси Марказий банк ва унинг Бошқаруви фаолиятига раҳбарлик қиласи, банкнинг фондларини тасарруф этади ва Марказий банк зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун жавобгар бўлади.

Марказий банк фаолияти масалаларини ҳал қиласи, Марказий банк фаолияти ва жорий операцияларини оператив тарзда бошқариш бўйича харакатларни амалга оширади.

Олий Мажлисда, хукуматда, вазирликлар ва идораларда, судларда, банклар ва муассасаларда, ҳалқаро ва чет эл ташкилотларида банк фаолиятига доир барча масалалар бўйича Марказий банк номидан иш кўради.

Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Марказий банк раисининг тақдимотига кўра Олий Мажлис Кенгаши томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департамент, бошқарма ва бўлимлардан ташкил топган. (2 иловага қаранг)

4-§ Тижорат банклари ва уларнинг ташкилий тузилиши

Тарихий тараққиёт давомида банклар маблағларни йиғиш, сақлаб бериш, кредит-ҳисоб ва бошқа турли хил воситачилик операцияларини бажариб келганликлари сабаб, банклар кредит муассаса бўлиб, фойда олиш мақсадида банк барча рискларни ўзига қабул қилган ҳолда операцияларини амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонунунинг 1-моддасига асосан «**Банк**-тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган куйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган яъни:

- юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;


- тўловларни амалга ошириш билан шуғулланувчи юридик шахсdir. Демак, банк барча рискин ўз зиммасига олиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жалб қилиб, банк ресурсларини ташкил қилган ҳолда, бу маблағларни муддатлилик, қайтариб беришлик, тўловлилик ва таъминланганлик шартлари асосида ўз номидан жойлаштиради, ҳамда юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоб ва воситачилик операцияларини олиб борувчи кредит муассаса ҳисобланади.

Баъзи адабиётларда «банк-бу корхона», деб ҳам изоҳ берилади. Маълумки, банк яхлит олинган корхона сифатида ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширмайди. Тижорат банкларининг фаолиятини корхона фаолиятига шу жиҳатдан ўхшатиш мумкинки, тижорат банклари ҳам корхоналар сингари ўз фаолиятини ўз даромадини кўпайтиришга қаратади, лекин корхоналар фаолиятидан фарқли равишда банклар шу асосида биринчидан, ўз таъсисчилари –акциядорларининг манфаатларини, иккинчидан, ўз мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Тижорат банкларига, бизнинг фикримизча шунчаки «корхона» эмас, балки «махсус корхона» деб қараш зарур. Чунки тижорат банклари ссуда капитали ҳаракатини амалга оширади ва шу асосда банк ўз акциядорларига, пайчиларига фойда олишни таъминлайди.

Тижорат банклари банк тизимиning муҳим бўлиб, кредит ресурсларининг асосий қисми шу банкларда йиғилади ва бу банклар хуқуқий, жисмоний шахсларга ўз хизматларини кўрсатадилар.

Банк бу шундай корхонаки, унда хом ашё бўлиб депозит ва қўйилмалар ҳисобланса, охирги товар – бу берилган ссудалардир. Депозит ва қўйилмалар жалб қилинган қарз маблағлари, берилган ссудалар эса – жойлаштирилган маблағлар бўлиб ҳисобланади.



Ҳар хил жисмоний шахслар ва ташкилотлардан пул маблағларини жалб қилиш учун, қарз ҳажмига қараб маълум суммани фоизлар шаклида тўлаш керак. Бўлмаса маблағ қўювчилар, ёки бошқа банкни танлайдилар, ёки пул сақлашни бошқа шаклларига ўтадилар: масалан, олтин сотиб олиш, валюта сотиб олиш ёки бошқа молиявий воситачилар хизматларидан фойдаланиш ва бошқалар. Пул сақлаш шаклини танлашда маблағ қўювчини иккита муҳим омил қизиқтиради: молиявий воситачиларнинг ишончлилиги ва даромад олиш даражаси (қарзга тўланадиган фоизлар)дир.


Бошқа томондан, банк ссуда берганда унинг суммасига қараб ссуда фоизи шаклида тўлов ундиради. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг бозор муносабатларининг субъектлари билан алоқаси янада кенгаяди ва чуқурлашиб боради. Банк бу ҳолда барча маблағлари ҳаракатини бошқариб боради.

Бу иккита фоиз ставкалари ўртасида фарқ -банк даромадининг асосий манбаси бўлиб, иқтисодий адабиётларда у “маржа” номи билан юритилади.

Шундай қилиб, маржа-бу жалб қилинувчи ва жойлаштириладиган қарз ва ссуда фоиз ставкалари ўртасидаги фарқdir.

Банклар маблағларни жалб қилиш ва жойлаштириш йўли билан барча пул
маблағлари ҳаракатини бошқариб боради.

Тижорат банкларининг бозор муносабатларининг турли субъектлари билан алоқаси



Банкнинг асосий фаолияти воситачилик билан боғлиқ бўлиб, у пул маблағларни қарз берувчидан қарз олувчиларга ўтказиш билан боғлиқ бўлган операцияларни бажаришдан иборат. Банклар билан бир қаторда пул маблағлари ҳаракатини бошқа молиявий ва кредит ташкилотлари, инвестицион фондлар, сугурта компаниялари ҳам амалга оширадилар. Бироқ, банкнинг молиявий рискларнинг субъекти сифатида юқорида келтирилган бошқа субъектлар фаолиятидан фарқ қиласидан иккита **хос хусусияти** мавжуд:

биринчидан, банклар факат улар учун хос бўлган қарз мажбуриятларини (депозитлар, омонат сертификатлари ва бошқалар) чиқарадилар ва бу йўл билан йиғилган маблағларни бошқа субъектлар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ва қарз мажбуриятларига жойлаштирадилар. Банкнинг бу хусусияти молиявий брокер ва диллерлар фаолиятидан фарқ қиласи, чунки улар молия бозорида ўз қарз мажбуриятларини чиқармасдан фаолият кўрсатадилар.

иккинчидан, банклар жисмоний ва юридик шахслар олдида мижозларнинг пул маблағларини ҳисобварагларига қўйиш ва жамғарма ўтказиш, депозит сертификатларини чиқариш ва бошқалар орқали қатъий белгиланган қарз мажбуриятларини оладилар. Қатъий белгиланган қарз мажбуриятлар билан фаолият кўрсатиш банклар учун рискли ҳисобланади, чунки банклар ўз кредиторлари олдида олган мажбуриятларини тўлиқ бажаришлари лозим. Инвестицион фондлар эса ўз активлари ва пассивларининг қиймати ўзгариши билан боғлиқ рискларни ўз акциядорлари зиммасига юклайдилар.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини олиб бориши “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунга асосланади. Юқорида қайд этилган қонунга асосан Ўзбекистон Республикасида банклар универсал фаолиятни амалга оширадилар. Аникроқ қилиб айтадиган бўлсак, турли хилда кредитлар бериш, қимматли қоғозлар ва хорижий валюта олди-сотдиси билан шуғулланиш, бўш турган пул маблағларни жалб этиш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш, кафолат ва гарантиялар бериш ва ҳоказолар тижорат банкининг асосий фаолият турларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий банклар ва ҳар қандай мулкчилик шаклига асосланган банклар фаолият кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари ва уларнинг мулкчилик шакли тўғрисидаги маълумотлар 1– иловада келтирилган бўлиб, улар турли мулкчиликка асослангандир.

Одатда Ўзбекистонда банклар акционерлик жамият кўринишида ташкил этилади. Акционерлар банкнинг устав фондига қўшган ҳиссаларига қараб банкнинг мажбуриятларига жавобгардирлар. Акционерлар банк фаолиятини бошланғич босқичида банкдан банк таъсис қилингандаги қўшган ҳиссаларини қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмаслар (баъзи ҳоллар мустасно). Бу ҳолат банк барқарорлигини, ишончлилигини тартибга солишда ёрдам беради.

Банкнинг устав фондини шакллантириш учун давлат органларининг маблағлари, жамоа бирлашмалар ва фондларининг маблағлари, гаров ва кредитга олинган маблағлардан фойдаланиш мумкин эмас.

Тижорат банкларининг ташкилий тузилиши акционер жамият тузилишига ўхшашдир. Тижорат банкининг олий органи акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Бу йиғилишларда акциядорларнинг вакиллари ва акциядор корхоналарнинг раҳбарлари иштирок этадилар. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кўриб чиқишга қўйилган масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун акциядорларнинг камидаги $\frac{3}{4}$ қисми иштирок қилиши лозим.

Банкнинг бошқарувини директорлар кенгаши амалга оширади. Унга қўшимча тарзда банк бошқарувини кузатиш ва назорат қилиш масъулияти ҳам юклатилган. Директорлар кенгаши аъзоларининг таркиби ва сайланиш муддати тижорат банкниг низоми билан белгиланади.

Банк кенгаши банк фаолиятининг асосий йўналишини, кредит сиёсати ва банкнинг бошқа режаларини кўриб чиқиш, даромад, харажатлар, фойда режаларини тасдиқлаш, шуъбаларни очиш ёки ёпиш масалаларини кўриб чиқиш каби масалалар билан шуғулланади.

Банк бошқаруви банк фаолиятига бевосита раҳбарлик қиласи. Банк бошқаруви акциядорларнинг умумий йиғилиши ва директорлар кенгаши олдида жавобгардир. Банк бошқаруви бошқарув раиси, раис ўринбосари ва бошқа ходимлардан таркиб топган. У ўз фаолиятини Низом ва йўриқларга асосланган ҳолда амалга оширади.

Акционерларнинг умумий йиғилиши, банк кенгаши ва бошқаруви банкнинг бошқарув органлари ҳисобланади (3-4 иловалар ва 2-чизма).

Банк кенгаши омонатчилар ва акциядорларни ҳимоя қилиш мақсадида банк фаолиятини, шу жумладан, кредитлаш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилигини назорат қилиш;


- банк раҳбарларини ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш;
- банк капиталининг бир текис ўсиб боришини таъминлаб туриш;
- банк сиёсатини ишлаб чиқиш;
- қонун ҳужжатларига риоя қилишни таъминлаш ва бошқа вазифаларни амалга оширади;

Банк кенгаши аъзолари камидаги беш кишидан иборат бўлиши лозим. Акциядорлардан ташқари банк соҳаси олимлари ва мутахассислари ҳам банк кенгаши аъзоси бўлишлари мумкин.

Банкга оператив раҳбарлик қилувчи ва унинг фаолияти учун жавоб берувчи банк бошқаруви банкнинг ижроия органи ҳисобланади. Бошқарув банк Кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши олдида ҳисобдордирлар.

Тижорат банкларнинг ташкилий тузилишини Республика акциядорлик тижорат банки мисолида қўйидаги чизмада кўриш мумкин.

Акционер тижорат банкининг бошқарув органлари



Республика Тижорат банки бошқарма ва марказлари.

Ғазначилик
Филиаллар фаолиятини назорат қилиш ва координация маркази.
Кредит операциялар маркази
Методология маркази.
Банк операциялари бошқармаси

Кимматбақо қоғозлар бошқармаси.
Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бошқармаси
Қурилиш ва капитални молиялаштириш бошқармаси
Юридик бошқармаси.
Ташқи алоқалар бошқармаси
Молия бошқармаси
Лойиҳаларни молиялаштириш бошқармаси
Компьютерлаштириш ва информация бошқармаси
Пул муомаласи бошқармаси
Кадрлар бошқармаси
Кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш бошқармаси
Хавфсизлик бошқармаси
Касса бошқармаси


Алоҳида олинган тижорат банкининг тиркибий тузилишининг кенг схемаси 2 ва 3 иловаларда келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг етакчи акционер тижорат “Пахта Банк” томонидан 2000 йилда бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ишлаб чиқилган йиллик ҳисобот маълумотларига қараганда, бугунги кунда “Пахта Банк” таркибида 13 вилоят бошқармаси, 184 бўлим ва 61 та мини-банклар фаолият юритмоқда, мамлакатнинг барча ҳудудида кўп тармоқли, 6,5 мингдан ортиқ ходимлари билан, ўз тарихи ва анъаналарига эга Ўзбекистон Республикасининг нуфузли банкларидан бири ҳисобланади.

Ўз навбатида, 56 мингдан ортиқ акциядорларига эга бўлган “Пахта Банк”, бугунги кунда, мулкчилик шаклининг барча кўринишларидағи 210 мингга яқин мижозларига юқори савиядаги замонавий банк хизматларини кўрсатиб келаётган универсал банқдир.

Акциядор тижорат банки филиалининг ташкилий тузилишини қўйидагича ифодалаш мумкин. (5-чизма)

Акциядор тижорат банки филиалининг ташкилий тузилиши



Юқорида келтирилган банкнинг ташкилий тузилиши аксарият банклар учун ўхшаш бўлиб тижорат банкларининг жойланиши ўрни, хизмат кўрсатадиган мижозларнинг фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб баъзи бир ўзгаришлар бўлиши мумкин.

4-иловада Ўзбекистон-Туркия қўшма банкининг ташкилий схемаси келтирилган бўлиб, ҳалқаро валюта-кредит, ҳисоб муносабатларини кенг олиб бориш хусусиятларини ўзида кенгроқ мужассамлаштирган.

Банк бошқарув мажлиси доимо ўтказилади ва мажлисларда қабул қилинадиган қарорлар берилган овоз сонига қараб ҳал этилади. Овозлар тенглигига банк бошқарувчининг овози ҳал этувчи ҳисобланади. Агар, бошқарув аъзолари ёки бошқарув раиси бошқарув қабул қилган қарорига норози бўлса, улар ўз фикр ва мулоҳазаларини кенгаш ёки акциядорлар умумий йиғилишига билдиришлари мумкин.

Бу ҳолатда кузатув кенгаш қарори ҳал этувчи ҳисобланади ва банк бошқаруви раиси қарори билан амалиётга татбиқ этилади.

Тафтиш комиссияси акционерларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади. Унинг таркибида кузатув кенгаш аъзолари ва

банк бошқаруви аъзолари бўлиши мумкин эмас. Банк бошқаруви тафтиш комиссиясига тафтиш учун зарур бўлган хужжатларни тақдим этади. Тафтиш натижалари банк бошқарувига топширилади.

Тижорат банки тафтиш комиссиясининг асосий вазифаси банк ходимларининг ўз амалларини сустеъмол қилишларининг олдини олишга қаратилган.

Тафтиш комиссияси банкнинг йиллик ҳисботи ва балансига хulosса қиласи. Тафтиш комиссияси банк баланси бўйича хulosса чиқармагунча у акционерларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши мумкин эмас.

Тижорат банкларда ҳисботот Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган қонун-қоидалар асосида амалга оширилади. Улар Марказий Банкга ёки унинг жойлардаги бошқармаларига банкнинг ойлик баланси, чораклик айланма ведомостини ва унинг йиллик бухгалтерия ҳисботини ҳар ойнинг 1 кунигача тақдим қилишлари шарт. Тижорат банкларининг молиявий аҳволидан уларнинг акциядорлари ва мижозлари хабардор бўлмоғи лозим. Шу боис тижорат банкининг фаолият натижаси, молиявий ҳолати тўғрисида мижозларга ахборот бериш мақсадида уларнинг акционерлар умумий йиғилишида тасдиқланган йиллик баланси, ҳамда фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисботи, уларнинг ҳаққонийлиги тўғрисидаги аудиторлик ташкилотларининг хulosасидан кейин матбуотда эълон қилиниши лозим.

Тижорат банки кредит-ҳисоб операцияларининг тезкорлигини таъминлаш мақсадида ҳудуддан узокда жойлашган мижозлар учун банк филиал ва ваколатхоналарини Марказий Банк рухсати билан ташкил қилиниши мумкин. Банкларнинг ваколатхоналари банк жойлашган ҳудуддан бошқа ҳудудларда очилиши мумкин ва улар мустақил балансга эга бўлмайдилар. Улар банк операцияларини жойларда тўлақонли бажарилиши учун зарурдир.

Қўйидаги таянч сўзларга таъриф беринг.

Банк,
Банкнинг функциялари,
Пул алмаштирувчи ижро
банклар,
Суда,
Кредит муносабатлари,
Ссуда капитали,
Бўш пул маблағлари,
Капитал ҳаракати,
Банклар йириклишуви,
Жалб қилинганд маблағлар,
Маблағларнинг капиталга
айланиши,
Банк иштироки,
Кредит бериш,
Кредит олиш.

Молиявий аҳвол,
Тўловларда воситачилик,
Кредит тизим,
Кредит тизим бўғинлари,
Марказий банк,
Тижорат банк,
Махсус кредит институтлар,
Инвестицион банклар,
Ипотека,
Ипотека банки,
Нобанк ташкилотлар,
Инвестицион фондлар,
Акционер банк,
Банк пайчилари,
Банк тизими,
Хорижий банклар,
Универсал банклар.

Ўз билимини текшириш бўйича саволлар

1. Банкнинг моҳиятини тушунтиринг.
2. Банклар қандай функцияларни бажаради?
3. Марказий банкнинг асосий бош мақсади нима?
4. Тижорат банкларининг вазифалари ва функцияларини тушунтириб беринг?
5. Марказий банк қайси функцияларни бажаради?
6. Кредит тизими деганда нимани тушунасиз ва унинг таркибий қисмларини кўрсатинг.
7. Ўзбекистон Республикаси банк тизими тўғрисида нималарни биласиз?
8. Банк тизимининг қандай хусусиятли томонлари мавжуд?
9. Нобанк ташкилотларга нималар киради ва улар нима учун зарур?
10. Банклар қайси хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиласи?
11. Банк тизимини эркинлаштириш деганда нимани тушунасиз ва уни амалга ошириш йўлларини кўрсатинг.
12. Пул-кредит сиёсатининг стратегик мақсадлари нималардан иборат?
13. Пул-кредит сиёсатининг асосий воситалари ва уларнинг ишлаш механизмини тушунтиринг?
14. Марказий Банкнинг ҳукумат маслаҳатчиси хазина вакили вазифасини тушунтиринг.
15. Марказий Банкнинг банкларнинг банки вазифасини асосланг.
16. Марказий банк ва тижорат банкларининг ташкилий тузилишини келтиринг ва таркибий бўлимларнинг вазифаларини изоҳланг.
17. Тижорат банклари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини сананг ва тушунтириб беринг.

II-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Тижорат банкларини очиши ва тугатишнинг ҳуқуқий асослари.

Тижорат банкларининг юридик шахс сифатида фаолияти омонатчилар, кредиторлар, умуман, давлат ва жамият манфаатларига жиддий дахлор бўлганлиги туфайли унинг ташкил топиши узоқ давом этадиган жараён ҳисобланади. Шу вақт ичида бўлғуси таъсисчилар ўртасида ўзаро муносабатлар ўрнатилади, банк устав капитали учун зарур бўлган маблағлар тайёрланади, раҳбар шахслар, зарур ҳужжатлар тайёрлайди, тегишли текширувдан ўтказилади ва ҳоказолар.

Тижорат банкларини ташкил этиш ва тугатишнинг ҳуқуқий асослари “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунда ифодаланган. Шу қонуннинг 2-боби “Банкларни ташкил этиш ва улар фаолиятини тугатиш тартиби” деб номланиб ўз ичига 13 модда(7-19 моддалар)ни олади .

Банклар республика ҳудудида ўз фаолиятларини Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширадилар.

Банкларга лицензия бериш Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”, “Акционерлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонунлари, ҳамда банкка меъёрий ҳужжатлarda белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

Тижорат банкларини ташкил қилиш 11 февраль 1999 йилда қабул қилинган “Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида”ги 630-сонли Низом асосида олиб борилади.

Ушбу низомда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби ҳамда шартлари белгилаб қўйилган бўлиб, тижорат банклари очик ёки ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари шаклида ташкил этилиши мумкин.

Банк ташкил этиш жараёни бир неча босқичларга бўлиниши мумкин.

1. Тайёргарлик босқичи.

Бу даврда банк муассислари ўртасида банк ташкил этишга келишилади, ташаббус гурухи тузилади, ҳар бир муассиснинг устав капиталига қўшилган улуш миқдори белгилаб олинади, банкнинг таъсис ҳужжатлари мажмуи тайёрланади, банкнинг номи аниқланади, таъсисчилар ўртасидаги келишувлар дастлабки шартнома тарзида расмийлаштирилади, унинг асосида таъсис шартномаси тузилади (ФКнинг 43-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ҳақида»ги қонуннинг 3-моддаси) Акциядорлик тижорат банкларининг муассислари банк давлат рўйхатига олингунига қадар юзага келган мажбуриятлар юзасидан биргаликда жавобгар бўладилар.

2. Банкни давлат рўйхатидан ўтказиш босқичи.

Бу босқич уч даврни ўз ичига олади:

Банк очиш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мурожат қилиш. Бунда аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинмоғи керак:

-янги ташкил этилаётган банкни таъсис этиш бўйича ҳужжат.

-муассислар томонидан имзоланган ва уларнинг муҳрлари билан ҳамда нотариал тартибда тасдиқланган таъсис шартномаси. Таъсис этувчилар жисмоний шахс бўлганларида уларнинг имзолари нотариал тасдиқланади.

-муассис акциядорлар йиғилиши томонидан тасдиқланган ва муассислар томонидан уч нусхада имзоланган банк устави.

-банк ташкил этиш ҳақидаги қарор, устав капиталининг миқдори ва уставни тасдиқлаш, банк кенгаши, тафтиш комиссияси ва бошқарувини сайлаш ҳақидаги қарорларни ўз ичига олган банк кенгаши раиси томонидан тасдиқланган таъсис йиғилишининг баённомаси.

Қайд этиб ўтилган ҳужжатларнинг лойиҳалари Марказий банкнинг банкларни лицензиялаш департаменти маъқуллаганидан кейингина имзоланади ва тасдиқланади.

Булардан ташқари, Марказий банкка муассислар тўғрисидаги маълумотлар: банк кенгаши аъзолари рўйхати (кенгаш раиси, унинг биринчи ўринбосари) кўрсатилган ҳолда ушбу шахсларнинг Марказий банк талабларига мувофиқ келишларини тасдиқловчи маълумотлар, янги ташкил этилаётган банкнинг ташкилий тузилиши, ички аудит тўғрисидаги Низоми, кредит сиёсати тўғрисидаги Низоми, бизнес режаси, ариза топширувчининг муассислар номидан ариза топшириш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат, ташкил этилаётган жойдаги Марказий банк бош бошқармасининг банк ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хуносаси, муайян ҳудудда банк ташкил этиш мўлжалланаётганлиги ҳақида маҳаллий хокимият ва бошқарув органларига берилган билдиришнинг нусхаси ҳам топширилиши лозим.

Тижорат банки филиалини ташкил этиш пайтида ҳам ушбу ҳужжатлар (таъсис ҳужжатларидан ташқари) тақдим этилиши керак бўлади.

Хорижий капитал иштирокидаги тижорат банки ташкил этилаётганда юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларга қўшимча равишда яна қўйидагилар тақдим этилиши талаб этилади:

*тегишли хорижий муассиснинг банк ташкил этишда иштирок қилиши ҳақидаги қарори;

*норезидент банкнинг Ўзбекитон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган устави;

*банк жойлашган мамлакат банк назорат органи томонидан муассис банк фаолиятини юритиш учун лицензияга эгалиги ва хусусан, қайтариб бериш шарти билан ўз мамлакатида пул депозитлари ва бошқа бойликларни қабул қилиш ҳуқуқига эгалигини тасдиқловчи хат;

*банк назорати органининг муассис Банкнинг ўзи жойлашган ва рўйхатдан ўтказилган жойда назорат остида эканлиги ҳақидаги ёзма тасдиқнома;

*муассис банкнинг охирги уч молия йили учун тузилган, аудиторлик фирмаси тасдиқлаган йиллик хисоботлари, шу жумладан, фойда ва зарар ҳақидаги консолидацияланган баланси ва хисоботи;

*банк назорати органининг муассис банкнинг ташкил этилаётган банкнинг устав капиталида иштирок этиши учун берган ёзма рухсатномаси ёки бундай рухсатнома муассис банк мансуб бўлган давлатнинг қонун хужжатларига мувофиқ талаб этилмаслигининг ёзма тасдиғи.

Фаолият юритиб турган банклар устав капиталидаги ҳисса ҳорижий шахслар томонидан сотиб олинаётганда ҳам ушбу хужжат ҳорижий шахс томонидан Марказий банкга тақдим этилиши лозим бўлади.

Булардан ташқари, ҳорижий муассислар Ўзбекистон Республикасида янги ташкил этилаётган ёки фаолият юритаётган банкларнинг устав капиталида иштирок этган тақдирда;

*ҳорижий норезидентнинг тўловга қобилиятлилиги тўғрисида унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилган тасдиқнома;

*Ўзбекистон Республикаси худудида банк ташкил этилишида иштирок этиш учун мазкур мамлакат назорат органининг розилиги;

*муассис мансуб мамлакатнинг савдо реестридан кўчирма ёки юридик мақомини тасдиқловчи бошқа муқобил хужжат.

Хорижий капитал иштирокидаги банкларда банк кангашининг камидаги битта аъзоси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк ташкил этиш учун зарур бўлган барча зарур хужжатларни талаб қилишга ҳақли бўлади. Тақдим этилган хужжатлари Марказий банк томонидан икки ойлик муддат ичидаги кўриб чиқиши керак.

Марказий банк фаолияти билан шуғулланиши учун дастлабки рухсатнома бериш масаласини ҳал этиш жараёнида ташкил этилаётган банк муассисларининг молиявий имкониятлари ва нуфузига, банк раҳбарлигига таклиф этилаётган шахсларнинг касбий маҳоратига, бизнес ва молиявий режа кўрсаткичларига, ташкил этилаётган банкнинг бинолар ва ускуналар билан таъминланлангик даражасига ҳам эътибор қаратади.

Банкнинг очилгунга қадар локал тармоқ билан таъминланган бўлиши «БОК» дастурий таъминотнинг тармоқ вариантининг Марказий банк томонидан лицензияланиши, банк хисоб-китоблар маркази билан баркарор ишлайдиган алоҳида алоқа канали билан таъминланиши, камидаги бешта компьютерга, модемларга, дастурий таъминот ва техникани ишлатиш бўйича таълим олган мутахассисларга эга бўлиши шарт.

Муассислар банк ташкил этиш учун дастлабки рухсатномани олганларидан кейин лицензия олиш ҳамда банкни давлат руйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ташкилий-техникавий талабларни бажарадилар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган дастлабки рухсатнома бир йил давомида юридик кучга эга бўлиб, муассислар ушбу вақт ичидаги барча ташкилий тайёргарлик ишларини амалга оширишлари ва банкни давлат рўйхатидан ўтказишни яқунлашлари лозим бўлади.

Тижорат банки акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилаётган муассислардан бири ёки ўзаро боғлиқ бўлган шахслар томонидан банк акцияларининг 5 фоиздан ортигини сотиб олаётганни ҳақидаги хабар, агар банк

акцияларининг 20 фоизидан ортиғи сотиб олинаётганида эса бунга розилик беришни сўровчи илтимоснома тақдим этилаётган ҳужжатлар.

Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда банк операцияларини амалга оширишга лицензия олиш учун муассислар олдига қуидаги талаблар қўйилади:

*лицензия бериш ва банкни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ваколатлари муассислар томонидан ёзма равишда тасдиқланган вакил шахс томонидан имзоланган аризани тақдим этилиши;

*давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш учун берилган барча талабларни бажариш;

*барча ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширишлари, бинолар ва ускуналарни тайёрлашлари, банк операцияларини автоматик амалга ошириш мақсадида дастурий-техникавий воситаларни тайёрлашлари, касса узелини Марказий банк талабларига мувофиқ тайёр ҳолда келтиришлари;

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаган миқдорда устав капиталини тўлашлари ва устав капитали тўланланлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари;

*банкни давлат рўйхатидан ўтказиш учун банк устав капитали энг кам миқдорнинг 0,1 фоизи миқдорида, филиаллар рўйхатга олиниётганида эса ушбу маблағнинг ярми миқдорида ҳақ тўланиши, устав капиталининг 30 фоизидан ортиғи хорижий шахсларга тегишли бўлган банклар ва шуъба банкларини руйхатдан ўтказишда 5000 АҚШ долларига тенг суммада ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шуъба банки очишни ёки банк капиталида иштирок этишни хоҳловчи чет эл банки учун устав капиталининг охирги энг кам миқдори 30 млн. АҚШ доллари муқобил миқдорда белгиланган бўлиб, фақат мустаҳкам молиявий мавқега эга бўлган нуфузли норезидент банкларгина шуъба банкларини очишлари мумкин. Бунда қисқа муддатли мажбуриятлари IBCA Moody's standart and Poor таснифи бўйича камида AV рейтингига эга бўлган норезидент банкларгагина афзаллик берилади.

Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклар ўз устав капиталларини норезидент хисобидан кўпайтиришлари ёки акциядорлар томонидан акцияларнинг норезидентларга сотилиши учун белгиланган тартибда Марказий банкнинг олдиндан розилигини олишлари шарт. Ушбу талабга риоя этилмай тузилган билимлар ҳақиқий эмас деб топилади ва банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензия бекор қилинади.

Банкни рўйхатдан ўтказиш ва банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш масаласи Марказий банк талаб қилган барча ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган кундан бошлаб бир ой ичida ҳал этилиши керак.

Банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш юзасидан қарор қабул қилишда қуидаги асосий омилларга эътибор берилади:

- банк бизнес режасининг мақбуллиги;
- банк капиталининг адекватлиги;
- даромадликнинг келгусидаги истиқболлари;
- кўзда тутилаётган раҳбарнинг малакаси ва обрў эътибори;

-банкни очиш учун тақдим этилган хужжатларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги;

-монополияга қарши чоралар;

Банк операцияларини лицензиялашга бўлган зарурат банкни мамлакат иқтисодий тўлов қобилиятига таъсир этиши билан боғлиқ. Банк операцияларини ўтказувчи амалга ошириши ва рўйхатга олиниши лозим. Тижорат банкни ташкил этилишида унга лицензия берилгандан кейин у лицензия асосида банк операцияларини ўтказиш хукуқига эга бўлади. Агар, банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан белгиланган банк операцияларини лицензия олиш учун рўйхатдан ўтмай фаолият кўрсатса бу операциялар қонунга хилоф деб топилади ва жавобгарликка тортилади.

Тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида давлат рўйхатидан ўтгандагина ташкил этилган деб ҳисобланади ва юридик шахс статусини олади.

Юридик ва жисмоний шахслар тижорат банкни таъсис этувчилари ҳисобланади ва улар банк ва унинг устав капиталини шакллантиришда иштирок этадилар. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги” қонунга асосан банк устав капиталини шакллантиришга давлат хокимият органлари, жамоа бирлашмалари, жамоа фондлар маблағлари, шунингдек кредитга олинган маблағлар ва гаровга олинган маблағлар фойдаланиш ман этилади.

Банк таъсисчилари ўз зиммасига тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, устав капиталини шакллантириш, материал-техник базасини яратиш, мижозлар кўламини аниқлаш, ўтказиладиган банк операциялар турини аниқлаш ва бошқа катор масалаларини ҳал этишлари лозим.

Таъсисчилар таъсис шартномаси ёки акционер жамиятни тузиш шартномасини расмийлаштирадилар. Бу шартномада банк бошқарув шакли, устав капиталининг таҳминий миқдори ва таъсисчиларнинг устав капиталидаги ҳиссалар улуши аниқланади. Шартномада томонлар мажбурияти, хукуқлари ва бошқалар акс эттирилади.

Банкни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олиш ва лицензиялаш тегишли талаблар амалга оширилгандан кейин бир ой муддат ичida ҳал этилади.

Банклар мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилишлари мумкин. Ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар банк муассислари сифатида иштирок эта оладилар. Ҳар бир акциядорнинг устав капиталидаги улуши “Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида”ги Низомда кўрсатилишича 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб устав капитали умумий миқдорининг 20 %, 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб 13% , 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб 7% дан ошмаслиги белгиланган. Шунингдек банкларнинг бошқа банклар устав капиталида иштирокига рухсат этилмайди (аммо шўъба банклар ташкил этиш бундан мустасно).

Банкларнинг акцияларини олиш қонун ҳужжатларида алоҳида кўрсатилади. Банк муассисларининг муҳим хусусиятларидан бири шундан

иборатки, банк акциядорлари таркибидан у рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида чиқиб кетиш хуқуқига эга эмаслар.

Ҳар қандай юридик шахс сингари банклар уставига эга бўлишлари ва ўз уставлари асосида фаолият кўрсатишлари керак. Банк уставида қўйидаги моддалар ўз аксини топган бўлиши керак:

- банкнинг (тўла ва қисқартирилган) номи ва жойлашган (почта) манзили;

- банк кўрсатадиган операциялари рўйхати;

- устав капиталининг миқдори, муассислар рўйхати ва уларнинг устав капиталидаги улушларнинг тақсимланиши;

- банкнинг бошқарув органлари, уларни ташкил этиш тартиби, уларнинг ваколатлари ҳамда вазифалари ҳақидаги маълумотлар;

- банк аудити тартиби, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ белгиланган хисоботлар ва аудиторлик дастурларининг мақсадлари кўрсатмалари.

Булардан ташқари банк уставида бошқа қонун хужжатларида назарда тутилган маълумотлар ҳам бўлиши керак.

Қонунда кўрсатилишича кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ва солиқقا жалб этилган маблағлардан банкнинг устав капиталини шакиллантириш мумкин эмас. Аммо алоҳида олинган холларда қонунларда кўрсатилган бўлса бюджет маблағларидан фойдаланишга руҳсат бериш мумкин.

Банк капиталнинг энг кам миқдори банкни рўйхатга олгунга қадар унинг муассислари томонидан тўланиши керак. Бу тўланиш керак бўлган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ёки бошқа банкларда очиладиган жамғарма ҳисоб варагига ўтказилади. Банк устав капиталининг энг кам миқдори Марказий банк томонидан Тижорат Банклари капиталнинг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомда (№949-сонли, 2000 йил 25 июл) кўрсатиб берилган.

Бу низомга кўра фаолият кўрсатган банклар эквиваленти 2 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган суммада умумий капиталга эга бўлиши лозим. Янги очилаётган банклар учун эса устав капиталининг энг кам миқдори жадвалда берилган¹.

	Ахолиси 0,5 млн. кишидан кўп бўлган шахарларда очилаётган тижорат банклари учун	Ахолиси 0,5 млн. кишидан кам бўлган шахарларда очилаётган тижорат банклари учун	Чет эл капитали иштирокида очилаётган банклар учун	Хусусий банклар учун
2002 йил 1 январдан	2,5 млн АҚШ доллари, эквивалентида	1,25 млн АҚШ доллари, эквивалентида	5 млн АҚШ доллари, эквивалентида	1,25 млн АҚШ доллари, эквивалентида

¹ *Манба: “Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами”, Тошкент, Ўзбекистон 146 бет.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 1 ноябридаги 22-сонли баённомаси билан тасдиқланган «Банкни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартиби»нинг 16.5 –бандига кўра қуидаги ҳоллатда лицензия бериш ва банкни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризанинг рад этилишига асос бўла олади:

- *Марказий банк талабларининг бажарилмаслиги;
- *таъсис ҳужжатларининг мавжуд қонун талабларига мувофиқ эмаслиги;
- *бир ёки бир неча муассиснинг молиявий аҳволи қониқарсиз эканлиги;
- *муассис жиноий шахс бўлганида ўз маблағларининг манбай ҳақидаги маълумот бермаганлиги;
- *бизнес режа ва молиявий режа пухта тузилмаганлиги;
- *банкни рўйхатдан ўтказиш пайтида энг кам устав капиталининг шакллантирилмаганлиги;
- *банк раҳбар ходимлари ва бош бухгалтернинг ўз касбига нолойиқлиги;
- *ташкилий-техникавий тадбирларнинг бажарилмаслиги;
- *Марказий банк томонидан банк ташкил қилиш учун берилган дастлабки рухсатноманинг амал қилиш муддати тугаганлиги.

Банк ташкил этилгунча, яъни у давлат рўйхатидан ўтказилгунича қадар унинг номидан амалга оширилган банк операциялари ҳақиқий ҳисобланмайди.

Банк рўйхатдан ўтказилганидан кейин ўн кунлик муддат ичida солиқقا тортишни ташкил этиш учун молия-солиқ органига зарур ҳужжатларни тақдим қилиш зарур.

Банк уставига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш учун банк акциядорлар ийфилиши ёки муассисларнинг қарорига мувофиқ белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мурожат қилинади ва қуидаги ҳужжатлар:

*уставга ўзгаришлар киритиш ҳақида банк кенгаши раиси имзолаган илтимоснома;

*банк акциядорларининг уставига ўзгариш ва қўшимча киритиш ҳақидаги мажлиси баёни (З- нусхада);

*банк кенгаши раиси имзолаган уставига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар рўйхати (З нусхада) тақдим этилади.

Мазкур ўзгаришлар ва қўшимчалар Марказий банкда рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Фкнинг 49-моддасига кўра, банк муассасини, яъни юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Банкни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий мажлиси қарорига кўра амалга оширилиши мумкин. Бу қуидаги ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан амалга оширилади.

*банк кенгаши раиси имзоланган илтимоснома;

акциядолар умумий йиғилишининг банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори;

банкни қайта ташкил этишнинг тахминий шартлари, шакллари, тартиб ва муддатларини акс эттирадиган хужжатлар;

қайта ташкил этишнинг натижалари ҳақидаги молиявий тахминлар, шу жумладан, банкнинг у қайта ташкил этилганидан кейин ҳисоб-китоб баланси ва банкни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган юридик шахслар ҳақидаги маълумотлар.

Мазкур хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан икки ой давомида кўриб чиқилади.

Марказий банк томонидан банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни бекор қилиш учун берилган лицензияни бекор қилиш анча мураккаб хуқуқий тадбир бўлиб, тижорат банклари фаолиятининг тўхталиши ва тугалишида муҳим асосдир.

Банк фаолиятини тўхтатиш ва банкларни тугатиш “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунда ҳамда Марказий банкнинг 240-сонли “Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низом”да кўсатиб ўтилган. Жумладан банк қўйидаги холларда ўз фаолиятини тўхтатади: акциядорлар йиғилишининг қарорига кўра, Марказий банк лицензияни қайтариб олганда, банкрот деб эълон қилинганда. Ўз фаолиятини тўхтатган банк Марказий банк томонидан банкларни Давлат рўйхатига олиш дафтаридан чиқарилади. Уни фаолияти тўхтатилганлиги матбуотда эълон қилинади. Фаолиятни тўхтатиш ва уни тугатиш тартиби низомда белгилаб берилган.

Аммо бу низом банк банкорт деб эълон қилинганда амалга киритилмайди.

Лицензиянинг бекор қилиниши:

*тижорат банки томонидан йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатига нисбатан қўлланиладиган қаттиқ хуқуқий санкция;

*қонун бузилиш ҳолатига давлатнинг ўз бошқарув муассасаси Марказий банк орқали билдирилган муносабати;

*банкнинг банкротлиги учун формал асос ҳисобланади.

Лицензия бекор қилингандан кейин банк мавжуд бўлиб туради, аммо банк операцияларини амалга ошира олмайди.

Лицензияни бекор қилиш Марказий банк бошқаруви томонидан қўлланадиган оғир жазо чораси ҳисобланганлиги сабабли, бошқа жазо чоралари натижа бермаган қўйидаги ҳоллардагина қўлланилади;

*банк тўлов қобилиятини йўқотиб, пассивлари активларидан ортиб кетганида;

*лицензия берилишга асос бўлган маълумотларнинг хақиқий эмаслиги аниқланганда;

*банк ўз кредиторлари ва омонатчилари олдидаги мажбуриятларини ўташга қобилиятсиз бўлиб қолганда;

*ҳисобот маълумотлари мунтазам равишда бузиб курсатилганда;

*банк операцияларини қонунчиликка ва лицензия шартларига хилоф тарзда амалга оширилганида;

*лицензия берилганидан кейин бир йилдан ортиқ вақт давомида банк операцияларини амалга оширишга киришмаслиги оқибатида;

*Ўзбекистон Республикасида шульба банк очган харийи банк лицензиясининг чақириб ўз мамлакати томонидан бекор қилинганида.

Лицензияни бекор қилиниши Марказий банкка тижорат банкнинг судга муражгаат қилмасдан мажбурий суратда тугатилиши учун асос бўлади. Буни Марказий банк томонидан тайинланган тугатиш комиссияси амалга оширади.

Ликвидатор (тугатувчи) Марказий банк билан келишилган ҳолда акционерлар умумий йигилиши томонидан банкни тугатиш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб 3 кун мобайнида тайинланади. Тугатиш жараёнининг мақсади банк омонатчилари ва кредиторлари талабларини тезлик билан қондиришдан иборат. Банкни тугатиш жараёни Марказий банк бошқарувининг лицензияларни қайтариб олиш тўғрисидаги қарори чиқкан кундан бошланган деб ҳисобланади. Тугатилаётган банкнинг Марказий банк мажбурий захиралар хисоб варагида хисобда турган маблағлари тугатувчи томондан банкни тугатиш жараёни бошланганлиги тўғрисидаги тасдиқнома тақдим этилгандан сўнг банкнинг тугатиш хисоб-варагида акс эттирилади. Марказий банк томонидан тугатиш жараёни башлангандан сўнг чеклашлар киритади яъни акциядорлар умумий йигилиши, бошқа органлар ваколатлари тўхтатилади. Банк ҳисобидан ва номидан хеч қандай иш бажарилмайди, қарз мажбуриятлари муддати ўтган ҳисобланади. Банкнинг тугатилиш жараёни қўйидаги босқичлардан иборат:

- моддий назорат ва инвентаризация;
- активларни текшириш;
- активларни баҳолаш ва сотиш;
- сотувдан тушган тушумларни жойлаштириш;
- тугатиш жараёнини аниқлаш.

Марказий банк тугатиш жараёнини назорат қилиб туради. Банкни тугатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар мазкур банк ҳисобидан амалга оширилади. Банкни тугатиш жараёни икки хил бўлиши мумкин: -ихтиёрий тугатиш ёки мажбурий тугатишидир.

Банкни ихтиёрий тугатиш кредиторлар ва омонатчилар олдида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш имконига эга бўлган банк акциядорлари умумий йигилиши томонидан банкни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Мажбурий тугатиш Марказий банкнинг банк фаолияти амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиясини чақириб олиш тўғрисидаги қарорига асосан амалга оширилади.

Банкларни тугатиш тўғрисидаги низомининг 4-бўлимидаги тугатувчи (ликвидатор) ваколатлари ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган. Банк тугатилиши бошлангандан сўнг Марказий банк моддий назоратни ўрнатади ва ликвидатор инвентаризация ўтказади. Шунингдек, ликвидатор активларни текшириб тугатиш хисботини тайёрлаши лозим: унда якуний баланс, вакиллик хисоб варакалари аҳволи тўғрисидаги хисботлар, пул маблағлари ва валюта ҳисобини юритиш, баланс ва кредит портфели бўйича кредитор

қарздорлигини текшириши лозим. Ликвидатор банк активларини: яъни пул маблағлари, ссудалар, қимматбахо қофозлар, валюта маблағларини баҳолаб сотади. Ликвидатор низомга асосан омонатчилар ва кредиторлар талабини қондириш керак. Тугатиш ишлари яқунлангандан сўнг ликвидатор бажарилган ишлар тўғрисидаги яқуний ҳисоботни ва тугатиш балансини тузади ва Марказий банкка тақдим этади. Марказий банк ликвидатор тақдим этган хужжатларни ўрганиб чиқиб, банкни банкларни рўйхатга олиш Давлат Китобидан чиқариб ташлаш тўғрисида қарорни қабул қиласди.

2-§. Тижорат банклари фаолиятининг тамойиллари.

Тижорат банкларининг моҳияти ва уларнинг фаолият кўрсатиш асослари улар фаолиятини ташкил қилишнинг **асосий тамойилларида** ўз ифодасини топади.

1. Тижорат банклариниг кредит ресурсларини яратишда четдан жалб қилинган ресурсларга таяниб ишлаш тамойили.
2. Тижорат банкларининг ҳақиқатда мавжуд маблағлар чегарасида хизмат кўрсатиш.
3. Банк фаолиятининг тўла иқтисодий мустақиллиги.
4. Банклар фаолиятининг тижорат тавсифи.
5. Мижозлар манфаатини ҳимоя қилиш.
6. Банкларнинг даромадлиги ва улар фаолиятининг универсаллашуви.

Тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлар доирасида кредит ресурсларни ташкил қилиш ва ишлаш тамойили банк фаолиятининг пойдевори ҳисобланиб, унинг депозит ва омонатлар жалб қилишга бўлган қизиқишиларини оширади, пассивларни жалб қилиш бўйича рақобат муҳитининг юзага келишига асос бўлади. Ундан ташқари четдан жалб қилинган ва қўйилган маблағлар мутаносиблиги банкларда депозитларни жалб этишга қизиқиши кучайтиради ва бу маблағлардан унумли фойдаланишга асос яратади.

Тижорат банкнинг иккинчи ва асосий тамойилларидан бири бу **ҳақиқатда мавжуд бўлган маблағлар чегарасида хизмат кўрсатиш**dir. Тижорат банки бошқа банк вакиллик ҳисоб рақамига нақд пулсиз тўловни амалга ошириш, бошқаларга кредит хизматини кўрсатиш ва вакиллик ҳисоб варафида қолган қолдиқ чегарасида нақд пуллик операцияларни бажариши мумкин. Тижорат банкларининг ҳақиқатда мавжуд маблағлар чегарасида фаолият кўрсатиши деганда, банкнинг нафақат ўз ресурс ва кредит қўйилмаларининг мутаносиблиги, балки банкнинг активлари билан унинг жалб қилинган маблағлари ўртасидаги мутаносиблигини таъминлаши тушунилади. Бунда авваламбор, пассивлар ва активлар муддатларининг бир хиллиги инобатга олиниши лозим. Бинобарин, агар банк маблағларни қисқа муддатга жалб этган бўлса ва бу маблағларни узоқ муддатли ссудаларга жойлаштиrsa, банкнинг мажбуриятлари бўйича тўловларни ўз вақтда амалга ошира олиши бир мунча муаммолар билан боғлик бўлиши, бу эса ўз навбатида банкнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Банк активида риск даражаси юқори бўлган ссудалар микдорининг кўпайиши, банкнинг ресурслари ҳажмида ўз маблағлар хиссасининг оширилишини тақазо қиласи. Шунга кўра, банк фаолиятини тартибга солувчи иқтисодий нормативларни аниқлашда банк активларининг пассивларга мутаносиб бўлишини инобатга олиш лозим.

Банк қонун доирасида ўз ресурсларидан мустақил равишда фойдаланиши мумкин, лекин унинг актив операциялари ҳажмини маъмурий тақиқлов усууллари билан чегаралаш мумкин эмас.

Маъмурий чекловлар бир марталик ва фавқулодли ҳолларда қўлланилиши мумкин. Бу чекловларни доимий тарзда қўллаш банкнинг

тижорат асосларининг бузилишига олиб келади. Шунга кўра, банклар фаолиятини тартибга солиш учун иқтисодий меъёрлардан кенг фойдаланилади. Тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлар доирасида кредит ресурсларини ташкил қилиш ва ишлаш тамойили банк фаолиятининг пойдевори ҳисобланиб, унинг депозитлар жалб қилишга бўлган қизиқишини оширади, пассивларни жалб қилиш бўйича рақобат муҳити юзага келишига асос бўлади.

Ундан ташқари жалб этилган маблағларнинг мутаносиблиги тамойили банкларда депозитларни жалб этишга қизиқишини кучайтириш ва бу маблағлардан унумлироқ фойдаланишга қаратилган. Бу тамойил асосида ишлаш тижорат банкларни ликвидлигини оширишга ёрдам беради.

Учинчи тамойил бу **банкнинг тўла иқтисодий мустақиллигидир**. Бу тамойилга асосан банк ўз ва жалб этилган маблағлардан мустақил фойдаланиши, мижозлар ва омонатчиларни ўзи мустақил равища танлаши, кредит сиёсатини мустақил тузиши ва амалга ошириши, фоиз ставкаларини мустақил ўрнатиши ва ўзгартириши даромадларни мустақил равища тақсимлаши ва бошқа фаолият турларини мустақил бажариши мумкинлиги кўзда тутилади. Банклар фаолияти тўғрисидаги амалдаги ҳуқуқий-меъёрларга асосан барча тижорат банклари ўз фонд ва даромадларидан иқтисодий жиҳатдан мустақил фойдаланишлари мумкин.

Тижорат банкнинг солиқ тўлагандан кейинги қолган фойдаси акционерларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ тақсимланади. Акционерларнинг умумий йиғилиши банкнинг ҳар турлиги фондларга ажратмаларининг норма ва миқдорини, акцияларга тўғри келувчи дивидент суммасини белгилайди.

Мажбуриятлари бўйича тижорат банки ўз маблағлари ва мол-мулки билан жавоб беради. Тижорат банки ўтказадиган операцияларнинг рискини ўз зиммасига олади.

Учинчи тамойил асосида тижорат банк ва мижоз муносабатлари ётади, яъни банк ссуда бераётган бозор меъзонларидан даромад, риск ва ликвидлик даражаларидан келиб чиқсан ҳолда беради.

Тижорат банк фаолиятини олиб боришининг тўртинчи тамойили **банк фаолиятининг тижоратлашуви** бўлиб, бунда банкларнинг тижорат обьекти вақтинча бўш турган пул маблағлари ҳисобланади. Бу пул маблағлари банкка тегишли бўлмаган бўлсада, фаолияти давомида банк уларни ўз номидан жойлаштиради.

Банк тижорати кам инвестиция қилиб кўпроқ даромад олиш тамойилига асослангани учун, унинг мажбуриятларининг пассивларидаги улуши кам бўлиши керак.

Тижорат банки кредит бериш ва инвестицияларни молиялаштириш жараёнида иложи борича кўп даромад олишни мўлжаллайди.

Ундан ташқари банк фаолиятининг хавфсизлиги ҳам банк тижоратининг асосидан бири ҳисобланади. Банк ҳар доим риск билан боғлиқ фаолият кўрсатади. Банк фаолиятида риск даражаси қанча кам бўлса ва хавфсизлиги юкори бўлса, банкнинг даромади ҳам шунча кўп бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолиятининг яна бир муҳим тамойили шундаки, банк иқтисодий ташкилот сифатида ўзининг капитали, даромади билан риск қилиши мумкин, лекин у мижознинг даромади ёки капитали билан риск қилиши мумкин эмас. Қисқача қилиб айтганда, банк фаолияти “**ҳамма нарса мижоз учун**” деган тамойилга асосланган бўлиши керак. Бу тамойил банк мижоз учун тўлалигича жавоб бериш зарурлигини билдиради, унинг даромадини таъминлади.

Мижозлар томонидан қараганда банк ҳар доим шерик ташкилот ҳисобланади. Шериклик муносабатлари икки томоннинг ўзаро қизиқишларига ва розиликларига асосланган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги туфайли банк мижозлар манфаатини таъминлашни биринчи ўринга қўйиши лозим.

Тижорат банклари фаолиятининг кейинги тамойили бу банклар кўрсатадиган хизматлар ва операцияларнинг **универсаллашуви** ва **диверсификацияси** бўлиб, банклар фолиятининг турли тармоқ ва соҳаларни қамраб олишини кам рисклилик асосида юқори даромад олишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Банклар қайси мулк шаклига асосланганлигидан қатъий назар уларнинг фаолияти юқоридаги тамойилларга асосланади.

Олдинги параграфда таъкидлангинидек банклар акциядор жамият каби очиқ турдаги ёки ёпиқ турдаги акциядор банклар бўлиши мумкин. Акциядорлар сафига кириш акцияларни сотиб олиш йўли билан амалга оширилади. Ҳукуқий ва жисмоний шахслар банкларнинг акциядорларини сотиб олиши ва акциядорлар бўлиши мумкин.

Баъзи тижорат банклари пайлар (бадаллар) ҳисобидан ташкил қилиниши мумкин. Бу турдаги банкларининг қатнашчилари ҳам ҳукуқий ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Хусусий банклар-жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган банклар ҳисобланади.

Бажарадиган операцияларига қараб тижорат банклар-универсал ва маҳсус банкларга бўлинади.

Универсал банклар хилма-хил операциялар бажариш, ҳар хил хизматлар амалга ошириш хусусиятига эга бўлади. Маҳсус банклар маълум йўналишларга хизмат кўрсатиб, ўз фаолиятини шу йўналишларда ютуқларга, самарадорликка эришишга бағишлиади. Бундай банкларга тармоқларга хизмат кўрсатувчи банклар, экспорт-импорт операцияларини олиб борувчи банклар, инвестиция банклари, ипотека-замин банкларини кириши мумкин.

Жойлашиш белгисига қараб тижорат банклар: халқаро, республика, минтақавий, вилоят банкларига бўлиниши мумкин.

Тармоқларга хизмат кўрсатишга қараб: саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалик, савдо ва бошқа банкларга бўлиниши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитда банкларнинг роли, уларнинг иқтисодиётга таъсири ўсиб бормоқда. Кредит муассислари, аҳоли, корхона, ташкилотлар, компанияларнинг бўш пул маблағларини йиғиш ва жойлаштиришдан ташқари, корхоналарнинг хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам беради ва корхоналар фаолиятини кузатиб бориши мумкин.

Банклар ва унинг кредити ёрдамида мавжуд капитал тармоқлар ўртасида, ишлаб чиқариш ва муомала соҳаси ўртасида, тақсимланади ва қайта тақсимланади.

Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшимча инвестицияга бўлган талабларни молиялаштириб, банклар халқ хўжалигида прогрессив ютуқларга эришишни таъминлаши мумкин.

3-§. Тижорат банкларининг функциялари.

Тижорат банкларининг иқтисодий роли унинг фаолият доирасининг кенг бўлишига олиб келади. Бу сабабли тижорат банклари қуйидаги функцияларни бажаради:

- вақтинча бўш турган пул маблағларни йиғиш ва уларни капиталга айлантириш;
- корхона, ташкилотлар ва аҳолини кредитлаш;
- иқтисодиётда ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш;
- молия-валюта бозорида фаолият кўрсатиш;
- иқтисодий-молиявий ахборотлар бериш ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш ва бошқалар.

Банклар бўш пул маблағларини йиғиш ва уларни капиталга айлантириш функциясини бажара туриб мавжуд бўш пул даромадлари ва жамғармаларини йигади. Жамғарувчи (бўш пул маблағ эгаси) ўз маблағларини банкка ишониб топширгани учун ва банк бу маблағлардан фойдалангани учун маълум фоиз ҳисобида даромад оладилар. Бўш пул маблағлари ҳисобидан ссуда капитали фонди вужудга келади ва бу фонд иқтисодиёт тармоқларни кредитлаш учун ишлатилади.

Тижорат банкининг бўш турган маблағларни жалб этиш уларни капиталга айлантириш функцияси асосий функциялардан ҳисобланиб, жалб этилган маблағлардан даромад қарз маблағларига бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланади.

Банкнинг воситачилик операциялари бозор иқтисодиёти тизимини ривожлантириш борасида банк ўз фаолиятида риск ва ноаниқликнинг олдини олишга шароит яратади. Пул маблағлари банк воситачилигисиз ҳам кредитор ва қарз олувчи орасида муомалада бўлиши мумкин, аммо бу билан маблағларни йўқотиш билан боғлиқ риск даражаси ошади ва маблағларни ўз вақтида қайтариб бериш муаммолари юзага келади. Бу муаммоларнинг юзага келиши шундан иборатки, кредитор ва қарз олувчи бир-бирови ҳақида етарли даражада маълумотга эга эмаслиги, маблағларга бўлган талабнинг таклиф билан доимо миқдоран ва бир вақтда тенг эмаслигидадир. Тижорат банклари маблағларни депозитга жалб этиши, ссуда бериши мумкин. Банк ўз активлари бўйича кенг диверсификация усулини қўллаб омонатларни қайтара олмаслик риски даражасини камайтириши мумкин.

Иқтисодий тизимни қайта қуриш учун асосан ва биринчи галда ички хўжалик жамғармаларига таяниш лозим. Тижорат банк молия бозорига кредит ресурсларига талаб билан кирав экан, нафақат иқтисодиётда мавжуд бўлган барча жамғармаларни максимал даражада йиғишга, балки жорий истеъмолни чегаралаш билан жамғармани шакллантиришга самарали таъсир кўрсатмоғи лозим. Жамғарма маблағларни шакллантиришда тижорат банкларни депозит сиёсатининг таъсири катта. Омонатчиларга юқори фоизлардан ташқари, банк кредитларига юқори кафолат ва ишончлилик керак. Омонатларни қўйишда хавфсизлик билан бир қаторда мижоз тижорат банк фаолияти етарлича

маълумотга эга бўлиши ва бу билан у банкни молиявий аҳволига баҳо бера олиши мумкин.

Тижорат банклар фаолиятида асосий ўринни корхона, ташкилотларни, аҳолини ва турли субъектларни кредитлаш эгаллади. Кредитлаш жараёнини ташкил қилишда банк молиявий воситачи ролини ўйнайди. У бўш турган маблағларни жалб қиласди ва ўз номидан мижозларга вақтинча фойланишига беради. Банк кредити ҳисобидан иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари-саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқалар молиялаштирилади ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга асос бўлади.

Тижорат банклари шартнома асосида бир-бирларининг маблағларини депозит, кредит шаклида жалб этишлари, жойлаштиришлари, ўз уставларида кўрсатилган бошқа ўзаро операцияларни амалга оширишлари мумкин.

Мижозларга кредит бериш ва ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш учун маблағ етишмай қолган тақдирда тижорат банклари кредит ресурслари олиш учун Марказий банкка мурожат қилишлари мумкин.

Тижорат банклари операциялари бўйича фоиз ставкалари уларнинг ўзлари томонидан мустақил белгиланади. Аммо бу ставкалар давлат пул-кредит сиёсатининг бош йўналишларида белгилаб бериладиган фоиз ставкалари сиёсатига асосланган бўлиши лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қимматли қоғозлар бозорининг яхши тараққий этмаган босқичларида иқтисодиётда мавжуд бўлган асосий молиявий ресурслар банкларга омонатларни жалб қилиш орқали амалга оширилади.

Банкларнинг кейинги функцияси бу мустақил субъектлараро тўлов операцияларини амалга ошириш функциясидир. Режали иқтисодиёт даврида барча тўловлар бир давлат банки орқали амалга оширилган, ҳисоб-китобларни бундай тизимида тўловларни амалга оширишда давлат ўзи кафил бўларди. Мустақил тижорат банк тизимини шакллантириш ҳисоб-китоб тизимини ажралишига олиб келади ва банклар ўз зиммаларига оладиган риск даражасини кўпайтирди. МФО ҳисоб варақаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар ўрнига банклараро ҳисобнинг корреспондент счетларга ўтиши ҳам риск даражасини кўпайтишига олиб келди. Бундай шароитда тижорат банклар мижозлар ҳисоб-китоблар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишилиши бўйича масъулдир.

Бозор иқтисодиётига асосланган барча мамлакатларда тижорат банклар иқтисодиётининг тўлов механизмида етакчи ўрин тутади.

Мамлакатимиз иқтисодиёт тўловларни амалга оширишни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш орқали мамлакатимиз тўлов тизимида тижорат банкларнинг ўрни кенгаймоқда.

Ундан ташқари тижорат банклар молия-валюта бозорида фаолият кўрсатиш, яъни қимматли қоғозлар чиқариш ва уларни жойлаштириш, сотиб олиш билан шуғулланиши, мижозларга ҳар хил ахборотлар, маслаҳатлар бериш билан шуғулланиши мумкин.

Тижорат банклари юкорида келитирилган функциялари асосида қуйидаги операцияларни бажаради:

-пассив операциялар;

- актив операциялар;
- банк хизматлари ва воситачилик операциялари;
- банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган операциялари ва бошқа турдаги операцияларни бажарадилар.

4-§. Тижорат банклари бухгалтерия балансининг тавсифи.

Тижорат банкининг баланси бухгалтерия баланси бўлиб, у банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларининг ҳолатини ҳамда уларни банкнинг кредит ва жалб қилинган маблағларининг ҳолатини ҳамда уларни банкнинг кредит ва бошқа актив операцияларига жойланишини ифодалайди. Бундан ташқари, бухгалтерия баланси банк томонидан бажариладиган операцияларни характерлайди ва ҳақиқий олинган фойдани кўрсатади. Шу боис баланс банк молиявий фаолияти натижаларини кўрсатувчи бухгалтерия ҳисоботининг асосий шакли бўлиб, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Банк раҳбарларига банк ишини ривожлантиришда аниқ чора ва тадбирлар ишлаб чикишга шароит яратади. Баланс маълумотлари асосида банк капитали ва фондлари, кассадаги накд пуллар қолдиғи, мижозларнинг ҳисоб-китоб ва ссуда ҳисоб варақларидаги қолдиқлар, ҳамда бошқа жалб қилинган маблағлар ҳолати ҳақида тасавурга эга бўлиш мумкин.

Банкларнинг бухгалтерия баланси Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун ва халқаро андозалар талабларига мос келувчн янги ҳисобварақалар режаси асосида белгиланган шаклда тузилади. Янги ҳисобварақалар режасида иқтисодиётда бўлиб ўтган барча ўзгаришлар натижасида банклар томонидан бажарилаётган янги операциялар ҳам кўзда тутилган. Янги ҳисобварақалар режаси ҳам мазмунан, ҳам тузилиши жиҳатдан РСКИ режадан фарқ қиласди. Янги режа бош бухгалтерия китобидаги ҳисобварақалар тизимини акс эттириб, улар молиявий операцияларни гурухлаштириш, икки ёқлама ёзувни амалга ошириш, ҳисоботларни тузиш ва таҳлил қилиш учун ишлатилади.

Ҳисобварақалар режасининг асосий максади барча тижорат банклари учун ҳисобварақаларининг ягона шаклини қабул қилиниши ва ишлатилишини таъминлашдан иборат.

Ҳисобварақлар режаси 6 бўлимдан иборат:

- I. бўлим - АКТИВЛАР;
- II. бўлим - ПАССИВЛАР;
- III. бўлим - КАПИТАЛ;
- IV. бўлим - ДАРОМАДЛАР;
- V. бўлим - ХАРАЖАТЛАР;
- VI. бўлим - КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР.

Осон қабул қилиш ва эслаб қолиш мақсадида актив ҳисобварақалар коди тоқ, пассив ҳисоб-варақалар коди эски жуфт рақамлар билан белгиланган.

Режадаги ҳисобварақалар бош китоб учун бешта рақамдан иборат килиб кодлаштирилган ҳисоб-варақаларнинг номерланиши қўйидагича:

C	ММ	SS
---	----	----

С-хисоб варақалар категориясини билдиради. яъни:

бўлим – КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ХОЛАТЛАР.

ММ- юқорида санаб ўтилган категориялардан бирига қарашли асосий хисобварақ.

SS- асосий хисобвараққа қарашли субсчет.

Масалан: 10000 рақами активларни билдиради. 10100- активларга қарашли нақд

пулларни билдиради. 10101- кассадаги нақд пулларни билдирувчи хисобварақ.

Демак, 1 -активларни, 01 -нақд пулларни, кейинги 01 -кассадаги нақд пулларни билдиради.

Барча категорияга қарашли асосий ва субсчетлар худди шу тартибда номерланади.

Режага киритилган барча хисобварақалар мазмун жихатдан актив ва пассив хисоб-варакларга бўлинади. Янги режада аралаш характердаги актив-пассив хисоб-вараклар кўзда тутилмаган.

Янги хисобварақлар режаси бухгалтерия хисоби учун қабул қилинган қуидаги умумий принципларни ўзида мужассамлаштирган:

Активлар, мажбуриятлар, капитал, даромад ва харажатлар бўйича хисобварақларнинг тизимли тарзда ифодаланиши;

Даромад ва харажатларнинг тегишли хисобварақлари рақамлари даромадлар келиб тушиш ёки харажатлар сарфланишдан катъий назар тегишли даромадлар йиғилиши ёки харажатлар амалга ошиш даври бўйича ўсиб бориш тартибида хисобга олиб бориш ва аксинча, келгуси хисоб даврига тааллуқли бўлган, лекин келиб тушган даромадлар ёки сарфланган харажатларнинг тан олинишини кечиктириш, яъни келаси давр учун қабул қилиниши;

Риск билан боғлиқ активларни баҳолаш. Кўрилиши мумкин бўлган зарарлар учун захиралар суммаси тегишли жорий харажатлар хисобварақлари дебетлаш ва уларга мос келувчи захиралар хисобварақлари кредитлаш билан ташкил этилади. Захира хисобварақлари балансда тегишли активлар суммасидан ажратмалар сифатида кўсатилади;

- Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ва уларнинг эскириш суммаси бўйича хисоб юритилишини таъминлаш, яъни асосий воситаларнинг эскириш суммалари жорий харажатларнинг тегишли хисобварақларига дебетлаш ва тегишли активларнинг йиғилган эскириш суммаси хисобварақларига кредитлаш билан хисобга олинади. Йиғилгаи эскириш суммалари хисобварақлари балансда тегишли активлар суммасидан ажратмалар сифатида кўрсатилади;

- Чет эл валюталаридаги операциялар ҳисобининг кўп валюталик тизимининг қилиниши.

Баланс бўлимларининг қисқача тавсифи.

1 бўлим "АКТИВЛАР"

"Актив"лар бўлими ўз ичига бир қатор асосий ҳисобварақларни бирлаштиради. Банк активлари нақд пуллардан бошлаб ҳисобга олинади. Нақд пулларни ҳисобга олиш учун 10100 ҳисобрақами ажратилган. Бу ҳисобварак номи "Нақд пуллар ва бошқа касса хужжатлари" бўлиб, ўз ичига "Кассадаги нақд пуллар", "Йўлдаги нақд пуллар", "Валюта алмаштириш шахобчалари кассасидаги нақд пуллар", "Банкоматлардаги нақд пуллар каби бир қатор суб-ҳисобрақамларни бирлаштиради".

Бундан ташқари ушбу бўлимда 10300 - "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкидаги ҳисоб-рақамлари", 10500 - "Банкнинг бошқа банклардаги ҳисоб-рақамлари" номли асосий ҳисобвараклар ва уларга тегишли бўлган бир қатор суб-ҳисоб-рақамлари очилган. Республикадаги мавжуд қонун қоидаларга асосан барча тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида ўз вакиллик ҳисобваракларини очадилар. Маблағ ўтказиш ёки маблағларни тушириш бўйича амалга ошириладиган банклараро операциялар тижорат банкларининг вакиллик ҳисобвараклари орқали амалга оширилади. Мажбурий заҳиралар фонди ҳам Марказий Банкдаги алоҳида ҳисобварагида турадиган банк маблағи бўлиб, Ўзбекистоннинг барча тижорат банклари томонидан мажбурий тартибда заҳираланади, бу эса тижорат банкининг ликвидлигини сақлаб туришга маълум даражада кафолат бўлади. Мажбурий заҳиралар фондига ажратмаларнинг фоиз ставкаларини белгилаш Марказий Банк томонидан ўтказиладиган тижорат банклари ликвидлигини сақлаб турувчи энг таъсирчан механизм бўлиб ҳисобланади.

Олди-сотди учун мўлжалланган қимматли коғозлар бўйича операциялар ҳисобини юритиш учун 10700 ҳисобрақам ажратилган. 10900 ҳисобрақами эса олди-сотди учун мўлжалланган қимматбаҳо металларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Бу иккала асосий ҳисобрақамлар ҳам бир неча суб-ҳисобрақамларни ўзига бирлаштиради. Қимматли қоғозларга қўйилмалар тижорат банкининг фонд бозоридаги операцияларини акс эттиради ва баланс активининг бошқа кўрсаткичлари билан таққосланганда қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларида банкнинг амалий фаоллигини ифодалайди. 11300 "Сотиб олинган векселлар" ҳисобрақамида банк томонидан векселларни сотиб олиш билан боғлиқ операциялар ҳисобга олиб борилади. Банкнинг сотиб олинган векселлари 11301-11399 рақамли баланс ҳисобрақамларида ҳисобга олинади. Векселларни сотиб олиш -бу муомаладаги инструментлар воситасида молиялаштиришнинг бир шаклидир. Мижозлардан экспорт билан борлиқ ва маҳаллий хужжатли ҳамда хужжатсиз векселларни сотиб олиш асосан ушбу векселларни ўз вақтида тўланиши бўйича шартни Ўз ичига олади. Баъзи ҳолларда векселни сотиб олиш ёки банк томонидан кайта сотиш шартларини ўз ичига олиши мумкин.

Банк томонидан берилган қисқа муддатли ссудалар қўйидаги асосий ҳисобрақамларда ҳисобга олиб борилади: 11900- "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига берилган қисқа муддатли ссудалар", 12100- "Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли ссудалар", 12300- "хукуматга берилган қисқа муддатли ссудалар", 12500- Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли ссудалар, 127000- "Давлат корхоналариға берилган қисқа муддатли ссудалар", 12900- "Кўшимча корхоналарга берилган қисқа муддатли ссудалар" 13100- "Хусусий корхона 12500-«Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли ссудалар»" "Давлат корхоналариға берилган қисқа муддатли корхоналарга ссудалар" ва корпорацияларга берилган қисқа муддатли ссудаларга тегишли бўлган қарз 13300-14300 ҳисоб рақамларда, узоқ муддатли ссудалар эса 14500-15500, ўрта ва узоқ муддатли ссудалар хам турли мулкчилик шаклларига олувчилар бўйича гурухлаштирилган ва ўрта муддатли ссудалар ҳисобрақамларида ҳисобга олиб борилади. Умуман, кредитлар тижорат банкларининг ссудага доир операцияларидан банк фойда олишининг белгиловчи моддаси ҳисобланади.

Балансда кредит муддатлари ва халқ хўжалигидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг қайси мулкчилик шаклига берилишига қараб классификация қилинади. Суд жараёнидаги ссудалар ва аванслар 15300 асосий ҳисоб - рақамда олиб борилади. ҳисобрақамда суд муҳокамасига ўтказилган ссудаларнинг ҳисоби улар тўлиқ ундириб олинмагунча, қарздорларнинг мажбурияти қайта кўриб чиқилмагунча, гаровдаги мол - мулки олиб қўйилмагунча ёки суд жараёнини тўхтатадиган бошқа ўзгаришлар бўлмагунча шу ҳисобрақамда юритилади.

Банк инвестициялари 15900 асосий ҳисобрақамда ҳисобга олинади ва икки категорияга бўлинади:

Хукумат облигацияларига инвестиция қилинган маблағлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг облигацияларига ҳамда хусусий облигацияларга инвестиция қилинган маблағлар;

Уз қимматбаҳо қоғозларига қўйилган инвестициялар. Бу қимматли қоғозларнинг ҳисоби юқорида кўрсатилган ҳисоб - рақамда олиб борилмайди.

Бош банк агентликларидағи маблағларни ҳисобга олиб бориш учун 16100 ҳисоб - рақам ажратилган. Бу ҳисобрақамда Республикада жойлашган бош банк ва бўлимлар ёки бўлимлараро бўладиган миллий ва хорижий валюталардаги операцияларнинг ҳисоби олиб борилади. 16300 ҳисобрақам активлар бўйича ҳисобланган фоизларни ҳисобга олишга мўлжалланган. Бу ҳисобрақам ва унга тегишли бўлган суб - ҳисобрақамларда тегишли баланс ҳисобрақамларда ҳисоби юритиладиган активлар бўйича ёки кўрсатилган ҳизматлар бўйича ҳисобланган ва олиниши лозим бўлган, яъни хали келиб тушмаган фоизлар ҳисобланади. Баланс ҳисботи даврида ушбу фоизлар тегишли фоизлар ҳисобрақами (16301 - 16397) га дебетланади ва унга мос келган фоизли даромадлар ҳисобрақамига кредитланади.

Банкнинг асосий воситалари 16500 ва 16700 ҳисобрақамларида ҳисобга олиб борилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар - банк активларининг асосий моддаларидан бири бўлиб ҳисобланади, чунки банк Ўз фаолиятини ташкил қилиш учун моддий базага, операцияларни бажариш учун шарт - шароитга эга бўлиши лозим. Банкнинг асосий воситаларига бино - иншоотлар, капитал курилиш учун банк томонидан қилинган харажатлар, офис ва иш мебели, жихозлар, компьютер ва бошқа ҳисоблаш техникаси алоқа воситалари кабилар киради. Марказий Банк белгилаган меъёрлар тижорат банкининг капитал харажатлари микдорини банк активининг 10 фоиз микдорида чеклади. Клиринг ҳисоб - вараклари ва бошқа активлар 17300 ва 19900 ҳисоб - рақамларда ҳисобга олиб борилади.

II бўлим "МАЖБУРИЯТЛАР".

Банк балансининг мажбуриятлар қисми депозитлардан бошланади. Депозитлар банкнинг бошқа субъектлардан жалб қилинган манбаларини ифодалайди Бухгалтерия хисобининг кўп валюталик тизимида депозит кайси валютада кўйилса, у ўша валютада рўйхатга олинади ва уларнинг ҳисоби ҳар бир валюта учун алоҳида очилган бош китобларда олиб борилади. Бундан ташқари депозит мажбуриятлари муддати ва уни қўйган мижознинг мулкчилик шаклига тааллуқлигича таснифланади.

Барча депозитлар талаб қилиб олингунча сақланадиган, жамғармали ва муддатсиз депозит турларига бўлинади. Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар 20200 асосий ҳисобрақамда ҳисобга олиб борилади. Унинг ўзи ўз ичига

20202 - 20296 суб - ҳисобрақамларни олади. Бу суб - ҳисобрақамлар турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган мижозларнинг талаб қилингунча сақланадиган депозитлари бўйича алоҳида таснифланади. Жамғармали ва муддатли депозитлар хам худди шундай таснифланиб, улар бўйича ҳисоб 20400 ва 20600 ҳисобрақамларда юритилади.

Мажбуриятлар бўлимида яна 20800 "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг ҳисобрақамлари" деб номланган асосий ҳисобрақамлари бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлар эса 21000 асосий ҳисобрақамида юритилади. Бошқа банклардан ва мижозлардан олинган ссудалар муддатлари ва кредиторларнинг типлари бўйича таснифланган, яъни "Банк томонидан олинган ўрта муддатли ссудалар" - 21600 асосий ҳисобрақамда, "Банк томонидан олинган ўрта муддатли ссудалар" - 21800 асосий ҳисобрақамда, "Банк томонидан олинган узоқ муддатли ссудалар" - 22000 асосий ҳисобрақамда ҳисобга олиб борилади. Бу асосий ҳисобрақамларнинг ҳар бири кредиторларнинг типига кўра ҳисобга олиб бориш учун мулжалланган суб - ҳисобрақамларни бирлаштиради.

Мажбуриятлар бўйича ҳисобланган фоизларни ҳисобга олиш учун 22400 ҳисобрақам ажратилган. Банк ўзининг ҳар хил мажбуриятлари бўйича тўлаши учун ҳисобланган фоизлари 22402 - 22496 баланс ҳисобрақамларида ҳисобга олиб борилади. Бунга банкнинг дегюзит мажбуриятлари бўйича ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фоизли харажатлар киради. Ушбу ҳисобрақамлар

бўйича тўловлар улар амалга оширилган давр учун ҳисобланади, яъни тўловлар қайси ҳисбот даврига тегишли бўлса ўша ҳисбот даври учун акс эттирилади.

Мижозларнинг бошқа депозитлари, жумладан, аккредитивлар бўйича мажбуриятлари, вексел билан кафолатланган тратталар бўйича мажбуриятлар ҳисоби 22600 асосий ҳисоб-рақамда юритилади.

Ҳукуматга тегишли даромад ва бошқа тушумларни ҳисобга олиш учун 23400- "Ҳукуматга тегишли даромад ва бошқа тушумлар" асосий ҳисобрақамида акс эттирилади. Шу ҳисобрақамларига тегишли бўлган 23402-23432 баланс ҳисобрақамларида ҳукуматнинг "Давлат бюджети тўғрисида"ги Конунда кўзда тутилган даромадлар бўйича тушумлари ва шу даромадлар ҳисобрақамларидағи қолдиклар доирасида ушбу қонунда кўзда тутилган тегишли бюджетлардан молиялаштириладиган йиллик харажатларни қоплаши мўлжалланган бюджет маблағларининг ҳисоби юритилади. Бошқа барча пассивлар 29800 асосий ҳисоб-рақам орқали ифодаланади.

III бўлим "КАПИТАЛ".

Ушбу бўлим ўз ичига 30300- "Акционерлик капитали", 30600- "Қўшимча капитал" ва 30900- "Захира капитали" деб номланган асосий ҳисобрақамларини олади. Тижорат банкининг акциядорлик капитали банкнинг ўз маблағлари хажмини ифодалайди. Марказий Банк тижорат Банкларининг капитал ҳосил қилиш даражасини ва тузилмасини тартибга солиб туради, бу эса банк даромадларини яхшилади.

Капитал бўлимида юқоридаги ҳисобрақамлардан ташқари 31200 ҳисоб-рақам "Тақсимланган фойда"ни ҳисобга олиб бориш учун, 31500 ҳисобрақам эса бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қийматни ҳисобга олиб бориш учун очилган. Ушбу ҳисобрақамда инфляция натижасида банк асосий воситалари қиймати қайта баҳолангандан уларнинг бошланғич ва бозор қийматлари ўртасидаги ижобий фарқ, яъни бошланғич баҳосига нисбатан қўшимча қийматининг суммаси акс эттирилади.

IV бўлим "ДАРОМАДЛАР".

"Даромадлар" бўлими ўз ичига банкнинг ҳисбот давридаги барча даромадларини олади. Барча фоизли даромадлар 40200 - 44900 ҳисобрақамларда акс эттирилади. Банкнинг активлари бўйича амалга оширилган операциялари натижасида олган фоизли даромадлари 40201 - 44901 ҳисобрақамларда ҳисобга олиб борилади. Агар фоизли даромадлар тўлов ҳужжатлари кўринишида олинса, ўз навбатида, банкнинг вакиллик ҳисоб-рақами, мижознинг ҳисобрақами ёки касса ҳисобрақамлари дебетланади. Баланс ҳисботи даврида ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган даромадлар суммасига 16300 - "Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар" ҳисобварағидаги тегишли баланс ҳисобрақамлари дебетланади ва унга мос келган даромадлар баланс ҳисобрақами кредитланади.

Воситачилик ва бошқа хизматлар бўйича даромадлар 45200 асосий ҳисобрақамда, хорижий валютадаги фойда эса 45400 ҳисобрақамда ҳисобга олиб борилади. "Хорижий валютадаги фойда" ҳисобрақами банкнинг спот, форвард, фьючерс шартлари асосида тузган валюта битимлари бўйича олинган ҳамда ҳисбот даврида амалга ошириш муддати келмаган валюта битимлари ревальвация натижасида қайта баҳоланганда, ушбу битимлар бўйича амалга ошмаган фойдаларнинг ҳисобини юритиш учун мўлжалланган.

Тижорат операциялари бўйича олинган фойда 45600 асосий ҳисобрақамларида ҳисобга олинади. Ушбу асосий ҳисобрақамга тегишли бўлган, барча ҳисоб - рақамлар банкнинг қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металлар воситасида амалга оширган тижорат операциялари натижасида олинган фойдасининг ҳисобини юритиш учун мўлжалланган.

45800 асосий ҳисобрақамда инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар ҳисобга олиб борилади. Инвестицияларни сотиш қиймати ушбу активларни сотиб олингандаги қиймати ёки балансга кирим қилинган қийматга нисбатан юқори бўлганда фойда олиниши мумкин.

Бошқа фоизсиз даромадлар 45900 асосий ҳисобрақамда ҳисобга олиб борилади. Бу ҳисобрақам банкнинг иморатлари, жиҳозлари, кўчмас мулки ва бошқа хусусий мулклари каби активлари ижарасидан олинган даромадларнинг ҳисобини юритиш учун мўлжалланган. Бир йил ва ундан ортиқроқ муддатга ижарага берилган активлар учун банк ижара хақини ўзаро тузилган шартномага асосан олдинроқ ундириб олиши мумкин. Бу холда олдиндан ундириб олинган даромадлар 22896 "Бошқа муддати сурилган даромадлар" баланс ҳисобрақамининг кредитида акс эттирилади ва муддат ўтиши билан ишлаб олинган даромад тегишли даромадлар ҳисобрақамларига ўтказиб берилади.

V бўлим "ХАРАЖАТЛАР".

Бу бўлимда ҳисбот даврида банкнинг барча харажатлари акс эттириладиган ҳисоб - рақамлар очилган. Банкнинг депозит мажбуриятлари бўйича фоизли харажатларининг ҳисоби 50101 - 54902 баланс ҳисобрақамларида юритилади. Фоизли харажатлар - бу банкнинг юридик ва жисмоний шахслар олдидағи ҳар хил депозитлар, бошқа банкларнинг маблағлари, банкнинг ссуда мажбуриятлари ва бошқа мажбуриятлари бўйича амалда тўланган ёки ҳисобланган харажатларидир. Барча харажатлар мажбуриятларнинг турлари бўйича таснифланган.

Банкнинг воситачилик харажатлари ва турли хизматлар бўйича харажатлар 55100 баланс ҳисобрақамида ҳисобга олинади. Хорижий валюталарда кўрилган зарар эса 55300 баланс ҳисобрақамида акс эттирилади. Бу ҳисобрақам банкларнинг спот, форвард, опцион ва фьючерс шартлари асосида тузган валюта битимлари бўйича кўрган заарларининг ҳисобини юритишга мўлжалланган. Агар банк қимматбаҳо қоғозлар олди - соттиси бўйича зарар кўраётган бўлса, бу зарар 55800 баланс ҳисобрақамида ҳисобга олиб борилади.

Банк бино - иншоотларини, жиҳозларини, кўчмас мулкни сотишдан кўрилган заарлар ҳамда юқорида кўрсатилган ҳисобрақамларда, ҳисобга

олинган заарларнинг ҳеч бирига тегишли бўлмаган бошқа фоизсиз харажатлар 55900 - "Бошқа фоизсиз харажатлар" асосий ҳисобваракда акс эттирилади. Банкнинг операцион харажатларини ҳисобга олиб бориш учун 56100 "Банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар", 56200 "Ижара ва таъминот харажатлари", 56300 "Хизмат сафари ва йўл харажатлари", 56400 "Маъмурий харажатлар", 56500 "Репрезентация харажатлари", 56700 "Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар", каби ҳисобрақамлар очилган. Банкнинг кўрилиши мумкин бўлган заарлари 56800 асосий ҳисобрақамда, банкнинг даромад солиғининг баҳоланиши эса 56900 ҳисобрақамда ҳисобга олиб борилади.

VI бўлим "КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБРАҚАМЛАР".

Янги ҳисобвараклар режасида кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича балансдан ташқари ҳисобрақамлар хам худди баланс ичидаги ҳисобрақамлар каби икки ёқлама ёзув асосида олиб борилади. Илгари балансдан ташқари жойлашган ҳисобрақамлар оддий ёзув, кирим ёки чиқим кўринишида олиб борилар эди. ҳисобвараклар режасидаги ҳар бир балансдан ташқарида жойлашган ҳисобрақам учун контр-ҳисобрақам бириктириб қўйилган бўлиб, улар бухгалтерия ёзувларини амалга ошириш мақсадида ишлатилади. Баланс ҳисботида эса фақат асосий ҳисобрақам қолдиқлари кўрсатилади. Контр-ҳисоб рақамлар ёрдамида икки ёқлама ёзув олиб бориш балансдан ташқарида жойлашган ҳисобрақамлар бўйича операцияларнинг тўлиқ ўтказилиш ёки ўз вақтида ҳисобдан чиқарилиши, бирор сумманинг ўтказилмай қолиб кетиш устидан назорат олиб бориш нуқтаи назаридан самарали бўлиб ҳисобланади.

"Савдони молиялаштириш" 90900 асосий ҳисобрақамларга тегишли барча ҳисобрақамларга контр-ҳисобрақам ажратилган. Масалан, "Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" номли 90962 ҳисобрақам учун 96319 контр-ҳисобрақам ажратилган. "ўз вақтида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" номли 90963 ҳисобрақамга 96321 контр-ҳисобрақам ажратилган. Банкнинг берган ва олган ссудалари бўйича "Суда мажбуриятлари - 91800 асосий ҳисобрақамига эса тегишли 96351- "Берилган ссудалар бўйича мажбуриятлар" ва 96356- "Олинган ссудалар бўйича мажбуриятлар" контр ҳисобрақамлари бириктириб қўйилган. Худди шу каби бошқа балансдан ташқари ҳисобрақамлар бўйича ҳам тегишли контр-ҳисобрақамлар ажратилган. Барча контр-ҳисобрақамлар икки ёқлама ёзув ўтказиш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва тижорат банкларининг баланс намунаси ва уларнинг таркибий қисмлари тўғрисидаги маълумотни 5-6-7 иловаларда кўриш мумкин.

Банкнинг кундалик бухгалтерия баланси барча банк муассасалари томонидан биринчи тартибдаги баланс ҳисоб рақамлари тартибида йифма карточкалар маълумотларига асосан қуидаги шаклда тузилади:

Баланс

2002 йил, “ _____” _____

Баланс хисобрақамлари	АКТИВ	ПАССИВ
--------------------------	-------	--------

ЖАМИ

Имзолар: Бошлиқ _____
Бош бухгалтер _____

Ҳар кунлик тузиладиган балансда хисоб рақамларидаги қолдиқ суммаларининг пастига ёки алоҳида қоғозга, балансга илова қилиб, йиғма карточкалар асосида балансдан ташқари хисоб рақамлардаги қолдиқ суммаси киритилади.

Ҳар ойнинг биринчи санасига баланс 2 нусхада иккинчи тартибдаги хисоб рақамлари бўйича тузилади.

Кундалик операциялар компьютерларда хисоб олинган ҳолда кундалик баланс сифатида баланс хисоб рақамлари бўйича қолдиқлар ва оборотлар ҳақида маълумотлардан фойдаланилади.

5-илова

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг баланс

жадвали

Актив	Пассив
Кассадаги мавжуд пул	Пул эмиссияси
Олтин ва бошқа қимматбаҳо металлар	Тижорат банкларининг пул маблағлари
Банкларнинг корреспондент хисоблари	Халқаро молия институтларининг пул маблағлари
Давлатга қарашли ва бошқа қимматли қоғозлар	Хукумат маблағлари
Хукуматга берилган ссудалар	Бошқа пассивлар
Тижорат банкларига берилган ссудалар	Устав сармояси
Нобанк институтлариға берилган ссудалар	Сармоя қолдиқлари
Бошқа активлар	Захиралар ва фондлар
	Тақсимланмаган фойда (даромад)
Жами:	Жами:

6 - илова

"Тижорат Банклари".

Тижорат банки балансининг жадвали.

Актив	Пассив
Кассадаги мавжуд пул	Талаб қилиб олинадиган
Бошқа банклардаги "ностро" ҳисоблари	Жамғарма омонатлари
Давлат қимматбаҳо қоғозлари	Муддатли депозитлар
Кредитлар	Банклараро кредитлар
Сармоялар	Бошқа пассивлар
Асосий пул маблағлари	Ҳиссадорлик капитали
Бошқа активлар	Капитал қолдиғи
	Захиралар
	Тақсимланмаган фойда
Жами:	Жами:

7 илова

АҚШ тижорат банки баланси.

Актив	Сумма	Пассив	Сумма
Нақд пул ва "ностро" ҳисоблари	22200	Талаб қилиниб олинадиган депозитлар	58800
Давлат қимматбаҳо қоғозлари	30000	Жамғарма омонатлари	47000
Штатларнинг қимматбаҳо қоғозлари	28700	Муддатли депозитлар	68600
Давлат муассасаларининг бошқа қимматбаҳо қоғозлари	4100	Жами депозитлар	174400
Сотилган федерал фондлар	600	Сотиб олинган федерал фондлар	2000
Кредитлар	110140	Заём (қарз) маблағлари	4000
"ёмон" кредитларни қоплаш учун захира	3240	Субординация вексел-лари ва дебентуралар	3100
Нетто кредитлари	106900	Жами пассивлар	183500
Асосий воситалар	8940	Ҳиссадорлик капитали	2000
Асосий воситаларнинг эскириши	4740	Капитал қолдиғи	8400
Нетто-асосий маблағлари	4200	Тақсимланмаган фойда	5200
Тўпланган фоиз	1400	Эҳтиёткорлик захираси	200
Бошқа активлар	1200	Жами ўз сармояси	15800
Жами активлар	199300	Пассивлар ва сармоянинг жами	199300

Қуидаги таянч сўзларга таъриф беринг.

Банк таъсисчиси	Устав капитал
Банк акциядори	Банк ресурслари
Банк манфаати	Катта банк
Мижоз манфаати	Кичик банк
Банк пайчиси	Эквивалент маблаг'
Банк операциялари	Банк турлари
Очиқ турдаги акциядор банк	Банк хусусиятлари
ғпик турдаги акциядор банк	Резерв фондлар
Хусусий банклар	Қайта молиялаштириш
Универсал банклар	ставкаси
Тижорат банкнинг	Фоиз ставкаси
функциялари	Фоиз сиёсати
Банк фойдаси	Брокерлар.
Банк зарари	

Ўз билимини текшириш бўйича саволлар

1. Тижорат банкларининг иқтисодиётдаги ролини асослаб беринг.
2. Тижорат банклари иқтисодиётга қайси жиҳатлари билан таъсир кўрсатади?
3. Хусусийлаштириш шароитида банкларнинг ўрни ва ролини кўрсатинг.
4. Банклар фаолиятини эркинлаштириш деганда нимани тушунасиз?
5. Тижорат банклари фаолиятини ташкил қилиш асосларини келтиринг.
6. Қандай шартлар бажарилганда банклар фаолиятини олиб боришга лицензия берилади?
7. Лицензия чақириб олиниши мумкинми?
8. Марказий банк билан тижорат банларининг муносабатларини келтиринг в асосланг.
9. Тижорат банкларининг устав капиталига қўйиладиган талабларни тушинтириб беринг.
10. Тижорат банкларининг функцияларини келтиринг.
11. Тижорат банкларининг баланси ва унинг таркибий қисмлари, уларнинг мутаносиблигини тушунтиринг.

III- БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ИҚТИСОДИЙ НОРМАТИВЛАРНИНГ ЎРНИ

1-§. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган иқтисодий нормативларнинг таомиллашиб бориши

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан янги банкларни шакллантириш, уларни назоратини ривожлантириш масаласи кескин даражада кўндаланг бўлиб туради. Бугунги кунда Республика ҳудуддида 36 та турли хил мулкчилик шаклига асосланган банклар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон банк тизимини қайта қуриш мустақил давлат иқтисодий тизимини муҳим йўналишларидан бири бўлди. Хўжалик механизмининг бир маромда фаолият юритиши барқарор ишлайдиган банклар миллий тизимини тақозо этади ва иқтисодиётни бозор иқтисодиётига ўтиш даврида сифат жиҳатидан бутунлай янги банк тизими ҳамда банк назоратини туб асосини яратиш ва қуриш узлуксиз давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизнинг ривожланган банк тизимини шакллантириш, давлатимиз томонидан олиб борилаётган молия сиёсатининг маҳсули бўлиши керак.

Банклар устидан назорат қилиш, улар фаолиятида муайян чеклашларни ўрнатиш иқтисодий эркинликка зид бўлган ҳолат сифатида қаралиши мумкин. Лекин жаҳоннинг қўпгина ривожланган давлатларида банклар, шунингдек, бошқа молия ташкилотларининг фаолиятлари кўп даражада давлат томонидан тартибга солинади. Бошқача қилиб айтганда, ҳатто ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида молиявий сектор жиддий равишда тартибга солинар экан, ўтиш даврида буни тўла оқлаш мумкин.

Бироқ бозор шароитида молиявий секторни тартибга солиш товарлар ва хизматлар нархига таъсир кўрсатиш учун бозор механизмларига етарли даражада ҳаракат эркинлигини бериш, шунингдек, майда-чуйда нарсаларга аралashiшдан воз кечиш билан қўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўғри, банк фаолиятини тартибга солиш ҳаддан ташқари бўладиган ва рақобатнинг ривожланишига халақит берадиган омилга айланадиган чегарани белгилаш осон эмас. Шунинг учун жаҳонда умумий қабул қилинган принциплар ва қоидалар ҳар бир мамлакатда аниқ вазият таҳлилини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

У ёки бу банкнинг фаолиятида аниқланган камчиликларни тузатишга мажбур қилиш учун назорат органи ихтиёрида таъсир кўрсатиш чораларининг муайян тўплами бўлиши керак. Бизнинг янги банк қонунларимизга кўра турли вазиятларда фойдаланиш мумкин бўлган даражаланган чоралар мажмуи қўзда тутилган. Жумладан, иқтисодий меъёрларни ўзгартириш, мажбурий резерв фондини ошириш, айрим банк операцияларини амалга оширишни таъкиқлаб қўйиш, ҳиссадорларга дивидентлар тўлашни тўхтатиб қўйиш, банк устидан

васийлик ўрнатиш кабилардир. Энг сўнгги чора эса уларга берилган рухсатномаларни (лицензияларни) қайтариб олишдан иборатдир.

Тижорат банкларини назорат қилиш деганда банкларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида доимий равища амалга ошириладиган назорат тушунилди.

Давлатнинг пул-кредит сиёсати, хусусан тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш сиёсати қонун ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари, Марказий банкнинг йўриқномалари асосида амалга оширилади. ҳуқуқий меъёрлар банклар учун мажбурий бўлган чекловлар ва фаолиятининг қатъий чегараларини белгилаб беради. Бу эса, банк ёмон, сифатсиз бошқарилган тақдирда жиддий заарлар юзага келишининг олдини олади. Банк фаолиятини тартибга солишининг ҳуқуқий асосларининг мустахкам эмаслиги банкларнинг банкрот бўлишига ва умумий нобарқарорликни юзага келишига олиб келади.

Банк тизимини ишончли тарзда ҳимоя қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий тартибга солиш меъёрларини яратиш лозим. Масалан, иқтисодий нормативлар барча тижорат банкларига нисбатан бир хил тарзда қўлланилиши лозим. Акс ҳолда, айрим банклар эркин рақобат муҳитидан четга чиқиб қолади.

Республикамида банк назоратининг ривожланиш тарихи миллий банк тизимимизнинг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Миллий банк тизимининг ривожланиши билан банк назорати ҳам такомиллашиб борди. Шу жараённи банк назоратининг асоси бўлган иқтисодий меъёрларнинг ривожланиши мисолида кўриб чиқамиз.

Мустақил республикамида дастлабки иқтисодий меъёрлар 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолити тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиқиб яратилган бўлиб, кейинчалик улар такомиллаштирилди.

Республика Марказий банки томонидан тижорат банкларининг баланс ликвидлигини доимо таъминлаб бориш ёки уларнинг ўз олдиларидағи мажбуриятларини ўз муддатида амалга оширишларига эришиш, омонатчиларни манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда, қисқача таърифлагандага Республикада барқарор банк тизимини яратиш мақсадида 1992 йил 2 августдаги Марказий банкнинг 10-сонли қоидасига асосан тижорат банклари фаолиятини тартибга солиб туриш учун иқтисодий нормативлар ўрнатилди.

Мазкур қоидага биноан тижорат банклари учун дастлабки 8 та иқтисодий нормативлар белгиланди. Булар таркибиغا қуйидагилар киритилди:

- ◆ Н1 – банк сармоясининг рискни ҳисобга олиб чамаланган активларнинг жами миқдорига нисбати кўрсаткичи (энг ками 0,05)
- ◆ Н2 – банк сармоясини юқори рискли активлар миқдорига нисбати кўрсаткичи (энг ками 0,15)
- ◆ Н3 – банк сармояси унинг мажбуриятларига нисбати кўрсаткичи (энг ками 0,2)
- ◆ Н4 – банклар жалб этган фуқаролар омонатларини банк сармоясига нисбати (энг юқориси 1,00)

- ◆ Н5 – жорий ликвидилик кўрсаткичи (ихтисослашган банклар учун 0,20, бошқа банклар учун 0,30)
- ◆ Н6 – ўрта муддатли ликвидилик кўрсаткичи (ихтисослашган банклар учун энг юқориси 1,50, бошқа банклар учун 1,00)
- ◆ Н7 – узоқ муддатли ликвидилик кўрсаткичи (ихтисослашган банклар учун 0,20, бошқа банклар учун 0,30)
- ◆ Н8 – бир қарз олувчига тўғри келадиган кредитнинг энг юқори миқдори кўрсаткичи (энг юқориси 0,50).

Бундан ташқари, тижорат банкларининг активлари уларнинг риск даражасига қараб 6 гурухга ажратилади.

- 1 гурух – рискдан холи бўлган активлар.
- 2 гурух – риск даражаси кам бўлган активлар.
- 3-6 гурухлар – риск даражаси юқори бўлган активлар.

Тижорат банклари учун иқтисодий нормативларнинг ўрнатилиши – бу аввало Марказий банк томонидан самарали банк назоратини олиб боришига эришиш, тижорат банклари фаолиятида вужудга келадиган муаммоларни олдиндан аниқлаш ва қолаверса барқарор банк тизимини яратишда энг муҳим инструментлардан бири бўлди.

Лекин Республикаизда банклар фаолиятининг ривожланиб бориши, улар томонидан кўрсатилаётган хизмат турларининг кенгайиб бориши ва бошқа омилларни эътиборга олган ҳолда Республика Марказий банки (1995 йил 2 августдан 10-сонли) «Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиши» қоидасини қайтадан ишлаб чиқди ва жорий этди.

Ушбу қоидани олдингисидан фарқли томони шундан иборат эдики, аввалим бор, тижорат банклари учун кўйиладиган талаблар бир мунча кучайтирилди. Булар: биринчидан, янгидан ташкил этилаётган банклар учун ўрнатилган устав сармоясининг энг кам миқдори минимал оширилди. Иккинчидан, тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резерв фонди ажратмасининг миқдори ҳам оширилди.

Учинчидан, қисқа муддатли ликвидилик кўрсаткичини аниқловчи 3 хил меъёр ўрнатилди.

- ◆ 30 кундан 90 кунгacha бўлган кредитлар ва шу муддатдаги депозитлар бўйича кўрсаткич.
- ◆ 90 кундан 180 кунгacha бўлган кредитлар ва шу муддатдаги депозитлар бўйича кўрсаткич.
- ◆ 180 кундан 1 йилгacha бўлган кредитлар ва шу муддатдаги депозитлар бўйича кўрсаткич.

Банк сармоясига бўлган талаблар юқори рискли банк активларини чегаралashi банк мажбуриятларининг ўз ўзидан чегараланишига олиб келишини назарда тутиб, банк сармоясининг банк мажбуриятларига нисбати кўрсаткичи бекор қилинди.

Барчамизга маълумки, кейинги даврга келиб банк тизимида, хусусан банкларни назорат қилиш борасида янги ҳуқуқий асослар яратилди, яъни банк қонунчилиги янада такомиллашди. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» янги таҳрирдаги, жаҳон андозалари талабларига тўлиб жавоб берадиган қонунлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатлари асосида Марказий банк томонидан 1996 йилнинг июль ойидан бошлаб банк активлари сифатини таснифлаш тартиби ишлаб чиқилди.

1997 йилнинг март ойидан бошлаб эса дунёга машҳур бўлган «Артур Андерсен» фирмаси кўмагида ишлаб чиқилган ва банклар ҳисботининг халқаро андозаларига мос бўлган бухгалтерия ҳисобининг янги ҳисоблар режаси жорий этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, республика Марказий банки томонидан 1997 йилнинг февраль ойидан бошлаб банклар фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат бўлган «Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиши» қоидаси Базель қўмитаси томонидан ўрнатилган стандарт ва талабларни инобатга олган ҳолда қайтадан мукаммал тарзда ишлаб чиқилди.

Мазкур янги қоидага асосан банк сармоясига нисбатан қаттикроқ бўлган талаблар ўрнатилди.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги бажарадиган операцияларининг тобора ривожланиб бориши ҳамда уларни инвестицион жараёнларини кенгайиб боришидан келиб чиқсан ҳолда қўшимча равища «Тижорат банкларининг қимматли қоғозлари учун қуйилмалар» ва «Банкларнинг ўз маблағларидан инвситцияларда фойдаланиш меъёри» кўрсаткичи каби янги меъёrlар киритилди.

Янгидан ўрнатилган иқтисодий нормативлар қуидагилардан иборат:

- ◆ Янгидан ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган банкларнинг энг кам низом фонди миқдорини ўрнатиш;
- ◆ Сармоянинг етарлилик коэффициенти;
- ◆ Банк сармояси билан унинг мажбуриятлари ўртасидаги нисбат кўрсаткичлари;
- ◆ Банк баланси ликвидлилиги кўрсаткичи;
- ◆ Бир қарз олувчига тўғри келадиган рискнинг энг катта ҳажми;
- ◆ Барча «катта» кредитларга тўғри келадиган рискнинг энг юқори ҳажми;
- ◆ Бир омонатчига тўғри келадиган рискнинг энг катта миқдори;
- ◆ қимматбаҳо қоғозлар бўйича операцияларда ўз маблағларидан фойдаланиш кўрсаткичи;
- ◆ Даҳлдор шахслар билан иш олиб бориш.

Тижорат банкларида капиталнинг етарлилиги, активларнинг сифати, фойдалилиги ва ликвидлилигига қараб уларнинг молиявий аҳволи баҳоланади, nochor банклар аниқланади. Ана шу кўрсаткичларнинг ҳар бири бўйича чекли қийматни аниқлаш Марказий банк ва унинг ҳудудий Бош Бошқармаларига банк

муассасасини соғломлаштириш ёки унинг беозор тарзда тугатиш имконини беради.

Шулардан келиб чиқсан ҳолда, тижорат банкларининг асосий вазифаси – иқтисодий меъёрларга риоя этишдан, капитал ва ликвид маблағларни етарли даражада сақлашдан, шубҳали ва амал қилаётган активларга нисбатан резервларни вужудга келтиришдан, шунингдек маҳрум бўлиш хавфини камайтириш мақсадида активларни диверсификациялашдан иборатdir.

Кўйида илк бор белгиланган иқтисодий меъёрларнинг ҳар бирига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ташкил этилаётган банклар учун низом фондининг энг кам миқдори қўйидагича ўрнатилган:

Саналар	Тошкент шаҳрида жойлашган тижорат банклари учун	Вилоятлар ва қишлоқ туманларида жойлашган тижорат банклари учун
01.01.1997 й.	65000 ЭКЮ	330000 ЭКЮ
01.01.1998 й.	1200000 ЭКЮ	650000 ЭКЮ
01.01.1999 й.	1600000 ЭКЮ	800000 ЭКЮ
01.01.2000 й.	2000000 ЭКЮ	1000000 ЭКЮ

1997 йил 1 январдан бошлаб янгидан очилаётган тижорат банкларининг энг кам устав сармояси миқдори минимал иш ҳақининг ошишига боғлиқлиги бекор қилиниб, талаб қилинадиган энг кам устав сармоясининг миқдори ЭКЮ га боғланди. Барча тижорат банклари мазкур жадвал асосида ҳар чоракда йиллик ўсиш кўрсаткичининг 25% миқдорида кўпайтириб боришни таъминлашлари керак эди.

«Сармоянинг етарлилик коэффициенти» банк сармояси билан рискни ҳисобга олиб чамаланган активлар жами ҳажмининг нисбати сифатида аникланган:

$$\frac{K}{N_1 \kappa} = \frac{A_p}{-----}$$

Бунда: **K** – банк сармояси,

A_p – рискни ҳисобга олиб чамаланган банк активлари.

Банк сармояси ўз хусусиятига кўра «Асосий» ва «қўшимча» сармоядан ташкил топади. Бунда асосий сармоя жами сармоянинг камидаги 50% ни ташкил этиши керак эди.

Сармоя ҳисоб-китобига устав фондининг Марказий банкда рўйхатга олинган ҳажмдан ортиқча тўланган қисмини киритишга руҳсат этилади. Фақат бунинг учун тижорат банки таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгаришларни руйхатга олиш ўз вақтида тақдим лозим бўлган.

Тижорат банкларининг активлари риск даражасига қараб, 4 гурӯхга бўлинган. Риск даражаси бўйича:

- 1-гурухга рисқдан холи бўлган активлар,
- 2-гурухга риск даражаси кам бўлган активлар,
- 3-4 гурӯҳларга юқори рискли активлар киради.

Мазкур меъёрининг кам миқдори 0,08 қилиб ўрнатилган.

Банк сармояси билан унинг мажбуриятлари ўртасидаги нисбат кўрсаткичи юзага келиши мумкин бўлган турли рисқдан қатъий назар, фаолият умумий ҳажми функцияси сифатидаги сармоя етарлилигини белгилаб беради:

$$\frac{Н2к}{О} = \frac{К}{-----}$$

Бунда: **К** – банк сармояси,

О – банк мажбуриятлари.

Н2- нормативнинг энг юқори миқдори 0,05 га тенг.

Банклар ликвидлилигини сақлаш ғоят муҳим ҳисобланади. Бу нарса икки мақсадга эришиш учун зарурдир: биринчидан, омонатлар олиб қўйилганда банкнинг ўз мажбуриятларини бажариш қобилиятини таъминлаш учун, иккинчидан, кредитларга бўлган талабни қондириш учун.

Ликвидлилик банкнинг кундалик фаолиятида пул маблағлари мавжудлиги ёки ўз активларини ликвид маблағларга айлантира олиш қобилияти билан таъминланади.

Тижорат банклари учун қўйидаги ликвидлилик коэффициентлари белгиланган:

лаҳзали (мгновеннўй) ликвидлилик коэффициенти ликвид шаклидаги баланс активлари, яъни экстремал вазиятларда тез сотиладиганлари билан банкнинг муддатсиз депозит ҳисобвараклари бўйича мажбуриятлар суммаси орасидаги нисбатни билдиради,

$$\frac{Н3к}{ОВ} = \frac{ЛА}{-----}$$

Бунда: **ЛА** – банкнинг пул шаклидаги активлари,

ОВ – банкнинг муддатсиз депозит ҳисобваракларига доир мажбуриятлари.

Н3- меъёрининг йўл қўйиладиган энг кам аломати 0,25 қилиб белгиланган. Мазкур меъёр Марказий банк томонидан кунлик баланс асосида тезкор (оператив) тарзда назорат қилиб борилади.

Лаҳзали ликвидлик кўрсаткичи – иқтисодий моҳиятига кўра ушбу норматив банкнинг омонатчилар олдидаги мажбуриятларини шу лаҳзада бажара олиш қобилаятини англалади.

«Жорий ликвидлик кўрсаткичи» ликвид шаклдаги банк активларини 30 кунгача бўлган муддатда йўқлаб олингунгача турадиган қисобвараклари бўйича мажбуриятлари суммаси орасидаги нисбатни билдиради.

ЛА (1)

Н4қ **ОВ (1)**

Бунда: **ЛА** – қайтариш муддати 30 кунгача муддатда берилган банкнинг ликвид активлари ва кредитлар,

ОВ – қайтариш муддати 30 кунгача бўлган йўқлаб олингунгача туродиган мажбуриятлари.

Н4- меъерининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 0,3 га тенг.

Тажрибадан шу нарса маълумки, айрим тижорат банклари ўртасида юқори даромадни кўзлаган ҳолда талаб қилиб олгунга қадар ва қисқа муддатда қўйилган омонатлар ҳисобидан кредит бериш ва бошқа актив операцияларга узоқ муддатли тартибда жойлаштирадилар. Жалб этилган маблағларнинг муддати келган пайтда эса банк омонатчилар олдидағи ўз мажбуриятларини муддатида бажариш имконига эга бўлмайди. Бунинг натижасида банк ўз тўлов қобилиятини йўқотади. Бундай ҳолат банкнинг ўз фаолиятига салбий таъсир кўрсатибгина қолмасдан, балки омонатчиларнинг молиявий ахволига қолаверса, банк тизими фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Банк операцияларини бажариш бўйича лицензияси қайтариб олинган банклар бунга яққол мисол бўла олади.

Мазкур ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида банк амалиётида актив ва пассив маблағларнинг миқдори ва муддатларини баланслаш талаблари ўрнатилди. Бу тўғрида жаҳон банк тажрибасининг «банкнинг олтин қоидаси» деб номланувчи қоидаси амал қиласи. Унга биноан банкнинг молиявий талаблари миқдори ва муддати унинг мажбуриятлари миқдори ва муддатларига мувофиқ келиши шарт.

Н4-нормативининг иқтисодий мазмуни шундан иборатки, қай даражада жами баланс активларининг ликвид қисми талаб қилиб олингунга қадар бўлган мажбуриятларни бир вақтнинг ўзида қайтариши мумкинлигидир. Мадомики бундай муддатли омонатчилар ҳар қандай вақтда банкдан ўз омонатларини талаб қилишлари мумкин.

Юқоридаги шартлардан келиб чиқсан ҳолда, мазкур норматив банк томонидан омонатчилардан жалб қилинган маблағлар муддати билан уларнинг актив операцияларга жойлаштириш муддатларига қатъий мувофиқ келишини талаб этади.

Шунинг билан бир қаторда мазкур меъернинг бузилиши халқ хўжалигида бўладиган ҳисоб-китобларни секинлаштиришга олиб келиши мумкин.

«Қисқа муддатли ликвидлик кўрсаткичи» банкнинг қайтариш муддати 30 кундан то 1 йилгача бўлган депозитлар, олинган кредитлари ва бошқа қарз мажбуриятларига нисбати билан характерланади.

А
Н5қ **ДқК**

Бунда: **А** – 30 кундан 1 йилгача муддатга берилган кредитлар.

Д – 30 кундан 1 йилгача муддатга жалб қилинган маблағлар ва депозитлар.

К – Банк сармояси.

Мазкур меъёрнинг энг юқори ўрнатилган миқдори 1 га тенг.

Бир қарз оловчига ва муассисга, банк акциядорларига молиявий жиҳатдан банкнинг қурби етмайдиган даражада катта миқдорда кредитлар берилиши тижорат банки учун жуда рисклидир. Шунинг учун «**Бир қарз оловчига тўғри келадиган рискнинг энг катта ҳажми**» меъёри ўрнатилади ва мазкур меъёр устидан қаттиқ назорат ўрнатиш талаб этилади.

Кр
Нбқ -----
К

Бунда: **Кр** – банк рискининг бир қарз оловчига тўғри келадиган жами суммаси қўшилган депозитлардан ташқари 75% балансдан ташқари мажбуриятлар.

К – банк сармояси.

Бу меъёр хукумат кафолати билан таъминланган кредитларга, жумладан, халқаро қарзлар бўйича такрор молияланадиган кредитларга тааллуқли эмасdir, қолган кредитлар учун қарз оловчи мажбуриятларининг умумий суммасидан республика давлат қимматли қофозларни гаровга олиб, гаров суммасини 90% ҳажмда берилган қарзлар чегириб қолинади.

Ушбу меъёрга ўрнатилган энг юқори чегара 0,25 га тенг.

Бир қарз оловчига берилган кредитлар қўшилган (қ) шу қарз оловчига нисбатан берган, банк сармоясидан 15% ортиқ бўлган балансдан ташқари мажбуриятлар суммасининг 75% жамланган қарз «катта» кредит ҳисобланади. «Катта» кредитлар тижорат банки Кенгаши бир овоздан қабул қилган қарори асосида берилади ва бу қарзлар бошқарув томонидан алоҳида назорат қилиб борилади. Лекин банк Кенгашининг бундай кредитлар бериш тўғрисида қарор қабул қилиш билан боғлиқ ваколати Бошқарувга берилишга рухсат этилмайди.

Бундан ташқари шуни таъкидлаш лозимки, банк учун «катта» тоифага кирадиган ва бир қарз оловчига бериладиган кредитлар суммасини шу қарз оловчининг ўз маблағлари суммасидан оширmasлик тавсия этилади.

«Катта» кредитларнинг ҳаммасига тўғри келадиган рискнинг энг юқори миқдори «катта» кредитлар жами миқдорининг ўз маблағлари, яъни банк капитали нисбати билан аниқланади.

СК
Н7қ -----
К

Бунда: **СК** – балансдан ташқари мажбуриятларнинг 75% билан ҳисобланган «катта» кредитларнинг жами суммаси.

К – банк сармояси.

Мазкур меъёр микдори балансдан ташқари мажбуриятлар билан ҳисобланиб берилган «катта» кредитларнинг жами микдори банк капиталининг 5 баробаридан ошмаслиги керак.

Бир омонатчига (кредиторга) тўғри келадиган рискнинг энг юқори меъёри олинган кредит ёки омонатнинг энг юқори микдори ва битта депозиторнинг депозит ҳисобидаги қолдиқ қийматини банкнинг ўз маблағлари микдорига нисбати билан аниқланади.

O
H8қ -----
K

Бунда: **O** – олинган кредит ёки омонатнинг энг юқори микдори ва битта омонатчининг ҳисобрақамидаги, жорий рақамидаги ва қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялар қолдиқлари.

K – банк сармояси.

Ушбу меъёр учун ўрнатилган энг юқори микдор,
1997 йил 1 июлдан 1998 йил 1 январгача – 1,0;
1998 йил 1 январдан 1999 йил 1 январгача – 0,75;
1999 йил 1 январдан 2000 йил 1 январга – 0,50.

Қимматли қоғозлар билан бўлган операцияларда ўз маблағидан фойдаланиш қўрсаткичи банкнинг олди-сотди учун харид қилган нодавлат қимматбаҳо қоғозлари микдорини ўз маблағларига нисбати билан белгиланади.

П
H9қ -----
АК

Бунда: **П** – олди-сотди мақсадида қимматбаҳо қоғозларни сотиб олишга йўналтирилган банкнинг ўз маблағлари.

АК – акционер капитали.

Ўрнатилган меъёрнинг энг юқори даражаси 0,25 га тенг.

Банкнинг инвестиция учун ишлатилган ўз маблағлари меъёри жами инвестиция микдорини банк сармоясига нисбати орқали ҳисобланади.

СИ
H10қ -----
АК

Бунда: **СИ** – банк инвестициясининг жами суммаси.

АК – акционер капитал.

Банкнинг бошқа банклар, корхоналар ташкилотлар устав фондига қўядиган жами инвестиция суммаси микдорининг улуши банк сармоясининг 20% дан ва Низом фондининг 10% дан оширмаслик уқтирилган.

Мазкур меъёр учун ўрнатилган микдор 0,5 га тенг.

Банк назоратининг яна бир муҳим соҳаларидан бири боғлиқ шахслар билан банк операцияларини ўтказиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 26-моддасига асосан банкка алоқадор бўлган шахслар билан банкка боғлиқ бўлмаган шахсларга нисбатан қулайроқ шартлар асосида битим тузишни таъкиқлайди ва Марказий банкка бундай битимлар бўйича чеклашлар белгилаш юзасидан ваколатлар берилган.

Банкнинг асосий акциядорлари, унинг раҳбарлари, ходимлари ва улар билан боғлиқ шахслар банк хизматларидан имтиёзли асосда фойдаланмасликлари ва амалдаги қонунларга риоя қилишлари керакdir.

Даҳлдор шахслар – банк билан алоҳида муносабатда бўлган юридик ва жисмоний шахслар, хусусан:

- ◆ банк Кенгаши, банк бошқаруви, тафтиш комиссияси таркибиغا кирган барча шахслар, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари.
- ◆ банк низом фондинининг 10 фоизидан кўпроқ қисмига эга бўлган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахслар, ёхуд шу юридик шахсларнинг ҳар қандай раҳбарлари, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари.
- ◆ қонунга кўра банк фаолиятини назорат қилувчи юридик шахслар ва уларнинг бошқарувчилари.

«Йирик» ҳиссадор – бу, банк низом жамғармасидаги улуши 10 фоиздан ортиқ шахслардир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, тижорат банклари даҳлдор шахсларга имтиёзли шароит яратиб бермаслиги лозим. Имтиёзли шароит деганда қўйидагилар назарда тутилади:

- ◆ бошқа мижозлардан талаб қилинадиганидан кам ҳажмда фоизлар, бадаллар, бошқа тўловларни ундириш ёки таъминотни кам қабул қилиш;
- ◆ кредитни қайтариш муддатини етарли асосларсиз ўзгартириш;
- ◆ ўз табиатига, мақсадига ва йўл қўйиладиган рискга кўра банк даҳлдор бўлмаган мижозлар билан тузмайдиган битимларни тузиш.

Тижорат банклари томонидан уларнинг фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида даҳлдор шахсларга кредит бериш таъкиқланади.

КС*100
Н11қ -----
АК

Бунда: **КС** – битта даҳлдор шахсга берилган кредит миқдори.

АК – акционер капитал.

Банкнинг ҳар бир даҳлдор шахсга берадиган кредит умумий суммаси банк сармоясининг 15 фоизидан ошмаслиги белгиланган, яъни:

СКС
Н12қ -----
АК

Бунда: **СКС** – дахлдор шахсларга берилган жами кредитларнинг жами миқдори.

АК – акционер капитал.

Банк барча дахлдор шахсларга берадиган кредитлар умумий суммаси банк низом фондининг 100 фоизидан ошмаслиги лозим.

Бизнинг назаримизда, тижорат банклари юқорида санаб ўтилган иқтисодий меъёрларнинг белгиланган миқдорига ҳар доим амал қилиб боришни таъминлашлари учун қуидаги соҳаларда самарали ишни ташкил этишлари лозим бўлади, яъни булар жумласига қуидагилар киради:

- ◆ Банк портфели;
- ◆ Банк портфели билан боғлиқ рисқ;
- ◆ Банк баланси ликвидлиги;
- ◆ Ўз сармояси адекват таъминланиши;
- ◆ Заарлар ўрнини қоплаш заҳирасини вужудга келтириш.

Иқтисодий меъёрларнинг белгиланган миқдорларига амал қилмаган банкларга нисбатан Марказий банк томонидан жарималар солиш ва бошқа тегишли иқтисодий жазо чоралари кўриб борилади.

2-§. Халқаро андозаларга мос келадиган ҳаракатдаги иқтисодий нормативлар

Ҳаракатдаги банк назоратига тегишли меъёрий ҳужжатлар Жаҳон банкининг Ўзбекистон республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш лойиҳаси бўйича ишлаган чет эллик маслаҳатчилар кўмагида яратилган бўлиб, халқаро андозаларга мослаштирилгандир.

Жумладан, банк сармоясига бўлган талаблар юқори рискли банк активларини чегаралashi банк мажбуриятларининг ўз ўзидан чегараланишига олиб келишини назарда тутиб, банк сармоясининг банк мажбуриятларига нисбати кўрсаткичи бекор қилинди.

Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар бўйича иқтисодий меъёрларни қўриб чиқишидан олдин айrim тушунчаларга изоҳ бериб ўтиш мақсадга мувафиқдир.

“Банк талаблари” - банк тамонидан жойлаштирилган барча қўйилмалари, масалан, банк томонидан берилган кредитлар ва бошқалар.

“Капитал захиралар” – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг соғ фойда ҳисобига шаклланган захиралар. Ушбу захираларга ажратиладиган чегирмалар миқдори очиб эълон қилинадиган ҳисботда кўрсатилиши лозим. Захиралардан банк фаолиятида вужудга келадиган турли заарларни улар юзага келиши биланоқ ҳеч қандай чеклашларсиз қоплаш учун фойдаланилади. Бунда мазкур захиралар ҳисобига қопланадиган барча заарлар фойда ва заарлар ҳисботида акс эттирилиши керак.

“Умумий захиралар”² - банк фаолияти давомида умуман ёки бирор-бир фаолият тури (кредитлаш, инвестициялаш) натижасида юзага келиши мумкин бўлган заарларни қоплаш учун, лекин айrim муайян операциялар бўйича заарларни қоплашга захиралар яратиш мўлжалланмаган. Масалан, “яхши”² кредитларга доир заарларни қоплаш ёки миллий валютани девальвациялаш учун мўлжалланган захиралар.

“Махсус захиралар” - “стандарт”, “субстандарт”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган кредит ва лизинг операциялари ёки бошқа алоҳида муайян активлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган заарларни қоплаш учун яратилган захиралар.

“Номоддий активлар” - моддий ва жисмоний шаклга эга бўлмаган номонетар, идентификацияланадиган активлар. Номоддий активларнинг жуда

□ Ушбу хужжатда берилган таърифлар капиталнинг етарлилигини ҳисоблаш маъсадидагина ишлатилади ва Марказий банкнинг бош=а меъёрий хужжатларида кырсатилган =оидаларга тааллу=ли эмас.

² Марказий банк “яхши” кредитлар бўйича захираларни яратиш мажбурий талаб эмаслигини тан олади. Биро=, банклар ыз хошишларига кыра соли=лар ва мажбурий тыловлар тыланганидан синг =олган фойда щисобига бундай захираларни ташкил =илишлари мумкин. Хал=аро банк амалиётида бундай захиралар ми=дори кредит суммасининг 2-3 фоизини ташкил =илади.

кўп турлари мавжуд, жумладан, дастурий таъминот, фойдаланиш хуқуки, маркетинг ва техник маълумотлар. Бироқ, банк фаолиятида энг кўп тарқалган номоддий актив гудвилдир.

“Гудвилл” - харидор томонидан банк сотиб олинаётганда унинг соф активлари қийматидан юқори тўланадиган сумма сифатида таърифланади (барча активларнинг бозор нархи ва барча мажбуриятларнинг бозор нархи ўртасидаги фарқ). Бу харидорнинг банкни сотиб олишда банкни харид қилиш ўз ичига банк ҳам қарздор, ҳам депозитор бўлган мижозлар билан кўп йиллардан бери ўрнатган муносабатлари ҳам кишини тушуниб етишини англатади.

Левераж – бу банк жами активларининг капитал билан таъминланганлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткич. У биринчи даражали капиталнинг номоддий активлар қиймати, жумладан, гудвиллни чиқариб ташлаган ҳолда умумий активлар суммасига нисбати сифатида аниқланади.

Ликвидлик – бу банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни билдиради.

Доимий бўлмаган мажбуриятлар исталган вақтда банкдан чиқиб кетиши эҳтимоли юқори бўлган йирик депозитлар қарзлардир. Бундай мажбуриятларга одатда қуидагилар хосдир:

нисбатан катта миқдорда бўлиши;

сўндириш муддатининг қисқалиги;

мажбуриятлар эгалари банк билан мазкур мажбуриятлардан бошқа ҳеч қандай битимлар билан боғланмаган бўлади.

Захираларнинг ортиқча қисми - мажбурий захиралар фондига ажратмалар миқдоридан ошадиган банк маблағлари - банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғи.

Ликвид активлар - уларнинг яхши маълум бўлган бозор нархини шаклланишини таъминлайдиган доимий равишда сотилувчи ва сотиб олинувчи активларнинг алоҳида тури бўлиб, банклар уларни қисқа муддат ичидан сотиб олишга тайёр бўлган харидорни топиши мумкин. Бундай активлар қаторига нақд пуллар, давлат қисқа муддатли облигациялари, қисқа муддатли (етти кунгача) банклараро кредитлар. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) давлатлари хукуматлари ҳамда фонд бозори ривожланган давлатларининг машҳур транс миллий компанияларининг қимматли қоғозлари ҳам юқори ликвидликка эгадир.

Ноликвид активлар - бу бозор нархини котировка бўйича аниқлаш мумкин бўлмаган ва бу турдаги активларнинг харид нархи сотувчи ва харидор ўртасидаги келишув натижасида хусусий тарзда аниқланадиган активларга айтилади. Бундай активларнинг қиймати катта миқдордаги ўзгаришларга учраб туриши таққослашни қийинлаштиради. Бу турдаги активларга, масалан, кредитлар, қимматли қоғозлар бозорида котировкага эга бўлмаган ёки котировкаси қийин бўлган қимматли қоғозлар, асосий воситалар ва бошқалар киради. Тезда нақд пул миқдорини ошириш учун ноликвид активларни сотиш зарур бўлган ҳолда банк уларни зарар кўргани ҳолда сотиши мумкин.

Капиталнинг энг кам даражасига қўйиладиган талаблар

Янги очилаётган банклар устав капиталининг энг кам микдори ЭҚЮ пул бирлигининг тугаши мунасабати билан бекор қилинди ва АҚШ долларига боғланди. У қуйидаги жадвалга мувофиқ белгиланади.

1- жадвал				
	Аҳолиси 0,5 млн. кишидан кўп бўлган шахар- ларда очилаётган тижорат банклари учун	Аҳолиси 0,5 млн. кишидан кам бўлган шахарларда очилаётган тижорат банклари учун.	Чет эл капитали иштироқида очилаётган банклар учун	Хусусий банклар учун
2002 йил 1 январдан	2,5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	1,25 млн. АҚШ доллари эквивалентида	5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	1,25 млн. АҚШ доллари эквивалентида

Фаолият кўрсатаётган банклар эквиваленти 2 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган суммада умумий капиталга эга бўлишлари лозим. Фаолият кўрсатаётган банклар устав капиталини оширишга доир талаблар макроиктисодий ахвол, банкнинг молиявий ҳолати ва бошқа сабабларга қўра алоҳида банкларга қўйилиши мумкин.

Капитал таркиби

Тижорат банклари умумий капитали I-даражали капитал ва II-даражали капиталдан ташкил топган.

I-даражали капитал умумий капиталнинг 50 фоизини ёки ундан кўпини ташкил қилиши лозим. II-даражали капитал микдори I-даражали капитал микдоридан ошиб кетса, капиталнинг ошиб кетган қисми капитал ҳисобига киритилмайди.

I -даражали капитал қуйидагилардан иборат :

a) Тўлик тўланган ва муомалага киритилган оддий акциялар,

b) нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар. Бу акциялар:

- муайян сотиб олиш санаси ва шартларига эга эмас;

- эгасининг хоҳишига кўра сотиб олиниши мумкин эмас;

- банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорига мувофиқ уларга доир дивиденdlар тўланмаслиги мумкин;

- улар бўйича ўтган даврдаги олинмаган дивиденdlар тўланмайди;

- в) қўшимча капитал (капиталнинг ортиқча қисми) - оддий ва имтиёзли акциялар бозор нархининг уларнинг номинал қийматидан ошиб кетиши;

г) тақсимланмаган фойда:

- капитал захиралар;

- аввалги йиллар тақсимланмаган фойдаси;

- жорий йил заарлари.

д) акция эгалари камчилигининг бирлашган корхоналар акциядорлик ҳисобваракларидаги улуши. Бу улуш шўъба корхоналари ҳисобвараклари банк молиявий ҳисботларида бирлаштирилганда ва банк улуши бундай корхоналар капиталининг 100 фоиздан кам қисмини ташкил қилганда вужудга келади.

Дивиденд ставкалари ўзгариб турувчи имтиёзли акциялар I-даражали капитал ҳисобига киритилмайди.

II- даражали капитал қуйидагилардан иборат:

а) жорий йилдаги соф фойда;

б) рискни ҳисобга олган ҳолда активлар суммасининг 1,25 фоизи ва ҳисоб-китоблардан сўнг I-даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдордаги умумий захиралар (I-даражали капитал ва активлар ҳисоб-китоблардан сўнг I- даражали 100фоизли капиталдан ошмаган миқдордаги умумий захиралар (I- даражали капитал ва активлар ҳисоб- китоби қуида келтирилган);

в) ҳисоб китоблардан сўнг I- даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдорда аралаш турдаги мажбуриятлар (акциядорлик ва қарз капитали тавсифларини ўзичига олган воситалар);

г) субординар қарз, бу банкнинг қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадида ҳисоб-китоблардан сўнг I-даражали капиталнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак. II-даражали капиталга киравчи субординар қарз тўлаш муддати етиб келгунга қадар охирги 5 йил давомида йилига 30 фоизга камайиб бориши шарт. II-даражали капитал таркибиغا киравчи субординар қарз қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- гаров таъминотига эга бўлмаслик;
- банк тугатилаётганда ушбу мажбуриятлар бўйича талаблар депозиторлар талаблари қондирилганидан сўнг амалга оширилиши;
- бошланғич тўлов муддати 5 йилдан ортиқ бўлиши.

Капиталдан чегирмалар капитал етарлилиги коэффициентлари ҳисоблангунча амалга оширилиши керак.

I-даражали капиталдан чегирмалар номоддий активлар, шу жумладан, Гудвиллни ўз ичига олади.

Умумий капиталдан чегирмалар қуйидагилардан иборат:

- бирлашмаган нобанк шўъба молия корхоналари капиталига инвестициялар, жумладан, бундай корхоналар капиталини ташкил қилувчи уларнинг ҳар қандай акциялари ва қарз мажбуриятлари;
- бирлашмаган нобанк номолиявий корхоналар капиталига инвестициялар, жумладан, бундай корхоналар капиталини ташкил этувчи ҳар қандай қимматли қоғозлар ва қарз мажбуриятлари;
- бирлашмаган банклар капиталининг ҳар қандай воситаларига инвестициялар.

Рискни ҳисобга олган ҳолдаги активлар

Баланс активлари риск даражаси бўйича 0, 20, 50, 100 фоизли тўрт гурухга бўлинади. Ҳар хил тоифали активлар нисбий рисклиги ўз зиммасига мажбуриятларни қабул қиласи шахс тури ва гаров ёки кафолат тавсифига боғлиқ. Масалан, нақд пул 0 фоизли риск даражасига эга бўлса, тижорат кредитлари 100 фоизли рискли тоифасига киради. Бу тижорат кредитлари капиталнинг муайян суммаси билан тўлиқ таъминланган бўлиши кераклигини англатади.

Рискни ҳисобга олган ҳолдаги активлар суммаси ҳар бир актив баланс суммасини унга тегишли риск миқдорига кўпайтириш ва риск бўйича аниқланган активлар йифиндиси орқали топилади. қуйида банк активлари тоифаларининг таърифи келтирилган.

Рискдан холис бўлган активлар (risk коэффициенти - 0 фоиз) қўйидагиларни ўз ичига олади:

а) банкда ва унинг филиалларида нақд пул кўринишида сақланаётган миллий ва чет эл валютаси (жумладан, йўлдаги нақд пуллар ва банк омборларида ёки Марказий банк омборларида сақланаётган олтин қўймалар);

б) Марказий банк ва унинг ҳудудий бошқармаларида вакиллик ва захира ҳисобрақамларида маблағлар;

в) ҳукумат ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тўғридан-тўғри талаблар ва бу эмитентлар томонидан чиқарилган қимматли қофозлар;

г) иктисадий ҳамкорлик ва тараққиёт (ИХТТ) ташкилотига кирувчи мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қофозлар, шунингдек, бу мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банкларига қўйиладиган бошқа талаблар;

д) активлар ёки уларнинг Ўзбекистон Республикаси ва ИХТТга кирувчи мамлакатлар миллий валюталарида деноминация қилиниб, нақд пул билан таъминланган хамда банкда алоҳида чеклаб қўйилган депозит ҳисобрақамда сақланаётган қисми.

Минимал риск даражасига эга активлар (risk коэффициенти - 20 фоиз) қўйидагилардан иборат:

а) ИХТТ давлатларида рўйхатга олинган депозитар институтларида нисбатан талаблар, шу жумладан, қарзлар ва пул бозори воситалари;

б) ИХТТ давлатларида рўйхатга олинган депозитар институтлари кредитлари билан таъминланган бошқа барча активлар. ИХТТ давлатлари депозитар институтларининг капитали бўлган қимматли қофозлар юқори риск даражасига (100 фоиз) эга активлар қаторига киради;

в) банкнинг ИХТТ давлатлари маҳаллий хокимият органларида нисбатан талаблари, шунингдек, улар томонидан кафолатланган банк активлари. Бу талаблар ва кафолатлар бўйича тўловлар алоҳида лойиҳалар бўйича тушумлардан эмас, балки юқорида кўрсатилган ташкилотлар бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

г) банкнинг Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро кредит ташкилотлариға нисбатан талаблари, шунингдек, бу ташкилотлар томонидан кафолатланган банк активлари;

д) жорий бозор қийматида бағланган ва Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро кредит ташкилотлари томонидан муомалага чиқарилған қимматли қоғозлар билан таъминланган активлар ва уларнинг қисмлари;

е) банкнинг ИХТТга аъзо бўлмаган мамлакатларнинг миллий валюталариға деноминация қилинган ва миллий валютадаги мажбуриятлар билан қопланган, ИХТТга аъзо бўлмаган давлатлар Марказий Ҳукуматлари ва марказий банклариға нисбатан талаблари. Миллий валютага деноминация қилинмаган ва миллий валютада молиялаштириш суммасидан ошиб кетган активлар қисми риск даражаси юқори (100 фоиз) бўлган активлар қаторига киритилади.

з) жорий бозор қийматида баҳоланган ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ИХТТга кирувчи давлатлар Марказий ҳукуматлари томонидан эмиссия қилинган ёки кафолатланган қимматли қоғозлар кўринишидаги гаров билан таъминланган ёки кафолатланган активлар, уларнинг қисмлари ва балансдан ташқари мажбуриятлар. қимматли қоғозлар банк тасарруфида бўлиши ва белгиланган тартибга мувоғиқ унга берилиши лозим. Кафолатлар тўғридан-тўғри ва ҳеч қандай шартларсиз, яъни уларни қўллашни чекловчи бирон-бир қўшимча шартларни ўзида қамраб олмаган бўлиши керак;

и) ўтказиш жараёнидаги пул ҳужжатлари (йўлдаги нақд пуллар ҳисобга кирмайди).

ўртача риск даражасига эга активлар (риск коэффициенти - 50 фоиз) қўйидагилардан иборат:

а) жисмоний шахсларга бир оиласида уй-жой (хонадон) сотиб олиш ёки қуриш учун берилган ва дастлабки гаров (гаров предметига эгалик қилишининг имтиёзли ҳуқуки) сифатида сотиб олинаётган ёки қурилаётган уй-жой (хонадон) билан таъминланган кредитлар. Бунда ссуда миқдорининг гаров қийматига нисбати 60 фоиздан ошмаслиги керак. 60 ва ундан ортиқ кунга муддати ўтган, фоизлар ҳисоблаш тўхтатилган ёки реструктуризацияланган кредитлар риск даражаси юқори (100 фоиз) бўлган активлар тоифасига киради. Бир оила учун уй-жой қуриш мақсадида бериладиган кредитлар шу уй-жойда яшамоқчи бўлган хусусий шахсларгагина берилиши керак. Банк дастлабки гаров ҳуқуқига эга бўлмаса, бундай кредитлар рисклиги юқори (100 фоиз) бўлган активлар ҳисобланади;

б) банкнинг ИХТТга кирувчи давлатлар маҳаллий хокимият органлариға нисбатан талаблари ёки бу талаблар ва кафолатлар бўйича тўловлар мазкур мажбуриятлар бўйича молиялаштириладиган муайян лойиха тушумлариға боғлиқ бўлса, ушбу ташкилотлар томонидан кафолатланган активлар. Юқоридаги ташкилотлар томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозлар.

Юқори риск даражасига эга активлар (риск коэффициенти - 100 фоиз) қуидагилардан иборат:

- а) банк томонидан берилган барча кредитлар, жумладан, тадбиркорлик тузилмалари, қишлоқ хўжалик, ишлаб чиқариш корхоналарига берилган кредитлар, шунингдек, истеъмол ва ипотека кредитлари.
- б) банкнинг асосий воситалари, иншоотлари, жиҳозлари ва шахсий кўчмас мулки;
- г) бошқа барча активлар.

Балансдан ташқари активлар.

Риск даражаси ҳисобга олинган активлар суммаси ҳисоб-китоб қилинганда барча балансдан ташқари активлар ҳисобга олинади, ички бозорда тузилган форвард, своп битимлари, сотиб олинган опционлар ва шунга ўхшаш бошқа (дереватив) воситалар бундан мустасно.

Балансдан ташқари моддаларнинг риск тоифаси қуидагича аниқланади: балансдан ташқари модданинг тўланмаган қолдиғи кредитни ҳисоблаш омилига кўпайтирилади. Олинган натижа балансдан ташқари модданинг баланс эквиваленти бўлиб, унга баланс ҳисобрақамлари қоидаларига мувофиқ тегишли риск даражаси белгиланади. Паст риск омили балансдан ташқари воситанинг Марказий банк учун қулай гаров ёки кафолат билан таъминланган ёки кафолатланган маълум бир қисмига қўлланиши мумкин.

Масалан, банк тижорат буюртмачи номидан 10 млн. сўмлик алоҳида депозит ҳисобрақами билан таъминланган молиявий захира аккредитивни чиқарди. Бундай аккредитивлар бўйича кредитни ҳисоблаш омили қуида кўрсатилганидек, 100 фоиз микдорида белгиланади. Банқда алоҳида депозит ҳисобрақам билан таъминланган баланс активлари 0 фоиз микдорида баланс рисклиги даражасига эга. Баланснинг якуний риск даражаси 10 миллион сўмни кредитни ҳисоблаш омилига 1.00 (100 фоиз) ва 0 фоизли рискли тоифасига кўпайтириш орқали аниқланади.

100 фоизли кредитни ҳисоблаш омили қўлланадиган балансдан ташқари моддаларга қуидагилар киради:

- а) номидан кафолатлар ёки захира аккредитиви берилган банк мижози битим ва бошқа мажбуриятларга мувофиқ ҳолда учинчи томонга мажбуриятларни қоплашга лаёқатсиз бўлса, банкнинг учинчи томонга тўловлар тўғрисидаги юридик жиҳатдан чақириб олинмайдиган мажбуриятларини ўзида акс эттирган бевосита кредит ўрнини босувчилар, жумладан, умумий кафолатлар, захира аккредитивлари ва бошқа шунга ўхшаш битимлар;
- б) қайта сотиб олиш ҳақидаги келишув ёки белгиланган шартларда активларни банкка қайтариш ҳақидаги келишувга мувофиқ сотилган активлар;
- в) активларни келажакда маълум бир муддатга сотиб олиш мажбурияти.

50 фоизли кредитни ҳисоблаш омили қўлланадиган балансдан ташқари моддалар қуидагилардан иборат:

а) битим кафолатлари ёки муайян битимга нисбатан аккредитивлар сингари битимлар билан боғлиқ мажбуриятлар. Бу мажбуриятлар агар номидан мажбуриятлар чиқарилган банк мижози номолиявий тижорат мажбуриятларини амалга оширолмаган бўлса, банкнинг учинчи шахсга компенсация тўлаш бўйича чақириб олинмайдиган мажбуриятлари ҳисобланади. Масалан, мол етказиб берувчи ёки субпудратчи сифатида маълум бир функция бажарилишини кафолатловчи аккредитив;

б) бошланғич тўлов муддати бир йилдан ортиқ бўлган кредит линияси ёки шунга ўхшаш келишув сингари кредит беришга доир мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми.

20 фоизли кредитни ҳисоблаш омили қўлланиладиган балансдан ташқари моддалар қуидагилардан иборат:

а) товарларни етказиб бериш билан таъминланган ҳужжатли аккредитив сингари савдо билан боғлиқ мажбуриятлар. Улар қисқа муддатли ёки ўз-ўзини тугатувчи бўлиши керак;

б) бошланғич тўлов муддати бир йил ва ундан кам бўлган кредит линияси ёки шунга ўхшаш келишув сингари кредит беришга доир мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми.

Дереватив (ҳосилавий) воситалар

Банк томонидан форвард келишувлари, своплар, опционлар ва шунга ўхшаш ҳосилавий шартномалар амалга оширилганда, у битимлар тўлиқ номинал қийматида кредит рисклигига учрамайди. Банк учун агар шартнома мажбуриятлари контрагентлар томонидан бажарилмаган бўлса, нақд пул маблағлари оқимини алмаштиришнинг потенциал қиймати риск ҳисобланади.

Банклар ички ва ташқи бозорларда бундай ички бозорлар Basel келишуви талабларига мувофиқ бозор асосида битимлар қийматини белгилаш учун етарли даражада ривожланмас ва банклар бундай операцияларни ўтказишга тайёрлигини кўрсата олмас экан, акциядорлик капитали, олтиндан ташқари бошқа қимматбаҳо металлар ва бошқа товарларга асосланган форвард ва своп келишувлари, опционлар ва бошқа шунга ўхшаш ҳосилавий битимлар тузишга ҳақли эмас. ҳосилавий воситаларни ўз ичига олувчи операцияларни амалга ошириш учун рухсатнома Марказий банк томонидан берилади.

Ҳозирги кунда фоиз ставкаси ва валюта билан боғлиқ барча шартномалар учун банклар “дастлабки рискка мойиллик усули”ни (ДТМУ) қўллашлари мумкин. Бу усулга мувофиқ қўшимча равишда капитал билан таъминлаш миқдори шартнома тури, уни тўлаш санаси ва номинал қийматидан келиб чиққан ҳолда қайта қисоблаш омили ёрдамида аниқланади.

Бу усул асосий омили тўлаш муддати, фоиз ставкалари ҳамда нархлар тавсифи ва уларнинг ўзгарувчанлиги бўлган битим нархларини ташкил этишга бозор қонуниятлари асосида ёндашишни тан олмайди. Бозор асосида ёндошиш шартномани аниқроқ баҳолаш имконини беради. Бироқ, ДТМУ усули барча

банклар томонидан бозор усулидан фойдаланиш учун шароитлар яратилгунча қўлланиши шарт.

Ҳосилавий воситанинг баланс эквиваленти ҳисоблаш омилини ҳар бир воситанинг асосий номинал қийматига кўпайтириш орқали аниқланади (2-жадвал). ҳисоблаш омили миқдори восита тавсифи ва барча воситалар бўйича қолган қоплаш муддатига боғлик, бошланғич қоплаш муддати қўлланиладиган валютавий шартномалар ва олтин бундан мустасно. Юқоридаги усул бўйича ҳисобланган эквивалентларга қарздор тури, кафолат табиати ва таъминотига қараб баланс воситалари сингари риск қўлланилади.

Ҳосилавий воситаларни ҳисоблаш омили

2-Жадвал

Тўлов муддатлари	ҳосилавий воситалар	
	Шартномадаги фоиз ставкаси асосланган	Шартнома ва олтин алмашув курсларига асосланган
Бир йилгача	0,5%	2,0%
Бир йилдан икки йилгача	1,0%	5,0% (масалан 2%-3%)
қўшимча ҳар бир йил учун	1,0%	3,0%

Таваккалли активлар умумий суммасидан чегирмалар кредит ва лизингга доир юзага келиши мумкин бўлган заарларни қоплаш учун ташкил этилган маҳсус захираларни ўз ичига олади.

Капиталнинг етарлилигига қўйиладиган талаблар.

Қўйидаги белгиланган капиталнинг етарлилиги талаблари фақат капитал етарлилигининг энг кам даражаси ва кредит рисклиги (мижознинг молиявий аҳволи ёмонлашиши оқибатида банк олдидағи мажбуриятларини бажара олмаслик рисклиги) ни акс эттиради.

Марказий банк “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг 52-моддаси ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги” қонуннинг 25-моддасига мувофиқ банклардан банк фаолияти, иқтисодий вазият ва молиявий аҳволига хос рискка қараб капитал етарлилигининг янада юқори коэффициентлари таъминланишини талаб қилиши мумкин. Бундай рисклар ўз ичига қўйидагиларни олади ва улар билан чекланиб қолмайди: муаммоли кредитларнинг катта миқдори, соғ заарлар, активларнинг катта миқдорда ўсиши, фоиз ставкалари бўйича юқори даражали рискнинг юзага келиши ва таваккалли фаолиятга жалб қилиниши.

Капиталнинг етарлилик коэффициентлари:

а) рискка асосланган капиталнинг умумий суммаси (ТАКУС) чегирмаларни ҳисобга олган ҳолда I-даражали капитал ва II-даражали капитал йиғиндиси сифатида аниқланади;

б) рискни ҳисобга олган ҳолдаги активлар умумий суммаси (ТХОАУС) чегирмалар ажратилиб, риск ҳисобга олинган ҳолдаги баланс ва балансдан ташқари активлар йиғиндиси сифатида аниқланади;

в) умумий капиталнинг етарлилик коэффициенти К1 қуидагича ҳисобланади:

К1 қ ТАКУС/ТҲОАУС

К1 нинг минимал рухсат этилган даражаси 0.1 га тенг (10 фоиз)

г) I-даражали капиталнинг етарлилик даражаси қуидагича аниқланади:

К2қI-даражали капитал /ТҲОАУС

К2 нинг минимал рухсат этилган даражаси 0.05 га тенг (5 фоиз)

д) I-даражали капитал рискка асосланган умумий капиталнинг 50 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Капиталнинг етарлилик даражаси талаблари билан бир қаторда тижорат банклари номоддий активлар ва Гудвилл чегириб ташланган I-даражали капиталнинг умумий активлар суммасига нисбати орқали аниқланадиган левераж коэффициентига риоя этишлари керак:

К3қI-даражали капитал /(Умумий активлар - номоддий активлар - Гудвилл)

Левераж коэффициентининг минимал рухсат этилган даражаси 0.06 га тенг (6 фоиз)

Ликвидликни баҳолаш

Барча тижорат банклари жорий ликвидлик меъёрларини бажаришлари лозим, улар жорий активларнинг (тўлов муддати 30 кунгача бўлган барча ликвидлик активлари, банк қўйилмаларининг бир марта бўлса ҳам муддати узайтирилган ва ёки аввал берилган ссудаларни тўлаш учун, шунингдек, қайтариш муддати ўтиб кетган кредитлар истисно қилинади) талаб қилиб олингунча мажбуриятлар суммаси нисбатига ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган ҳолда аниқланади. Ушбу кўрсаткич 30 % дан кам бўлмаслиги керак.

Банк ликвидлигини таҳлил қилувчи давр (ойлик, чораклик, йиллик) мобайнида ўзгаришлар тенденциясига аҳамият бериши ва ўзгаришлар аҳамиятини ҳамда характерини ўтган даврларга нисбатан баҳолаши, ресурслар жалб қилишнинг ўтган ва жорий стратегияларини баҳолаши, шунингдек имкони бўлса, ўхшаш банклар билан таққосланиши лозим.

Ликвидлик коэффицентлари ўз-ўзидан ликвидликнинг етарлилиги бўйича аниқ маълумот бермайди, уларга умумий баҳонинг бир қисми сифатида қараш керак. қуида ликвидлик коэффицентлари буйича мисоллар келтирилган;

Ликвид активлар (захиранинг ортиқча қисми, эркин айирбошланадиган валюта, ДҚО лари, бошқа банклардаги вакиллик ҳисобвараклари) / жами активлар;

Доимий бўлмаган мажбуриятлар (йирик депозитлар маълум манбалардан олинган қарзлар) / жами активлар.

Ликвид активлар / Доимий бўлмаган мажбуриятлар.

Барча юқорида келтирилган кўрсаткичлар қуидаги маълумотни акс

эттиради - ушбу кўрсаткичларнинг пасайиши банкнинг ресурсларнинг барқарор бўлмаган манбаларга таянганлиги ёки банк портфелдаги юқори ликвидли активлар улушиниг камайганлигини англатади.

Кредитлар/Депозитлар - депозитлар, айниқса, майда омонатчиларга тегишли қисми одатда ресурсларнинг барқарор манбаидир. Кўрсаткичининг жуда юқори қиймати (80 фоиздан ортиқ) ва / ёки ўсиши дастлабки муаммолар банкдан чиқиб кетадиган ресурслар (банклараро бозорлардан олинган қисқа муддатли қарзлар) манбаларига бўлган талабнинг пастлигини билдиради.

Гаровга қўйилган қимматли қоғозлар жами қимматли қоғозлар - гаровга қўйилган қимматли қоғозлар умумий кўрсаткичи бўлиб, у ликвидликка тезкор талабларни қоплаш учун қўлланила олмайди.

Банк раҳбарияти жорий ликвидликдан ташқари ўзининг ликвидлик кўрсаткичлари тўпламини ишлаб чиқиши ва ундан фойдаланиши мумкин. Мазкур кўрсаткичлар мазмунли бўлиши ва ҳар доим банкнинг молиявий ҳолатини боғоловчи бошқа маълумотлар билан биргаликда баҳоланиши лозим.

Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи рискнинг энг юқори даражаси

Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи рискнинг энг юқори даражаси 1 даражали банк капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак.

Ишончли кредитлар учун рискнинг энг юқори даражаси 1- босқичли банк капиталининг 5 фоизидан ошмаслиги зарур.

Банкнинг барча йирик кредитларининг умумий хажми 1- босқичли банк капиталидан 8 мартадан ортиқ ошиб кетиши мумкин эмас.

Банклар томонидан қимматли қоғозларга қўйилмаларни амалга оширишларига доир чекловлар

Банклар қўйидаги шартлар бажарилган ҳолларда қимматли қоғозларга қўйилмаларни амалга оширишлари мумкин:

а) банкнинг бир корхона устав капиталига, шунингдек, ушбу корхонанинг бошқа қимматли қоғозларига қилган қўйилмаси миқдори биринчи даражали банкрегулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак. Ушбу меъёр бир эмитентнинг ҳам «Инвестициялар» ҳисобварақлари, ҳам «қимматли қоғозлар олди-сотдиси» ҳисобварақлари бўйича нодавлат қимматли қоғозларига қилинган банк қўйилмаларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқлади;

б) банкнинг барча эмитентлар устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларига қилган инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак;

в) олди-сотди учун нодавлат қимматли қоғозларига қилинган банк қўйилмаси миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

Банк исталган корхона (молиявий институтлардан ташқари) устав капиталининг 20 фоизидан ортиғига түғрдан-түғри ёки билвосита (шўъба корхоналари орқали) эгалик қилиши мумкин эмас.

Агар эмитент фаолияти ёки амалдаги ёхуд режалаштирилаётган банк инвестициялари миқдори омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар манфаатларига зиён етказиши мумкинлиги ёки инвестицияларни бошқаришда банк тажрибаси етарли эмаслиги аниқланса, Марказий банк исталган эмитент қимматли қоғозларига банк томонидан киритиладиган инвестициялар миқдорига қўшимча чекловлар белгилаш ҳуқуқига эга.

Гаров ҳуқуқларини амалга ошириш натижасида қимматли қоғозлар олинган ҳолларда банк 1 ой муддат ичида олинган қимматли қоғозларни сотиши шарт. Агар қимматли қоғозлар кўрсатилган муддатда сотилмаса, улар «қимматли қоғозлар олди-сотдиси» ёки «Инвестициялар» хисобварағларига ўтказилади.

3-§. Тижорат банклари томонидан иқтисодий нормативларга риоя этиши амалиётининг таҳдили

Тижорат банклари фаолиятига нисбатан республика Марказий банки томонидан ўрнатилган дастлабки, асосий иқтисодий нормативлардан бири банк капиталининг минимал миқдори қўрсаткичидир.

Халқаро банк амалиётида банк устав капиталининг минимал миқдори 5 млн. АҚШ доллари атрофидаги миқдорни ташкил этади. Шу сабабли, банк капиталини халқаро андозалар бўйича етарли бўлиши учун 5 млн. доллар миқдорида шакллантириш лозим.

Республикамизда хорижий капитал иштирокидаги банкларга нисбатан белгиланган устав капиталининг минимал миқдори халқаро андозаларга мос келади. Яъни 1998 йил 1 январдан бошлаб ушбу миқдор 5,0 млн. АҚШ доллари қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг дастлабки даврларидан бошлабоқ тижорат банкларининг капитал базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилди. Республика Марказий банкининг 1998 йил 2 ноябрдаги 420-сонли йўриқномасига асосан 1999 йил 1 январдан бошлаб аҳолиси 0,5 млн. кишидан ортиқ бўлган шаҳарларда ташкил этиладиган тижорат банклари учун устав капиталининг минимал миқдори 2,0 млн. АҚШ доллари миқдорида белгилаб қўйилди. Аҳолиси 0,5 млн. кишидан кам бўлган шаҳарларда ташкил этиладиган банклар учун бу қўрсаткич 1,0 млн. доллар қилиб белгиланди. 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб банкларнинг устав капиталининг минимал миқдори янада оширилди ва унинг миқдори мос равишда 2,5 млн. ва 1,25 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида белгилаб қўйилди. Демак, бир йил ичида тижорат банкларини устав капиталининг минимал миқдорини 25 фоизга ошириш мажбурияти белгилаб қўйилди. ҳолбуки, 1999 йил 1 январга қадар тижорат банклари устав капиталининг минимал миқдори аҳолиси 0,5 млн. кишидан ортиқ бўлган шаҳарларда ташкил этиладиган тижорат банклари учун 1,5 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида, аҳолиси 0,5 млн. кишидан кам бўлган шаҳарларда ташкил этиладиган банклар учун эса 0,75 млн. АҚШ доллари миқдорида белгилаб қўйилган эди.

Республикамизда хусусий банклар очилишини рафбатлантириш мақсадида, уларга нисбатан устав капиталининг минимал миқдори нисбатан кичик қилиб белгиланган. 1998 йил 1 январдан бошлаб хусусий тижорат банклари устав капиталининг минимал миқдори 0,3 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида белгиланган.

2001 йилнинг 31 декабрь ҳолатига мамлакатимизнинг барча тижорат банкларида мазкур нормативнинг белгиланган даражасини бажаришга эришилган.

Тижорат банклари фаолиятига нисбатан қўлланилаётган муҳим нормативлардан бири банк капиталининг етарлилик даражаси ҳисобланади. Ушбу норматив банк жами капитали суммасини банк активларининг рискка тортилган сўммасига бўлиш йўли билан аниқланади ва унинг минимал миқдори

0,10 қилиб белгиланган. 1999-2001 йиллар мобайнида республикамизнинг барча тижорат банклари ушбу коэффициентни бажаришга эришди. □

Айни вақтда, капиталнинг етарлилик нормативини бажаришда айрим банкларда муаммо юзага келиши мумкин. Масалан, 2001 йилнинг 31 декабрь ҳолатига «Ўзтадбиркорбанк»да бу кўрсаткичнинг бажарилиши 0,19 ни, «ХИФ»банкда эса 0,14 ни ташкил қилди. Ушбу банкларда юқори рискли активларни сезиларли даражада ўсиши мазкур нормативни бажарилишида қийинчилик туғилишига олиб келади.

Республикамиз тижорат банкларига нисбатан қўлланилаётган учинчи иқтисодий норматив банк асосий капиталининг, яъни биринчи даражали банк капиталининг етарлилик коэффициенти деб аталади. Коэффициентнинг мазмуни шундан иборатки, ҳар бир тижорат банкида асосий капиталнинг жами капиталдаги улуши 50 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Амалга оширилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдик, республикамизнинг барча тижорат банкларида ушбу нормативга риоя этиш билан боғлик муаммолар мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби шундаки, биринчидан, банклар капиталининг асосий қисми устав капиталидан иборат; иккинчидан, банклар активларининг таркибида юқори рискли активларнинг улуши ривожланган хорижий давлатлар тижорат банкларидаги каби юқори эмас. Шу сабабли, банклар ушбу нормативни бажаришда қийинчиликлар сезишмайди. Масалан, 2001 йилнинг 31 декабрь ҳолатига барча тижорат банкларининг жами капитали 496090 млн. сўмни ташкил қилгани ҳолда, биринчи даражали капитал сўммаси унинг 89,9 фоизини ёки 446447 млн. сўмни ташкил қилди. □

Амалдаги тўртинчи иқтисодий норматив левераж ҳисобланади. Левераж банк капиталини валюта балансга бўлиш йўли билан аниқланади. Унинг минимал миқдори 0,10 қилиб белгиланган. 1999-2001 йиллар мобайнида республикамиз тижорат банклари томонидан иқтисодий нормативларга риоя этиш амалиётининг таҳлили мзкур нормативларга риоя этиш борасида жиддий муаммолар мавжуд эмаслигини кўрсатди. Фақат айрим тижорат банкларида, хусусан, «Тадбиркорбанк»да, «Ипак йўли» банкида бу норматив белгиланган минимал миқдорга яқин даражада бажарилган. Бу эса ҳозирги, фоиз ставкалари, баҳоларнинг ўзгарувчанлиги шароитида, банкларнинг тўловга қобиллигини таъминлаш борасида сезиларли муаммоларни юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Молиявий левераж кўрсаткичи республикамизда тавсия характерига эга ва миқдорига кўра ҳалқаро андозалардан фарқ қиласди. Масалан, АҚШда бу кўрсаткич 0,05 (1:20) ни, Англияда 0,05 (1:20) ни, Люксембургда 0,03 (1:33) ни,

□ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Тижорат банклари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш» департаментининг жорий щисбот маълумотлари.-Тошкент, 2002, 18 февраль.

□ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Тижорат банклари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш» департаментининг жорий щисбот маълумотлари.-Тошкент, 2002, 18 февраль

Швейцарияда 0,12 (1:8,2) ни ташкил этади. Франция ва Германияда бу кўрсаткич қонун хужжатларида белгилаб олинган.[□]

Республикамиз тижорат банкларининг жорий фаолиятининг барқарорлигини тавсифловчи норматив жорий ликвидлилик коэффициенти ҳисобланади. Ушбу коэффициентнинг минимал даражаси 0,30 қилиб белгиланган.

Жорий ликвидлилик коэффициенти (ЖЛК) куйидаги тартибда ҳисобланади:

ЖЛКК (ЛАҚЯҚҚ)/(ТДҚ ЯТТ)

Бунда:

ЛА-ликвидли активлар.

ЯҚҚ-яқин 30 кун ичида қайтариладиган қуйилмалар.

ТД-трансакцион депозитлар.

ЯТТ-яқин 30 кун ичида тўланадиган тўловлар.

1999 йилнинг 31 декабрь ҳолатига республикамизнинг барча тижорат банкларида жорий ликвидлилик коэффициенти бажарилган. Айниқса, «Фалла»банкда (2,96), «Олим»банкда (1,02), «Траст»банкда (1,13), «Приват»банкда (1,44)да коэффициентнинг бажарилиш даражаси юқори бўлган. Бунинг асосий сабаби мазкур банкларнинг активлари таркибида ликвидли активлар салмоғининг юқори бўлганлиги, берилган кредитларнинг сезиларли қисмини қайтарилишини норматив ҳисобланётган даврга тўғри келганлиги ва банк тўловларининг камайганлиги билан изоҳланади. Масалан, «Траст»банкда мазкур санада ликвидли активларнинг банк жами активларидағи салмоғи 30,1 фойзни ташкил қилди.

2000 йилнинг 31 декабрь ҳолатига барча тижорат банкларида жорий ликвидлилик коэффициентини бажарилишига эришилган. Юқорида санаб ўтилган банкларда мазкур коэффициентни янада юқори даражада бажарилишига эришилган. Бу эса қайд этилган сабабларнинг асосли эканлигидан далолат беради.

2001 йилнинг 31 декабрь ҳолатига республикамизнинг барча тижорат банкларида жорий ликвидлилик талаби бажарилган. Шуниси характерлики, биз юқорида қайд этиб ўтган тижорат банкларидан иккитасида-«Фалла»банкда ва «Траст»банкда олдинги даврга нисбатан жорий ликвидлилик коэффициентининг кескин пасайганлиги кузатилди. Масалан, «Фалла»банкда бу кўрсаткич 0,78 ни, «Траст»банкда эса 0,68 ни ташкил қилди.» Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

а) Банкларнинг мажбурий тўловлари ҳажмининг ошиши.

Бизга маълумки, «Фалла»банк асосан марказлашган ресурслар ҳисобидан фаолият юритади. Марказлашган ресурслар бўйича тўловлар сўммасининг таҳлил қилинган даврда ошганлиги банкнинг жорий ликвидлилик даражасини олдинги даврларга нисбатан сезиларли даражада пасайишига олиб келди.

[□] Э.Н. Василишен. Регулирование деятельности коммерческого банка.-М.: Финстатинформ, 1995-с. 43.

Жорий ликвидлилик коэффициентининг даражасига кучли ва бевосита таъсир кўрсатадиган омил трансакцион депозитлар миқдорининг ўзгариши ҳисобланади. Мазкур иккала банкда таҳлил қилинган даврда жорий ликвидлилик даражасининг пасайишига ушбу омил таъсир этмади. Чунки бу даврда трансакцион депозитлар салмоғининг ошиши юз бермади. Масалан, 1999 йилнинг декабрь ҳолатига трансакцион депозитларнинг жами депозитлар ҳажмидаги салмоғи «Ғалла»банкда 78,5 фоизни, «Траст»банкда эса 83,6 фоизни ташкил этди. 2001 йилнинг 31 декабрь ҳолатига келиб бу кўрсаткич банкларда мос равища 53,2 ва 77,6 фоизларни ташкил этди. Демак, бу ерда пасайиш кузатилган. ҳолбуки, трансакцион депозитлар салмоғининг пасайиши банкнинг жорий ликвидлилик даражасини ошишига олиб келиши лозим эди.

б) Банкларнинг жами активлари таркибида ликвидли активлар салмоғининг пасайиши.

1999 йилнинг 31 декабрь ҳолатига ликвидли активларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғи «Ғалла»банкда 3,9 фоизни, «Траст»банкда эса 30,1 фоизни ташкил қилди. 2001 йилнинг 31 декабрига келиб бу кўрсаткичлар мос равища 3,5 ва 24,7 фоизни ташкил қилди.

Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида, хусусан, Германия, Австрия, Япония давлатларининг банк амалиётида жорий ликвидлилик коэффициенти қўлланилади. Лекин бу кўрсаткич уларнинг марказий банклари томонидан директив тарзда жорий қилинмаган, балки ҳар бир тижорат банкининг ўзи мустақил равища белгилайди. Бунинг устига, ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида пул маблағлари кўринишидаги активларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғи кичик, трансакцион депозитларнинг банк депозит базасидаги салмоғи 48-50 фоизни ташкил этади. Шу сабабли, уларда жорий ликвидлилик коэффициентининг қўлланилиши Ўзбекистон тижорат банкларидаги каби кассали активларни йирик миқдорда тўпланиб қолишига олиб келмайди.

Мамлакатимиз тижорат банкларига нисбатан қўлланилаётган олтинчи норматив битта мижозга ёки мижозлар гурухига тўғри келадиган рискнинг максимал миқдори, таъминланган ссудалар деб аталади. Мазкур норматив биринчи даражали капиталга нисбатан ўрнатилган бўлиб, унинг бажарилиши банкнинг кредит портфелини диверсификация даражасини тавсифлайди. Унинг даражаси қанчалик кичик бўлса, кредит портфелининг диверсификация даражаси шунчалик юқори бўлади.

1999-2001 йиллар мобайнида мазкур нормативга риоя этиш амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, республикамизнинг деярли барча йирик банкларида ушбу норматив талаблари бажарилган. ўрта ва кичик банкларнинг айримларида норматив талаблари бузилган. Масалан, 1999 йилнинг 31 декабрь ҳолатига «Наманганбанк»да мазкур нормативнинг бажарилиш даражаси 0,44 ни, «АБН Амробанк»да 0,34 ни, «Уйжойжамғармабанк»да 0,25 ни, «ЎзДЭУ»банкда 0,32 ни ташкил қилди. Бунинг асосий сабаби шундаки, мазкур банкларнинг кредит қуйилмаларининг асосий қисми кам сонли бир гурух мижозларда тўпланиб қолган. Масалан, «Уйжойжамғармабанк»ни олайлик. Банк кредитларининг асосий қисми аҳолига

уй-жой қуриш билан боғлиқ бўлиб, бу вазифа «Тошкентқурилиш» акциядорлик жамияти орқали амалга оширилади.

Мазкур норматив талабларининг бузилиши банклар фаолиятини жиддий кредит рискига дучор қиласди.

Республикамиз тижорат банклари фаолиятига нисбатан қўлланилаётган навбатдаги норматив битта мижозга ёки мижозлар гурухига тўғри келадиган рискнинг максимал микдори, таъминланмаган ссудалар деб номланади. Бу норматив ҳам биринчи даражали капиталга нисбатан ўрнатилган бўлиб, унинг максимал даражаси 0,05 қилиб белгиланган. Мазкур нормативнинг бажарилиши банкнинг кредит рискидан сезиларли даражада ҳимояланиш имконини беради. Чунки мижозларнинг пул оқимига ташқи тақсирлар кучли тарзда таъсири этиб турган ҳозирги шароитда таъминланмаган ссудаларни битта мижозга ёки мижозлар гурухига йирик микдорда берилиши банкни жиддий тарзда кредит рискига дучор қилиши мумкин.

Мазкур нормативга республикамиз тижорат банклари томонидан 1999-2001 йиллар мобайнида риоя этиш амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, республикамизнинг «Ўзинвест» банквидан ташқари барча банкларида бу нормативнинг доимий асосда бажарилишига эришилган. Мазкур банкда 1999 йил мобайнида бир неча бор норматив шартларини бузилишига йўл қўйилган. Масалан, 1999 йилнинг 31 декабрь ҳолатига «ўзинвест» банкда мазкур нормативни бажарилиш даражаси 0,11 ни ташкил этган. Микдорий жиҳатдан олганда бу жиддий бузилиш эмас, чунки норматив бажарилишнинг максимал микдори сифатида ўрнатилган.

Мамлакатимиз тижорат банкларига нисбатан белгиланган амалдаги саккизинчи иқтисодий норматив барча йирик кредитлар учун рискнинг максимал микдори, деб аталади. Мазкур норматив биринчи даражали капиталга нисбатан белгиланган бўлиб, унинг максимал микдори 8,00 қилиб белгиланган. Яъни банк томонидан берилган барча йирик кредитлар микдори биринчи даражали банк капитали сўммасидан 8 мартадан ошиб кетмаслиги лозим.

Йирик кредит деганда битта мижозга бериладиган, банк капиталининг 15 фоизидан ошадиган кредитга айтилади.

Йирик кредитларга нисбатан ўрнатилган мазкур норматив халқаро андозалардан келиб чиқсан ҳолда ўрнатилган. Масалан, Германияда ҳам йирик кредитларнинг умумий суммаси учун капиталга нисбатан 8 марталик лимит белгиланган.

Францияда битта мижозга бериладиган кредитлар суммаси банк акционерлик капиталининг 40 фоизидан ошмаслиги ва йирик кредитларнинг умумий суммаси банк капиталидан 8 мартадан ошиб кетмаслиги лозим.[□]

Мазкур нормативга банклар томонидан риоя қилиниш амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, республикамизнинг барча тижорат банкларида бу борада муаммолар мавжуд эмас. Факат 1999 йилнинг 31 декабрь

[□] Э.Н. Василишен. Регулирование деятельности коммерческого банка.-М.: Финстатинформ, 1995-с. 47.

холатига «ЎзСаноатқурилиш» банкида бу нормативни 5,87 миқдорида бажарилишига эришилди. Бу мўътадил ҳолат ҳисобланади ва бошқа банкларда ушбу нормативни бажарилиши нисбатан кичик миқдорни ташкил этади.

Республикамиз банкларига нисбатан қўлланилаётган тўққизинчи иқтисодий норматив битта эмитентнинг қимматли қоғозларига қилинадиган инвестициянинг максимал миқдори ҳисобланади. Унинг максимал миқдори 0,15 қилиб белгиланган. Мазкур нормативнинг бажарилиши тижорат банкларининг қимматли қоғозлар портфелини диверсификация қилиш даражасини тавсифлайди.

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан ушбу нормативга риоя этиш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда республикамиз банкларининг барчасида мазкур нормативнинг белгиланган даражасига риоя этилмоқда. Фақат 1999 йилда «ўзинвест» банкда ва «Траст» банкда бу борада айрим муаммолар мавжуд эди ва ушбу муаммо «Траст» банкда 2000 йилнинг дастлабки ойларида ўз ечимини топди, «Ўзинвестбанк» эса мустақил тижорат банки сифатида фаолиятини тўхтатди.

Республикамиз тижорат банкларига нисбатан қўлланилаётган навбатдаги иқтисодий норматив сотиш-сотиб олиш учун қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг максимал миқдори деб аталади. Мазкур нормативнинг максимал миқдори 0,25 қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларини риск даражасига кўра икки йирик гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Давлатнинг қисқа муддатли облигацияларига қилинган инвестициялар.

Бу операцияларнинг риск даражаси паст бўлиб, улар банкка қатъий белгиланган фоиз кўринишида баркарор даромад келтиради. Бунинг устига, банкларнинг ушбу қимматли қоғозлардан оладиган даромадлари солиқقا тортилмайди.

2. Тижорат қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар.

Бу шаклдаги инвестицияларнинг риск даражаси юқори бўлиб, бунда қимматли қоғозларнинг бозор баҳосини ўзгариши ва эмитентларнинг тўловга қобиллиги кафолатланмаган.

Мазкур нормативга риоя этиш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатдики, республикамизнинг барча тижорат банкларида 1999-2001 йиллар мобайнида норматив талабларига риоя этилган. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни ривожланмаганлиги ушбу нормативни бажарилишида муаммоларни юзага келмаслигининг бош омилидир.

Республикамиз банкларига нисбатан Марказий банк томонидан қўлланилаётган ўн биринчи иқтисодий норматив барча эмитентларнинг устав капитали ва қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг максимал миқдори ҳисобланади. Бу нормативнинг максимал миқдори 0,50 қилиб белгиланган.

Ушбу нормативни бажарилиш амалиётини таҳлил қилиш натижалари республикамизнинг барча банклари томонидан ушбу нормативга риоя этилганлигини кўрсатди. Нормативнинг белгиланган миқдори даражасида

бажарилиши 2000 йил мобайнида икки банкда- «ХИФ» банк ва «Алп Жамол» банкда кузатилди. Масалан, 2000 йилнинг 31 декабрь ҳолатига нормативнинг бажарилиш биринчи банкда 0,49 ни, иккинчи банкда эса 0,41 ни ташкил этди. Бу ҳолат банкларнинг инвестиция фаолиятининг фаоллашганлигидан далолат беради.

Айрим тижорат банклари Марказий банкнинг 428-сонли Низомининг 3.2-бандига ҳамда банклар томонидан ишлаб чиқилган ва уларнинг банк Кенгашлари томонидан тасдиқланган «Инвестициялаш» тўғрисидаги низомлари талабларига риоя қилмаган ҳолда мижозлари устав капиталининг 20 фоиздан ортиғига эгалик қилмоқда.

Айрим банкларда инвестициялар бўйича етарли даражада заҳира ташкил этилган бўлсада, уларнинг ташкил этилиши ҳар бир эмитент бўйича кўриб чиқилганда реал тарзда ташкил этилмаганлиги кўринади.

Республикамизнинг бир қатор банкларида корхоналарнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг даромадлилик даражасига етарли эътибор берилмаяпти. Бу масалани республикамизнинг йирик тижорат банкларидан бирининг мисолида кўриб чиқиш натижалари шуни кўрсатдик, биринчидан, 1999 йил сентябрь ҳолатига мазкур банк «Истлейн» қўшма корхонасининг 80 сўмлик ва «Умид» Осиё суғурта компаниясининг 2000 сўмлик акцияларига эгалик қилмоқда. Ушбу акциялар 1991 ва 1992 йилларда сотиб олинган бўлиб, «Истлейн» қўшма корхонасининг акциялари бўйича 1995 йилдан буён, «Умид» Осиё суғурта компаниясининг акциялари бўйича ҳозирги кунга қадар умуман даромад олинмаган. Иккинчидан, 1994 йилдан буён «Истлейн» қўшма корхонасининг молиявий фаолияти тўғрисида ҳеч бир маълумот тўпланмаган.

Бундай ҳолатлар пировард натижада банкнинг молиявий ҳолатини ёмонлашувига олиб келади.

Тижорат банкларига нисбатан қўлланилаётган ўн иккинчи норматив битта мижозга ёки ўзаро боғлиқ шахсларга берилган кредитлар, таъминланган ссудалар ҳисобланади. Мазкур норматив биринчи даражали банк капиталига нисбатан белгиланган бўлиб, унинг максимал миқдори 0,15 қилиб ўрнатилган.

Ўзаро боғлиқ мижозлар деганда икки ва ундан ортиқ мижозлар тушунилиб, уларнинг ўзаро муносабати шу даражадаки, бирининг фаолиятида молиявий қийинчиликларни юзага келиши қолган мижозларнинг ҳам молиявий аҳволини ёмонлашувига олиб келади.

Республикамиз банк амалиётида ўзаро боғлиқ мижозлар, Марказий банкнинг 1998 йил 2 ноябрдаги 422-сонли йўриқномасига асосан, қуйидаги мезонлар асосида аниқланади:

1. Мижозлардан бири бошқа мижозларга сезиларли даражада таъсир кўрсата олиши мумкин.
2. Банкнинг мижози бўлган маъсулияти чекланган ёки қўшимча масъулият юклangan жамиятнинг, тўлиқ ёки коммандит уюшмаларининг аъзоси бўлган мижоз.
3. Битта шахснинг таъсири остида бўлган икки ёки ундан ортиқ мижозлар.

4. Банқдан кредит сифатида олган маблағни бошқа мижозга берган мижоз ёки банқдан олинган кредитларни банкнинг мижози бўлмаган шахсга биргалиқда ёки алоҳида ҳолда ўтказган икки ёки ундан ортиқ мижоз.

5. Банқдан олган кредитларини хўжалик жамиятларида ёки уюшмаларда иштирок этиш учун ёки бирга фаолият юритиш учун ишлатадиган икки ёки ундан ортиқ мижозлар, бунда кредитни қайтариш учун кўзда тутилган манба барча бундай мижозлар учун бир ҳил ҳисобланади.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, ҳукуқий шахсга сезиларли даражада таъсир кўрсата оладиган шахс сифатида ҳукуқий шахснинг устав капиталида 10 % ва ундан ортиқ улушга эга бўлган жисмоний ва ҳукуқий шахслар тушунилади.

Амалга оширилган таҳлил натижалари шуни кўрсатди, 1999 йил мобайнида «Парвина» банқда, «Карвон» банқда, «Ўқтам» банқда мазкур нормативларни бажаришда муаммолар туғилди. Айниқса, бу муаммо «Карвон» банқда яққол сезилди. Бу нормативга ўша даврда мазкур банкларда риоя этилмаслигининг асосий сабаби уларнинг капитал базасини нисбатан заиф бўлганлиги ва уларнинг асосий мижозлари бўлган корхоналарнинг йирик кредитларга бўлган талабининг юзага келганлиги ҳисобланади. 2000 йилда мазкур банкларда ушбу нормативга риоя қилиш билан боғлиқ муаммо ўзининг тўлиқ ечимини топди.

Мамлакатимиз тижорат банкларига нисбатан қўлланилаётган ўн учинчи норматив битта мижозга ёки ўзаро боғлиқ шахсларга берилган кредитлар, таъминланмаган ссудалар ҳисобланади. Мазкур норматив биринчи даражали банк капиталига нисбатан белгиланган бўлиб, унинг максимал миқдори 0,05 ни ташкил этади.

Ушбу иқтисодий нормативни бажарилиши банкларни битта ёки бир неча ўзаро боғлиқ мижозларга кредит бериши натижасида юзага келадиган юқори даражадаги кредит рискини минималлаштиришга хизмат қиласди.

Мазкур нормативга республикамиз банклари томонидан этилишини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатди, 1999-2001 йилар мобайнида республикамизнинг биронта банкида норматив талабини бажарилиши юзасидан жиддий муаммо юзага келмади.

Амалдаги қонунчиликларга асосан республикамиз тижорат банкларига нисбатан қўлланилаётган сўнгги иқтисодий норматив барча инсайдерларга берилган кредитлар ҳисобланади. Ушбу нормативнинг максимал миқдори 1,00 қилиб белгиланган.

1999-2001 йиллар мобайнида тижорат банклари томонидан иқтисодий нормативларга риоя этиш амалиёти шуни кўрсатди, 1999 йилда ва 2000 йилда фақат «Карвон»банк фаолиятида мазкур нормативни бажарилишида муаммо юзага келди. Бунинг асосий сабаби банкнинг битта мижозга боғлиқ бўлиб қолганлигидир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг деярли барчаси Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий нормативларга риоя қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, банк тизимини барқарор тарздаги фаолиятини таъминламоқда. Айни вақтда, айрим иқтисодий

нормативларни юқори даражада бажарилаётганлиги банк активларининг даромадлилик даражасини пастлигидан далолат бермоқда.

1-илова

ИХТТ га киравчи мамлакатлар гурухи

ИХТТ аъзоси бўлган мамлакатлар: Австралия, Австрия, Бельгия, Канада, Чехия Республикаси, Дания, Финляндия, Франция, Германия, Греция, Венгрия, Ирландия, Исландия, Италия, Япония, Корея, Люксембург, Мексика, Янги Зеландия, Норвегия, Голландия, Польша, Португалия, Испания, Швеция, Швейцария, Туркия, Буюк Британия, АҚШ.

Қарзлар бўйича умумий битимга кўра ХВФ билан маҳсус кредит битимларини тузган мамлакатлар: АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада, Голландия, Бельгия, Швеция, Швейцария ва Саудия Арабистони.⁷

Кўйидаги таянч сўзларга таъриф беринг.

Иқтисодий нормативлар

Банк назорати

Пул- кредит сиесати

Банкларора рақобат

Банк сармояси

Банк активлари

Банк мажбуриятлари

Жорий ликвидлилик

Ўрта муддатли ликвидлик

Бир қарз олувчига тўғри келувчи

кредитлар риски

Рискли активлар

Риск даражаси

Муддатли ликвидлилик

Сармоя етарлилиги

Доимий бўлмаган мажбуриятлар

Йирик кредитлар

Банк талаблари

Капитал захиралар

Умумий захиралар

Маҳсус захиралар

Номоддий активлар

Гудвилл

Захараларнинг ортиқча қисми

Ноликвид активлар

Капиталнинг кам даражаси

Капитал таркиби

Балансдан ташқари активлар

Даҳлдор шахслар

Йирик ҳиссадорлар

Леверанж

Дереватив (хосилавий воситалар)

⁷ Аввалги беш йил мобайнида ўзининг ташки суверен қарзларини хар қандай мамлакатни инкор этади

Ўз билимини текшириш учун саволлар:

1. Ҳосилавий воситаларга нималар киради ва улар қандай ҳисобланади?
2. Капитал етарлилигига қўйилган талабларни сананг.
3. Капитал етарлилиги коэффицентлари қандай аниқланади?
4. Бир қарздор еки ўзаро дахлдор гурухига тўғри келувчи рисклар қандай аниқланади?
5. Банклар томонидан қимматли қоғозларга қўйилмаларни амалга оширишга доир чеклов нималардан иборат?
6. Тижорат банкларининг иқтисодий нормативларини аниқланг.
7. Ликвидлилик коэффицентлари нимани билдиради ва қандай аниқланади?
8. Капитал етарлилиги нима ва у қандай аниқланади, қайси омиллар таъсир қиласи?

П-БЎЛИМ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

IV-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ РЕСУРСЛАРИ ВА БАНК КАПИТАЛИ

1-§. Тижорат банкининг ресурслари ва уларнинг таркиби

Тижорат банклари, бошқа хўжалик субъектлари каби ўзининг хўжалик ва тижорат фаолиятини таъминлаш учун маълум миқдорда пул маблағларига, яъни ресурсларига эга бўлишлари лозим. Иқтисодиёт ривожланишининг замонавий талабларида банк ресурсларини ташкил этиш муаммоси банк фаолиятини бир маромда олиб бориш учун биринчи даражали ҳисобланади. Буни шундай изоҳлаш мумкин, яъни иқтисодиётнинг бозор моделига ўтиши билан банк ишида давлат монополияси тугатилади, икки босқичли банк тизимини шаклланишида банк ресурслари характери ижобий томонга ўзгаради.

Ундан ташқари, унинг актив операциялари обьекти орқали аниқланадиган банк фаолиятининг қўлами, улар жойлаштирадиган ресурслар ҳажми, миқдори, жалб қилинган маблағлар суммасига боғлиқ бўлади. Бундай ҳолат ресурсларни жалб қилиш бўйича банклар ўртасида рақобатни келтириб чиқаради.

Банкнинг асосий вазифаларидан бири бўш пул маблағларини мумкин қадар қўпроқ жалб қилиш ва уларни бошқа фойда келтирувчи оптималь активларга жойлаштиришдан иборат.

Банк ресурслари банклар томонидан амалга ошириладиган пассив операциялари орқали ташкил топади ва банк балансининг пассив қисмидаги юритилади. Банк ресурсларини икки катта гурухга бўлиш мумкин. Булар, банкларнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлардир. Жалб қилинган ресурсларни баъзи ҳолларда иккига бўлиб қаралади – бу жалб қилинган депозитлар, бошқа мажбуриятлар ва сотиб олинган ресурлардир. Бу ресурслар банкнинг актив операцияларини амалга оширишда ишлатилади, яъни банк ресурслари даромад олиш мақсадида турли хил соҳаларга жойлаштирилади. Банкнинг пассив ва актив операциялари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли пассивларнинг таркиби ва характери кўп жиҳатдан банкларнинг актив операцияларини амалга оширишда ўз ифодасини топади. Шу билан бирга ресурслар характерига банкларнинг кредитлаш сиёсатининг ўзгариши ҳам таъсир киласи.

Банк ресурларининг асосий қисмини банк мижозларининг маблағлари ташкил киласи. Банк бошқа капиталларни жалб қилиш учун ўз капиталининг етарли даражаси миқдорини кўрсатиш лозим.

Тижорат банки ўз мижозларининг бўш турган маблағларини қарзга олиш билан бир вақтнинг ўзида бу маблағларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мажбуриятини ҳам олади, шунинг учун банк барқарор ликвидликка эга бўлиши керак. Ишончлилик ва ликвидлилик тамойиллари тижорат банки мавжудлигининг зарур шартларидан бўлиб, улар аҳолининг бўш турган пул маблағларининг банкка сари оқимини таъминлайди. Ундан ташқари банкнинг


аҳволи молиявий жиҳатдан кам самарали бўлган ҳолатда мижозлар ўз маблағларини қайтариб олишларига ишонч ҳосил қилишларига замин яратади.

Ресурслар ёрдамида банкларнинг ташкилий фаолияти амалга оширилади, кредитлар бериш салоҳияти тўловлар амалга оширилади, банкларнинг даромадлари вужудга келтирилади.

Банк ресурсларининг айланишини қўйидагича ифодалаш мумкин.

Банк ресурсларининг айланиши схемаси.

1-схема.



Банк ресурсларининг шаклланиши ва айланиши узлуксиз жараённи ташкил киласи ва бу эса ўз навбатида банклар фаолиятини доимийлигига асос ҳисобланади.

Алохида тижорат банклари учун банк ресурслари таркибий тузилиши турли хиллик билан фарқланади. Бу унинг ўзига хос хусусиятлари билан тушунтирилади. Иккита тижорат банки ресурсларининг таркибий тузилиши қўйидаги маълумотлар билан характерланади.

Банк ресурслари таркиби

1-жадвал.

Кўрсаткичлар	Банк №1	Банк №2
1. Ўз маблағлари-жами, жумладан	17.4	7.2
1.1. Устав фонди	3.9	1.3
1.2. Бошқа фондлар	9.4	3.2
1.3. Жорий йилдаги таксимланмаган фойда	4.1	2.7
2. Жалб килинган маблағлар – жами, жумладан	82.6	92.8
2.1. Муддатли депозитлар	76.9	70.1
2.2. Муддатсиз депозитлар	4.3	4.3
2.3. Аҳоли қўйилмалари	0.3	0.4
2.4. Сертификатлар, векселлар	1.1	-
2.5. Банклараро кредитлар	-	18.0

Юкоридагилардан кўриниб турибдики, алоҳида тижорат банкларнинг ресурслари структураси сезиларли фарқ қиласди. Бу аввалам бор, тижорат банкларининг ўз маблағларига таалуқли бўлиб, таҳлил қилинаётган банкларда уларнинг микдори турличадир. Биринчи банкнинг ўз маблағлари иккинчи банкницидан икки марта ортиқ. Биринчи банкда устав фонди 3.9%ни, ўз маблағлари суммасининг 22.3 % ни ташкил этган. Иккинчи банкда устав фонди 1.3 % ни, яъни уз маблағлар суммасининг 18 % ни ташкил этган.

Жалб килинган ресурслар биринчи банкда 82.6 % ни, иккинчи банкда 92.8 % ни ташкил этган. Бунда иккинчи банк банклараро кредитдан кенг фойдаланган ва у 18.0 % ни ташкил этган. Биринчи банк эса аксарият ҳолларда мижозларининг ресурслари билан ишлаган.

Бозор муносабатлари шароитида тижорат банкларининг ресурсларини ташкил килиш жараёнига катта аҳамият берилади. Шу сабаб ўтиш иқтисодиётини бошидан кечираётган деярли барча мамлакатларда тижорат банклари ресурсларини шакллантириш тизимида тубдан ўзгаришлар бўлди. Бу ўзгаришларнинг бўлишига қўйидаги омиллар таъсир кўрсатди. Булар:

- банклараро кредит бозорида Марказий банкнинг фаол иштирок этишининг таъминланиши ва бу, ўз навбатида, кредит рискини камайтирганлиги;

- иқтисодиётда тўловсизлик муаммосининг мавжудлиги ва кредит қайтарилмаслиги оқибатида тижорат банкларининг зарар кўриш имкониятининг ошиши;

- аҳоли қўлидаги омонатларининг ўсиши;

- корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва бошқалардир

Банкларда мавжуд бўлган маблағлардан фойдаланиш имкониятига қараб банк ресурслари ўз ресурсларига ва қарз (сотиб олинган) ресурсларга бўлинади. Бу ҳолда банклар ресурсларига банк капиталидан ташқари маълум вақт давомида банк ихтиёрида бўлган жалб килинган депозитларни, бошқа

банкларнинг депозитидан ва вакиллик ҳисобрақамидан қолдиқларни, форвард валюта курси ва клиринг бўйича қолдиқларни ва бошқа депозитлар ва қолдиқларни ҳам киритиш мумкин.

Ундан ташқари, банкнинг ихтиёрида мавжуд бўлган ресурслар унинг амалга оширилиши мўлжалланаётган актив операциялар учун етарли бўлмаса, зарур микдордаги маблағларни Марказий банқдан нобуджет фондлардан пул бозоридан сотиб олиш ёки қарзга олиш мумкин.

Шундай қилиб, банкнинг ўз маблағлари ва қарзга олинган ёки сотиб олинган маблағлари йигиндиси тижорат банкларнинг ресурс базасини ташкил киласди.

Халқаро банк амалиётида банкларнинг ресурс базасини шакллантирувчи асосий манбаларга ўз капиталидан ташқари қуидагилар киради:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг депозит ҳисобвақаларидан қолдиқлари;
- банк томонидан юридик шахслар учун муомалага чиқарилган векселлар ва депозит сертификатлар;
- олинган банклараро кредитлар;
- банк вакил томонидан очилган «лоро» депозит ва валюта ҳисоб варақасидаги маблағлар ва бошқа манбалар.

Биз тижорат банки бўлимининг кўрсаткичларини ифодаловчи қуидаги жадвал маълумотларидан банкнинг ресурс базасини ташкил қилувчи элементлар ва уларнинг таркибини аниқроқ кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Тижорат банкининг ресурс базаси ва ундан фойдаланиш тўғрисида маълумот.⁸

№	Кўрсаткичлар	Минг сўм	%
I.	Банкнинг ресурс базаси. Банкнинг ўз маблағлари		
1.	Банк капитали – жами (30000 қ 29830 х/в) Шу жумладан: Акциядорлик капитал (30300қ29830 х.в) Кўшимча капитал (30600 х.в) Резерв капитал (30900 х.в) Тақсимланмаган фойда (31200 х.в) Воситалар қийматини баҳолашда юзага келувчи ортиқчалик (31500 х.в)	226209 82739 0 40254 103216 0	33.1 12.0 0 6.0 15.1 0
2.	Жалб қилинган депозитлар – жами шу жумладан; талаб қилингунга қадар (20200 х.в) Жамғарма (20400 х.в) Муддатли (20500 х.в)	170989 109794 10957 17159	25.1 16.1 1.6 2.5
3.	Мижозларнинг бошқа депозитлари (22600 х.в)	1614	0.3
4.	Бошқа банкларнинг депозитлари ва вакилликлик счётидаги қолдиқ (21000 х.в)	0	
5.	Чиқарилган қимматли қоғозлар (23600 х.в)	0	
6.	Форвард – валюта курси (22800 х.в)	0	
7.	Бошқа мажбуриятлар (29800 х.в – 29830 х.в)	1259	0.2

⁸ х/в – ҳисобвараги

8.	Клиринг трансакциялари (23200 – 23204, 23208, 23210, 23212, 23218, 23220 х.в.лар)	0	
9.	Бошқа пассивлар (22200к 23220 х.в)	30206	4.4
10.	Банкнинг жами ўз ихтиёрида бўлган ресурс базаси (1+2+3+4+5+6+7+8+9) қаторлар	397198	58.2
11.	Сотиб олинган ресурслар – жами: (21600+21800+22000 х.в) ш.ж.	285674	41.8
	Марказий банкдан (21602, 21802, 22002 х.в)	187333	27.4
	Молия вазирлигидан (21610, 22010 х.в)	57911	8.5
	Банклараро пул бозоридан (21606, 21806 х.в)	0	
	Нобюджет фондлардан (21605, 21805, 22005 х.в)	0	
	Хукумат хисоб вараклари (23400 х.в)	0	
12.	Банкнинг жами ресурс базаси (10к11к12) қаторлар.	40430	5.9
13.		682872	100

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатди, тижорат банки ресурс базасининг 33.1 % банкнинг ўз маблағлари, яъни банк капитал ва тақсимланмаган фойдасига тўғри келади. Банк ихтиёрида бўлган ресурсларнинг 25.1 % жалб қилинган депозитларга тўғри келади. Шундай қилиб, банк ихтиёрида бўлган ўзи йиққан ресурслар жами – 58.2 % ни ташкил қилади. Банк томонидан сотиб олинган ресурслар эса 41.8 % ни ташкил қилади. Ундан 27.4 % марказий банкдан олинган кредит ресурларини, 8.5 % молия вазирлигидан олинган ресурсларни, 5.9 % Хукумат ҳисобварагида бўлган ресурсларни ташкил қилади.

Банк томонидан ташкил қилинган ресурс база турли хил кредитлар ва инвестицияларни ва бошқа актив операцияларни амалга ошириш учун йуналтирилиши мумкин. Буни қуйидаги жадвал материалларидан қўришимиз мумкин.

3-жадвал

Банк ресурсларининг ишлатилиши

	II Банк ресурсларнинг йуналиши:		
1.	Ғазнадаги маблағлар ва қимматбаҳо металлар (10100 к 10900 х.в) Марказий банкдаги мажбурий резерв захиралар (10309 х.в)	88491	12.9
2.	Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақаларидағи маблағлар ва депозитлар (10500 х.в)	0	
3.	Сотиб олинган қимматли қофозлар (10700, 11300 х.в) Факторинг операциялар (11100 х.в)	0	
4.	Банклараро кредитлар (12100+13300 х.в)	0	
5.	Хукуматга ажратилган кредитлар (12300 х.в)	0	
6.	Соф кредит куйилмалар (12500, 12600, 12700, 12900, 13100, 13700, 13800, 13900, 14000, 14300, 14900, 15100, 15300, 15500, 15700 х.в)	0	
8.	Соф инвестициялар (15900 х.в) Банк мулки (16500, 17700, 19921, 19923 х.в)	0	
9.	Форварdlар ва валютавий ҳолат (16900, 17100 х.в)	42915	62.9
10.	Транзит ҳисоб вараклари (17300 х.в)	0	
11.	Хукумат ҳисоб вараклари (17500 х.в)	43876	6.4
12.	Бошқа активлар (19900+16100+16300-19921, 19923 х.в)	0	
13.	Жами қуйилмалар (1+2+3+4+5+6+7+8+9+10+11+12+13+14)	0	
14.	Ортиқча буш ресурслар (I-булим 13 к – II-булим 15 к) Вакиллик ҳисобварагидаги қолдиқлар (10301 х.в)	121300	17.8

15.	Молия вазирлигидаги фонддаги маблағлар (23204, 23208, 23210, 23212, 23218, 23220 ҳ.в)	682818	
16.	Вакиллик ҳисобварагидаги ортиқча (бўш) маблағлар (17к-18к)	60112	54.0
17.	Вакиллик ҳисобварақ ноликвидлилиги (18к-17к)		
18.		59354	
19.			
20.		758	
		0	

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатиб турибдики, тижорат банки ресурсларининг бир қисми банкнинг ғазнадаги маблағлари ва бошқа операцияларни амалга оширишга йўналтирилса, маблағларнинг асосий қисми кредитлар бериш учун сарфланади, яъни ресурслар ҳисобидан берилган соғ кредитлар салмоғи маблағлар сарфида 62.9 % ни ташкил қиласди. Маблағнинг 17.8 % бошқа активларга йўналтирилган. Ҳамда ундан ташқари, 54.0 минг сўм микдорида ортиқча ресурслар мавжуд. Вакиллик ҳисоб варақасидаги буш маблағлар 758 минг сўмни ташкил қиласди.

2-§. Тижорат банкининг ўз маблағлари

Банкнинг ўз маблағлари унинг фаолиятининг асосини ташкил қиласи, чунки улар жалб қилаётган депозитлар, яъни реал кредит ресурслари ҳажмини пировард натижада актив амалиётлар ҳажмини белгилаб беради. Банкнинг ўз маблағлари тижорат банкларининг фаолиятини бошқарувчи ва улар устидан назоратни амалга оширувчи Марказий банк учун муҳим маълумот манбаи ҳисобланади.

Банкнинг ўз маблағларига устав фонд (капитал) резерв фонди ва банк фойдаси ҳисобига ташкил топадиган банк фонdlари, ҳамда йил давомида тақсимланмаган фойда киради. Амалиётда банк пассивларининг 20 фоизи банкларнинг ўз маблағларига тўғри келади. Банкнинг ўз маблағлари ичida асосий ўринни устав капитали эгаллайди.

Банкнинг устав капитали – бу банк ишини ташкил қилишнинг асосий таянч нуқтаси ҳисобланади.

Марказий банкнинг меъёрий талабларига мувофиқ банк капитали асосий (биринчи даража капитал) ва қўшимча (иккинчи даража) капиталидан иборат. Биринчи даража капитал ҳисоб-китоб қилинган капитал йифиндисининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. Тартибга солиш функциясини асосан, биринчи даража капитал бажаради, чунки у доимийроқ ҳисобланади.

Банк капитали унинг фаолият юритиш чегараларини белгилаб беради, инвесторлар ҳамда акциядорлар ва қолаверса, банкнинг ўзи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган молиявий барқарорлик даражасини кўрсатиб беради.

Банкнинг ташкил топиш шаклига қараб, устав капиталининг шакллантирилиши турлича бўлади. Агар банк акционерлик жамияти кўринишида шаклланаётган бўлса, устав фонди акцияларининг номинал қиймати кўринишида ташкил топади. Бунда акциялар очиқ обуна қилиш йўли билан ёки таъсисчиларнинг устав фондидаги улушларига қараб тарқатилиши мумкин.

Агар банк маъсулияти чекланган жамият кўринишида тузилган бўлса, устав фонди улушларга бўлинган ҳолда бўлади. Уларнинг ҳажми таъсис ҳужжатлари билан аникланади. Бунда банк иштирокчилари ўзларининг улушлари меъёри чегарасида мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар.

Банкнинг ташкилий – ҳуқуқий шаклига қарамай, унинг устав фонди ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг тўловлари орқали шаклланади ва таъсисчиларнинг мажбуриятларини бажариш учун хизмат қиласи. Устав фонди фақат банк иштирокчиларининг хусусий маблағлари ҳисобига ташкил топиши мумкин. Жалб қилинган кредит, гаровга олинган, бошқа йўллар билан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан устав фондини шакллантиришга йўл қўйилмайди. Банкнинг устав фонди фақат пул маблағлари ва моддий активлар ҳисобига ташкил топиши мумкин.

Республика бюджети маблағлари, давлат нобюджет фонdlари маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув ва маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёридаги бўш пул маблағлари ва бошқа объектлар банкларнинг устав капитали шаклланишида қатнашмайди. Конунда кўрсатилган холатларда банк

устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланиш мүмкин.

Агар акциядорлар устав капиталини шакллантиришда қарз маблағидан фойдаланса, устав фондига қўшилган маблағ акциядорга қайтариб берилади ва акциялар келгусида сотиш учун банкка қайтарилади.

Ташкил этилаётган банк капиталини энг кам миқдори Марказий банк томонидан белгиланади. Марказий банк фаолият шартлари, бизнес-режада кўрсатилган операциялар тури ва ҳажмига қараб, банк устав капитали миқдорига қўшимча талаблар қўйиш мумкин. Устав фондининг минимал миқдори банкнинг барқарор фаолиятини таъминлаш учун ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкининг устав фондининг минимал миқдори тўғрисидаги маълумотлар олдинги параграфларимизда келтирилган эди.

Ташкил этилаётган банк капиталининг етарлилик даражасини белгилашда кўйидаги асосий талабларга риоя қилинади.

- Марказий банк белгилаган устав капиталининг энг кам миқдори юзасидан талабларга мувофиқлиги;
- Кўзда тутилаётган ўсишни қўллаб - қувватлаш даражаси;
- Кўзда тутилаётган даромадлар ва асосий фоизлар даражаси;
- Муассисларнинг зарур ҳолларда қўшимча капиталлар кирита олиш қобилияти ва бошқалар.

Фаолият кўрсатаётган банклар устав капиталига талаблар иқтисодий аҳвол ва банкнинг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб марказий банк томонидан белгиланади.

Банк устав капитали миқдорини ўзгариши ва ўзгаришни рўйхатга олиш тартиби Марказий банк томонидан тартибга солинади.

Банкларни устав капиталининг минимал миқдорини белгиланиши банкларни ҳар хил рисклардан сақлаш мақсадида белгиланади. Чунки банк устав фонди қанча катта бўлса, унинг ресурслари ҳам кўп бўлади.

Ўзбекистон Республикаси худудида ўз шуъба банкини очиш ёки бу ердаги банк устав капиталида иштирок қилиш истагини билдирган норезидент банк устав капитали 30 млн. АҚШ доллари эквивалентига тенг суммадан кам бўлмаслиги керак⁹.

Банкнинг ташкилий шаклига қараб, устав капитали ошиши мумкин. Акционерлик жамияти кўринишидаги тижорат банклар ўз устав капиталини оширишлари учун қўшимча миқдорда акциялар чиқаришлари ва уларни юридик ва жисмоний шахслар орасида тарқатиши мумкин. Қўшимча маблағларни жалб қилишда бу банкларга ўз қарз мажбуриятлари – облигациялар чиқариш хуқуқи берилган. Облигациялар барча акциялар тўла тўланиб бўлгач, устав фондининг 20% дан ошмайдиган қиймати ҳажмида чиқарилиши мумкин.

⁹ Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами Т. Ўзбекистон 2000 й. 245 бет.

Масъулияти чекланган жамият кўринишида ташкил топган банклар ўзларининг устав капиталларини ёки қўшимча иштирокчиларни улушини ошириш орқали кўпайтиришлари мумкин.

Хар йили ҳар бир банк акционери (иштирокчиси) ўзининг устав капиталидаги улушкига мос равиша банк фойдасининг бир қисмини дивиденд кўринишида олади.

Дивиденdlар ҳажми ва уни ҳисоблаш тартиби акция тури ва чиқарилиши шартларига боғлиқ бўлади (оддий ёки имтиёзли акциялар).

Тижорат банклари актив операциялари натижаси бўлмиш резерв фондлар банк етарли фойда олмаган пайтда банк облигациялари бўйича фоиз бўлиб хизмат қиласди. Резерв фонд фойдадан ажратмалар ҳисобига шаклланади.

Резерв фонд билан бир қаторда тижорат банкларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш фондлари фойда ҳисобига ташкил топиш мумкин. Уларни шакллантириш ва ишлатиш тартиби тижорат ҳисоб-китоблари тўғрисидаги банк йўриқномаларида белгиланади.

Банкнинг мижозлари олдидағи мажбуриятларини таъминлаш – банк маблағларининг асосий функцияси бўлиб ҳисобланади. Уларга ўз мажбуриятлари бўйича жавобгарликни таъминловчи катталик сифатида қаралиши мумкин. Банк амалиётида капитал ресурсларни йўқотиш натижасида зарар кўрилганда банк тўлов қобилиятини сақлаб қолиш учун ресурслар резерв бўлиб ҳисобланади. Чунки банк капитали акционерларга қайтарилемаслиги ҳам мумкин. Банкнинг ўз ресурслари миқдори унинг фаолият қўламига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки маблағлари ҳажмидан келиб чиқади. Банкнинг ўз маблағлари унинг моддий базасини ривожлантириш манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Банк амалиётида ўз капиталнинг нетто ва брутто турлари фарқланади. Банкнинг ўз капитали – брутто – банкнинг барча фондлари ва баланс бўйича тақсимланмаган фойдаси йиғиндисига teng. Банкнинг ўз капитали – нетто – бу капитал бруттодан ўз маблағларидан капитал ҳаражатларнинг ошган қисмини, йўл қўйилган ва потенциал заарлар, сотиб олинган хусусий акциялар ва муддати 30 кундан ортиқ бўлган дебитор қарзларни чегириб ташлангандан қолган суммага teng. Шундай қилиб, капитал – нетто нақд мавжуд бўлган банк ўз капиталини ўзида акс эттиради.

Тижорат банкнинг ўз капитали миқдори кўпгина омилларга боғлиқ бўлади. Бу омиллар сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисидаги қонунга мувофиқ, банкнинг ўз капитали ҳажми унинг актив операцияларини чегаравий ҳажмини белгилаб беради. Шунинг учун маълум миқдор мижозларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган банк (мисол учун, тармоқ банки) белгиланган нормативларга риоя қилган ҳолда, ўзлик капиталининг шундай миқдорига эгалик қилишлари керакки, ўз доимий мижозларининг асосланган қарз маблағларига бўлган талабларини қондиришлари лозим.

Иккинчидан, банк учун зарур бўлган ўзлик капиталининг миқдорининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Майда, лекин сон жихатдан кўпчиликни йирик кредит олувчи корхоналарни ташкил қилувчи банкда ўз маблағлари нисбатан

кўп миқдорда керак бўлади. Чунки йирик мижозларга хизмат қилувчи банкларда кредитнинг қайтарилимаслик риски катта бўлади.

Учинчидан, тижорат банкининг ўз капитали миқдори, унинг актив операциялари характеристига боғлиқ бўлади. Банк олиб бораётган операциялари катта рисклар билан боғлиқ бўлиши, ўз маблағларининг нисбатан қўп бўлишини тақозо этади. Бу ҳол, хусусан, инновацион банкларга тегишлидир. Агар банкнинг кредит портфелида минимум рискли ссудалар кўпчиликни ташкил қилса, банкнинг маблағлари нисбатан кам бўлиши мумкин.

Банкнинг актив операциялари характеристига қараб, банк капитали ва унинг турли даражадаги рискли активлари ўртасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ўрнатган нормативлари банкнинг ўз капитали миқдорини аниқлашга бир қанча йўналишлар белгилаб беради.

Банк капитали ҳажмини аниқлаётганда банклар бу маблағлар олинадиган фойда миқдорини аниқланмаслигини ҳам эътиборга олишади. Бу фақатгина, банкнинг аниқ мижозлар доирасига хизмат кўрсатиш имконини очиб беради.

Тўртинчидан, банкнинг зарурий хусусий капитал миқдори кредит ресурслари бозорининг ривожланганлик даражасига ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олиб бораётган пул-кредит сиёсатига боғлиқ. Ривожланган бозор шароитида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эркинлаштирилган кредит сиёсатини олиб боришга йўл очиб бериши натижасида тижорат банкининг кредит ресурсларига талабини қондириш осонлашади ва банкнинг зарурий ўз маблағлари даражаси камаяди. Етарли даражада молия бозорининг ривожланмаганлиги, кредит сиёсатининг қаттиқ қўллиги банкларнинг ўз маблағларини доимий тарзда оширишни талаб этади.

Банкларнинг ўз маблағлари миқдорини оширишда 2-усул ишлатилиши мумкин: қўшимча акциялар чиқариш ва уларни жойлаштириш ёки чиқарилган акцияларнинг номинал қийматини ошириш. Биринчи усул билан фойдани жамғариш банкнинг резерв ва бошқа фондларини жадаллаштирилган тарзда шакллантириш ва уларни кейинчалик капиталга айлантириш шаклида рўй беради. Бунда йил охиригача фойданинг бир қисми тўғри капиталга айланиши ҳам мумкин. Бу усул анча арzon, янги пайчилар жалб қилиш ёки акция чиқариш борасидаги қўшимча ҳаражатларни талаб этмайди. Лекин фойдани жамғариш жорий йилда акционерларга тўланадиган девиденdlар миқдорини камайишига олиб келади. Бу эса банкнинг бозорда тутган мавқеига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан банк устав капиталини ошириш қуйидаги усуллар билан амалга оширилиши мумкин:

- молиявий йил якуни бўйича кўрилган фоизнинг бир қисмини ёки ҳаммасини акциялар номинал қийматини оширишга йўналтириш;
- акциядорлар томонидан акциялар номинал қиймати оширилган қисмининг тўланиши;
- молиявий йил якуни бўйича кўрилган банк фойдасини акциялар номинал қийматини оширишга йўналтириш ва акциядорлар томонидан акциялар оширилган номинал қийматининг етишмайдиган қисмининг тўланиши ҳисобидан амалга оширилади.

Банкнинг устав капитали акциялар номинал қийматини пасайтириш ёки акциялар умумий сонини қисқартириш, жумладан, кейинчалик уларни тўлаш шарти билан сотиб олиш орқали камайтирилиши мумкин.

3-§. Тижорат банк капитали ва унинг маркиби

Банк ўз капитали тушунчасини кенг очиб бериш учун шуни айтиб ўтиш керакки, банк назариясида банк ўз маблағи ва ўз капитали тушунчалари фарқ қиласи. Юқорида таъкидлаб ўтилган «Ўз маблағи» тушунчаси – кенг маъноли, у ўз ичиға банкнинг ички фаолияти жараённида ташкил топган ҳамма пассивларни (банкнинг устав, резерв ва бошқа фондлари, банк ташкил қилгандаги ҳамма резервларни, тақсимланмаган фойда ва жорий йил фойдасини) олади. Банкнинг ўз капитали – бу ҳисоб-китоб йўли билан аниқланадиган катталик. У иқтисодий маъносига кўра банк капитали функцияларини бажарадиган ўзлик маблағларни ичиға олади.

Банкнинг ўз капитали – банк вақтинча жалб қилган қарз маблағларидан фарқли ўлароқ, бевосита банкнинг ўзига тегишли бўлган маблағлардир. Банк капиталининг бошқа корхоналар капиталидан фарқи шундаки, банкнинг ўз капитали айланма маблағларининг 10 фоизини, корхоналарда эса у тахминан 40-50 ва ундан ортиқ фоизни ташкил қиласи.

Банк капиталига банкнинг ўз маблағларининг асосий элементлари киради, яъни қонунчиликка мувофиқ ташкил топган асосий фондлар, банк фаолиятини таъминлаш мақсадида ички манбалар ҳисобига ташкил топган резервлар киради. Улар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак.

- банк фаолиятининг барқарорлиги;
- кредитор хуқуқлари бўйича субординацияланганлик;
- қайд қилиб ёзилган даромадларнинг йўқлиги.

Банкнинг ўз капитали деганда, банкнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга, кўрилиши мумкин бўлган заарларни қоплашга қаратилган маҳсус ташкил қилинадиган фонд ва резервларни тушунишимиз керак. Банк капиталига устав капитали, резерв капитали, таъсис фойдаси, банк ихтиёрида қолдирилган ўтган ва жорий йилда тақсимланмаган фойдаси, турли рискларни қоплаш учун ташкил қилинган резервлар киради ва у банк фаолиятида муҳим функцияларни бажаради.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, банк капитали I ва II даражали капиталдан иборат бўлиб,

I даражали капитал қуйидагиларни ўз ичиға олади:

а) тўлиқ тўланган ва муомалага киритилган оддий акциялар;
б) нокумулятив имтиёзли акциялар. Бу акциялар муайян сотиб олиш санаси ва шартларига, эгасининг хоҳишига кўра сотиб олиниш имкониятига эга эмас. Банк акциядорларининг умумий йигилиши қарорига мувофиқ, улар бўйича дивидендлар тўланмаслиги мумкин.

в) қўшимча капитал – оддий ва имтиёзли акциялар бозор нархининг уларнинг номинал қийматидан ошиб кетиши;

- г) тақсимланмаган фойда ;
1) капитал захиралар;
2) аввалги йилларнинг тақсимланмаган фойдаси;
3) жорий йил заарлари.

д) акция эгалари камчилигининг бирлашган корхоналар акциядорлик ҳисобварақаларида ўсиши. Бу улуш шуъба корхоналари ҳисобварақалари банк молиявий ҳисботларида бирлаштирилганда ва банк улуси бундай корхоналар капиталининг 100 фоиздан кам қисмини ташкил қилганда вужудга келади.

II даражали капитал қўйидагилардан иборат:

а) жорий йилдаги соф фойда;

б) рискни ҳисобга олган ҳолда активлар суммасининг 125 фоизи ва ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдоридаги умумий заҳиралар. Нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар. Бу акциялар муайян сотиб олиш санаси ва шартларига, эгасининг хоҳишига кўра сотиб олиниш имкониятига эга эмас. Банк акциядорларининг умумий йифилиши қарорига мувофиқ, улар бўйича дивиденdlар тўланмаслиги мумкин.

в) ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдорда аралаш турдаги мажбуриятлар.

г) субординар қарз бу банкнинг қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадида ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали капиталнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак. II даражали капиталга кирувчи субординар қарз тўлаш муддати етиб келгунга қадар охирги 5 йил давомида йилига 30 фоизга камайиб бориши шарт. II даражали капитал таркибиغا кирувчи субординар қарзлар гаров таъминотига эга бўлмаслиги, банк тугатилаётганда ушбу мажбуриятлар бўйича талаблар депозитлар талаблари қондирилганидан сўнг амалга оширилиши, бошланғич тўлов муддати 5 йилдан ортиқ бўлиши лозим.

Тижорат банки капиталини ҳисоблаш усули

Млн сум

№	Кўрсаткичлар	Капитал		
		Асосий I-даражада	Кўшимча II-даражада	Жами Капитал
I	I-даражали капитал			
1.	Оддий акциялар	570		570
2.	Нокумулятив муддатсиз акциялар	198		198
3.	Капитал (ортиқча кисми)	0		0
4.	Тақсимланмаган фойда	31059		31059
5.	Акция эгалари камчилигининг бирлашган корхоналар акциядорлик хисоб ва рақаларидағи улуши	0		
II	I-даражали капиталдан чегирмалар			
1.	Номатериал активлар	0		
III	Соф I-даражали капитал			31827
IV	II-даражали капитал			
1.	Жорий йилнинг фойдаси		20463	20463
2.	Мумкин бўлган заарларни қоплаш учун захира (рискли тижорат актив 1.25%)			
3.	Капиталнинг бошқа инструментлари			
4.	II-даражали капиталнинг I-даражали капиталдан ортган кисми			
V	Умумий капитал суммаси чегирмалар олингунга кадар		52290	52290
VI	Умумий капитал суммасидан олинадиган чегирмалар			
1.	Консолидациялашмаган корхоналарнинг капиталига инвестиция			
2.	Банк капиталининг барча инвестиция инструментлари			
VII	Рискка асосланган капиталнинг умумий суммаси			52290
VIII	Рискни ҳисобга олган ҳолдаги активлар умумий суммаси			832036
IX	Биринчи дарражали капиталнинг			0.06

	етарлилик даражаси (III/VII)			
X	Умумий капиталнинг етарлилик даражаси (VII/VIII)			0.062

Резерв капитали – банкнинг умумий ва маҳсус мақсадлари учун (масалан, девальвация учун захира, траст операциялари буйича бизнес учун захира, кўзда тутилмаган харажатлар, табиий офатлар натижасидаги заарлар учун захира ва бошқа мақсадлар учун) яратган захирасининг ҳисоби 30903-30906 баланс ҳисобварақасида олиб борилади. Ушбу захира банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига ташкил этилади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг соғ фойда ҳисобига шаклланган захиралардир.

Ушбу захираларга ажратиладиган чегирмалар миқдори очиқ эълон килинадиган ҳисоботда кўрсатилиши лозим. Захирадан банк фаолиятида вужудга келадиган турли заарларни улар юзага келиши биланоқ ҳеч қандай чеклашларсиз қоплаш учун фойдаланилади. Бундан мазкур захиралар ҳисобига қопланадиган барча заарлар фойда ва заарлар ҳисобида акс эттирилади. 30903 – умумий захира фонди бўлиб, бу ҳисобварағи банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан умумий мақсадлар (масалан, банк фаолиятини кенгайтириш, банк учун зарурий воситаларни сотиб олиш ва кўзда тутилмаган харажатлар, табиий офатлар натижасидаги заарлар учун ва ҳоказо) учун ташкил этган захираси ҳисобини юритиш учун мўлжалланган.

30906-Девальвация учун захира бўлиб, бу ҳисобварақда миллий валютанинг девальвацияси натижасида кўриши мумкин бўлган заарларни қоплаш учун яратилган захиранинг ҳисоби юритилади. Ушбу захира маблағлари банкнинг тақсимланмаган фойдасининг маълум қисмидан ва валютадаги банк активининг устав капиталига тегишли эквивалентини қайта баҳолаш натижасида ҳисобланган маблағлардан ташкил топган.

Маҳсус захиралар-«Стандарт», «Субстандарт», «Шубҳали» ва «Умидсиз» деб таснифланган кредит ва лизинг операциялари ёки бошқа алоҳида муайян активлар буйича юзага келиши мумкин бўлган заарларни қоплаш учун захира ташкил қилинади.

Тақсимланмаган фойда. Бу ҳисобварағи банкнинг бутун фаолияти давомида олган фойдасининг тақсимланмаган қисми ҳисобини юритиш учун мўлжалланган. Ўз ичига қўйидаги ҳисобрақамларни олади: йиллик, соғ фойда; бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандан қўшимча қиймат.

31206-йиллик соғ фойда.

Бу ҳисобварағи ҳисбот йилида банк фаолиятининг молиявий натижалари буйича йиллик фойда ёки заарлари ҳисобини олиб бориш учун мўлжалланган. Ушбу ҳисобварағи банкнинг йиллик ҳисботи топширилгандан сўнг ёпилади.

Агар банк молиявий ҳисбот якунларига кўра фойда билан чиқса, ушбу ҳисобрақам кредит қолдиқ билан ёпилади.

Бошланғич қийматга нисбатан қайта баҳолангандан қўшимча қиймат ҳисобварағи инфляция натижасида банк асосий воситалари қиймати қайта баҳолангандан уларнинг бошланғич ва бозор қийматлар ўртасидаги ижобий

фарқ, яъни бошлангич баҳосига нисбатан қўшимча қийматининг суммаси акс эттирилади.

5-жадвал

Акционер тижорат банки капитали ўсишининг динамикаси

№	Капитал	01.01 2000й	01.01 2001й	1.01 2000 й.га нисбатан усиши	
		Минг сум	Минг сум	Минг сум	%
1.	Акционер капитал	468201	737778	269577	58.0
2.	Резерв капитал	3594	43432	39838	1108.0
3.	Тақсимланмаган фойда	16236	1286	-14950	-92.0
4.	Соф фойда	65789	100169	34380	52.0
	Жами:	553820	882666	328845	59.0

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, тижорат банкининг акционер капитали ва резерв капитали ва жорий йилда ўтган йилга нисбатан сезиларли ошган. Банк фойдаси тақсимланиши натижасида тижорат банки таҳлил қилинаётган даврда ўтган йилга нисбатан 34380 минг сўм ёки 52.0 % соф фойдага эга бўлган.

Банк капиталининг учта асосий функцияларини ажратиб кўрсатишимииз мумкин. Булар: ҳимоя, оперативлик ва тартибга солиш функцияларидир.

Банк омонатчилари манфаатларини ҳимоя қилиш банкининг ўз капиталининг асосий функцияси бўлиб хизмат қиласди. Чунки банк активларининг асосий қисми омонатчилар ҳисобига ташкил топади. Бундан ташқари банк капитали акционерлар рискларини камайтиради.

Ҳимоя функцияси зарар қўриш хавфи туғилганда актив резервлар шакллантириш йўли орқали банкининг тўлов қобилиятини сақлаб қолиши, мабодо банк тугатилганда омонатчиларга компенсация тўлаш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, банкининг кейинги фаолият кўрсатишига кенг йул очиб беради. Лекин шуни эътиборга олишимиз керакки, тижорат банклари кўпгина корхоналардан фарқли ўлароқ ўзларининг тўловга қобилиятлигини жорий банк даромади ҳисобига таъминлайдилар ва фақатгина заарнинг бир қисми капитал ҳисобига қопланади.

Капитал ўзига хос ҳимоя ёстиги ролини ўйнаб, йирик қўзда тутилмаган харажатлар шароитида банк ўз операцияларини давом эттириш имкониятини беради. Шу каби чиқимларни молиялаштириш учун банкининг ўз капитали ичига кирувчи турли хил резерв фондлар мавжуд. Лекин мижозларнинг ссудаларни оммавий қайтарилмаслиги юз берганда, заарни қоплаш учун акционерлик капитали бир қисминигина ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Банк ўз капиталининг мавжудлиги унинг ишончлиги ва ликвидлилигининг биринчи шартидир.

Банк ўз капиталининг ҳимоя функцияга қараганда оперативлик функцияси иккинчи даражали бўлиб ҳисобланади. У банкининг ўз маблағларини ер, бино, иншоот жиҳозларни қоплаш учун молиявий резервларни

шакллантиришга ажратишни ўз ичига олади. Бу молиявий ресурслар манбайи банк иши фаолиятининг биринчи босқичларида, таъсисчилар билан бир қаторда биринчи навбатдаги харажатларни амалга оширишларида жуда кераклидир. Банк ривожланишининг кейинги босқичларида банк капиталининг роли муҳим бўлиб, бу маблағларнинг бир қисми тўғри резервларни ташкил қилиш учун узоқ муддатли активларга сарфланади. Гарчи зарарни қоплашнинг асосий манбайи фойда жамғариш бўлса ҳам зарарни қоплаш учун янги акциялар чиқаришади ёки узоқ муддатли қарз олинади.

Банкнинг ўз капитали тартибга солувчи функцияни ҳам бажаради. Банк капитали кўрсаткичи ёрдамида давлат органлари банк фаолиятига баҳо берадилар ва назорат қиласидар. Одатда, банк ўз капиталига унинг минимал миқдори, активлар меъёри ва бошқа банк активини сотиб олиш шартлари бўйича талаб қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрлар, асосан, банкнинг ўз капитали ҳажмидан келиб чиқади. Тартибга солувчи функцияга капитални ссуда ва инвестицион операцияларни чегаралаш мақсадида ишлатиш ҳам киради.

Банкнинг устав фондини ўзгариши устав фонди миқдорининг оширилиши ва камайтирилиши шаклларида амалга оширилиши мумкин.

Банк устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш ёки акцияларни номинал қийматини кўтариш йўли билан ошириши мумкин.

Акцияларни номинал қийматини ошириш йўли билан банк устав фондини ошириш қўйидаги усууллар билан амалга оширилиши мумкин:

- молиявий йил якуни бўйича кўрилган фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини акциялар номинал қийматини оширишга йўналтириш;

- акциядорлар томонидан акциялар номинал қийматини оширилган қисмини тўланиши.

Устав фондини ошириш учун қилинган ўзгартиришларни банк уставига киритиш тўғрисида таъсисчилар қарор қабул қиласидар.

Қўшимча акцияларни чиқариш ёки акциялар номинал қийматини ошириш учун тижорат банклари Марказий банкнинг тижорат банклари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаментига қўйидагиларни топширади:

- қўшимча акцияларни жойлаштириш ёки акциялар номинал қийматини ошириш тўғрисида банк ваколатли органининг қарори;

- агар акция очиқ обуна йўли билан тарқатилса, банк ваколатли органи томонидан тасдиқланган эмиссия проспекти;

- акция ёпиқ ҳолда тақсимланса, акцияларни чиқариш тўғрисида ахборот берилади;

- банк кенгаши раиси имзолаган устав капиталини ошириш ва акциялар эмиссиясига розилик бериш тўғрисида Марказий банк номига берилган илтимоснома. Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва розилик бериш бир ой муддат ичидаги амалга оширилади.

Банк устав капитали акциялар номинал қийматини пасайтириш ёки акциялар умумий сонини қисқартириш, жумладан, кейинчалик уларни тўлаш шарти билан сотиб олиш орқали камайтирилиши мумкин.

Агар банк уставида кўзда тутилган бўлса, акцияларни бир қисмини сотиб олиш ва уларни тўлаш йўли билан банк устав капиталини камайтиришга рухсат берилади.

Агар камайтириш натижасида устав капиталининг энг кам миқдоридан камайиб кетса банк устав капитали миқдорини камайтиришга рухсат берилмайди.

Акцияларни номинал қиймати пасайтирилганда акция нархи ва янги номинал қиймат ўртасидаги фарқ акциядорларга қайтарилади.

Устав капиталини камайтириш учун тижорат банклар фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаментига илтимоснома ва устав капиталини камайтириш тўғрисида акциядорлар умумий йиғилишининг қарори топширилади. Розилик бир ой муддатда берилади.

Устав капиталининг камайтирилиши ёки ошириш омонатчилар манфаатларига ва банк молиявий аҳволига хавф солса ёки бир акциядор улуши белгиланган нормадан ошибб кетса, Марказий банк устав капиталини камайтиришга рухсат бермайди.

Марказий банк ўз хулосасини асослаган ҳолда бир ой ичида ёзма равишда тижорат банкига юборади.

Шуни айтиш керакки, банк капиталининг асосий мақсади – рискни камайтириш ва капиталнинг молиявий ресурслар бозорига кириш йўлини таъминлашидадир.

Банк капитали операцион харажатларни молиявий бозорларга эркин кириб боришини таъминлаш орқали камайтиради. Банк капитали доимий манбалардан одатдаги ставкаларда қарз олишга имкон беради. Катта миқдордаги капитал банкнинг барқарор обрўсини ва омонатчилар ишончини таъминлайди.

Банк капиталининг активларга нисбати, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган нормативлар билан ўзаро яқиндан боғлиқ. Яъни, капитал қарз олиш билан янги активлар жалб қилинишини чоралаш орқали рискни ошибб кетишини тўхтатади ва камайтиради. Агар банклар ссуда миқдорини оширмоқчи ёки бошқа активларни сотиб олмоқчи бўлсалар, юқорида келтирилган йўллар билан улар акционер капиталини қўшимча молиялаштириш билан олинишини таъминлашлари керак. Бу активларнинг спекулятив ўсишини олдини олади. Чунки банклар ўз активларини самарали бошқариш имкониятларини сақлаб қолишлари керак.

Юқорида айтилган банкнинг ўз капиталининг функцияларидан хулоса қилиб айтсак, банкнинг ўз капитали – банк тижорат фаолиятининг асосидир. У банк мустақиллигини ва турли рисклар бўйича салбий оқибатларни олдини олиш манбаи бўлиб, молиявий барқарорликни таъминлайди.

4-§. Жалб қилинган маблағлар

Жалб қилинган маблағлар актив операцияларни, аввало кредит операцияларини амалга ошириш учун пул ресурслариға бўлган эҳтиёжни қоплади. Уларнинг роли жуда катта бўлиб, банк ресурсларининг 70%дан ортиғини ташкил қиласди. Юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларидан фойдаланиш орқали, тижорат банклари улар ёрдамида халқ хўжалигининг ва аҳолининг қўшимча айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қондиради, пулларни капиталга айланishiغا ёрдам беради.

Банклар маблағларни жалб қилиш имкониятлари чегараланган бўлиб, барча мамлакатларда бу жараён Марказий банк томонидан тартибга солиниб туради. Жалб қилинган маблағлар тижорат банклари кредит ресурсларининг асосий қисмини ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк капитали билан жалб қилинган маблағлар орасидаги нисбатни бир қатор зарурий меъёрлар ёрдамида тартибга солади. Бу қуйидаги нормативлар: капитал етарлилиги, бир кредит олувчига тўғри келадиган максимал риск миқдори, аҳолидан жалб қилинган депозитларнинг максимал миқдори ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йўриқномасига мувофиқ, аҳолидан пул омонатларини жалб қилиш миқдори банкнинг ўз капитали миқдори билан чегараланади.

Хозирги кунда банклар амалиётида мавжуд меъёрий хужжатларги асосан:

- давлат ихтисослаштирилган банклар базасида ташкил топган тижорат банклари учун жалб қилинадиган маблағлар ҳажми ўз капиталининг 25 баробаридан ошмаслиги керак;
- ёпиқ турдаги акционер банклар учун 20 баробардан ошмаслиги;
- очик турдаги акционер банклар учун 15 баробардан ошмаслиги керак.

Режали иқтисодиёт даврида банкларда бўш турган маблағларини жалб қилишдан манфаатдорлик йўқ эди, чунки банкларнинг актив операциялари миқдори жалб қилинган маблағлар миқдорига қараб эмас, балки кредит қўйилмалар бўйича ўрнатилган лимитга қараб аниқланар, жалб қилинган маблағлар бўйича рағбатлантириш билан банклар шуғулланмас эдилар. Аксарият ҳолларда йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун банк ссудалари ўрнига кўпроқ бюджет маблағлари жалб қилинар эди. Шу боис муддатли омонатларни ўрта ва узоқ муддатли кредит манбалари сифатида жамғаришга эҳтиёж бўлмаган.

Икки поғонали банк тизимиға ўтилиши, иқтисодий мустақил тижорат банкларининг ташкил топиши, банкларнинг ўз-ўзини молиялаштириш тамойилига ўтиши, пассивлар ва активлар мувофиқлигига эришиш муаммоси банк фаолиятида долзарб масалаларга айланди. Бозор муносабатларининг ривожлантириш банк ресурсларининг ҳам турли-туманлашувига олиб келди.

Банклар жалб қиласдиган маблағлар таркиби турлича бўлади. Уларнинг асосий турларига қуйидагилар киради: банк мижозлар билан ишлаш жараёнида жалб қилган маблағлар (депозитлар), ўз карз мажбуриятларини чиқариш йўли билан маблағларни тўплаш (депозит ва жамғарма сертификатларини, векселлар,

облигациялар) ва банклараро кредит воситасида бошқа кредит ташкилотларидан олинадиган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкidan олинадиган ссуда маблағлари ва бошқалар киради. Халқаро банк амалиётида жалб қилинган ресурслар уларни йиғиш усулига қараб қуйидаги гурухларга бўлинади:

- депозитлар;
- нодепозит ресурслар.

Жалб қилинган маблағларни асосий қисмини депозитлар ташкил қилади.

Банкларда мақсадларни амалга ошириш учун пул маблағларини қўйилмаларга жалб қилиш операциялари депозит операциялари дейилади.

Депозитлар фақатгина омонатчига эмас, шу билан бирга банкка ҳам манфаатлидир. Кўпгина депозитлар орқали банкнинг ссуда капитали шаклланади, кейинчалик эса банк турли хўжалик соҳаларини қулай шартлар асосида кредитлайди. Депозит ва кредит фоизлари орасидаги фарқ бўш пул маблағларини жалб қилиш ва ссуда капиталини жойлаштириш борасидаги банк маржаси (мукофоти) бўлиб ҳисобланади.

Банкнинг «Олтин қоидаси»га кўра, банк молиявий талабларининг ҳажми ва муддати банк мажбуриятлари миқдори ва муддатига мос келиши керак. Бу қоидага риоя қилиб, банклар жорий счетлар бўйича қолдиқларни кредит ресурси сифатида ишлата олмайдилар, чунки мижозлар уларни хоҳлаган вақтда талаб қилиб олишлари мумкин. Ваҳоланки, мижозлар, одатда, ўз маблағларининг ҳаммасини бирданига олишмайди, шунинг учун, банкнинг нақд пул резерви омонатларга нисбатан шаклланади.

Бундан ташқари, аксарият банк операциялари нақд пулсиз кўринишда амалга оширилади. Касса захиралари кўринишида бўлмаган нақд пуллар банк ликвидлигини оширади ва у бошқа мижозларга ёки банкка кредит сифатида йўналтирилиши мумкин. Касса захираларидан ташқари тижорат банклари томонидан депозитлардан кредит ресурси сифатида фойдаланишда бошқа чекловлар бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатиладиган мажбурий захиралар шаклида ифодаланади.

Депозит ҳисобварақалари турлича бўлиши мумкин ва уларнинг таснифланиши асосида қўйилмалар манбаи, уларнинг мақсадли йўналтирилганлиги, даромадлилик даражаси ва бошқа шу каби мезонлар етади, аммо аксарият ҳолларда мезон сифатида пул қўювчи тоифаси ва қўйилмани олиш шакллари инобатга олинади.

Пул қўювчилар тоифасидан келиб чиқсан ҳолда, депозитлар қуйидагиларга бўлинади:

- юридик шахслар (корхоналар, ташкилотлар);
- жисмоний шахслар;

Маблағларни олиш шаклига кўра депозитлар қуйидагиларга бўлинади:

- муддатли депозит маблағлар;
- талаб қилиб олингунга қадар депозит маблағлар;
- ахолининг жамғарма қўйилмалари.

Ўз навбатида бу гурӯхларнинг ҳар бири турли белгиларига қараб таснифланади. Муддатли депозит маблағлар уларнинг муддатидан келиб чиқиб таснифланади;

- 3 ой муддатгача депозитлар;
- 3 ойдан 6 ойгача депозитлар;
- 6 ойдан 9 ойгача депозитлар;
- 9 ойдан 12 ойгача депозитлар;
- 12 ойдан юқори бўлган депозит маблағлар.

Банк томонидан жалб қилинган маблағларнинг юқори ликвидлик даражасини ушлаб туриш ва маълум юқори даромад олиш эҳтиёжини белгилаб берувчи мавжуд қонун ва тартибга солувчи актлардан келиб чиқиб турли активларга жойлаштирилади.

Талаб қилиб олингунча қадар депозитлар – бу банкни олдиндан огоҳлантирмай мижоз томонидан хоҳлаган вақтда талаб қилиб олинадиган маблағлардир.

Уларга жорий, ҳисоб-китоб, бюджет ва ҳисоб-китобларни амалга ошириши ёки маблағлардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ ҳисобварақалардаги маблағларни, бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобварагидаги қолдиқларни киритиш мумкин. Талаб қилингунча депозитлар жорий ҳисоб-китоблар учун мўжалланган. Бу ҳисобваракдаги маблағлар ҳаракати нақд пул, пул ўтказиш, бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатлари билан расмийлаштирилиши мумкин. Банк ликвидлигини бошқариш нуқтаи назаридан қараганда жорий ва бюджет ҳисобвараклари, капитал қўйилмаларни молиялаштириш бўйича ҳисобвараклар, маҳсус ҳисобвараклар банклар учун фойдалироқ ҳисобланади. Чунки бу маблағлар юқори ликвидлиликка эга. Бу депозит турининг асосий камчилиги – улар бўйича жуда кам микдорда фоизларнинг тўланиши ёки умуман тўланмаслигидир. Бундан ташқари жорий ва бюджет ҳисобварака эгалари ўзларининг статусларидан келиб чиқиб кредит олмайдилар, бу эса банкларга маблағларни ўз режалари асосида ишлатишга имкон беради.

Талаб қилиб олгунча бўлган депозитларга банкларнинг корреспондент банкларда очилган вакиллик ҳисобваракаларида маблағларини ҳам киритиш мумкин. Бу ҳисобвараклар улар ҳисоб китобларни ва тўловларни бир томонлама тартибда ёки бир бирларининг топшириқлари бўйича амалга ошириш мақсадида очилган. Мазкур банкнинг бошқа банкда очилган вакиллик ҳисобвараги «Ностро» счети, мазкур банк бошқа банк учун очган вакиллик ҳисобвараги «Лоро» счети деб юритилади ва бундай ҳисобваракаларини очиш банклараро имзоланган шартномага мувофиқ амалга оширилади. Бу ҳисобваракалардан тўловлар, қоидага кўра, улардаги маблағлар ҳажми чегарасида амалга оширилиши керак. Улар бўйича мавжуд маблағлардан кўпроқ операциялар ўтказиш зарурияти туғилганда, вакилга алоҳида баланс ҳисобварагидан овердрафт кредити берилиши мумкин.

Талаб қилиб олингунча бўлган депозитларга контокоррент ҳисобвараги маблағларини ҳам киритиш мумкин мумкин.

Халқаро банк амалиётида талаб қилиб олингунча юқоридаги депозитлардан ташқари нау-ҳисобваракалар (учинчи шахс фойдасига ҳисоб

хужжатларини ёзиб бериш), банк томонидан белгиланадиган ҳисоб чеклари ҳам киритилади.

Талаб қилиб олингунгача бўлган депозитлар қўйидаги хусусиятларга эга:

- депозитнинг бу турида хоҳлаган вақтда, хоҳлаган суммада маблағни қўйиш ёки олиши мумкин;
- депозит муддати чегараланмаган;
- кам миқдорда фоиз тўланади;
- бу турдаги депозитлар бўйича Марказий банкка ўтказиладиган мажбурий резервлар салмоғи юқори ва ҳ.к.

Тижорат банкларида жалб қилинган маблағлар таркибида талаб қилиб олингунча депозитлар турлича ҳажмга эга. Бу одатда, банк ресурсларини шакллантиришнинг энг арzon манбаидир. Маблағларнинг юқори ҳаракатчанлиги туфайли талаб қилувчи ҳисобварақалардаги қолдиқ доимий эмас, баъзида жуда ўзгарувчан. Ҳисобварағи эгаси истаган пайтда маблағларни олиш эҳтимоли банк оборотида юқори ликвид активларнинг ҳиссаси кўпроқ бўлишини талаб қиласди. Бу эса камроқ ликвидликга эга бўлган, бироқ юқори даромад келтирувчи активларнинг ҳиссасининг қисқариши эвазига юз беради. Шу сабабли банклар талаб қилгунгача ҳисобварағи эгаларига паст фоиз тўлайдилар ёки умуман тўламайдилар. Бироқ, талаб қилгунча ҳисобварақалардаги маблағларнинг юқори даражадаги ҳаракатчанлигига қарамасдан, уларнинг минимал, доимий қолдифини аниқлаш ва улардан барқарор кредит ресурси сифатида фойдаланиш имкониятига банклар эга бўлмоғи лозим.

Муддатли депозитлар – бу банклар томонидан маълум муддатга жалб қилинадиган депозитлардир. Бу турдаги депозитлар қўйилган муддатда ўзгармас бўлиши лозим ва улар жорий тўловлар учун ишлатилмайди.

Муддатли қўйилмалар маблағларни шартнома бўйича муддат ва шартларда тўлиқ банк ихтиёрига беришни англатади, бу муддат тугаши билан муддатли қўйилма хоҳлаган пайтда эгаси томонидан қайтариб олиниши мумкин. Муддатли қўйилма бўйича тўланадиган фоиз ҳажми депозит муддати, суммаси ва шартномани пул қўювчи томонидан бажарилишига боғлиқдир. Қўйилманинг муддати ва суммаси қанчалик катта бўлса, фоизи ҳам шунчалик юқори бўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек амалиётда асосан 1, 3, 6, 9, 12 ой ёки янада узоқроқ муддатга қўйилмалар расмийлаштирилади. Бундай аниқ чегаралар пул қўювчиларни ўзларининг маблағларини рационал ташкил қилиш ва қўйилмалар қўйишга рағбатлантиради, шунингдек банкларга ўзларининг ликвидликларини бошқариш учун шароит яратади. Пул қўювчи томонидан қўйилма бўйича маблағларни муддатидан олдин олинганда у шартномада кўрсатилган фоизлардан тўлиқ ёки қисман маҳрум бўлиши мумкин. Одатда бундай ҳолларда фоизлар талаб қилгунгача қўйилмаларга тўланадиган фоизлар ҳажмигача пасайтирилади.

Муддатли депозитлар депозитларнинг бошқа турларига нисбатан банкка барқарор ресурс базасини таъминлайди. Шу боис тижорат банклари муддатли депозитлар салмоғини кўпайтиришга ҳаракат қилишлари лозим.

Муддатли депозитлар қуидаги хусусиятларга эга:

- аниқ муддаттаға эга ва улар бүйічә ўзгармас (депозит сиёсатида күрсатылған) фоиз тұланади;
- жорий ҳисоб-китоблар учун фойдаланилмайды;
- миңоз томонидан муддатидан олдин олинмаслиги лозим акс ҳолда фоиз тұлаш бүйічә шартнома шартлари бекор қилинади ва талаб қилиб олингунча депозит миқдорида фоиз тұланиши мүмкін;
- маблағлар секін айланади, узоқ муддатли ссудаларга йўналтирилади;
- мажбурий резерв нормаси нисбатан паст бўлиши мүмкін ва ҳ.к.

Жамғарма депозитлари аҳоли пул жамғармаларининг тўпланиши учун хизмат қиласи. Жамғарма депозитларга пул маблағларини жамғариш ёки сақлаш мақсадида шакллантирилған қўйилмалар киради. Уларнинг маҳсус хусусиятли томонлари – сақлашнинг рағбатлантирилиши ва юқори даромадлилик даражаси, маълум давр ичида жамғарила бориши кабилар ҳисобланади.

Ўзимизнинг амалиётда жамғарма депозитлари деганда, факатгина аҳоли маблағларини муддатли қўйилмалар ёки талаб қилгунгача ҳисобварақаларида жамғарилиши билан боғлиқ ҳар қандай операциялар тушунилади. Ҳозирги вактда тижорат банклари балансида аҳоли қўйилмалари «кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг янги счетлар Режа»сига мувофиқ баланс счетдан ҳисобланади.

20206-счетда – жисмоний шахсларнинг талаб қилингунча депозитлари.

20406-счетда – жисмоний шахсларнинг жамғарма депозитлари.

20606-жисмоний шахсларнинг – муддатли депозитлари.

Қўйилма суммаси банк кассасига нақд пулда ёки нақд пулсиз киритилиши мүмкін. Қўйилманинг шаклланиши усулига боғлиқ ҳолда бу операциялар бухгалтерия ҳисобидан турлича акс эттирилади. Масалан: қўйилмани банк кассасига нақд тўлаганда қуидаги бухгалтерия проводкалари амалга оширилади.

Дебет счети №10101 – «Кассадаги нақд пул»

Кредит счети №20206 – Агар қўйилма «Талаб қилингунгача» ҳисобварағидан пул ўтказиш йўли билан шаклланса, унда проводка қуидагича:

Дебет счет №-20206

Кредит счет №-20406

Қўйилма суммасининг бошқа кредит ташкилотидан келиши қуидагича акс эттирилади:

Дебет счет №10501 – «Бошқа банклар вакиллик варақаларидан қабул қилишга».

Кредит счет №20206

**Акционер тијкорат банкининг мижозлар бўйича
Депозит шакллари тўғрисида маълумот.**

Депозит турлари	минг сўм	фоиз
1. Талаб қилиб олингунча депозитлар, жами	105022	78,9
Шу жумладан:		
а) ҳукумат	16481	12,4
б) жисмоний шахслар	5352	4,0
в) давлат корхоналари	22025	16,5
г) қўшма корхоналар	111	0,1
д) хусусий корхоналар, корпорация ва жамоалар	54692	41,1
е) бошқа талаб қилиб олингунча депозитлар	6361	4,8
2. Жамғарма депозитлари, жами	10957	8,2
Шу жумладан:		
а) ҳукумат	0	0
б) жисмоний шахслар	10957	8,2
в) давлат корхоналари	0	0
г) қўшма корхоналар	0	0
д) хусусий корхоналар, корпорация ва жамоалар	0	0
е) бошқа талаб қилиб олингунча депозитлар	0	0
3. Муддатли депозитлар, жами	17159	12,9
Шу жумладан:		
а) ҳукумат	0	0
б) жисмоний шахслар	11659	8,8
в) давлат корхоналари	5500	4,1
г) қўшма корхоналар	0	0
д) хусусий корхоналар, корпорация ва жамоалар	0	0
е) бошқа талаб қилиб олингунча депозитлар	0	0
Жами депозитлар	133138	100

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, тијкорат банки томонидан жалб қилинган депозитлар ичида асосий ўринни талаб қилиб олингунгача бўлган депозитлар ташкил қилиб, улар салмоғига 78,9% депозитлар тўғри келади. Муддатли депозитлар банкининг барқарор кредит имкониятини асоси бўлсада, уларнинг ҳажми барча депозитларнинг 12,9%ини ташкил қиласди. Талаб қилиб олингунга қадар бўлган депозитлар таркибида асосий ўринни хусусий корхона, корпорация ва жамоалар, давлат корхоналари, ҳукумат маблағлари ташкил қилса, муддатли депозитлар ичида асосий ўринни жисмоний шахслар маблағлари эгаллайди. Таҳлил қилинаётган банкда аҳоли жамғармалари салмоғи паст бўлиб, у жами депозитларнинг 8,2%ини ташкил қиласди.

Тијкорат банклари фаолиятидаги муҳим йўналишлардан бири бўлиб, аҳоли маблағларини жалб қилиш бўйича ишлар ҳисобланмоқда, ва улар бу

борадаги йирик банк Халқ банки билан бошқа тијорат банклари мувофақиятли рақобат қилмоқдалар.

5-§. Марказий банк томонидан тижорат банкларини кредитлаш тартиби

Тижорат банкларини қайта молиялаш учун кредитни беришни Марказий банк томонидан амалга оширилади. Бу операция Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрь 19/8-сонли қарор №261 тасдиқланган «Қайта молиялаш кредитларини бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан амалга оширилади. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 майдаги 234-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси хузуридаги кредит ресурслари кимошди савдолари орқали тижорат банкларини қайта молиялаш учун кредитлар бериш тартибини белгилайди. Бу жараён Марказий банкнинг пул-кредит воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Қайта молиялаш – Марказий банк томонидан амалга ошириладиган пул кредит сиёсати воситаларидан бири бўлиб, у иккинчи даража банкларининг ликвидлик ҳолатини қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилади.

Марказий банкнинг қайта молиялаштириш операцияси қўйидаги усувларда олиб борилиши мумкин:

- * тижорат банкларининг ихтиёридаги векселларни ҳисобга олиш йўли билан кредитлаш;
- * тижорат банклари ихтиёридаги қимматли қофозларни гаров олиш йўли билан кредитлар бериш, яъни ломбард кредити;
- * тўғридан-тўғри кредит бериш усули.

Марказий банк «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Конунига асосан олтин, чет эл валютаси, халқаро резервлар тоифасига кирувчи валюта бойликлари ва бошқа бойликлар, давлат қарз мажбуриятлари ва ҳукумат кафолатлаган бошқа қарз воситалари, Марказий банкда депозитга ўтказилган ва унинг депозитарийси учун мақбул бўлган, харид қилиниши ва сотилишига рухсат берилган қонун доирасидаги бошқа хил операциялар ўтказилиши мумкин бўлган активлар, тўланишига банклар кафолат берган тижорат векселлари, шунингдек, Молия Вазирлигини кафолатига асосланган ҳолда банкларга қайта молиялаш кредитларини беради. Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган кредитларнининг асосий мақсади банкларнинг ликвидлилигини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Қайта молиялаш кредитларини бераётганда Марказий банк тижорат банкларининг кредит потенциалининг жорий ҳолатини доимий қузатиб туради. Бунинг учун у жорий мониторинглар ўтказади, улар вакиллик ҳисобваракларини тахлил қиласи ва асосан ўзи кредитларни жойлаштириш ва жалб этиш учун қатнашадиган банклараро кредит бозори – Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси хузуридаги кредит ресурслари кимошди савдосини кузатиб боради.

Тижорат банкларининг ликвид ҳолатини сақлашга йўналтириладиган, уларни қайта молиялаш учун бериладиган кредитлар миқдори, шунингдек,

қайта молиялаш ставкаси, Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатининг жорий вақтдаги аниқ вазифаларига мувофиқ, ҳамда пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Бунда қайта молиялаш ставкаси инфляция даражасидан келиб чиқсан ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Марказий банк юқорида айтилган қонунга мувофиқ, тижорат банкларига миллий валютада ломбард кредитни бериши мумкин. Ломбард кредити қайта молиялаш шаклларидан бири бўлиб, ушбу кредит Давлат қисқа муддатли облигацияларини гаровга қўйиш йўли орқали берилади.

Ломбард кредитининг берилиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 22 августидаги №416-сонли “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банкларга ломбард кредити бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширилади.

Қайта молиялаш кредитлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган 1996 йил 20 апрелдаги №41 сонли “Ўзбекистон Республикасида кредит ресурслари ким ошиди савдоларини ўтказиш тартиби”га мувофиқ жойлаштирилади.

Кейинчалик қайта молиялаш кредитлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маҳсус кўрсатмалари бўйича, уларда белгиланган шартлар асосида Марказий банк худудий Бош бошқармалари ва тижорат банклари ўртасида тузиладиган кредит шартномаси билан расмийлаштирилади.

Кредит шартномасида қўйидагилар қўзда тутилади:

- томонлар номи;
- уларнинг ўзаро мажбуриятлари ва иқтисодий маъсулияти;
- кредит муддати ва миқдори;
- аниқ мақсад кўзланганлиги;
- кредит бериш ва қайтариш тартиби;
- фоиз ставкаси ва уни ўзгартириш шартлари;
- таъминлаш шакллари;
- жарима солиш ва томонлар шартлашувининг бошқа жиҳатлари.

Бу кредитни олган тижорат банклари кредитдан фойдаланиш ва унинг ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Пул-кредит сиёсати” департаментига маълумотнома тақдим этиб боради.

Марказий банк томонидан тижорат банкларига кредит беришда Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрларга, мажбурий заҳира талабларига риоя қилиш эътиборга олинади.

Айрим ҳолларда тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларида маблағлар умуман бўлмаган ёки етарли бўлмаган ҳолатларда кечиктириб бўлмайдиган тўловларни амалга ошириш учун тижорат банкига, истисно тариқасида мажбурий тўловларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан унинг худудий Бош бошқармаси раҳбари тақдимномаси бўйича банк ликвидлигини қўллаб-куватлаш учун кредит берилиши мумкин.

Бу кредитни олиш хуқуқига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг иқтисодий нормативларига риоя этадиган, резерв, мажбурий резерв

шартларини тўлиқ бажарадиган, тижорат банкларига бериладиган яъни кредитни қайтмаслик риски йўқ ва у муддатида фоизи билан тўлиқ қайтиши таъминланган ҳолда берилади. Кредит 7 иш куни муддати билан тижорат банки томонидан кредит ресурсларини тартибга солиш фондига ўтказиладиган маблағларнинг 30% миқдорида берилади. Кредитнинг ўз вақтида, тўлиқ қайтмаслик ҳоллари юз берганда ёки кредит шартлари бузилган ҳолларда Марказий банк тижорат банкига нисбатан кредит шартномасида кўрсатиб ўтилган чораларни қўллаш хуқуқига эга. Агар кредитнинг қайтмаслик ҳоллари юз берса Марказий банк гаров мол-мулкини талаб қилиб олишга ҳақли.

Ушбу кредит бўйича фоиз ставкаси Марказий банк амалдаги қайта молиялаш ставкасидаг 1,3 бароварга ортиқ миқдорда белгиланади.

Тижорат банкида Марказий банк томонидан унга илгари берилган ушбу кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик вужудга келган ҳолларда, қўйидаги таъсир чоралари қўлланилади:

- белгиланган фоиз ставкаси 2 баравар оширилади;
- ❖ “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг 59-моддасига биноан муддати ўтган қарз бош банк ҳисобварағидан ундириб олинади. Агар бош банк ҳисобварағида қарзларни қоплайдиган миқдорда маблағлар бўлмаса, ушбу қарз тўла қайтарилимагунча банк вакиллик ҳисобварағи бўйича операциялар тўхтатилади.

Муддатидан олдин бўшаган қайта молиялаш кредитларини ўз вақтида қайтарилимаганлик учун тижорат банкларига нисбатан Марказий банк кредит қайтарилимаган ҳолларда Марказий банк гаровга қўйилган мулкни сотиш ёки кафолат хати бўйича талабнома қўйиш орқали қарз суммасини ундириб олиш хуқуқига эга.

Қайта молиялаш кредитларини белгиланган муддат ичida қайтарилишни таъминламаган тижорат банкларига нисбатан 1997 йил 25 январдаги 74-сонли йўриқноманинг 6-бандига ва унга киритилмаган 1998 йил 27 июндаги 406-сонли қўшимчанинг 1-бандида кўрсатилган таъсир чоралари қўлланилади.

Банклар томонидан аниқ мақсадли кредит ресурсларидан белгилангандан ташқари мақсадларда фойдаланилишига йўл қўйилган ҳолларда, ушбу кредитлар муддатидан олдин қайтариб олинади.

Қайта молиялаш кредитлари бўйича маржа даражаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Марказий банк томонидан тижорат банкларига берилган қайта молиялаш кредитларини ҳисобини юритиши бўйича операциялар балансдаги 12101-“Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли ссудалар” (Марказий банкда) ва 21602-“Ўзбекистон Республикаси Марказий банкidan олинган қисқа муддатли ссудалар” (тижорат банкида) баланс ҳисобварақларида акс эттирилади.

Муддати кечикирилган қайта молиялаш кредитлари ҳисоби балансдаги 12109-“Бошқа банкларга берилган муддати кечикирилган қисқа муддатли ссудалар” ҳисобварағида акс эттирилади.

Муддати ўтган қайта молиялаш кредитлари ҳисоби балансдаги 12105-“Бошқа банкларга берилган муддати ўтган ссудалар” ҳисобварағида акс эттирилади.

Марказий банк кредитларини бериш қуйидаги бухгалтерлик ўтказмалари орқали расмийлаштирилади:

- кредит берган банкда;

Д-т 12101-“Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли ссудалар”

К-т Тижорат банки вакиллик ҳисобварағи ёки 21602-“Ўзбекистон Республикаси Марказий банкidan олинган қисқа муддатли ссудалар”

- кредит олган банкда:

Д-т Тижорат банки вакиллик ҳисобварағи ёки 21602-“Ўзбекистон Республикаси Марказий банкidan олинган қисқа муддатли ссудалар”

К-т 21602/21606 “Марказий банкдан (бошқа банклардан) олиган қисқа муддатли ссудалар”

Баланс ҳисоботи тузиш ёки ҳисоб-китоб санасида:

- кредит берган бўлса:

Олиш учун ҳисобланган фоизлар суммаси;

Д-т 16309 (тижорат банки) ёки 16305 (Марказий банк) “Олиш учун ҳисобланган фоизлар суммаси”

К-т 41601 “Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли ссудалар бўйича фоиз даромадлари”.

- Кредит олган банкда;

Тўлаш учун ҳисобланган фоизлар суммаси;

Д-т 53101/53106 (тижорат банки) ёки 52002 (Марказий банк) – “Марказий банкдан олинган қисқа муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар”

К-т 22410 “Олинган ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар”

Тўлаш (ундириб олиш) муддати етиб келганда ва тижорат банки вакиллик ҳисобварағида етарли маблағлар мавжуд бўлганида қуйидаги ўтказмалар қилинади:

а) Кредит учун тўлов суммаси;

Д-т /21606 (тижорат банки) ёки 22114 (Марказий банк) “Марказий банкдан (бошқа банклардан) олинган қисқа муддатли ссудалар”

К-т 10301 Тижорат банки вакиллик ҳисобварағи (ўзиники)

б) Тўлаш учун ҳисобланган фоизлар суммаси:

Д-т 22410 “Олинган ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар”

К-т 10301 Тижорат банки вакиллик ҳисобварағи (ўзиники)

Тижорат банки вакиллик ҳисобварағида пул маблағлари бўлмаган ёки етарли бўлмаган ва кредит белгиланган муддатда тўланмаган ҳолларда қуйидаги бухгалтерлик ўтказмалари қилинади:

- Кредит берган банкда:

Муддати ўтган кредит тўлов суммаси,

Д-т 12105 “Бошқа банкларга берилган муддати ўтган ссудалар”

К-т 12101 “Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли ссудалар”

Кредит олган банкда муддати ўтган кредит суммаси балансдаги 21602-21606-“Марказий банкдан (бошқа банклардан) олинган қисқа муддатли ссудалар” ҳисобварағига ҳисобга олинади.

Муддатида тўланмаган қарзлар суммасидаги кредит ресурслари

кредиторга қайтарилаётганда қуйидаги ўтказмалар қилинади:

Кредит олган банкда:

Д-т 21602/21606 (тижорат банки) ёки 22114 (Марказий банк) “Марказий банкдан (бошқа банклардан) олинган қисқа муддатли ссудалар”

К-т Тижорат банки вакиллик ҳисобварағи (ўзиники)

Кредит берган банкда:

Д-т Тижорат банки вакиллик ҳисобварағи

К-т 12105 “Бошқа банкларга берилган муддати ўтган ссудалар”

Муддатидан олдин бўшаган қайта молиялаш кредитларини ўз вақтида қайтармаганлик учун тижорат банкларига нисбатан Марказий банк кредит шартномасида кўзда тутилган чоралар қўллашга ҳақли.

Қайта молиялаш кредитлари қайтарилемаган ҳолларда, Марказий банк гаровга қўйилган мулкни сотиш ёки кафолат хати бўйича талабнома қўйиш орқали қарз суммасини ундириб олиш ҳукуқига эга.

Банклар томонидан аниқ мақсадли кредит ресурсларидан белгилангандан ташқари мақсадларда фойдаланишига йўл қўйилган ҳолларда, ушбу кредитлар муддатидан олдин қайтариб олинади.

Таъсир чоралари Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаси ва тижорат банки ўртасида тузиладиган кредит шартномаларида акс эттирилиши шарт.

Қўйидаги таянч сўзларга таъриф беринг.

актив операциялар	ўзгарувчан ставка
пассив операциялар	ўзгармас фонд ставкалари
банк ресурслари	опкол кредитлар
кредит ресурслари	брокер ва маклерлар
воситачилик операциялари	акцентли операциялар
ишонч операциялар	фонд операциялари
банкнинг ўз маблағлари	кредитлар сифати
жалб қилинган маблағлари	яхши кредитлар
тақсимланган фойда	стандарт кредитлар
жорий счетлар	субстандарт кредитлар
муддатли депозитлар	ишончсиз кредитлар
қўйилмалар	шубҳали кредитлар
банклараро кредитлар	факторинг операциялар
банкнинг элементланган маблағлари	траст операциялар
фонд ставкалари	банкнинг комиссион операциялари

Ўз билимини текшириш бўйича саволлар

1. Банкларнинг пассив операциялари деганда нимани тушунасиз?
2. Пассив операцияларнинг турларини келтиринг.
3. Банк ресурсларининг моҳияти ва таркибини ифодаланг.

4. Банкнинг актив операциялари деганда нимани тушунасиз ва уларнинг турларини сананг.
5. Жалб қилинган ресурсларнинг таркибини тушунтириңг.
6. Тижорат банкларини ўз маблағларига қандай маблағлар киради?
7. Тижорат банклари капитали қандай ташкил қилинади, таркиби нималардан иборат?
8. Тижорат банкларнинг капитали миқдори қандай аниқланади ва унга таъсир қилувчи омилларни сананг.
9. Депозитлар нима, уларнинг қандай турларини биласиз?
10. Тижорат банкларида ресурс етишмовчилигини қандай йўллар билан ҳал қилиш мумкин?
11. Марказий Банк томонидан Тижорат банкларини кредитлаш қоидасини тушунтириңг.

V-боб. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ АКТИВЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАРКИБИ ВА СИФАТИ

1-§. Банк активлари, уларнинг моҳияти ва таркиби

Тижорат банклари фаолиятида унинг активлари ва улар билан боғлиқ актив операцияларининг рисклиқ даражасини аниқлаш бу жараёнини бошқариб бориш муҳим ўрин тутади.

Банк активлари таркиби дейилганда, баланс якунига нисбатан ҳар хил сифатдаги активлар салмоғи тушунилади. Тижорат банклари активларини асосан тўрт категорияга бўлиб ўрганиш мумкин: кассадаги пул маблағлари ва уларга тенглаштирилган маблағлар; инвестиция ва қимматли қоғозлар; ссудалар; бинолар ва асбоб-ускуналар.

Банк активлари- бу банкка тегишли ҳамда моддий қийматга эга бўлган қийматликлар: нақд маблағлар, қарзга берилган маблағлар, бинолар ва асбоб-ускуналардан ташкил топади. Булардан ташқари банкда номоддий активлар ҳам мавжуд бўлиб, булар ўзларининг моддий шаклига эга бўлмайдилар, аммо банкнинг асосий фаолиятида фаол иштирок этадилар. Банк активлари таркибининг тўғри белгилаб олиниши ва улардан мақсадли фойдаланиши банкларнинг самарали фаолият олиб боришига асос ҳисобланади.

Тижорат банкларининг активлари ўзига хос белгиларига кўра ликвидлик ва риск даражасига қараб ҳамда даромад келтиришига қараб бир неча гурухларга бўлинади.

Банк балансида активлар ликвидлик даражасига қараб акс эттирилади ва ликвидлик даражасига қараб улар қўйидаги 3 гурухга: юқори ликвидли активлар, ликвидли активлар, ноликвид (паст ликвидли) активларга бўлинади.

1 гурух - юқори ликвидли активлар. Буларга:

- а) кассадаги ва йўлдаги нақд пуллар, қимматбаҳо тошлар, монета, чеклар ва бошқа пул ҳужжатлари;
- б) вакиллик ҳисобварағидаги маблағ қолдиқлари;
- в) «Ностро» ва «Востро» счетлардаги қолдиқлар;
- г) мажбурий резервлар счети бўйича маблағлар қолдиғи;
- д) қимматли қоғозлар, хазина векселлари, давлат облигациялари, УРМБ нинг қимматли қоғозлари ва облигациялари.

2 гурух - ликвид активлар. Буларга:

- а) берилган кредитлар (жумладан, банклараро ҳам);
- б) ўз инвестициялари;

в) бошқа қимматли қоғозлар, муддати 30 кунгача бўлган дебиторлар;

3 гурух - ноликвид (паст ликвидли) активлар. Буларга:

- а) муддати ўтган ссудалар;
- б) муддати ўтган фоизлар;
- в) суд аралашуви билан ўзлаштирилиши кўзда тутилган ссудалар;
- г) тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- д) асосий воситалар киради.

Банк доимий тарзда ўзининг ликвидлилигини маълум бир даражада сақлаши керак, яъни ўзининг тўловга қобиллигини шубҳа остида қолдирмаслиги керак. Ликвидлиликка бўлган талаб активлардан келадиган даромадни ошириш фаолиятига маълум даражада қарши туради. Банкнинг активлари қанчалик даражада ликвидли бўлса шунчалик улар билан боғлиқ риск кичик бўлади, аммо шунга жавобан уларга тўланадиган фоиз ҳам шунчалик кам бўлади.

Белгиланган тўловга қобиллик доирасидан чиқмаган ҳолда активларга жойлаштирилган капиталдан даромадни ошириш, банкда бошқариш санъатини белгилайди.

Банк ликвидлиликни икки хил йўл билан таъминлаш мумкин:

1. Ортиқча ликвидли активларни йиғиш орқали;
2. Жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган усул – ликвидлиликни кам даромад келтирувчи ва тез сотилувчи қимматли қоғозларга инвестициялаш усулидир.

Кассадаги пул маблағлари – банкнинг кассасидаги сақланаётган ва банк кунлик ҳисобрақамлар бўйича нақд пул беришга, пулни майдалаб беришга, нақд пул шаклида кредитлар беришга, банк харажати учун ҳақ тўлашга, хизматчиларга иш ҳақи беришга ва бошқа харажатларга ишлатиш учун зарур бўлган қоғоз пуллар ва тангалар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам банк мижознинг талабини қондириш учун бериладиган қоғоз пулларга ва тангаларга эга бўлиши керак. Ушбу кассадаги нақд пулларнинг қолдигига бир нечта омиллар таъсир қиласи, жумладан: мавсумийлик, банкнинг ҳудудий жойлашиши ва бошқалар. Одатда жаҳон амалиётида банк активларнинг нақд пул бўлимига, кассадаги нақд пуллар, мажбурий заҳиралар фондига ажратмалар, вакиллик банкларга жойлаштирилган депозитлар ҳамда инкассация қилинаётган нақд пуллар қўшилади, чунки бу маблағлар биринчи талаб қилинганда нақд пулга айланади. Шунинг учун ҳам бу маблағларни банкда “биринчи мудофаа чизиги” деб аташади, чунки мижоз тасодифан ўз депозитини ёки кредит сўраб келганда айнан шу маблағлардан фойдаланилади.

2-§. Банк активларининг сифат даражаси

Банк активлари таркибида биринчи даражали ликвидли активлар ҳиссаси қанчалик қўп бўлса, банк ликвидлилиги шунча юқори бўлади. Лекин, шуни ҳам алоҳида белгилаш зарурки, бундай активлар даромад келтирмайди, шунинг учун бундай таркибий активларни ҳар қандай ҳолатда мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаб бўлмайди.

Рисклик даражасига қараб активлар тўрт гурухга бўлинади.

1 гурух - рискдан ҳоли бўлган активлар. Буларга: нақд пуллар ва бошқа касса хужжатлари, Марказий банкдаги «Ностро», «Востро» счетидаги маблағлар, мажбурий резерв счетидаги маблағлар, хазина векселлари, давлат облигациялари, Марказий банкнинг қимматли қофозлари ва облигациялари киради.

2 гурух - кичик (минимал) рискли активлар. Буларга: бошқа банкларнинг «Ностро» ва «Востро» корсчетларидағи олиниши лозим бўлган маблағлар, еврооблигациялар, қисқа муддатли биринчи синф таъминланганликка эга бўлган кредитлар ва бошқа хужжатлар. Бу активлар бўйича риск даражаси 20% га тенг.

3 гурух - юқори рискли активлар: бошқа банкларга берилган кредитлар, бошқалар учун банк берган гаров ва кафолатлар. Бу активлар бўйича риск 50 % га тенг.

4 гурух - энг юқори даражадаги (максимал) рискли активлар: қимматли қофозлар сотиш ва сотиб олиш счети, сотиб олинган векселлар, траст хужжатлар ва аккредитивлар тратталари бўйича мижозларнинг мажбуриятлари, банкнинг тўланмаган акциялари бўйича мижозларнинг мажбуриятлари, суд жараёнида бўлган кредитлар, аккредитивлар, форвард, сотиш ва сотиб олиш (банк билан ва банклараро) лар киради.

Булар бўйича риск даражаси максимал бўлиб, у 100% га тенг бўлади.

Тижорат банкнинг баланс маълумотлари шуни кўрсатадики, 2002 йил 1 январда банкнинг умумий активлари 60,1 млрд. сўмни ташкил қилди. Шундан 14% (яъни 8,5 млрд. сўмни) рискдан ҳоли бўлган активлар, 68% (41млрд сўм) кам рискли активлар, 1% (0,6 млрд. сўм) эса катта рискли активларни, максимал даражали рискли активлар 17,1% ни ташкил қилади. Рискни инобатга олганда барча активлар 18,8 млрд. сўмни ташкил қилган.

Тижорат банк бўйича рискка тортилган активларни ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	риск 0%	риск 20%	риск 50%	риск 100%
Активлар				
1. Накд пуллар ва бошка касса хужжатлари	683502			
2. М.Бнинг Ностро корсчетидан олиши лозим активлар	5928150			
3. М.Бнинг мажбурий резервлар счетидан олиши лозим активлар	237544			
4. Бошқа банклардан олинадиган активлар				
5. Корсчет Ностро	1678797	1020766		
6. Хазина векселлари	246			300970
7. Кимматбахо металлар			447943	
8. Сотиб олинган векселлар				
9. Бошқа банкларга берилган кредитлар				
10. 1 синф таъминотга эга бўлган кредитлар		3990879		
11. Таъкинланган кредитлар				4611503
12. Суд жараёнидаги кредитлар				39544
13. Инвестициялар				358490
14. Банк биноси ва аслаҳалар				2878040
15. Бошқа активлар				2149420
Жами активлар	8528239	40929745	447943	10337967
16. Берилган гаров ва кафолатлар			207181	38515
17. Аккредитивлар			207181	38515
18. Жами балансдан ташқари счетлар			207181	38515
19. Жами активлар	8528239	40929745	655124	10376482
20. Жами рискли активлар		8185949	327562	10376482
21. Жами рискни инобатга олгандаги активлар				18889993

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларнинг банк амалиётида активларнинг сифатини аниқлашнинг асосий мезони бўлиб рискка тортилган активларнинг капиталга нисбати майдонга чиқаёттир ва шунга асосан банклар рейтинги белгиланади. Рейтинг беш типдаги баҳолар туркумига эга.

1 рейтинг (кучли).

Агар тортилган активларнинг акционер капиталига нисбати 5 фоиздан ошмаса, бъязи ҳолларда бу нисбат 5 фоизлик чегарадан озроқ ошса ҳам, агар банкнинг иқтисодий шароити бақувват бўлса ва бошқарув органлари ўзларининг муаммоли кредитлар билан ишлашда билимдонлигини кўрсатса, бу активни кучли активлар сифатида келтириш мумкин.

2 рейтинг (қониқарли).

Резервнинг ўртача тортилган миқдори жами капиталга нисбатан 15 % дан юқори бўлмаслиги лозим. Бу ҳолда ҳам ссудалар бўйича муаммолар бўлмаса,

банкнинг кредит сиёсати талаб даражасида олиб борилса шу гурухга киритиш мумкин.

3 рейтинг (ўртача).

Тортилган активлар жами капиталнинг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

4 рейтинг (муаммоли)

Тортилган активлар жами капиталнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

5 рейтинг (қониқарсиз).

Тортилган активлар жами капиталнинг 50 фоизидан ошган ҳолда қўлланилади.

Даромад келтиришга қараб банк активлари: даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларга бўлинади.

Даромад келтирувчи активларга қуйидагилар киради:

- а) Барча берилган кредитлар (жумладан банклараро кредитлар)
- б) инвестициялар (ўзиники)
- в) хазина векселлари
- г) давлат облигациялари
- д) қимматли қофозлар.

Даромад келтирмайдиган активларга қуйидагилар киради:

- а) пул активлари гурухи
- б) асосий воситалар
- в) капитал ҳаражатлар
- г) барча моддий активлар ва бошқа активлар
- д) номоддий активлар киради.

2 гурух активларига банк фаолиятида катта эътибор берилиши лозим. Чунки бу гуруҳда активларни сифатини пасайтирувчи активлар, муддати кечикирилган, фоизсиз ссудалар, муддати ўтган ссудалар ва фоизлар тўланмаган ижара ва бошқалар бўлиши мумкин. Активларнинг мақсадга мувофиқ жойлашиши бўйича умумий кўрсаткич - даромад келтирувчи активларнинг умумий активлар суммасига нисбати орқали аниқланади. Тижорат банкларининг даромад келтирувчи асосий активлари – мижозларга берилган кредитлардир. Банкларнинг иккинчи даромад келтирувчи актив тури – давлатнинг қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО) га жалб қилинган банклараро кредитлар ва инвестициялар кичик салмоқни ташкил қиласи.

Муддати ўтган активларнинг салмоғи умумий активлар ҳажмидан 3 фоиздан ошмаслиги лозим.

Агар бу активлар миқдори 2 ва ундан ортиқ марта ўрнатилган нормадан кўп бўлса, банк фаолияти жуда муаммоли, унинг кредит сиёсати жуда заиф деб баҳоланади.

**Даромад келтириш даражасига қараб Тижорат банки
активларини гурухлаш**

Активлар	01.01.2001	01.01.2002	фарқ қ -
Даромад келтирувчи активлар			
Сумма	17353	52593	+35240
Фоиз	55	80,2	+25,2
Даромад келтирмайдиган активлар			
Сумма	14224	1296	-1262
Фоиз	45	19,8	-25,2
Жами	31577	65555	+ 33978

Жадвал маълумотлари шуни қўрсатадики, 2002 йилда 2001 йилга нисбатан банкнинг даромад келтирувчи активлари 25,2 пунктга ошган, шунга мувофиқ равишда даромад келтирмайдиган активлар миқдори эса 1262 млн. сўмга камайган.

Бу банкнинг молиявий аҳволи яхшиланганлигидан далолат беради.

Тижорат банкларида даромад келтирувчи активлар қаторида кредитлардан ташқари қимматли қоғозлар, чет эл валютасида жалб қилинган маблағлар ҳам мавжуд.

Агар активлар таркибида даромад келтирувчи активлар салмоғи қанча қўп бўлса, бу ҳолат банк ўз активларидан даромад олиш мақсадида самарали фойдаланаётганини билдиради.

Тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида инвестицион институт сифатида фаол иштирок этадилар. Банклар қимматли қоғозлар бозорида брокер ва диллер сифатида иштирок этадилар.

Тижорат банклари фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар қимматли қоғозлар бозорининг бошқа қатнашчиларидан фарқли ўлароқ, шу бозорда айни вақтда энг салмоқли инвесторлар ва энг ишончли эмитентлар сифатида ўзини намоён эта оладилар. Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида компания активларининг 40-80 % банк капитали ҳисобидан таъминланади, қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операциялардан тушадиган даромадлар эса банк фойдасини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Тижорат банклари ўз активларини диверсификациялаш, қўшимча даромад олиш ва балансининг ликвидлигини таъминлаш мақсадида ДҚМО дан кенг фойдаланадилар. Бу қимматли қоғозлар бўйича олинадиган даромад кафолатланган ва улар юқори ликвидлиликка эгадир.

Даромад келтирмайдиган активлар гурухига касса, Марказий банқдаги «Ностро» вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар, асосий воситалар киради. Банк активлари ҳажмида даромад келтирмайдиган активлар салмоғини юқори бўлиши банкнинг ресурслар базасида самарасиз ликвидлилик даражасини қўрсатади.

Банкда даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларни таҳлил

қилиш, уларнинг функциялари иқтисодий шароитга боғлиқ ҳолда уларнинг таркибини ўзгартириб туриш кераклиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. Иқтисодий бекарорлик шароитида фаолиятсиз активларнинг қўпгина қисми фаолият қилаётган активларнинг элементларига айланади, кўпинча бу валюта ва ҳаракатсиз активларга тегишилдир. Агар тижорат банклари ўзларининг баланслари таркибини ўзгартирмаса, бу банк фаолиятида муаммолар юзага келишига олиб келади.

**Тижорат банк активларининг ликвидлилик даражасига
қараб гурухланиши**

Активлар	1.01.2001	1.01.2002	Фарқ +, -
Биринчи гурух активлар			
Активлар суммаси	6614	9548	2934
Фоизда	21,0	14,6	- 6,4
Иккинчи гурух активлар			
Активлар суммаси	16639	45270	28631
Фоизда	52,7	69,0	+ 16,3
Учинчи гурух активлар			
Активлар суммаси	8324	10737	2413
Фоизда	26,3	16,4	- 9,9
Жами:	31577	65555	33978

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, ликвидлик даражаси бўйича иккинчи гурух активлар асосий ўринни эгаллайди ва уларнинг салмоғи 69% ни ташкил қилади, уларнинг миқдори 2001 йилга нисбатан 2,7 марта ўсган, юқори ликвид маблағлар 14,6% ни ташкил қилиб уларнинг миқдори 1,4 марта ўсган бўлса, учинчи гурух активлар 16,4% ни ташкил қилиб йил давомида 1,3 марта ўсган. Шу билан бирга биринчи ва учинчи гурух активларининг миқдори 1.01.2002 йилда 1.01.2001 йилга нисбатан мос равишда 6,4% ва 9,9% га камайган.

Тижорат банклари активлари билан боғлиқ бўлган рисклар ичida кредит операциялар бўйича рисклар асосий ўринни эгаллайди. Бу актив операциялар билан боғлиқ бўлиб, бу рискларга берилган кредитлар, ҳамда тўлов муддати кечикирилган ссудалар бўйича рисклар киради.

Кредит риски нафақат кредит обьектига, балки кредит субъектига янгича ёндашиши орқали ҳам ўсиб боради.

Бу риск тўғри мижознинг молиявий аҳволи оғирлашганда, уларнинг фаолиятида кўзда тутилмаган қийинчилик ва муаммолар юзага келганда, бозорда нокулай шароит юзага келгани сабабли пайдо бўлиши мумкин.

Худди шунинг учун ҳам ҳар бир тижорат банки ўз активларини жойлаштиришни ва уни бошқариш усусларини ўзи ишлаб чиқмоғи зарур. Маълумки, тижорат банклари активларининг қиймати ва улардан олинадиган фойда ўзгариб туриши мумкин. Активлар билан боғлиқ рисклар активлар баҳосининг ва улар бўйича олинадиган фойда миқдорининг камайиши активлар бўйича рисклар салмоғининг ошишига олиб келади.

Бу масалани активларни тўғри диверсификация қилиш йўли билан ҳал қилиш мумкин. Чунки баъзи бир активлар бўйича улар қийматини пасайиши бошқа активлар қийматини ўсиши билан қопланиши ва натижада банк активларининг умумий қийматларини сақлаб қолиши имкониятига эга бўлиши мумкин.

Банк активларининг қийматини ва улардан келадиган даромадларни тўғри ҳисоб-китоб қилиб режалаштириш банк фаолиятининг самарадорлигига олиб келиши, активлар қийматини нотўғри ҳисоблаш, уларни жойлаштириш

банкнинг молиявий аҳволида қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Қўйидаги таянч сўзларга таъриф беринг.

Банк активлари
Рискли активлар
Даромад келтирувчи активлар
Даромад келтирмайдиган активлар
Банк активлари таркиби
Юқори ликвидли активлар
Ликвид активлар
Ноликвид (паст ликвидли) активлар
Банк активларининг сифати
Рисқдан холи активлар
Кичик ва юқори рисқли активлар

Ўз билимини текшириш учун саволлар

1. Банк активлари деганда нимани тушунасиз ва уларни сананг?
2. Банк активлари риск даражасига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?
3. Банк активлари даромад келтиришига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?
4. Ликвидлилик даражасига қараб банк активлари қайси гуруҳларга бўлинади? Ҳар бир гуруҳни эсланг ва уларнинг таркибини изоҳлаб беринг.
5. Банк активларининг сифат даражаси деганда нимани тушунасиз?
6. Рисқка тортилган активларнинг банк капиталига алоқаси қандай бўлиши лозим? Даромад келтирадиган ва келтирмайдиган активларга тавсиф беринг.

VI-боб. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ, БАНК ФОЙДАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

1-§. Тижорат банкларнинг даромадлари ва уларнинг туркумланиши

Тижорат банкларнинг даромадлари ва уларнинг манбаларини банк фаолиятига қараб, яъни тижорат банклари амалга оширадиган операциялар нуқтаи назаридан классификация қилиш мумкин.

Тижорат банкларининг даромади банк фаолиятининг кредит бериш, дисконт фаолияти, траст (ишонч) хизмати кўрсатиш, банкларнинг кафолатлаш фаолияти, қимматли қоғозлар билан операциялар, депозитларни қабул қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш билан боғлик фаолият, бошқа банклар билан вакиллик муносабатларига асосланган фаолият, ноанъянавий хизматлар кўрсатиш билан боғлик фаолият ва бошқа фаолият турлари натижасида шаклланади.

Ушбу фаолиятларнинг ҳар бир тури банк ушбу операцияларда қандай вазиятда қатнашишига қараб ажralиб туради. Юқоридаги фаолият турларининг баъзилари актив операцияларга кирса, баъзилари эса пассив операцияларга киради. Даромадлар ҳар бир фаолият туридан турлича келиши мумкин. Актив операциялардан келадиган даромад умумий даромадларнинг асосий салмоғини ташкил этади.

Кредитлаш операциялари воситасида даромадларнинг шаклланишини икки таркибий элементга бўлиш мумкин:

- мижозларга, яъни юридик ва жисмоний шахсларга кредит бериш;
- бўш резерв маблағларини фоиз ҳисобига бошқа тижорат банкларига вақтингчалик фойдаланишга бериш.

Кредит беришнинг иккинчи тури банклараро кредит ёки бошқа банкдаги муддатли депозит шаклида ҳам бўлиши мумкин. Кредит бериш фаолиятининг ривожланиши шарт-шароитлари бўлиб, кредит муассасалари орасида маълумот айирбошлишнинг яхши йўлга қўйилганлиги, воситаларнинг мавжудлиги, яъни банк бозорида ресурсларни қайта тақсимлаш билан шуғулланувчи воситачиларнинг борлиги ҳамда вакиллик ҳисобваракларини малакали бошқариш ҳисобланади.

Хозирги кунда Республикаиз банк тизимида мижозларни ҳамда бошқа банкларни кредитлаш тижорат банклари даромадининг асосий қисмини ташкил этади. Кўпгина банклар қисқа, ўрта ва узок муддатларга мавжуд маблағларини кредитга бериб, турлича фоиз ставкалар ўрнатган ҳолда даромад оладилар. Ҳар бир банк фоиз ставкаларини ўз кредит сиёсатига мос равишда белгилайдилар ва бу ставкалар бир-биридан фарқланиши мумкин. Бироқ орадаги фарқ унчалик катта эмас, чунки барча банклар ўз фоиз ставкаларини Марказий банк белгилаб берган мажбурий резерв ставкасига мос ҳолда белгилайдилар.

Жаҳондаги етакчи мамлакатлар банк тизимида кредитлашнинг кўпгина турлари мавжуд бўлиб, улар қай мақсадга йўналтирилганига қараб гурухланади. Хусусан, ипотека, ломбард, овердрафт, контокоррент, истеъмол ва бошқа кўпгина кредит турларини санаб ўтиш мумкин. Бироқ бизда одатдаги

қисқа, ўрта ва узок муддатга кредитлаш кўп ҳолларда қўлланилади. Кўпгина кредит турларининг амалиётда йўқлиги ҳали иқтисодий тизимнинг мукаммал ривожланмаганлигидан, капитал айланишининг сустлиги, кредитлаш билан боғлиқ кўпгина рисклар мавжудлиги каби омилларнинг мавжудлигидадир.

Дисконт – фаолиятнинг банк томонидан тўланмаган векселлар, чеклар ва талабномаларни маълум скидка-дисконт эвазига харид қилиши тушунилади.

Дисконт – фаолиятнинг асосий турларидан бири бўлиб, банкнинг факторинг операциялари ҳисобланади.

Факторинг операцияларининг ушбу тури икки хил бўлади:

- регресс ҳукуқи билан;
- регресс ҳукуқисиз.

Биринчи ҳолатда банк тўловчи томонидан қопланмаган мажбуриятни мол етказиб берувчидан талаб қилиш ҳукуқига эга бўлади. Иккинчи ҳолатда эса банкда бу ҳукуқ йўқ, шу боис риск юқори ва шунга яраша фоиз ҳам юқори қўйилади.

Банк томонидан факторинг операцияси учун оладиган фоизлар, яъни мукофот икки қисмдан ташкил топади, булар:

- 1) тўлов амалга оширилгунга қадар банк кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун фоизлар;
- 2) факторинг операциясининг турига мос равишда бўладиган рисклар билан боғлиқ ўрнатиладиган комиссиян мукофот бўлади.

Даромад манбанинг ушбу тури фоизли даромадлар гурухига киради.

Траст (ишончлилик) ва вакиллик операциялари бўйича банк фаолиятининг ушбу тури банкка даромадни мижоз мулкини (кўчмас мулк, қимматли қофозлар, ҳисоб рақамдаги маблағлар) бошқариш ёки ушбу мулкка доир айрим маҳсус топширикларни бажариш орқали комиссиян тўловлар шаклида келтиради. Траст шартномаларида банк келишувга мувофиқ тарзда мижозга мулкларни бошқариш эвазига маълум фоиз ваъда қиласи. Вакиллик, яъни агентлик хизмат турида банк ва мижоз орасида операциянинг аниқ тури белгилаб берилган бўлади. Траст операцияларида ҳам ўзига яраша мураккаблик мавжуд. Хусусан, жорий йилда мижоз мулкидан фойдаланиш эвазига келган даромад келишувга нисбатан паст бўлиши мумкин, бунда эса зарар банк томонидан қопланиши керак. Шу боис траст хизматлари учун комиссиян тўловлар ҳам юқорироқ бўлади. Юқоридаги хусусиятга кўра, траст хизмати учун комиссиян тўлов ҳам қўйидаги элементлардан ташкил топган:

- мулкни бошқариш учун олинадиган ўзгарувчан тўлов;
- траст иши бўйича натижаларга мос равишда банк оладиган фиксиранувчи комиссиян мукофот.

Тижорат банкларининг қимматли қофозлар билан боғлиқ операциялари ҳам банкка маълум даромад келтиради. Фаолиятнинг ушбу тури икки қисмдан ташкил топади. Яъни, буларга: банкнинг ўзи томонидан қимматли қофозлар чиқарилиши ва уларнинг бозорда сотилиши; бошқа эмитентлар қимматли қофозлари билан боғлиқ иккиласи бозордаги операциялар ҳамда корхона ва ташкилотларни хусусийлаштириш билан боғлиқ хизматлар киради. Банкнинг тижоратнинг ушбу турида оладиган даромади ўзи чиқарган ва бошқа

эмитентларнинг акциялар курсидаги фарқланиш ва хусусийлаштириш учун оладиган хизмат тўловларидан ташкил топади.

Чет эл банк тизимида қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар даромад манбалари орасида катта салмоққа эгадир. Бунга асосий сабаблардан бўлиб, сармоя бозорларининг мукаммал ва тўлиқ фаолият юритиши ҳамда капитал айланиш механизмларининг пухта ишлаб чиқилганлиги деб ҳам қараш мумкин. Афсуски, ўзимизда иккиласми бозор амалда қарийб фаолият юритмайди. Эндигина ҚМДО ва баъзи қимматли қоғозларнинг турлари бўйича операциялар амалга оширила бошланди. Бироқ ҳали мукаммал фаолият кўрсатиш учун етарли даражага етишиш учун кўп вақт керак бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар ёрдамида банклар инвестицион фаолиятни амалга оширишлари мумкин бўлади. Бу эса банклар учун даромадларнинг янги манбаларини кашф этади. Ундан ташқари маблағларнинг қимматли қоғозлар орқали молиявий инвестиция эвазига ишлаб чиқаришга йўналтирилиши иқтисодиёт ўсишининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларнинг бизнинг мамлакатимизда яхши ривожланмаганлигига банклар ихтиёридаги маблағларнинг етарлича бўлмаслиги ва оқибатда акция, облигациялар сотиб олишга йўналтирилмаслиги ҳам сабаб бўлади. Маблағ мавжуд бўлганда ҳам акциялардан келадиган даромад жуда пастлиги ва кўпгина эмитентлар хўжалик фаолиятининг ишончсизлиги ҳам бу соҳанинг етарли ишламаслигига олиб келади.

Банкнинг кафиллик фаолияти банкка пул шаклида даромад келтиради. Банк мижозларга кредитларини олиш учун ёки ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун турли хил кафиллик ва кафолатномалар беради ва эвазига пул шаклида комиссион мукофот олади. Баъзи ҳолларда мижоз учун кафиллик банк томонидан обрўни ошириш каби мақсадлар учун ҳам берилади.

Маблағларни депозитларга жалб қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш билан боғлиқ фаолият. Ушбу операциялар қуйидаги шаклларда даромад келтириш имконини беради:

- 1) комиссион тўловлар:
 - ◆ ҳисобрақам очиш учун
 - ◆ ҳисобрақам юритиш учун
- 2) маълум давр учун ўзгарувчан тўлов
- 3) оборотдан комиссион ҳақ(оборотдан % шаклида)
 - ◆ ҳисобрақамда бўлган операциялар ҳакида кўчирма
 - ◆ ҳисобрақамни ёпиш
 - ◆ нақд пул бериш ёки ҳисоб-китоб бўйича операцияларни амалга ошириш.

Банкларнинг даромадлари юқоридаги фаолият турларининг барчасидан ёки бир қисмидан ташкил топиши мумкин.

Республикамиз банк тизимида юридик ва жисмоний шахслар маблағларини банклар томонидан депозитларга жалб қилиш банк хизматалари орасида энг кўп тарқалган туридир. Ҳозир барча юридик шахслар ҳисобрақамлари банкларда талаб қилиб олингунча депозит шаклида бўлиб,

банклар уларни юритиш билан даромад оладилар. Яъни ҳар бир операция эвазига банк фиксиранган фоизларни ушлаб қолади ва шундан даромад кўради.

Банк ноанъанавий хизматларидан келадиган даромад лизинг операциялари, информацион, консультатив хизматларни кўрсатиш орқали келади.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб, банк даромадларини шаклига кўра қуидаги уч гурухга ажратиш мумкин:

- 1) фоизли даромад;
- 2) кўрсатилган хизматлар учун комиссион тўлов;
- 3) бошқа даромадлар – валюта курсларидағи фарқлар, баланс ва бозор нархларининг фарқланиши ва бошқалар.

Тижорат банкларининг янги қабул қилинган бухгалтерия режасини қараб чиқадиган бўлсак, бу ерда даромадлар қуидагича таснифланади:



Энди биз яна ҳам аниқроқ қилиб тижорат банкларининг даромадлари таркибини кўриб чиқамиз.

2-§. Тижорат банкларининг фоизли ва фоизсиз даромадлари

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг даромадлари ва харажатлари «Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ҳамда Марказий банк томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг даромадлари, харажатлари ҳисобини юритиш ва уларнинг даромад солиғини ҳисоблаш тўғрисида» Муваққат Низомида тижорат банкларининг фаолият қилиш тартиби белгиланган бўлиб, банклар бу меъёрий хужжатлар асосида ўз даромадлари ва харажатларини амалга оширадилар.

Хар бир тижорат банклари ўз фаолиятларини олиб боришдан мақсади юқори даромад олишга қаратилган. Бу даромадларни кўпайтириш йўлларини тижорат банклари ўzlари мустақил равишда белгилайдилар.

Фоизли даромадлар

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари асосий даромадларини бажарадиган операциялардан олади. Энг аввало, банк оладиган даромад бўлиб унинг кредит операцияси ҳисобланади. Тижорат банклари мижозларга маълум муддатга қатъий белгиланган фоизларда кредит беради. Банк бундан ташқари ахолига кўрсатадиган хизматлар учун ҳақ олади.

Фоизли даромадлар олдиндан шартнома асосида белгиланган фоиз ставка бўйича ҳисобланади. Булардан асосийлари кредит бўлиб банклар ўз капиталини тезроқ кўпайтириш мақсадида, жалб қилинган маблағлардан самарали фойдаланиш ва улардан фойдалганда кўпроқ фойда олиш учун, қисқа муддатли кредитга кўпроқ маблағ йўналтиради. Чунки бу қисқа муддатли кредит жуда оз фурсатда яна банкка қайтиб у бўйича ҳисобланган фоизлар ҳам банк даромадига келиб тушади.

Банклар мижозларнинг ҳисобидан уларнинг топшириқларини бажариш билан боғлиқ комиссион операцияларни ҳам олиб борадилар.

Бундай комиссион операциялар мамлакат ичida ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга пул ўтказишида, банк ўз мижозларига уларнинг ҳисоб-китоб, жорий, валюта, қарз ва бошқа ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш бўйича кўрсатадиган хизматлар, нақд пул бериш (олиш) шунингдек ахборот, маслаҳат, экспертиза ҳамда бошқа хизматлар кўрсатишида юзага келади ва улардан олинадиган ҳақлар ҳам банк даромадини ташкил этади.

Бундан ташқари банклар инвестиция бўйича, яъни қимматли қофозларни сотиб олиш орқали ҳам юқори даромад оладилар.

Тижорат банклари қимматли қофозлар чиқариш ва жойлаштириш билан ҳам шуғулланиши мумкин. Яъни, банк қимматли қофозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни саклаш, мижоз билан тузилган шартномага асосан қимматли қофозларни бошқариш, қимматли қофозлар билан бошқа операцияларни бажариш орқали даромад кўради.

Саноат қурилиш банкида фоизли даромадларнинг динамикаси

	2000й.	2001й.	2002й.
Ялпи даромад	100%	100%	100%
Фоизли даромадлар	33,7%	45,2%	48,4%

Саноат қурилиш банкида фоизли даромадлари таркиби

	2000й.	2001й.	2002й.
Ссудадан олинган фоизлар	94,1	98,2	91,2
Лизингдан олинган фойда ва дисконтлар	0,0	1,7	1,7
Қимматли қоғозлардан олинган даромад	5,9	0,1	6,7
Бошқа фоизли даромадлар	0	0	0
Жами фоизли даромадлар	100	100	100

Тижорат банклари бажарадиган операцияларидан оладиган даромадлари таркибига яна банкнинг форфейтинг (векселлар ҳисобини юритиш), факторинг (қарзларни ундириш, товар ва хизматларни қайта сотиб, кейин улар учун тўловларни ундиришга доир ҳуқуқларни қабул қилиш), траст (ишончга асосланган) операциялари ҳам киритилади. Бу операцияларни тижорат банклари мижознинг топшириғига кўра амалга оширадилар ва операция ниҳоясида белгиланган тартибда даромад олади.

Фоизсиз даромадлар.

Тижорат банклариниг фоизсиз даромадларига қуйидагиларни киритиши мумкин:

- * Банкка тегишли мулкни ижарага беришдан тушадиган, жумладан лизинг операциялари ўтказишдан олинадиган даромадлар. Ушбу операцияларда тижорат банклари ижарага темир сейфларни мижоз билан келишилган шартномага биноан беради ва мижоздан ушбу ижара учун ҳақ олади. Банклар бундан ташқари мижозларга лизинг операцияларини ҳам кўрсатади. Лизингнинг оддий ижарадан асосий фарқи шундаки, лизингда ижарага берилган асбоб-ускуналар шартнома муддати тугагандан сўнг, уларнинг қолдиқ қиймати йифиндисида сотиб олиш кўзда тутилади.
- * Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган брокерлик операциялари бўйича даромадлар. Бунда тижорат банклари қимматли қоғозлар олди-сотдисида иштирок этади. Натижада курслар ўртасидаги (олиш нархи ва

сотиш нархи ўртасидаги) фарқ ҳам банк даромадининг манбаси бўлиши мумкин.

- * Банкнинг қимматбаҳо металлар билан амалга оширган операциялари бўйича даромадлар.
- * Пул маблағлари, қимматли қофозлар ва бошқа бойликлар, банк ҳужжатлари инкассация қилингани, ташилгани учун ҳақ. Бу бойликларни инкассаторлар махсус халтачаларда банкка олиб келиб топширадилар ва тижорат банклари мижозлардан ушбу хизматлар учун ҳақ оладилар. Бу мижозларнинг бойликларини ҳар хил йўллар билан йўқотишларини олдини олади;
- * Менежмент хизмати бўйича даромадлар;
- * Тижорат банклари чет эл валютасида олиб борадиган барча операциялардан, унинг олди-сотдисидан ҳам даромад олади. Бунда тижорат банки маълум бир курсда чет эл валютасини сотиб олади ва уни юқорироқ нархда сотади, яъни чет эл валютасидаги банк операциялари бўйича сотилмаган мусбат курс тафовутлари жумладан, очик валюта позицияси бўйича сотилган мусбат курс тафовутлари даромадлар сафига киритилади.
- * Кафолатлар ва кафилликлар бўйича операцияларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар;
- * банкнинг бошқа хусусий мулкларининг ижарасидан олинган даромадлар;
- * банк мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда;
- * банк кассасидан чиқсан ортиқча пуллар, жумладан, банк кассасида турган амалдаги маблағ қолдиги билан ҳисоб ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар орасидаги мусбат тафовут;
- * қарздор зиммасига юкланган ёки у тан олган жарималар, пенялар, бурдизлик тўловлари ҳамда шартнома шартларини бузганлик учун қўлланиладиган бошқа турдаги жазо чоралари, шунингдек банкка етказилган зарап қопламаси сифатидаги даромадлар ҳамда олинган бошқа жарима ва пенялар. Мижоз шартномада белгиланган тўловни тўлай олмаганида ҳар бир кечиккан кунига банкка пенялар, яъни жарима кўринишида тўлайдилар.
- * банк ходимлари уларнинг айби билан банк кўрган зарап ва чиқимлар ўрнини қоплаш учун тўлаган суммалар. Банк ходими бажарган операцияси натижасида зарапни қоплаш ҳам банкнинг фоизсиз даромадига мисол бўла олади;
- * банкнинг аввалги йилларда олинган, лекин ҳисобот йилида аниқланган фойдаси.
- * жорий йилдаги операцияларда тижорат банклари мижозларга белгиланган суммадан юқори тўласа банк камчиликларни топиб уни қайтариб ундириб олади. Аввалги йиллардаги бажарган операцияларга воситачилик ҳақи, банк фоизлари жорий йилда ундириб олинади. Бу маблағлар банкнинг фоизсиз даромадларига сафига киради.
- * мижозлар илгари банк кўрган зарап ҳисобига ўтказиб юборилган қарзларни қайтариши;

* бошқа фоизсиз даромадлар;

Тижорат банклари омонат бўйича тўлайдиган фоизни ўзлари тақдим этадиган ссудалар учун оладиган ссуда фоизидан пастроқ қилиб белгилайди. Олинган ва тўланган фоизларнинг суммалари ўртасидаги фарқ банкларнинг ялпи фойдасини ташкил этади. Унга бошқа ҳар хил операциялардан кўрилган даромадлар ҳам киради. Банк ялпи фойдасининг бир қисмини ўз харажатларини қоплашга ишлатади, қолган қисми эса соф фойдани ташкил қиласди.

Тижорат банкининг даромадлари манбалари ичидаги активлари асосий ўринни эгаллайди. Даромад келтиришига қараб банк активлари: даромад келтирувчи активлар ва даромад келтирмайдиган активларга бўлинади.

Даромад келтирувчи активларга қуйидагилар киради:

- а) барча берилган кредитлар, жумладан, банклараро кредитлар;
- б) ўз инвестициялари;
- в) хазина векселлари;
- г) давлат облигациялари;
- д) қимматли қоғозлар.

Даромад келтирмайдиган активларга эса:

- а) пул активлари гурӯҳи;
- б) асосий воситалар;
- в) капитал харажатлар;
- г) барча моддий активлар ва бошқа активлар;
- д) номоддий активлар киради.

Тижорат банклари фаолиятини таҳлил қилишда бир марта бўладиган даромадларни алоҳида ҳисобга олиш лозим. Бундай даромадлар нейтрал даромадлар деб аталиб, уларга қуйидагилар киради: бир марталик тушумлар; ўтган даврдаги фоизлар бўйича тушумлар; банк бизнесига ёт тушумлар (бошқа банкка ёрдам, Марказий банкдан тушум).

Тижорат банкининг фаолият натижалари (минг сўм.)

Манбалар	2000й.	2002й.
Даромадлар:		
Берилган кредитлар бўйича фоиз тўловлар	106051	90408
Қимматли қоғозлар ва валюта операцияларидан олинган даромадлар	3197	31879
Кўрсатилаётган хизматлар учун комиссион тўловлар	14365	144708
Бошқалар	32256	42478
Жами даромадлар	155869	309473
Харажатлар	128062	205192
Фойда	27807	104281

Юқоридаги 1-жадвал рақамларидан кўринадики, Тижорат банкнинг ўтган бир йил давомидаги натижалари ижобий. Бу банк даромадлари бир неча баробар ошган. Бу эса мижозларнинг банкка бўлган ишончини ортиради.

Банк даромадларини ҳисоблашнинг бир неча йўллари мавжуд. Яъни, ҳар бир операция бўйича даромад ўзига хос тарзда келади. Хусусан, кредит бериш операцияларида даромад қарзга берилган суммадан маълум фоизлар кўринишида келади. Фоизлар қандай тўланиши ва унинг қанча суммани ташкил этиши шартномада белгилаб берилади. Қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларда даромад ўзининг ва бошқа эмитентлар акция курсларининг ўсиши натижасида юзага келади. Бу ерда даромадни аниқлашда акциялар курсининг улар капитал қийматларидан қанча фарқ қилиши орқали, яъни реал курс қийматидан номинал қийматни айриш ёрдамида топилади. Умуман, ушбу турдаги даромад ҳақида гапирганда шуни айтиш керакки, бу ерда даромад активлар қийматининг ўсишида намоён бўлади. Яъни, нақд пул шаклидаги даромад келмасдан, балки банк эгалик қилаётган активлар қиймати ошади.

Банкнинг бошқа кўпгина турдаги операцияларидан даромад комиссион тўловлар шаклида келади. Яъни, кўрсатилган хизмат учун мижоз банкка маълум суммани тўлайди. Даромад миқдорини ҳисоблаш учун мижоз билан банк орасида кўрсатилган хизматга шартномада белгиланган ҳақни олиш керак. Комиссион тўловлар суммаси кўрсатиладиган хизмат турига, хизмат кўрсатиш даврида бўлиши мумкин бўлган рискка эътибор қилган ҳолда белгиланади. Банклар комиссион тўловларни кўпинча пассив операцияларда оладилар. Банк тизимимизда комиссион тўловлар асосан юридик ва жисмоний шахслар ҳисобрақмларини юритиш орқали келади.

Хозирда замонавий банк тизимида барқарор ва катта даромад келтирувчи баъзи хизматлар ўзимизда қўлланилмайди. Бу эса банк фаолиятини амалга оширишда ҳали фойдаланилмаётган резервлар борлигидан далолат беради.


3-§. Тижорат банкларининг харажатлари ва уларнинг таркиби

Банкнинг даромадлилиги, биринчи навбатда, ҳаражатларни камайтиришга боғлиқ. Банк иши технологиясидаги муваффақиятлар жорий ҳаражатларни камайтиришга имкон беради.


Одатда, банклар ўз зиммасига операция ҳаражатлари, устама фоизларга кетган маблағлар, шунингдек, кредит риски билан боғлиқ бўлган йўқотишларни қоплаш учун ажратмаларни оладилар.

Тижорат банки ҳаражатларини қуидагича таркибий қисмларга бўлиб, келтириш мумкин:

1-чизма. Банк ҳаражатларининг таснифланиши шакли бўйича



2-чизма. Янги ҳисобварақлар режаси бўйича банк ҳаражатлари таснифи



Одатда, банк даромадларининг 2/3 қисми фоизли ҳаражатларга, берилган ссудалар бўйича йўқотишларни қоплашга, соликларни тўлашга, кутилаётган фойдага ва сармоянинг ўсишига сарфланади.

Ҳаражатларга ликвидлилик сингари ҳар қандай устама фоиз ўзгаришлари, пассивлар таркиби ва хусусий капитал ҳажми таъсир қиласди. Ўз навбатида банк ҳаражатлари таркибидаги ўзгаришлар активлар даромадлигига ҳам ўзгаришлар киритишни талаб қиласди.

Ҳаражатларни тўғри ҳисоблаш банкларга муқобил консерватив ресурслар нархларини тақсимлаш ва банк активларини аниқ баҳолаш ҳамда ҳаражатларни

қоплаб, акциядорлар учун даромадларни түғри тақсимлаш имконини беради. Харажатларни баҳолашга кредитлар устама фоизларини белгилашнинг асосий омили сифатида қараш керак.

Фоизли харажатлар

Фоизли харажатлар-барча мажбуриятлар бўйича тўпланган фоиз суммаси демакдир.

Бизга маълумки тижорат банклари кредит ресурслари ташкил этишда талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ҳамда муддатли депозитлар қабул қиласди. Ушбу депозитларга банклар маълум белгиланган фоизларда пул тўлайдилар. Тижорат банклари банк қарз мажбуриятлари бўйича тўланган фоизлар тўлайдилар, шу жумладан, қимматли қофозларининг сотув нархи билан номинал қиймати орасидаги салбий тафовут бўлганида, баъзибиркелтирилган, лекин тўланмаган фоизларни тўлашда банкларда фоизли харажатлар юзага келади.

Банклар фоизли харажатларининг яна бир кредит ва унга боғлиқ операциялардир. Банклар, энг аввало, Марказий банкдан, бошқа тижорат банкларидан, бюджетдан ташқари фонdlардан, банк бўлмаган молиявий муассасалардан кредитлар олиши мумкин. Олган кредитлар учун тўланадиган қарз фоизли харажатларга киради.

Банк аввалги йиллар (ҳисобот йилига нисбатан) ҳисобига тўлаган фоизлар ва воситачилик йифимлари, ҳамда ўтган йилларда банкмижозлардан ортиқча ундирган фоизлар, ҳамда воситачилик йифимларини қайтариши билан фоизли харажатлар қиласди.

Фоизсиз харажатлар.

Фоизсиз харажатларга маошлар ва қўшимча тўловлар, ускуна ёки биноларни ижарага олиш, харид қилиш, шунингдек, бошқа операция харажатлари киради.

Банклар Ўзбекистон Республикаси Пенсия фондига, Ўзбекистон Республикаси Аҳолини иш билан таъминлаш давлат фондига, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий сугурта фондига қонунларга мувофиқ ўтказиладиган мажбурий ажратмалар, жумладан банк ходимларига мукофот ҳамда кўп йил ишлаганлик учун ёзиладиган тўловларни амалга оширадилар. Банк нодавлат пенсия фондларига, ихтиёрий тиббий сугурта ва ихтиёрий сугуртанинг бошқа турлари учун ўтказган ажратмалари, қонунларга мувофиқ банк мулкини ва банк ходимларини давлат суғуртасидан ўтказиш бўйича тўловлар ҳам банкнинг фоизсиз харажатларига киради.

Банк асосий фондларни, жумладан, уларнинг банк фаолиятини амалга оширишда фойдаланадиган алоҳида қисмларини, хусусан, тушумни инкассация қилиш учун автомобил транспортини ижарага олиш бўйича харажатлар қиласди.

Банк ходимлари ва банк ходимлари бўлмаган, яъни банк штатида бўлмаган ходимларга, улар билан фуқаролик-хуқукий тусда тузилган шартномалар бўйича бажарилган ишлар учун иш ҳақи тўлаш харажатлари, амалдаги қонунларга мувофиқ, навбатдаги ва қўшимча таътиллар пулинни, шунингдек, тиббий кўриклардан ўтиш, давлат мажбуриятларини бажаришлар учун сарфланган вақт эвазига ҳақ тўлаш каби харажатлар қиласди.

Бундан ташқари, банкларнинг фоизга даҳли йўқ харажатларига банк соҳасида малакали кадрлар тайёрлашда қиласидан харажатлари киради. Тижорат банклари олий ўкув юртлари билан келишилган шартномадаги маблағларни тўлаб банк соҳасига малакали кадрлар тайёрлаш, банк ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш хизматлари учун ҳақ тўлайди. Бунда банклар номоддий актив шакллантиради ва бу келажакда ўз самарасини беради.

Бизга маълумки, банкларни аудиторлик текширувидан ўтказиш банк учун, нафақат банк учун, балки барча тармоқлар, ташкилотлар фойда ёки зарар билан фаолият кўрсатишларини кўрсатиб бермадилар. Банклар аудиторлик фирмалари билан шарномада келишилган нархларда тўловни амалга оширадилар.

Банкни бошқариш тизимида маркетинг ва шунга ўхшаш функционал хизматлар ёки шундай функционал вазифаларни бажариш з иммасига юқлатилган мансабдор шахслар бўлмаган ҳолларда маркетинг ҳамда шунга ўхшаш бошқа хизматлар ҳақини тўлайдилар.

Хозирги замонда ахборотлар ҳаётимизда энг муҳим ўрин эгаллади. Бу ахборотларнинг барчаси банкларга яқин бўлган амалиётдир. Бу хизматларни барчасини банклар катта харажатларга амалга оширадилар. Кунлик операцияда банклар мижозларга бир қанча ҳужжатлар тақдим этадилар, бу ҳужжатлар, канцелярия қофозларига ҳам фоизсиз харажатлар ҳисобидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, банклар маҳсус адабиётлар, меъёрий ва йўриқнома тусидаги ҳужжатлар сотиб олиш, шунингдек, банк фаолиятини амалга оширишда зарур бўладиган маҳсус нашрларга (рўзномалар, ойномалар ва бошқалар) обуна бўйича қилинадиган харажатлари мавжуд.

Тижорат банки ноишлаб чиқариш соҳаси объектларини (уй-жой-коммунал хўжаликлар, ўкув марказлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, тиббий, соғломлаштириш ва бошқа муассасалар) сақлаш, жумладан, шундай объектларни барча турларда таъмиrlашга қилинадиган, лекин улардан фойдаланиш орқали олинган даромадлар (квартира ҳаки, отоналар ўз даромадлари болалар барчасига қатнашгани учун тўланадиган бадаллар, йўлланмалар қиймати тўловлари ва бошқалар) билан қоплайдиган харажатлар, шунингдек, юқорида айтилган объектлардан ижара шартларида фойдалаганлик ҳолларда шу объектлар бўйича тўпланадиган ижара ҳаки каби харажатлари мавжуд.

Банклар ўз ходимлари соғлигини сақлаш ва улар дам олишини ташкил этиш тадбирлари (даволаниш ва дам олиш учун йўлланмалар, экскурсия ва саёхатлар йўлланмалари, спорт билан шуғулланиш, маданий ва спорт томоша тадбирларига бориш учун ҳақ, дам олиш хоналарини ташкил этиш ва сақлаш, газлаштирилган сув қуийш ускуналарини ўрнатиш билан боғлиқ ва шунга ўхшаш бошқа харажатлар) учун харажатларни амалга оширади.

Тижорат банкларининг харажатларини таркибий жиҳатдан чуқурроқ кўриб чиқишимиз мумкин.

**Тижорат банкларининг харажатларининг тақсимланиши
ёки харажатлари таркиби**

	2000й.	2001й.	2002й.
I.Фоизли харажатлар жами	100	100	100
1.Депозитлар учун фоизлар	8,9	8,1	13,4
2.Банклараро кредитлар учун фоизлар	89,4	94,8	86,6
3.Қимматли қоғозларга тўланган фоизлар	0	0	0
4.Бошқа фоизли харажатлар	1,7	0,1	0
II.Фоизсиз харажатлар	100	100	100
1.Комиссион харажатлар	11,2	10,8	11,2
2.Хорижий валюта операцияларидан кўрилган зарар	0	0	0
3.Қимматли қоғозлардан кўрилган зарар	0	0	0
4.Иш ҳақи харажатлари	22,4	21,3	24,5
5.Амортизация харажатлари	6,5	6,5	7,6
6.Солиқлар ва бошқа мажбурий харажатлар	21,1	19,2	19,9
7.Бошқа фоизсиз харажатлар	29,9	37,2	30,7

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, банкнинг фоизли харажатлари ичida асосий ўринни банклараро кредитлар учун фоизлари эгаллайди. Фоизсиз харажатлар ичida асосий ўринни иш ҳақи харажатлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар эгаллайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, банк харажатларини янада кенгроқ таснифлайдиган бўлсак, уларни қуидаги асосий қисмларга бўлиш мумкин:

1. Фоизли харажатлар;
2. Фоизсиз харажатлар;
3. Иш ҳақи ва ходимларга бошқа тўловлар;
4. Аренда ва хизматлар учун тўловлар;
5. Сафарнома ва транспорт харажатлари;
6. Маъмурий харажатлар;
7. Маданий оқартув тадбирлар ва хайрия харажатлари;
8. Амортизация харажатлари;
9. Суғурта, солиқлар ва бошқа харажатлар.

1. Фоизли харажатлар ўз навбатида қуидаги қисмларга бўлинади:
 - Талаб қилиб олгунча депозитлар бўйича фоизли харажатлар;
 - Жамғарма депозитлар бўйича фоизли харажатлар;

- Муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар;
 - Марказий Банк олдидаги тўловлар бўйича фоизли харажатлар;
 - Бошқа банклар олдидаги тўловлар бўйича фоизли харажатлар;
 - Банкнинг ёпилмаган акцептлари бўйича фоизли харажатлар;
 - Қисқа муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;
 - Ўрта муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;
 - Узоқ муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;
 - Чикарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар;
 - Бошқа фоизли харажатлар;
2. Фоизсиз харажатлар эса ўз ичига қуидагиларни олади:
- Барча комиссион харажатлар;
 - Чет эл валютасидаги зарап;
 - Тижорат операциялари бўйича харажатлар;
 - Инвестициялар бўйича заарлар;
 - Бошқа фоизсиз харажатлар.
3. Иш ҳақи ва ходимларга бошқа тўловлар деганда қуидагилар кўзда тутилади:
- Иш ҳақи;
 - Ходимлар учун имтиёзлар;
 - Медицина билан боғлиқ харажатлар;
 - Ижтимоий-суғурта жамғармасига тўловлар;
 - Социал ҳимоя харажатлари;
 - Мехнат биржаси, яъни бандилик фонди ва бошқа фондларга взнослар;
 - Ходимларга бошқа харажатлар.
4. Аренда ва хизматлар учун (хўжалик) харажатларига қуидагилар киради:
- Аренда тўлови;
 - Сув учун тўлов;
 - Электро-энергия учун тўлов;
 - Таъмирлаш ва хўжалик харажатлари;
 - Кўриқлаш бўлимига тўлов.
5. Сафарнома ва транспорт харажатларига қуидагиларни киритиш лозим:
- Сафар харажатлари;
 - Уй-жой харажатлари;
 - ғқилғи харажатлари;
 - Транспорт учун қилинадиган бошқа харажатлар.
6. Маъмурий харажатларга қуидагиларни киритиш мумкин:
- Рекламалар;
 - Канцелярия ва офис учун олинадиган буюмларга харажатлар;
 - Почта, телефон, факс харажатлари;
 - Типография учун, китоб ва журналлар, газеталар сотиб олиш учун қилинадиган харажатлар.
7. Маданий тадбирлар ва хайрия харажатларига қуидагилар киради:
- Маданий тадбирлар учун харажатлар;
 - Аъзолик взнослари;
 - Хайрия харажатлари;

8. Амортизация харажатларига қуидагиларни киритиш мумкин:
 - Банк биносининг эскириши;
 - Банк биноси нархининг ўсиши;
 - Транспорт эскириши;
 - Мебель ва бошқа қўлланмаларнинг эскириши;
 - Номоддий активларнинг эскириши;
 - Арендага берилган асосий воситаларнинг эскириши;
 - Арендага бўлган ҳуқуқ ва арендага олинган объектни таъмирлашнинг эскириши.
9. Суғурта, солиқлар ва бошқа харажатларга қуидаги харажатларни киритишимиз мумкин:
 - Юридик ва аудиторлик хизматлар учун тўловлар;
 - Консалтинг хизматлар учун тўловлар;
 - Суғурта харажатлари;
 - Солиқлар;
 - Жарима ва устамалар;
 - Бошқа операцион харажатлар;
 - Кўзда тутилган заарлар қиймати;
 - Даромад солиги.

Юқорида санаб ўтилган харажатларнинг ҳар бири ҳам яна бир неча қисмларга бўлинади. Масалан, талаб қилиб олгунча депозитларга фоизли харажатларнинг ўзи қуидагиларга бўлинади:

- * Ҳукумат депозитлари бўйича фоизли харажатлар;
- * Бюджет корхоналари бўйича фоизли харажатлар;
- * Жисмоний шахслар бўйича фоизли харажатлар;
- * Хусусий корхона ва корпорациялар бўйича фоизли харажатлар;
- * Давлат корхоналари бўйича фоизли харажатлар;
- * Қўшма корхоналар бўйича фоизли харажатлар;
- * Индивидуал тадбиркорлар бўйича фоизли харажатлар;
- * Банк бўлмаган молия муассасалари бўйича фоизли харажатлар;
- * Бошқа мижозлар бўйича фоизли харажатлар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг шу 10 та тури бўйича жамғарма депозитлар бўйича фоизли тўловлар ва муддатли омонатлар бўйича фоизли харажатларни ҳам бўлиш мумкин.

- Марказий банк олдиаги тўловлар бўйича фоизли тўловлар ўз навбатида З гурухга бўлинади:
 - * Марказий банк вакиллик ҳисобварағи бўйича «Востро» тўловлари;
 - * Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи бўйича «Ностро, овердрафт» тўловлари.
- * Марказий банк депозитлари бўйича фоизли тўловлар.
- Бошқа банклар ҳисобрақамлари бўйича фоизли тўловлар ўз ичига қуидагиларни олади:
 - * Бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобрақамлари бўйича «Востро» тўловлари;

- * Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобрақамлари бўйича «Ностро, овердрафт» тўловлар;
 - * Бошқа банкларнинг депозитлари бўйича фоизли харажатлар.
 - Банкнинг ёпилмаган акцептлари бўйича фоизли харажатлари маҳаллий ва чет эллик мижозлар бўйича ёпилмаган акцептларга бўлинади.
 - Қисқа, ўрта ва узок муддатли ссудалар бўйича фоизли тўловларни ҳар бирини қўйидаги гурухларга бўлиш мумкин. Булар:
 - * Марказий банкка тўланадиган (қисқа, ўрта, узок) муддатли ссудалар бўйича фоизли тўловлар;
 - * Бошқа банкларга тўланадиган (қисқа, ўрта, узок) муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;
 - * Давлатга тўланадиган (қисқа, ўрта, узок) муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;
 - * Индивидуал тадбиркорларга тўланадиган ссудалар бўйича фоизли тўловлар;
 - * Жисмоний шахсларга тўланадиган (қисқа, ўрта, узок) муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;
 - * Кўшма корхоналарга тўланадиган (қисқа, ўрта, узок) муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;
 - * Давлат корхоналарига тўланадиган (қисқа, ўрта, узок) муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;
 - * Хусусий корхоналарга тўланадиган (қисқа, ўрта, узок) муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;
 - * Бошқа кредиторларга тўланадиган (қисқа, ўрта, узок) муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар.
 - Чиқарилган қимматли қофозлар бўйича фоизли харажатлар З га бўлинади:
 - * Чиқарилган облигациялар бўйича фоизли харажатлар;
 - * Чиқарилган жамғарма сертификатлар бўйича фоизли харажатлар;
 - * Чиқарилган депозит сертификатлар бўйича фоизли харажатлар.
- Энди фоизсиз харажатларга ўтадиган бўлсак, фақат комиссион харажатларнинг ўзигина қўйидагиларга бўлинади:
- * ЎзРМБ хизматлари учун комиссион харажатлар;
 - * Бошқа банклар хизматлари учун комиссион харажатлар;
 - * Қимматли қофозларни олди-сотди комиссион харажатлари;
 - * Қимматбаҳо металларни олди-сотди комиссион харажатлари;
 - * Векселлар сотиб олишдаги хизматлар учун харажатлар;
 - * Инвестицияларни жойлаштиришдаги хизматлар учун харажатлар;
 - * Аккредитив ва акцептлардаги хизматлар учун харажатлар;
 - * Овердрафт бўйича харажатлар;
 - * Ссудалар бўйича комиссион харажатлар;
 - * Суда мажбуриятлари бўйича комиссион харажатлар;
 - * Менежмент бўйича комиссион харажатлар;
 - * Маҳаллий тўловлар учун комиссион харажатлар;
 - * Чет эл тўловлари бўйича комиссион харажатлар;
 - * Инкассо операциялари ўтказганлик учун комиссион харажатлар;

- * Гарантлар ва кафилликлар бўйича комиссион харажатлар;
 - * Бошқа хизматлар учун комиссион харажатлар.
 - Чет эл валютасида зарар 2 га бўлинади:
 - * «Спот»шартномалари бўйича зарар;
 - * Форвард /опцион/ фьючерс бўйича зарар;
 - Тижорат операциялари бўйича зарар икки хил бўлади:
 - * Қимматли қофозлар билан операциялардан зарар;
 - * Қимматбаҳо металлар билан операциялардан зарар;
- Бу харажатларнинг барчаси банк балансининг 5-бўлимида, яъни «харажатлар» бўлимида акс этади ва барча харажат ҳисобрақамлари актив ҳисобрақам ҳисобланади.

4-§. Фоизли ва фоизсиз харажатлар ҳисоби ва унинг таҳлили.

Тижорат банклари корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоб, касса ва ссуда бўйича операцияларини бажаради. Шунингдек, турли ва бошқа пулли хизматларни кўрсатади. Банклар ўз фаолияти давомида операцияларни бажаришда турли хил харажатлар қиласди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг даромадлари, харажатлари ҳисобини юритиш ва уларнинг даромад солигини ҳисоблаш тўғрисидаги Низомга мувофиқ банк харажатлари баланснинг 50000 ҳисобрақами билан юритилади.

Банк фаолиятига оид харажатларга талаб қилиб олунгунча сақланадиган депозитлар ҳамда муддатли депозитлар бўйича тўланган фоизлар ёзилган, лекин тўланмаган фоизлар банк мажбуриятлари бўйича тўланган фоизлар банклараро кредитлар, банк олган қайта молиялаштириш кредитлари, муддати ўтган банклараро кредитлар бўйича тўланган фоизлар, воситачилик йифимлари, чет эл валютасини харид қилиш учун тўланган воситачилик йифимлари ва бошқалар киради.

Фоизсиз харажатлар турли-туман бўлади. Банкнинг харажатлари баланснинг қайси ҳисобрақамлари бўйича юритилишини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этамиз. Банкнинг фоизли харажатлари яъни, талаб қилиб олгунча, жамғарма ва муддатли депозитлар бўйича харажатларнинг характеристи бир-бирига ўхшаш бўлиб, бу депозит мажбуриятлар учун ҳисобланган ва мижозга тўланган фоизлардир. Уларнинг баланс ҳисобрақамлари бўйича ёйилиши қўйидагича бўлади:

50101 – давлат депозитлари, яъни талаб қилиб олгунча фоизли харажатлар.

50104 – бюджет органларининг талаб қилиб олгунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50106 – жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олгунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50108 – хусусий корхона ва корпорациялар бўйича фоизли харажатлар.

50111 – давлат корхоналарининг талаб қилиб олгунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50114 – қўшма корхоналарнинг талаб қилиб олгунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50116 – талаб қилиб олгунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50118 – индивидуал тадбиркорларнинг талаб қилиб олгунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50121 – банк бўлмаган молия муассасаларининг талаб қилиб олгунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50126 – бошқа мижозларнинг талаб қилиб олгунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50601 – давлат жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

- 50604 – бюджет органларининг жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар.
- 50606 – жисмоний шахсларнинг жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар.
- 50608 – хусусий корхона ва корпорацияларнинг жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар.
- 50611 – давлат корхоналари жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлари.
- 50614 – қўшма корхоналарнинг жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар.
- 50616 – жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар.
- 50621 – банк бўлмаган молия муассасаларнинг жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар.
- 51100 – муддатли депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

Ушбу фоизли харажатлар таснифий жиҳатдан ўхшашdir. Юқоридаги ҳисобрақамлар бўйича тузилган шартномалар асосида фоизлар ҳисобланади. Бунинг бухгалтерия проводкаси қуидаги кўринишда бўлади:

Дебет – 50100 (50600, 51100)

Кредит – мижоз ҳисоб рақами ёки банкнинг мижоз олдидаги мажбуриятлари ҳисоб рақами.

Ҳисобот йили охирида бу харажатлар даромад ҳисобидан қопланади:

Дебет – 31206 (соф фойда)

Кредит – 50100 (50600, 51100).

Марказий банкка тўланадиган фоизли харажатлар баланс ҳисобрақамини қуидагиларидан юритилади:

51601 – Марказий банкдаги вакиллик ҳисобрақами бўйича фоизли харажатлар – Востро.

51606 – Марказий банкдаги вакиллик ҳисобрақами бўйича фоизли харажатлар – Ностро, овердрафт.

51611 – Марказий банк депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

Бу ҳисобрақамлардан Марказий банк ҳисобрақами ёки депозитлари қолдиқ суммаларига ҳисобланган фоизлар харажат қилиниб, бухгалтерия проводкаси қуидагича бўлади:

Дебет – 51600

Кредит – Вакиллик ҳисобрақам ёки депозит ҳисобрақами.

Бу харажатлар йил охирида фойда ҳисобидан қопланади, бухгалтерия проводкаси қуидаги кўринишда бўлади:

Дебет – 31206

Кредит – 51600

Бошқа банкларга тўланадиган фоизли харажатлар ҳам 3 та бўлиб, булар баланснинг қуидаги ҳисобрақамларида юритилади:

52101 – бошқа банкларни вакиллик ҳисобрақами бўйича фоизли харажатлар.

52106 – бошқа банклардаги вакиллик ҳисобрақами бўйича фоизли

харажатлар.

52111 – бошқа банкларнинг депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

Бу ҳисобрақамлардан бошқа банклар вакиллик ва депозит ҳисобрақамлари қолдиқларига ҳисобланган фоизлар харажат қилиниб, йил охирида банк фойдасидан қопланади. Бунинг бухгалтерия проводкаси қўйидагича:

Дебет – 52100

Кредит – депозит ёки вакиллик ҳисобрақами.

Харажатни ёпиш:

Дебет – 31206

Кредит – 52100

ғпилмаган акцептлар бўйича фоизли харажатлар баланснинг 52606-ҳисобрақамида акс эттирилади. Қисқа муддатли ссудалар бўйича харажатлар – 53100 ҳисобрақамида, ўрта муддатли ссудалар бўйича харажатлар – 53600 ҳисобрақамда, узок муддатли фоизли харажатлар – 54100 ҳисобрақамда юритилади.

Ссудалар бўйича фоизли харажатларнинг таснифи ўхшаш бўлиб, улар мижозлар ёки банклардан олинган олинган ссудаларга шартнома асосида ҳисобланган фоизларни тўлаш учун ишлатилади. Бу ҳолда бухгалтерия проводкаси қўйидагича:

Дебет – 53100 (54100, 53600)

Кредит – мижозларнинг даромад ҳисобрақами.

Қимматли қофозлар бўйича фоизли харажатлар – 54200 ҳисобрақамида юритилади.

Бошқа фоизли харажатлар – 54902 баланс рақамида юритилади. Бу ҳисобрақамидан харажат қилинса, йил охирида у ҳам фойда ҳисобидан, яъни 31206 ҳисоб рақамидан ёпилади. Бунинг бухгалтерия проводкаси қўйидагича бўлади:

Дебет – 31206

Кредит – 54902

Банклар фаолиятида фоизли харажатлар турли- туман бўлишида ва балансда қайси ҳисобрақамларда юритилишини ва уларни фойда ҳисобидан қоплашни бухгалтерия проводкаларини назарий жиҳатдан акс эттиридик. Бундан ташқари тижорат банклари маркетинг, функционал хизматлар ҳақини тўлаш, қўриқлаш, ёнғиндан сақлаш ва алоқа воситаларини ўрнатиш бўйича қилинадиган барча ишлар фоизли харажатларни ташкил этади.

Акционерлик тижорат банкининг вилоят филиали мисолида фоизли харажатларининг туркумланишини жадвал қўринишида таҳлил этамиз.

1-жадвал.

Акционерлик тиҷорат банкининг вилоят филиалини фоизли
харажатларининг таҳлили.
(30. 04. 2002 – 30. 04. 2003 йиллар ҳолати, минг сўмда)

№	Кўрсаткичлар номи	30. 04. 2002	30. 04. 2003	Ўзгириши (+,-)
1	Депозитлар бўйича фоизли харажатлар	48951	10463	-38488
2	Ссуда бўйича тўланадиган фоизли харажатлар	159157	74785	-84372
3	Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар	51	0	-51
	Жами фоизли харажатлар	208159	85248	-122911

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банкнинг фоизли
харажатлари 30. 04. 2003 й. ҳолатида 208159 минг сўмни ташкил этган бўлса,
20. 04. 2003 йилга келиб бу кўрсаткич 85248 минг сўмга тенг бўлган. Яъни
ўтган йилга нисбатан банкнинг фоизли харажатлари 122911 минг сўмга
камайган. Банкнинг фоизли харажатларини асосий қисми ссуда бўйича
тўланадиган фоизлар ўтган йилга нисбатан 84372 минг сўмга камайган.
Шунингдек, банк бўлимида депозитлар бўйича фоизли харажатлар ҳам ўтган
йилга нисбатан 38488 минг сўмга камайган.

Банкнинг харажатларини кенгроқ ҳолда қўйидаги жадвалдан кўришимиз
мумкин.

**«Фойда ва заарлар түғрисида» ги ҳисоботга мувофиқ равищдаги банк
харажатлари таҳлили**

Харажатлар	Сўмдаги харажатлар		Жами, минг сўм
	Минг сўм	улуши%	
Жалб қилинган кредитларга фоизлар	8763	8,64	8763
1. Олинган кредитлар (муддатли)га тўланадиган фоизлар	8707	8,58	8707
2. Муддати узайтирилган кредитлар бўйича тўланган фоизлар	41	0,04	41
3. Тўланган муддати музайтирилган фоизлар	15	0,02	15
Жалб қилинган маблағлар бўйича юридик шахсларга тўланган фоизлар	17016	16,78	17016
1. Банк мижозларининг очиқ ҳисобварақлари бўйича тўланган фоизлар	1657	1,63	1657
2. Депозитлар бўйича тўланган фоизлар	15236	15,03	15,03
3. Бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича тўланган фоизлар	123	0,12	123
Депозитлар бўйича жисмоний шахсларга тўланган фоизлар	17135	16,89	17135
Қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича харажатлар	16067	15,84	16067
1. Қимматли қоғозлар чиқариш бўйича харажатлар	4671	4,61	4671
2. Қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича бошқа харажатлар	11396	11,23	11396

Хорижий валюталар ва бошқа валюта қимматликлари билан операциялар бўйича харажатлар		1853	1,83	1853
1. Хорижий валюталар билан операциялар бўйича харажатлар		1853	1,83	1853
2. Хорижий валютадаги хисобваракларни қайта баҳолашдан кўрилган зарар		-	-	-
Бошқарув аппаратига харажатлар		6132	6,05	6132
1. Бошқарув аппаратига харажатлар		6132	6,05	6132
2. Ижтимоий-маиший харажатлар		-	-	-
Банкнинг ташкилий харажатлари		-	-	-
Тўланган жарима ва пенялар		277	0,27	277
Бошқа харажатлар		34190	33,70	34190
1. Фондларга ўтказмалар ва заҳиралар		21263	20,96	21263
2. Тўланган комиссион тўловлар		15	0,01	15
3. Бошқа операцион харажатлар		7327	7,22	7327
4. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари		5585	5,51	5585
Жами харажатлар	101433	100,00		101433

Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, банкнинг хисобот даврида сарфлаган жами харажатлари 101433 минг сўмга teng бўлиб, фондларга ўтказмалар ва заҳираларнинг жами харажатларда тутган улуши энг юқоридир. (20,96%), яъни 21263 минг сўм.

Банкнинг фоизли харажатлари бухгалтерия балансининг 50100-хисобрақамидан то 54902-хисобрақамгача бўлган моддалардан иборат. Банкнинг фаолиятида фоизсиз харажатлар ҳам мавжуд. Фоизсиз харажатлар қўйидаги хисоб рақамларида акс эттирилади.

55100 – кўрсатилган хизматлар учун комиссион харажатлар.

Бу фоизсиз харажатлар 55102-хисобрақамидан то 55195-хисобрақамларига тегишлидир.

Комиссион харажатлар – банк операциялар учун кўрсатилган хизмати доирасида тўланадиган фоизсиз харажатлардир.

Бу тўловларда бухгалтерия проводкаси қўйидагича бўлади:

Дебет – 55100

Кредит – хизмат кўрсатган хўжалик юритувчи субъект
даромад ҳисобрақами.

Йил охирида бу фоизсиз харажатлар ҳам банкнинг фойдаси ҳисобидан тўланади. Унинг проводкаси қўйидагича:

Дебет – 31206

Кредит – 55100

Чет эл валютасида зарар 2 кўринишда акс эттирилиши мумкин.

55302 – «Спот» шартномаси бўйича зарар.

55306 – «Форвард» /Опцион/ Фьючерс шартномалари бўйича
зарар.

Бу ҳисобрақамлар орқали спот, форвард, опцион, фьючерс шартномаларидан кўрилган заарлар ҳисоби юритилади.

Бу заарлар йил охирида банкнинг фойдаси ҳисобидан ҳисоб-китоб қилинади.

55600 – Қимматли қофозлар ва қимматбаҳо металлар билан
операциялардан зарар.

55800 – Инвестициялардан зарар.

Бошқа фоизсиз харажатлар қўйидаги ҳисобрақамларида акс эттирилади:

55902 – банк мол-мулкини сотишдан зарар.

55910 – банк активларини сотишдан зарар.

55995 – бошқа фоизсиз харажатлар.

Бу заарлар ҳам йил охирида фойда ҳисобидан қопланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фоизсиз харажатларни қўйидаги жадвалда таҳлил қиласиз.

3-жадвал.

Акционерлик тијорат банкининг вилоят филиалининг фоизсиз
харажатларини таҳлили
(30. 04. 2002-30. 04. 2003 йиллар ҳолати, минг с. да)

№	Кўрсаткичлар номи	30. 04. 2002	30. 04. 2003	Ўзгириши (+,-)
1	Комиссион ва хизматлар учун харажатлар	15053	9478	-5575
2	Чет эл валютасидаги заарлар	322,6	36,8	-285,8
3	Бошқа фоизсиз харажатлар	21742	12544,5	-9197,5
	Жами фоизсиз харажатлар	37117,6	22059,3	15058,3

Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, банкининг фоизсиз харажатлари 2002 йилда 37117,6 минг сўм бўлган бўлса, бу харажатлар 2003 йилда 22059,3 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 15058,3 минг сўмга камайган. Комиссион ва хизматлар учун харажатлар ўтган йилга нисбатан 5575 минг сўмга камайган. Шунингдек, чет эл валютасидаги зарар ва бошқа фоизсиз харажатлар 9483,3 минг сўмга камайган. Демак, фоизсиз харажатлар банк фаолиятида ўтган йилга нисбатан камайган бўлиб, молиявий натижаларни фойда билан тугашига ижобий таъсир кўрсатади.

5-§. Операцион харажатлар ҳисоби ва уни таҳлили

Банклар ўз операцион харажатларини уларнинг бош банки томонидан бир йил учун тасдиқланган ва хабар қилинган смета маблағ ажратмалари доирасида амалга оширадилар. Банкнинг операцион харажатлари сметаси бўйича кредитларни банк раҳбари тасарруф этади. Банкнинг операцион харажатлари учун ажратилган смета маблағлари ҳисбот йилининг 31 декабригача амал қиласи. Тугаган йилда амалда қилинган барча харажатлар 31 декабргача ўтказилиши лозим.

Банкнинг операцион харажатлари ҳисоби банклар томонидан балансда қўйидаги тегишли ҳисобвараклар юритилади:

- «Иш ҳақи ва ходимлар учун бошқа харажатлар»;
- «Ижара ва сақлаш»;
- «Хизмат сафари ва транспорт харажатлари»;
- “Маъмурий харажатлар” ва шу кабилар. Бу ҳисобваракларга фақат ҳужжатлар билан тасдиқланган ва амалда қилинган харажатлар киритилади.

Келгуси йиллар сметалари ҳисобидан банкнинг операцион харажатлари учун қилинадиган харажатлар ҳисоби – “Пули олдиндан тўланган харажатлар” ҳисобварагида юритилади. Бу ҳисобваракқа охирида таътилга кетаётган ходимларга тўланган иш ҳақи хусусан келаси йилга тааллуқли тўловлар, келаси йил учун газеталарга обуна бўлиш харажатлари, келгуси йиллар сметалари ҳисобидан ўрни қопланиши керак бўлган ижарага олинган биноларни капитал таъмирлаш харажатлари суммаси ва шу кабилар ўтказилади.

Янги йилнинг дастлабки кунларида шу йилга тааллуқли харажатлар. Олдиндан тўланган харажатлар номли 19925 - ҳисобваракдан Марказий банкдаги қўйидаги тегишли иккинчи тартиб ҳисобваракларига “Иш ҳақи” номли 56102, “Даврий нашрлар, китоблар, газеталар” номли 56418, “Ижарага олинган асосий воситаларни таъмирлаш” номли 56216 - ҳисобваракларга ва тижорат банкларидағи бошқа тегишли ҳисобваракларга ўтказилади.

Суммалари ҳисобидан ижтимоий суғуртага ажратмалар қилинмайдиган, ишдан бўшаганда тўланадиган нафақаларни давлат ижтимоий суғуртасига доир бадаллар бўйича ҳисоб-китоб қайдномаларини ажратиб кўрсатиш учун бу нафақа тўловлари ҳисобини алоҳида шахсий ҳисобваракларда юритиш тавсия этилади.

Операцион харажатларни расмийлаштиришда бухгалтер 29802 - ҳисобваракдаги бўлакларни ҳисобга олган ҳолда смета маблағнинг қолдиғи ушбу чиқимни тўлаш учун етарли эканлигини текширади.

“Иш ҳақи ва ходимлар учун сарфланган бошқа харажатлар - 56102”, “Хизмат сафари йўл харажатлари - 56302” ва “хизмат сафари вақтидаги кундалик харажатлар” ҳисоби юритиладиган шахсий ҳисобвараклар маҳсус шаклда банк ходимлари шахсий ҳисобвараклари юритилади.

Иш ҳақи банк ходимларига фақат ишланган вақт учун ва белгиланган муддатларда, ойига икки марта: ойнинг биринчи ва иккинчи ярми учун тўланиши лозим.

Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш ҳақининг барча турлари иш ҳақи фондига киритилади.

Банк ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги низомларга мувофиқ уларга бериладиган мукофотлар 56106 – “Банк хизматчилари учун имтиёзлар” ҳисобварагида ҳисобга олинади.

Бу харажатларнинг барчаси ходимларни моддий рағбатлантириш учун қилинади ва йил охирида фойдадан қопланади ва қўйидагича берилади:

Дебет – 31206

Кредит – 56102, 56106, 56195 ва бошқалар.

56200 – Ижара ва хўжалик харажатлари турли-туман бўлади, улар йил охирида банкнинг фойдаси ҳисобидан ёпилади, яъни

56300 – Сафар ва транспорт харажатлари.

Бу харажатлар ҳам банк фаолияти асосий харажатларидан бири ҳисобланиб, йил охирида фойда ҳисобидан ёпилади.

Дебет – 31206

Кредит – 56300 ҳ.в. бўлади.

56400 – Маъмурият харажатлари.

Бу харажатлар банк фаолиятини реклама қилиш, концелярия, офис, почта, телефон, факс хизматларидан фойдаланиш, газета, журналларга обуна бўлиш, банк учун зарур бланкаларни типографиядан чиқариш билан боғлиқ харажатлардан иборат бўлади. Бу харажатлар ҳам йил охирида банк фойдаси ҳисобидан ёпилади.

56500 – Презентация ва соликлар.

56600 – Амортизация (эскириш) харажатлари.

56700 – Суғурта ва соликлар.

56800 – Эҳтимолли заарларни баҳолаш.

56900 – Даромад солиғини баҳолаш.

Юқорида ёзиб ўтилган банкнинг операцион харажатларини барчаси йил охирида фойдадан ёпилади.

Юқоридаги ҳисобвараклар бўйича харажатлар бош банк белгилаган сметалар чегарасида амалга оширилади.

Демак, операцион харажатлар банк фаолиятининг харажатларини асосий қисми бўлиб ҳисобланади.

Ушбу операцион харажатларни АТ банкининг вилоят филиалини молиявий натижаларидан фойдаланиб жадвал кўринишида таҳлил этамиз.

4-жадвал.

АТ банкининг операцион харажатлари таҳлили.
(30. 04. 2002-30. 04. 2003 йиллар ҳолати, минг с. да)

№	Кўрсаткичлар номи	30. 04. 2002	30. 04. 2003	Ўзгариши (+,-)
1	Иш ҳақи ва ходимлар учун бошқа харажатлар	41956.9	32542.5	-9414.4
2	Ижара ва сақлаш харажатлари	11070.7	6021.9	-5048.8
3	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	859.9	356.1	-503.8
4	Маъмурий харажатлар	7941.6	7744.8	-196.8
5	Презентация ва қўнгил олувчи тадбирлар учун харажатлар	7774.6	1061.2	-6713.4
6	Эскириш харажатлари	15932	14517	-1415
7	Суғурта, солиқлар ва бошқа харажатлар	13581.9	8383.2	-5198.7
	Операцион харажатларнинг жами	99117,6	70626,7	-28490,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банкнинг операцион харажатлари ўтган йилга нисбатан 28490.9 минг сўмга камайган.

Операцион харажатларда иш ҳақи ва ходимлар учун бошқа харажатларнинг салмоғи ўтган йилга нисбатан 9414.4 минг сўмга камайган. Бундан ташқари презентация ҳамда суғурта, солиқлар ва бошқа харажатлар ҳам ўтган йилга нисбатан 11912.1 минг сўмга камайган. Бундай тарзда банк харажатларини камайиши ижобий ҳолат деб баҳолаймиз. Банк бўлими операцион харажатлари мақсадга мувофиқ камайган.

Умумий банк харажатларини ягона жадвал кўринишида таҳлил этсак, қайси турдаги банк харажатларини улушини кўпроқ қайси харажатларга тааллуқли эканлигини таҳлил этамиз.

5-жадвал.

**Акционерлик тижорат банки харажатларининг таҳлили.
(30. 04. 2002-30. 04. 2003 йиллар ҳолати, минг с. да)**

№	Кўрсаткичлар номи	30. 04. 2002		30. 04. 2003		Ўзгариши (+,-)	
		Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%
1	Фоизли харажатлар	208159.2	60.4	85248.8	47.9	-122910.4	-12.5
2	Фоизсиз харажатлар	37117.6	10.8	22059.3	12.4	-15058.3	+1.6
3	Операцион харажатлар	99117.6	28.8	70626.7	39.7	-28490.9	+10.9
	Жами банк харажатлари	344394.4	100	177934.8	100	-166459.6	-

Жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики, банкнинг умумий харажатлари ўтган йилга нисбатан 166459.6 минг сўмга камайган. Банк моддалари бўйича ўзгаришлар турлича кўринишга эга.

Умумий ҳолда банк харажатларини барча турлари бўйича харажатлар суммада камайган, аммо фоизлар бўйича салмоғи кўпайган.

Ўтган йилга нисбатан умумий банк харажатлари салмоғида фоизли харажатлар 12.5 пункт камайган. Банкнинг бошқа харажатларининг салмоғи, яъни фоизсиз харажатлар 1.6 пунктга, операцион харажатлар 10.9 пунктга кўпайган.

Демак, банкнинг умумий харажатларида харажатлар суммаси камайган, аммо уларнинг умумий фоиз сифатида салмоғи 12.5 фоизга кўпайган. Яъни банк харажатларида операцион харажатлар салмоғи фоизларга нисбатан 10.9 пунктга кўпайган.

Тижорат банклари ўз фаолиятида банк харажатларини ҳисботи тузилган шартнома тартиблари асосида акс эттирилади. Бундан ташқари банклар томонидан белгиланган тартибда рўйхат қилиб берилади.

Бу ҳисбот турли хил бўлади:

- кунлик ҳисботлар;
- ойлик ҳисботлар;
- чоракда тузиладиган ҳисботлар;
- йиллик ҳисботлар.

Демак, йил охирида барча ҳисботлар умумлаштирилади ва йиллик ҳисбот шаклида тақдим этилади.

Ушбу ҳисботлар ёрдамида банкнинг реал харажатлари акс эттирилади.

Ушбу ҳисботлар юқори банк муассасаларига топширилади. Шундан сўнг юқори банкларга келиб тушган бухгалтерия ҳисботи текширилади, таҳлил қилинади ва унинг асосида зарур бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Хисобот маълумотларида номувофиқлик борлиги аниқланса, бунинг сабаблари қисқа муддатда аниqlаниши ва тартибга солиниши лозим.

6-§. Тижорат банки фойдаси ва банк харажатларини камайтириши йўлари

Бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари молиявий натижаларини якуний ҳолати фойда ёки зарар билан тугалланади.

Умуман олганда барча тижорат банклари ўз иш фаолиятининг якунларини фойда билан тугатишга ҳаракат қиласилар. Банк муассасаларининг молиявий натижаларини якунида асосий кўрсаткич фойда ҳисобланади.

Банк муассасаларининг асосий иш принципи камроқ ҳаражат қилиб, кўпроқ даромад олиш ҳамда молиявий натижалар якунида максимал фойда олиш ҳисобланади.

Банк тизимини эркинлаштириш муносабати билан банклар давлат тасарруфидан чиқарилиши сабабли ҳаражатларни минималлаштиришга қаратилишини тақозо этмоқда. Банк фаолияти натижасини таҳлил қилишда олинган барча даромадлардан қилинган ҳаражатлар чегириб ташлаш орқали охирги натижа фойда ёки зарар аниқланади.

Банк фаолияти асосан 2 та асосий молиявий ҳисботлар, яъни бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги молиявий ҳисботларни таҳлил қилиш орқали яқунланади.

Банкнинг даромадлилиги, биринчи навбатда ҳаражатларни камайтиришга боғлиқ. Банк иши технологиясидаги муваффақиятлар, бошқалар бир хил шароитда ишласада, жорий ҳаражатларни камайтириш имконини беради.

Одатда, банклар ўз зиммасига операция ҳаражатлари, устама фоизларга кетган маблағлар, шунингдек, кредит риски билан боғлиқ бўлган йўқотишларни қоплаш учун ажратмаларни оладилар. Банк операция ҳаражатларини аниқлаш осон эмас. Чунки, улар банк маҳсулининг кенг турларини акс эттиради.

Демак, молиявий натижаларда банк ҳаражатларини салмоғини жадвал кўринишида таҳлил этсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Акционерлик тижорат банкининг фойда ва заарлари таҳлили.
(30. 04. 2002-30. 04. 2003 йиллар ҳолати, минг с. да)

№	Кўрсаткичлар номи	30.04.2002	30.04.2003	Ўзгариши (+,-)
1	Фоизли даромадлар	176854,4	226859,2	50004,8
2	Фоизли харажатлар	208159,2	85248,8	-122910,4
3	Фоизсиз даромадлар	286229,7	53698,3	-232531,4
4	Фоизсиз харажатлар	37117,7	22059,3	-15058,4
5	Операцион харажатлар	99117,7	70626,8	-28490,9
6	Ссудалар ва бўнаклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган заарлар	28584,1	24859,3	-3724,8
7	Даромад солиги	13033,2	25911,7	12878,5
8	Хисобот давридаги соф фойда (зарар) (1-2+3-4-5-6-7=8)	77072,2	51851,6	-25220,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банкнинг якуний натижаси фойда билан тугалланган. Аммо шуни таъкидлаш лозимки ўтган йилда банк соф фойдаси 77072,2 минг сўм бўлган бўлса, жорий йилда фойда 51851,6 минг сўмни ташкил этган. Демак, жорий даврда банк фойдаси ўтган йилга нисбатан 25220,6 минг сўмга камайган.

Банклар ўз фаолиятида 2 та вазифани бажаради. Булар:

- воситачилик, яъни кредит бериш ва олиш;
- мижозларга хизмат кўрсатиш, ахборотлар таҳлили, маркетинг ва бошқалар.

Банк пассивларини ва ўз маблағларини даромад активларига трансформациялаш нуқтаи назаридан, банкнинг биринчи вазифасини ҳам ишлаб чиқариш жараёни сифатида кўриб чиқиши мумкин.

Фоизли даромадлар анъанавий тарзда ўз ичига барча активлар бўйича олинган устама фоизлар ва комиссион тўловларни олса, фоизли харажатлар – барча мажбуриятлар бўйича тўланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Фоизлар тўлови бўйича умумий харажатлар барча маблағлар манбалари, яъни омонат ҳисобларидан тортиб то векселлар ҳамда акциядорлик облигацияларига сарфланадиган фоизли сарф-харажатларгача ўз ичига олади.

Резервга ажратмалар келгусида ссудалар бўйича йўқотишларни қоплаш учун мўлжаллаб қўйилади.

Сўнгги пайтларда анчагина аҳамияти ортиб бораётган фоизли даромадларга турли банк хизматлари учун ажратиладиган комиссиялар (хисобвараклари бўйича операциялар, траст операциялар ва ҳоказолар) ёки бир вақтнинг ўзида имзоланадиган битимлардан келадиган даромадлар (филиалларни сотиш ва ҳоказолар) кирса, фоизсиз харажатларга маошлар ва

¹⁰ Манба: АТ «СҚБ» нинг Тошкент минтақавий филиалини молиявий натижалари.

қўшимча тўловлар, ускуна ёки биноларни ижарага олиш, харид қилиш, шунингдек, бошқа операция харажатлари киради.

Молиявий жиҳатдан барқарор банклардаги харажатлар таркиби қўйидаги кўринишда бўлади: иш ҳақи ва мукофотлар – 20 фоиз, бино ва ускуналар учун харажатлар – 5 фоиз, бошқа харажатлар – 10 фоиз. Одатда, банк даромадларининг 2/3 қисми фоизли харажатларга, берилган ссудалар бўйича йўқотишиларни қоплашга, соликларни тўлашга, кутилаётган фойдага ва сармоянинг ўсишига сарфланади.

Банкнинг соф фоизли фойдаси унинг воситачилик фаолиятини акс эттиrsa, соф фоизсиз фойдаси унинг ишлаб чиқариш ролини намоён этади. Соф фоизли фойдадан ссудалар бўйича йўқотишиларни қопловчи маблағларни ажратган ҳолда, биз ссудалардаги йўқотиши харажатларидан ташқари ҳисобланган соф фойдага эга бўламиз. Бундан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, банк харажатлари ҳисоба тизимида 3 та умумий операциялар харажатлари кўриниши мавжуд: булар – фоизлар тўлови бўйича харажатлар, ссудалардан йўқотишиларни қоплаш учун резерв харажатлар ва фоизсиз харажатлар.

Юқоридаги харажатлар билан боғлиқ тарзда 3 хил рисклар мавжуд, яъни фоизлар, кредит ва операцияларнинг самарадорлик рискларирид.

Фоизлар бўйича рискларни назорат қилиш қобилияти банклардаги юқори иш самарадорлигининг энг муҳим томони ҳисобланади.

Агар пассивлардаги депозитлар улуши, ташқи омиллар билан белгиланадиган кредитлар сифати ва фоиз ставкалари аниқ бўлса, биз фоизсиз харажатлар таркиби ҳамда уларнинг банк фаолиятига таъсирини ҳам аниқлашимиз мумкин бўлади.

Банк иши самарадорлиги узвий боғлиқ бўлган харажатларни назорат қилишнинг ёки камайтиришнинг уч асосий йўналиши мавжуд:

- асосий капиталга инвестицияларни камайтириш;
- ортиқча (қўшимча) чиқимлар ва бошқа белгиланмаган харажатларни («бошқа харажатлар»);
- шунингдек, ходимларга кетадиган харажатларни назорат қилиш.

Дастлабки икки йўналиш бино, ускуналар ва ҳоказолар бўйича харажатларни камайтиришни кўзда тутади. Учинчи йўналиш жиддий ҳолатларда қўлланилиб, бўлимларни ёпиш, хизматчиларни қисқартириш чоралари кўрилади. Лекин бунда меҳнатга ҳак даражаси сақланиб қолади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, банк харажатларининг асосий кўринишлари бўлган:

- 1) фоизли харажатлар, улар фоизлар цикли ва пассивлар таркиби билан боғлиқ;
- 2) кредитлар бўйича йўқотишиларни қоплаш, иқтисодий шароитлар билан боғлиқ, ўз зиммасига олган таваккалчилик ҳамда портфел диверсификацияси бўйича харажатлар;
- 3) операциялар фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ фоизсиз харажатлар салмоғининг камлиги банкларнинг фойдасини оширишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Банклар учун консолидация қилинган ресурслар бўйича харажатларни узлуксиз назорат қилиб бориш жуда муҳимдир.

Харажатларга ликвидлилик сингари ҳар қандай устама фоиз ўзгаришлари, пассивлар таркиби ва хусусий капитал ҳажми таъсир қиласи. Ўз навбатида, банк харажатлари таркибидаги ўзгаришлар активлар даромадлилигига ҳам ўзгаришлар киритишни талаб қиласи. Бундай ўзгаришларни сони ва ҳажми кучли рақобат шароитида ўсиб бормоқда.

Пассивларни бошқариш ҳар доим тижорат банклари учун мураккаб иш ҳисобланади. Банклар ўртасида мижозлар учун доимий рақобат кураши бўлишига қарамай, улар ҳар доим қонун-қоида чегарасидан четга чиқмайдилар.

Гарбда банкларни бошқариш принципини ҳазил тариқасида «3-6-3» дейишади: бу 3 фоиз депозитлар бўйича тўловлар, 6 фоиз кредитлар ажратиш учун олинадиган ва кундузги соат 3 да гольф ўйнаш демакдир. Лекин банк фаолияти оддий иш эмас.

Харажатларни тўғри ҳисоблаш банкларга муқобил консерватив ресурслар нархларини таққослаш ва банк активларини аниқ баҳолаш ҳамда харажатларни қоплаб, акциядорлар учун даромадларни тўғри тақсимлаш имконини беради. Харажатларни баҳолашга кредитлар устама фоизларини белгилашнинг асосий омили сифатида қараш керак.

Жами портфел бўйича ўртача фоизлар ҳажми умумий сарф суммасини тўланмаган пассивлар ўртача суммасининг фоизлар тўловига тақсимланиб, бир сўм қарздорлик харажатларининг ўртача фоиз кўрсаткичларини акс эттиради.

Маълум муддат ичидағи ресурслар бирлиги учун ўртача нархлар шу вакт мобайнидаги харажатлар суммасининг қарздорликни қоплаш учун сарфланган харажатларга нисбати тарзида ҳисобланиши мумкин. Кўплаб банклар маълум муддат ичидағи ўртача харажатлардан фоиз сиёсатида нотўғри фойдаланишади: улар фоиз харажатларини фоизсиз харажатларга қўшиб, уни инвестициялаш фонди суммасига тақсимлаб активлардан келадиган фойдани ҳисоблашади. Шундай қилиб, ҳар қандай даромад чакана устама нарх сифатида белгиланади. Бунда келажакда харажатларнинг қўпайиши ёки камайишини тахмин қилиш асосий қийинчиллик ҳисобланади. Масалан, бозордаги фоизлар миқдорининг ошиши иш фаолиятига қандай таъсир кўрсатади?

Янги мажбуриятлар бўйича хақиқий харажатлар камаяди: «ўртача тарихий» харажаталарга асосланган, активлар бўйича даромадларнинг белгиланган даражаси харажатларни қоплаш ва фойда олиш учун етарли эмас.

Фоиз ставкалари камайганда акс ҳолат юз беради. «Ўртача тарихий» харажатлар янги қарздорлик бўйича ҳақиқий фоиз харажатларини камайтириб кўрсатади. Шу сабабли, белгиланган ставкалар бўйича ссудалар рақобатбардош бўлиши учун жуда юқори ҳисобланиши мумкин. Бундай харажатлардан фойдаланиш фоиз ставкалари белгиланган тарихий муддат давомида бир хил даражада сақланиб қолиши қўзда тутилади. Нархлар бўйича қарорлар харажатларнинг якуний, аниқ ҳажмига (аниқ даромадларга нисбатан) асосланган бўлиши лозим. Айтайлик, банк 1 йил муддатга 12 фоизлик янги ссуда ажратиши мумкин. Банкнинг ўртача харажатлари 8 фоизга teng. Агар банк янги ссуда бўйича ставкани (устама фоиз) ўртача харажатлар билан

таққосласа, унда спрэд 4 фоизни ташкил қилишини аниқлайди. Демак, ссудани бериш мумкин. Энди тахмин қилайлик, банк депозит сертификати билан боғлиқ ссудани 1 йилга 13 фоиз ҳажмида бериши керак. Бу янги фоиздаги ресурслар бирлиги учун чекланган фоиз ставкасини акс эттиради. Агар ссуда бўйича чекланган фоиз ставкасини сертификат бўйича чекланган ставка билан таққослашса, спрэд манфий бўлиб, у 1 фоизни ташкил этади, демак ссудани бериш фойдали эмас.

Тижорат банкларининг кўзлаган мақсадини якуний натижаси фойда ҳисобланади. Шунинг учун банклар молиявий натижаларини доимо кузатиб бориши, уларнинг даражасини, ўсиш суръатларини кузатиб, уларни холисона баҳолаб бориши зарур.

Тижорат банкларининг молиявий натижаларини рентабеллик кўрсаткичлари орқали баҳолаш мумкин.

7-жадвал.¹¹

Айрим тижорат банкларининг молиявий натижаларининг таҳлили.

(Минг сўм)

№	Банкларнинг номи	Банк даромадлари	Банк харажатлари	Банк фойдаси
1	Саноат-қурилиш банки	7914769	5264469	2650300
2	Пахта банки	7833658	5186042	2647643
3	Турон банк	345055	136860	208195
4	ЎТ-банк	111640	37823	73817
5	Уйжойжамғарма банки	111562	56845	54717
6	Ипак йўли банки	107331	85708	21623
7	Траст банк	25816	7858	17958

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банклар молиявий натижаларни фойда билан тугаллаган. Сармоя ёрдамида олинадиган -фойда меъёри сифатида ҳисобланадиган тижорат банки рентабеллиги (7-жадвал) банк фаолияти натижадорлигининг (К1) асосий умумлаштирувчи кўрсаткичидир. К1 кўрсаткичи тижорат банкининг ўз сармояси фойдалилиги нуқтаи назаридан банк қандай ишлаётганини кўрсатади. Банкнинг ўз сармояси қанчалик фойда келтириши шу тижорат банки акциядорларининг ҳаммасини қизиқтиради. Зеро сармоя фойдалилиги аосида банк акциялари фойдалилиги ҳақида хулоса чиқариши мумкин. К1 – универсал кўрсаткич бўлиб, у икки ўлчамни ўзида бирлаштиради. Булар:

- активлар фойдалилиги (К2);
- сармоя етарлилиги коэффициенти (К3).

Мазкур ўлчамлар банк ички сиёсатини ҳамда унинг аппарати касб-маҳоратини акс эттиради.

К1 = фойда/сармоя;

К2 = фойда/активлар;

К3 = сармоя/активлар;

¹¹ Манба: Банк ахборотномаси №6, 2002й. Февраль.

K4 = фойда/даромад;
 K5 = даромад/активлар.

8-жадвал.¹²

Айрим тиҷорат банкларининг рентабеллик кўрсаткичларини таҳлили.

№	Тиҷорат банкларнинг номи	K1 (%)	K2 (%)	K3 (%)	K4 (%)	K5 (%)
1	Саноат-қурилиш банки	78,7	9,5	12	-	-
2	Пахта банки	112	11	9,7	33,8	31,9
3	Турон банк	95	16	17	60,3	26,8
4	ЎТ-банк	62	7,7	12,5	66,1	11,7
5	Уйжойжамғарма банки	54	10,9	20,1	49	22
6	Ипак йўли банки	49	6	11,3	20,2	27,4
7	Траст банк	64	8,8	13,7	69,6	12,6

Жадвал маълумотларига қараб шуни таъкидлаш мумкинки, K1 коэффициенти бир қанча банкларда анча юқори. Булар, хусусан, Пахта банк (112%), Турон банк (95%) ва Саноат-қурилиш банки (78.7%).

Бу банклар чиқарган акциялари фойдалилиги бошқа банкларнига нисбатан айниқса юқоридир. K1 кўрсаткичи маълумотларига қараганда, юқорида айтилган 3 банк акциялари потенциал инвесторлар ўз маблағларини қўйишлари учун энг мақбули ҳисобланади. Лекин бошқа томондан олганда, Пахта банкка K3 кўрсаткичи паст. Бу эса K1 кўрсаткичи баланд бўлишига активлар фойдалилиги ҳисобидан эмас, балки сармоя етарлилиги кўрсаткичи пастлиги эвазига эришилганидан далолат беради. K4 кўрсаткичи банкнинг ўз чиқимларини назорат қилиш қобилиятини акс эттиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида тиҷорат банкининг чиқим моддаларини назорат қилиш банк фаолиятининг муҳим томонларидан бирига айланмоқда. Банк раҳбарияти эса банк харажатларини оқилоналаштиришга интилмоғи керак. Банкнинг қарз маблағлари камайиши, шу билан бирга, фоизга доир чиқимлар камайиши, K4 кўрсаткичини ошириш йўлларидан биридир. Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, хизматчи ходимларни сақлаш харажатлари қисқартирилиши мақсадга мувоғиқ эмас. Зоро, бунинг оқибатида кўрсатилаётган хизматлар сифати ёмонлашиб, энг малакали ходимлар кетиб қолади. K4 кўрсаткичи энг юқори бўлган банклар сифатида Траст банк (69.6%), шунингдек, ЎТ- банк (66.1%) кабиларни мисол келтиришимиз мумкин. Бу эса мазкур банклар чиқим моддаларини назорат қила бориб, ўз даромадларидан максимал фойда олаётганларини билдиради.

Агар Ипак Йўли банкининг K4 кўрсткичини кўриб чиқсак, банк бутун даромадларининг 80% харажат қилинаётганини аён бўлади, яъни банкнинг қарз маблағлари жуда кўп бўлиб, у шу қарздан фойдалангани учун фоизлар тўляяпти, ёхуд ўз хизматчиларига жуда катта иш ҳақи тўляяпти.

¹² Манба: Банк ахборотномаси №6, 2002й. Февраль.

Энди банклар даромад ҳамда харажатларининг пул ифодасидаги ҳажмини назарда тутган ҳолда улар фаолиятини таҳлил қиласиз.

Банк даромадлари ёки фойдаси ҳажми банклар ўз акциялари бўйича катта дивидендлар тўляяпти, дейишга асос бермайди. Масалан, агар банк катта фойда олса, иккинчи томондан эса унинг акциядорлари кўп бўлса, у ҳолда ҳар бир акция бўйича тўланадиган дивидендлар унчалик катта бўлиб чиқмаслиги кўзга ташланиб қолади. Даромадлари ҳажми унча катта бўлмаган банк эса ўз акциядорлари камлиги туфайли кўпроқ дивидент тўлашга қодир бўлиши мумкин.

К5 коэффициентининг энг яхши кўрсаткичи қўйидагicha:

Пахта Банк – 31.9%, Ипак Йўли банки – 27.4 %, Турон банк – 26.8%. К5 кўрсаткичини К4 кўрсаткичи билан биргаликда таҳлил қилиб айтиш мумкинки, юқорида санаб ўтилган 3 банк чиқим моддаларини оқилона бошқарса, ўз фойдасини кўпайтириш учун энг қўп имкониятга эгадир. К1, К2, К3, К4 ва К5 кўрсаткичлари ҳисоб-китоби эълон қилинаётган баланслар асосида тижорат банклари фаолиятини муфассал таҳлил қилиш имконини беради.

Қўйидаги таянч сўзларга таъриф беринг.

Банк даромади
Банк харажати
Банк фойдаси
Банкнинг соф фойдаси
Фоизли даромадлар
Фоизсиз даромадлар
Фоизли харажатлар
Фоизсиз харажатлар
Даромад манбалари
Комиссион тўловлар
Ўзгарувчан тўловлар
Оборотдан фоиз
Даромад келтирувчи активлар
Даромад келтирмайдиган активлар
Ностро, востро тўловлар
Операцион харажатлар.

Ўз билимини текшириш бўйича саволлар

1. Банк даромадлари нима ва у қандай ташкил топади?
2. Банк харажатлари нима ва у қандай ташкил топади?
3. Банк фойдаси нима ва у қандай ташкил топади?
4. Банк соф фойдаси нима ва у қандай ташкил топади?
5. Фоизли харажатлар ва уларнинг таркибини тушунтиринг.
6. Фоизсиз харажатлар ва уларнинг таркибини тушунтиринг.
7. Фоизли даромадлар ва уларнинг таркибини тушунтиринг.
8. Фоизсиз даромадлар ва уларнинг таркибини тушунтиринг.
9. Банк харажатларини камайтиришнинг омилларини сананг.
10. Банк даромадларини кўпайтиришнинг йўлларини тавсия қилинг.
11. Банк фойдаси (соф фойдаси) ни кўпайтиришнинг қандай йўллари мавжуд?
12. Банк фаолиятининг рентабеллиги деганда нимани тушунасиз?
13. Банк фаолияти давомида харажатлари ошиб бораётган бўлса, банк қандай йўл тутиши лозим?
14. Ўзингизни банк бошқарувчиси деб тасаввур қилинг. Сиз банкингиз фаолияти барқарор ва юқори фойда олиши учун қандай йўл тутган бўлардингиз?
15. Эссе ёзинг.

VII БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ТЎЛОВГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИ ВА ЛИКВИДЛИЛИГИ

1-§. Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга лаёқатлилиги ҳақида тушунча

Тижорат банкининг ликвидлиги тушунчаси - бу банкнинг барча мижозлари олдидаги қарз ва молиявий мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида тўлай олишидир. Банк ликвидлиги банк ўз капиталининг етарлилиги, унинг оптимал жойлаштирилганлиги ва баланснинг актив ва пассив қисмларидаги маблағларнинг вақт оралиғида мувофиқлиги билан аниқланади.

Тижорат банкининг ликвидлиги унинг фаолияти асосини ташкил қилувчи уч асосий қисм ўртасидаги доимий субъектив мутаносибликни сақлашдан иборатдир. Булар банкнинг хусусий капитали, жалб қилинган маблағлар ва жойлаштирилган маблағлардир. Бу мутаносиблик эса, юқоридагиларнинг таркибий элементларини оператив бошқариш йўли билан амалга оширилади.

Тижорат банкларининг молиявий ҳолатига баҳо беришда уларнинг фойдалилиги, ликвидлиги ва тўловга қобилиятлилигига эътибор қаратилади. Айнан шу омиллар банкнинг аҳволи қай даражада эканлигини белгилайди. Банкларнинг ликвидлиги ва тўловга қобилиятлилиги нафақат битта банк ёки банк тизимининг мувозанатлилигини, балки бутун бир иқтисодиётнинг мувозанатини таъминлайди. Банк фаолияти тизимида, энг аввало, банкларнинг ликвидлиги ва тўловга қобилиятлилиги кўриб чиқилади, чунки, фойдалилик фақатгина банкнинг ўз манфаатини ифодаласа, ликвидлик ва тўловга қобилиятлилик кенгроқ, яъни жамиятнинг кўпчилик қатлами манфаатларини кўзлади.

Банк ликвидлиги унинг омонатчилар ва кредиторлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида тўла-тўқис бажара олиш қобилиятидир.

"Ликвидлик" атамаси лотинча "Liquidus"-оқувчан, суюқлик маъносини англатади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда жаҳон банки назарияси ва амалиётида ликвидликни „захира” ёки «оқим» деб тушунилади. Ликвидлик захира шаклида тижорат банкининг мижозлари олдидаги ўз мажбуриятларини белгиланган вақт мобайнида активлар таркибини уларнинг ҳали ишлатилмаган резервларига айлантириш йўли билан қоплашни кўзда тутади.

Ликвидликнинг «оқим» шаклига динамик нуқтаи назардан қаралади, яъни тижорат банкининг маълум вақт мобайнида юзага келган ноқулай тушиб кетишдан актив ва пассивларнинг мос моддаларини, қўшимча заём маблағларини жалб қилиш ва банк молиявий баркарорлигини даромадларни ўстириш йўли билан сақлаш йўллари қўлланилади. Шундай қилиб, ҳар бир тижорат банки ўз ликвидлилигини сақлаш учун ўзи ҳаракат қилиши керак. Бу банк фаолиятини таҳлил қилиш, прогноз қилиш ва устав капитали, маҳсус фондлар ва захиралар, жалб қилинган маблағлар, актив кредит операцияларини амалга оширишни ташкил қилишда илмий асосланган иқтисодий сиёsat олиб бориш йўли билан амалга оширилади.

Тижорат банки фаолияти давомида унинг акционерлари бўлган кенг доирадаги корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг мулк ва бошқа иқтисодий манфаатларини қўзда тутилган учун тижорат банки фаолиятини юритишга лицензия берган Ўзбекистон Республикаси Марказий Банклар ишининг барқарорлигини иқтисодий ҳамда маъмурий усуллар ёрдамида бошқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 ноябрдаги 421-сонли “Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги низомида ликвидликка банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқариш деб таъриф берилган.

Иқтисодий адабиётларда тўловга қобилиятлилик ликвидликка нисбатан ҳам кенг, ҳам тор категория сифатида кўрилади. Кенг категория сифатида ўрганилганда тўловга қобилиятлилик ички ва ташқи омиллар доирасида кўриб чиқилади, ликвидлик эса, факат ички омиллар доирасида қаралади. Баъзи қараашларга кўра, ликвидлик банкининг динамик ҳолатини белгилайди, тўловга қобилиятлилик эса, маълум бир санага белгиланган тўғри келувчи ҳолатни, яъни мажбуриятларини қоплай ва тўлай олиш қобилиятини билдиради.

Умуман, тўловга қобилиятлилик банкининг зарур муддатларда қарз ва мажбуриятларини тўлай олиш лаёқатини билдиради. Шуни таъкидлаш лозимки, ликвидлилиги бўлмаган банк тўловга лаёқатли бўла олмайди. Амалда айнан ликвидлик тўловга қобилиятсизликнинг асосий сабаби бўлиб, уларни банкрот ва банк тизимининг бекарорлигига олиб келиши мумкин.

Тижорат банкларининг ликвидлилиги унинг баланс тузилмаси бўйича белгиланиб, унда активлар пассивга доир муддатли мажбуриятларни қоплаш учун ўз қийматини туширмаган ҳолда йўқотишларсиз пул маблағларига айлантирилиши лозим. Тўловга лаёқатсизлик эса, факат баланс ликвидлилиги боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки бошқа бир қатор омилларга ҳам боғлиқдир.

1983 йилда қабул қилинган ва 1993 йилда ўзгартиришлар киритилган банк назорати бўйича Базель қўмитаси ташаббуси билан юзага келган Базель битими банк ликвидлиги бўйича умумий қоидаларни белгилаб берди. Ушбу битимга мувофиқ, ликвидликни таҳлил қилиш банкларнинг ўз мажбуриятларини муддатидан ва зарар кўрмаган ҳолда бажариш қобилиятини аниқлаш заруратини қўзда тутади. Банкларнинг ликвидлиги ҳамда тўловга қобилиятлилиги банкларнинг умумий молиявий барқарорлигини таъминлашга асос ҳисобланади. Базель битими стандартида кўплаб давлатлар ўз банки тизими учун ликвидлилик меъёларини ишлаб чиқсан.

Ўзбекистон банк тизимида ликвидлиликни таъминлашнинг энг оддий усули банкининг бир қисм активларини ликвид шаклида, масалан, нақд пул, Марказий банк ва бошқа банклар вакиллик ҳисобваракаларидаги қолдиқлар, давлатнинг қисқа муддатли облигациялари шаклида сақлаш ҳисобланади. Жаҳон банки материалларига кўра тўловга қобилиятлилик ўз капиталининг ижобий катталилига боғлиқдир. Бунга мувофиқ тўловга қобилиятлилик банк капиталига асосланади, яъни банк капитали мажбуриятларни тўлаш кафолатига эга фонд ҳисобланади.

Умумий ликвидлиликни баҳолашда тижорат банклари асосий ликвидлилик, жорий ликвидлилик ва истиқболли ликвидлиликни бир тизимда таҳлил қилишлари лозим.

Банк зарур бўлганда ёки молиявий бозорда қарзлар олиш ёки банклараро бозордан кредитлар олиш ҳисобига ликвидлиликни таъминлаши мумкин. Баъзи ҳолларда тижорат банки баланси ликвид бўла туриб, мижозлар талаблари бажарилмаслиги мумкин. Шунинг учун эътиборни баланс ликвидлилигига эмас, кўпроқ банк ликвидлилигига қаратиш ўринли бўлади.

Тижорат банки барқарор ҳолатининг асоси бўлиб, унинг молиявий барқарорлиги хизмат қиласди. Банкнинг молиявий барқарорлигига турли ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар ичida банкнинг молиявий бозордаги рақобатдошлиги, доимий мижозларнинг мавжудлиги ва банк амалиётларини ўтказиш ҳамда ҳисобини расмийлаштиришда илғор технологияларни қўллаш омиллари муҳим ўрин тутади. Бу эса, самарадорликни оширишга ва банкнинг ишончли ҳамкор сифатида обрўсининг мустаҳкамланишига имкон беради.

Банкнинг ички барқарорлиги - бу тижорат банки фаолиятининг барқарор, юқори натижаларни таъминловчи пассивлар ва активлар таркибининг ҳолати ва молиявий натижалар динамикасидир. Ички барқарорликка эришиш асосида ички ва ташқи омиллар ўзгаришига фаол жавоб бериш тамойили ётади.

Тижорат банкига нисбатан ташқи барқарорлик, ушбу банк фаолият кўрсатаётган иқтисодий муҳит барқарорлиги билан белгиланади. Ташқи барқарорликка бутун мамлакат миқёсидаги бозор иқтисодиётига хос бўлган бошқариш тизими орқали эришилади.

Банкнинг молиявий мустаҳкамлилиги таҳлили асосида банк молиявий мустаҳкамлиги белгилари, ҳолати ўзгаришининг изчиллигини ўз ичига олган трендни тадқиқ қилиш, унинг турли белгилари ўзгаришлари ўртасидаги алоқаларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаш ётади. Бу молиявий мустаҳкамлик трендини тадқиқ қилиш учун банк молиявий ҳолатининг бир неча йиллик кўрсаткичларини таққослаш лозимлигини билдиради.

Бу ретроспектив таҳлил билан биргаликда перспектив таҳлилни амалга ошириш мумкинлиги ва зарурлигини, жумладан, молиявий ҳолатининг кейинги даврдаги прогноз қилишни ва молиявий мустаҳкамлик ривожининг умумий трендини аниқлаш лозимлигини юзага келтириди.

Банкларнинг молиявий мустаҳкамлигини ўрганишдаги бошланғич жиҳат Марказий банкнинг тижорат банклари фаолиятига қўядиган тартибга солувчи талабларидир.

Банкларнинг молиявий мустаҳкамлигини оширишга йўналтирилган ушбу талабларнинг самарадорлиги мазкур мамлакат иқтисодиёти, ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасининг, жумладан, банк инфратузилмасининг ривожланган мамлакатларда шаклланган тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тартибларини ўрганиш, Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш тартибини такомиллаштиришда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Банкнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш қўйидаги асосий йўналишларда олиб борилади:

Ретроспектив таҳлил. Таҳлилнинг ушбу йўналишида Марказий банк томонидан банклар учун ўрнатилган иқтисодий нормативларга тижорат банклари томонидан риоя қилинишини назорат қилишга асосланган молиявий барқарорликнинг асосий кўрсаткичлари ва белгиларини таҳлил қилишни ўз ичига олади. Молиявий барқарорликни таҳлил қилишнинг ушбу йўналиши қўйидаги соҳалар: ликвидлилик, фойдалилик, активлар сифати, капиталнинг етарлилиги ва бошқаришнинг сифати таҳлилларидан иборат.

Перспектив таҳлил. Молиявий барқарорликни перспектив таҳлил қилишнинг мақсади тижорат банки фаолияти самарадорлигини прогноз қилиш ҳисобланади.

Тижорат банки молиявий барқарорлигини баҳолаш молиявий ресурсларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланиш жараёнида намоён бўлувчи молиявий ҳолатни таҳлил қилишдан бошланади. Шунга мувофиқ, молиявий таҳлилнинг кетма-кетлиги, барча жараёнларни босқичмабосқич кўриб чиқишни, жумладан, молиявий ресурсларнинг мавжудлиги, уларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланишни таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Тўловга қобилиятликни нафақат ташқи кўриниш, балки маълум бир вақтда ва молиявий мустаҳкамликнинг барча омиллари таъсирида ҳосил бўлган маълум молиявий ҳолатнинг натижаси деб қараш лозим.

Ликвидлик кенг маънода қарздорнинг кредитор олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиши ҳисобланади. Ликвидлик иқтисодиётнинг барча соҳалари учун характерли бўлиб, шу билан бирга ўзига ҳос банк муаммоси ҳисобланади. Чунки, пул бир вақтнинг ўзида банкнинг ҳам айланма капитали, ҳам фаолияти маҳсули бўлиб, корхоналар активи эса асосан натурал буюм шаклида мавжуд бўлади.

Банк ликвидлиги бу банкнинг ўз олдида турган мажбуриятларини бажара олиши, мижозларнинг кредитга бўлган эҳтиёжларини қондириши ва омонатчиларнинг депозитларни қайтариб олиш бўйича талабларини қондира олиш қобилиятидир. Бундан ташқари ликвидлик банкнинг бозорда хавфсизлиги ва қарзларини ўз вақтида қайтара олишга қодирлигини ошкор қиласи, банкка активларни фойдасиз сотиш ёки банклараро бозорда маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган фойдани йўқотиш хавфидан кутулиш имконини беради.

Банк ликвидлигининг асосий шароитларидан бири, унинг активлари ликвидлигидир.

Ликвид активлар - уларнинг яхши маълум бўлган бозор нархининг шаклланишини таъминлайдиган доимий равишда сотилувчи ва сотиб олинувчи активларнинг алоҳида тури бўлиб, банклар уларни қисқа муддат ичидаги сотиб олишга тайёр бўлган харидорни топиши мумкин. Бундай активлар қаторига нақд пуллар, давлат қисқа муддатли облигациялари, қисқа муддатли (етти кунгача) банклараро кредитлар киради. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) давлатлари ҳукуматлари ҳамда фонд бозори ривожланган

давлатларининг машхур трансмиллий компанияларининг қимматли қоғозлари ҳам юқори ликвидликка эгадир.

Ноликвид активлар деб, бозор нархини котировка бўйича аниқлаш мумкин бўлмаган ва бу турдаги активларнинг харид нархи сотувчи ва харидор ўртасидаги келишув натижасида хусусий тарзда аниқланадиган активларга айтилади. Бундай активларнинг қиймати катта миқдордаги ўзгаришларга учраб туриши таққослашни қийинлаштиради. Бу турдаги активларга, масалан, кредитлар, қимматли қоғозлар бозорида котировкага эга бўлмаган ёки котировкаси қийин бўлган қимматли қоғозлар, асосий воситалар ва бошқалар киради. Тезда нақд пул миқдорини ошириш учун ноликвид активларни сотиш зарур бўлганда банк уларни зарап кўргани ҳолда сотиши мумкин.

Банк ликвидлигининг яна бир жиҳати банкнинг тўловга қобилиятлилиги бўлиб, унинг асосий белгиси банкнинг ўз олдида турган мажбуриятларини ўз вақтида қондира олиш қобилиятидир.

“Ликвидлик” ва “тўловга қобилиятлилик” мазмуни, омиллари ва уни таъминловчи сабабларга кўра бир-бирига яқин тушунчалардир. Ликвидлик муаммоси ташқи жиҳатдан тўлов мажбуриятларини бажариш жараёнида вужудга келади ва ликвид маблағлар йўқлиги билан боғлиқ қийинчиликлар туғилганда намоён бўлади.

Ликвидлик нафақат тўловларни ўз вақтида амалга оширишни назарда тутади, балки ўзининг тижорат манфаатлари билан бирга омонатчилар томонидан ишонч билдирилган маблағларнинг сақланишини таъминлайди.

Банкнинг тўловга қобилиятлилиги банкка қўйилган тўловлар бўйича талаблар айни вақтда қондира олиш қобилиятини билдиради. Тўловга қобилиятлиликни маълум молиявий ҳолатнинг натижаси сифатида қаралиши мумкин.

Шу билан бирга, тўловга қобилиятлилик ликвидликка нисбатан иккиласми чирилди. Чунки, банкда тўловга қобилиятлилик муаммоси содир бўлиши мумкин, аммо унинг ликвид баланси, банкнинг мажбуриятларини ўз вақтида бажара олишини таъминловчи қобилиятини тиклаш имкониятини беради.

Банк ликвидлиги кўпроқ банк балансининг ликвидлиги билан белгиланади ва унинг мазмуни, моҳияти актив ва пассив операцияларнинг муддати бўйича мос келишидан иборат. Банк балансининг ликвидлиги ссуда ва фонд операцияларига йўналтирилган маблағларнинг хатарлилик даражаси, пул бозорининг ривожланиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари, пассивларнинг қисқа муддатлилиги узоқ муддатли қўйилмаларга ҳам сарфланиши имкониятларини чеклаб қўймайди. Банкнинг ҳар доим ўз тасарруфида маълум миқдорда “бегона” пуллари бўлади. Омонатларнинг банкка доимий оқиб келиши билан бирга уларнинг қайтарилиб олиниши ҳам доимо содир бўлиб туради ва бунда банк ҳисобварагаларида доимий туриб қоладиган карз маблағлари миқдори барқарор ҳисобланади.

Тижорат банки ликвидлигини саклаб туриш муаммосини ҳал қилиш учун пассивлар оқими ҳаракатчанлиги ва муддатига кўра активлар оқимига мос келиши лозим.

Шундай қилиб, тижорат банки ликвидлиги банкнинг маълум вақтдаги тўловга қобилиятилигини таъминловчи ва банк ликвидлигининг асосий омили бўлган банк активлари ва пассивларининг нисбати билан белгиланади.

Банк ликвидлигини таъминловчи омиллардан бири банк пассивларининг сифатидир. Ўзлик ва жалб қилинган маблағлар нисбати банкнинг ишончлилиги ва фаолияти ривожланишининг истиқболини характерлаб беради. Жалб қилинган маблағлар оқимининг барқарорлиги ликвидлик муаммосини ҳосил қилмасдан туриб, қисқа муддатли ресурсларни узоқ муддатли қўйилмаларга йўналтириш имкониятини беради. Депозитлар бўйича ижро муддатининг аниқлиги баланснинг ликвидлигини бошқариш ва ликвид воситаларга бўлган эҳтиёжни прогноз қилиш имкониятини беради. Бу эса банк барқарорлигини таъминлаш имкониятини беради.

Банк ликвидлигини таъминловчи омиллардан бири банк томонидан қарз олиш, ўз активларини сотиш йўли билан ёки ўз мажбуриятларини бажариш учун маблағ топа олиш имконини берадиган пул бозорининг мавжудлигидир. Асримизнинг 60-йилларида бу омилнинг роли нихоятда ортди. Бунга сабаб, эркин муомалада бўлган федерал депозит сертификатлари, федерал фондларнинг қисқа ва узоқ муддатли қимматбаҳо қоғозлари, РЕПО битимларининг кенг қўлланилиши ва бунинг натижасида балансда фойда келтирмайдиган ва кам даромадли активларнинг тўпланиши билан боғлиқ бўлган фойда йўқотилишини минималлаштириш имкониятига эга бўлинганлигидир.

Тижорат банки молиявий барқарорлигининг яна бир компоненти банк фаолиятининг фойдалигидир.

Банк фойдасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, агар ишлаб чиқариш соҳасида харажатлар ўзгарувчан капитал ва қисман қўшимча қиймат ҳисобидан қопланса, банкларда эса муомала харажатлари тўла, фақатгина қўшимча қиймат қисмидан қопланади.

Фойда олиш - банк фаолияти қўламини кенгайтириш манбаларидан биридир. Агар, банк ишида капиталга даромад бошқа тижорат ташкилотларига нисбатан паст бўлса, капитал қўллаш фойдалироқ бўлган бошқа соҳаларга йўналтирилади.

Бундан ташқари, фойда раҳбарият фаолиятини рағбатлантиради, чунки улар операциялар ҳажмини ошириш ва такомиллаштириш, харажатларни камайтириш ва хизматлар сифатини оширганликлари учун фойданинг бир қисмини мукофот шаклида олишлари мумкин.

Банк фойдасининг энг муҳим функцияларидан бири кўзда тутилмаган йўқотишлар ҳолати учун заҳиралар шакллантиришдир.

Тижорат банкининг зарарсиз фаолияти унинг молиявий асосини мустаҳкамлайди ва аксинча узоқ муддат мобайнида зарар билан фаолият кўрсатиш банкни банкротликка олиб бориши мумкин.

Банклар муомала соҳаси корхонаси сифатида ўз фойдасини банк операцияларининг натижаси бўлган банк маҳсулотини сотиш асосида шакллантиради. Банк фаолиятининг фойдалилик даражаси банк фаолияти

характери, ихтисослашуви, унинг капиталининг катталиги, структураси ва филиалларининг мавжудлиги ҳамда мустақиллик даражасига боғлиқ.

Банк фаолиятининг фойдалилиги рентабелликнинг муҳим кўрсаткичлари мажмуи билан аниқланади. Бу кўрсаткичларга: капиталга фойда меъёри, ялпи активларнинг даромадлилиги ва фойдалилиги, соф фоиз маржа, фоизсиз юқ, активлар тизими ва “ишловчи” активлар салмоғи, пассивлар тизими ва тўпланадиган пассивлар салмоғи, ишловчи активларнинг даромадлилиги, фоизли ташланма киради.

Ички таҳлил нуқтаи-назаридан фаолиятнинг молиявий ишончлилиги ва рентабеллик таҳлили жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон иқтисодиётида мавжуд бўлиб турган маълум даражадаги инфляция шароитида фойдалилик таҳлилиниң долзарблиги янада ошади.

Фойдани камайтиришга сабаб бўлувчи омилларга қуидагилар: баланснинг ноликвидлиги, бунда ликвидлик камомадини тўлдириш учун қўшимча кредит ресурсларини жалб қилиш зарурати туғилади; депозитларнинг барқарор эмаслиги; инфляциянинг ўсиши ва бу орқали тартибга солувчи талаблар, жумладан, юқори мажбурий захиралар талаби таъсири остида бўлган фоиз маржасининг пастлиги; даромад келтирувчи активларнинг ноқулай структураси, жумладан, кам даромад келтирувчи кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, фоизсиз ссудалар салмоғининг юқорилиги ва тўловли пассивлар. Масалан, ресурслар таркибида баҳоси юқорироқ бўлган кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар салмоғининг юқорилиги; фоизсиз даромадлар ва фоизсиз харажатларнинг салбий нисбати; маъмурий-хўжалик харажатларининг максадга мувофиқ бўлмаган юқори даражаси; кредит портфелида муддати ўтган кредитлар салмоғининг юқорилиги ва берилган кредитларнинг фойдаланиш ҳамда қайтарилиш муддатларини узайтириш билан боғлиқ йўқотишлар; қимматбаҳо қоғозлар қийматининг тушиши; соликлар даражасининг юқорилиги; мувозанатлаштирилмаган фоиз сиёсати; ҳажми ва миқдори жиҳатидан ўз капитали миқдорини чегараловчи асосланмаган юқори даражада хатарли бўлган банк фаолиятини юритиш киради.

2-§. Тижорат банклари ликвидлигини баҳолаш

Тижорат банкларининг ликвидлигини белгиловчи кўпгина омилларни биз юқоридаги параграфларда кўриб чиқсан эдик. Ундан ташқари, тижорат банкларининг ликвидлилик кўрсаткичлари маълум меъёрлар асосида аниқланади. Барча тижорат банклари жорий ликвидлик меъёрларини бажаришлари лозим, улар жорий активларнинг (тўлов муддати 30 кунгача бўлган барча ликвидлик активлари, банк қўйилмаларининг бир марта бўлса ҳам муддати узайтирилган ва ёки аввал берилган ссудаларни тўлаш учун, шунингдек, қайтариш муддати ўтиб кетган кредитлар истисно қилинади) талаб қилиб олингунча мажбуриятлар суммаси нисбатига ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган ҳолда аниқланади. Ушбу кўрсаткич 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак, яъни банкнинг жорий ликвидлиги:

$$M_{4K} \frac{ЖА}{OB}$$

ЖА - қайтариш муддати 30 кунгача бўлган жорий активлар ва кредитлар

OB - қайтариш муддати 30 кунгача бўлган талаб қилиб олингунга қадар бўлган мажбуриятлар.

Лаҳзали ликвидлилик коэффициенти. Бу коэффициент банкнинг юқори ликвид маблағларининг (булар- банкнинг ғазнасидаги нақд пул маблағлари ва вакиллик ҳисобварақасидаги маблағлар) жорий мажбуриятларга нисбати сифатида аниқланади ва у банкнинг жорий тўловларни тезкорлик билан амалга ошира олиш қобилиятини кўрсатади. Банкнинг жорий мажбуриятларига талаб қилиб олингунга қадар бўлган депозитлар бўйича мажбуриятлар, яқин орада тўланиши лозим бўлган бошқа банклардан олинган кредитлар бўйича мажбуриятлар ва бошқалар киради. Шундай қилиб,

$$M_{3K}LA/ЖМ$$

Бу ерда:

ЛА- банкнинг пул шаклидаги активлари,

ЖМ-банкнинг талаб қилиб олингунга қадар бўлган варақалар бўйича мажбуриятлари.

Бу меъёр банк активларининг ликвид қисми банкнинг энг нобарқарор ресурсларини қанчалик даражада суғурталай олиш имконини кўрсатади. Шунинг учун мақсадли ликвидлиликни банклар ҳар куни текшириб боришлари ва унинг минимал миқдори 0,25 дан кам бўлмаслигини таъминлашлари лозим.

Қисқа муддатли ликвидлилик коэффициенти тўлов муддати 30 кундан 1 йилгача бўлган банк активларининг банкнинг муддати 30 кундан 1 йилгача бўлган депозитлари ва жалб қилинган маблағлари ва капиталига нисбати сифатида аниқланади, яъни

М₅қ А/ДқК,

Бунда:

А- тұлаш муддати 30 кундан 1 йилгача бўлган банк активлари;

Д- муддати 30 кундан 1 йилгача бўлган жалб қилинган депозитлар ва жалб қилинган ресурслар;

К- банк капитали.

Бу кўрсаткичнинг ҳажми 1 га teng бўлиши зарур.

Ундан ташқари, тижорат банклари ликвидлилигини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлар таҳлил қилиниши мумкин.

1. Ликвид активлар (захиранинг ортиқча қисми, эркин айирбошланадиган валюта, ДҚО лари, бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари), Жами активлар.
2. Доимий бўлмаган мажбуриятлар (йирик депозитлар/ маълум манбалардан олинган қарзлар) /Жами активлар.
3. Юқорида келтирилган барча кўрсаткичлар қуйидаги маълумотни акс эттиради — ушбу кўрсаткичларнинг пасайиши банкнинг ресурслар барқарор бўлмаган манбаларга таянганлиги ёки банк портфелидаги юқори ликвидли активлар улушининг камайганлигини англаради.
4. Кредитлар/Депозитлар — депозитларнинг, айниқса, майда омонатчиларга тегишли қисми одатда ресурсларнинг барқарор манбаидир. Кўрсаткичнинг жуда юқори қиймати (80 фоиздан ортиқ) ва/ёки ўсиши дастлабки муаммолар банкдан чиқиб кетадиган ресурслар (банклараро бозорлардан олинган қисқа муддатли қарзлар) манбаларига бўлган талабнинг пастлигини билдиради.
5. Гаровга қўйилган қимматли қофозлар /Жами қимматли қофозлар — гаровга қўйилган қимматли қофозлар умумий кўрсаткичи бўлиб, у ликвидлиликка тезкор талабларни қоплаш учун қўлланилмайди.

АҚШ да ҳам тижорат банклари ликвидлилигини баҳолашда бир қатор кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Булар қуйида келтирилган формулалардир:

I-даражали резервлар (Касса+МБ даги вакиллик счетлари)

$L_1 = \dots$;
Депозитлар

I-даражали резервлар + II-даражали резервлар (қимматли қофозлар)

$L_2 = \dots$.
Депозитлар

L_1 банк ликвидлигини таъминлаши учун 5-10% дан юқори бўлиши керак.

L_2 да эса банклар 15-25% дан юқори резервлар йиғишлари керак.

L_3 да кредитларнинг умумий активларга нисбатан салмоғини топиб банк фаолиятига баҳо бериш мүмкін.

Кредитлар

$L_3 = \frac{\text{Кредитлар}}{\text{Умумий активлар}} * 100\%$

Умумий активлар

L_3 күрсаткичимиз 60-70% оралиғида бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Асосий депозитлар

$L_4 = \frac{\text{Асосий депозитлар}}{\text{Умумий депозитлар}} * 100\%$

Умумий депозитлар

Бу күрсаткич банкларга қўйилган депозит қай даражада барқарор эканлигини аниқлаб, банк фаолиятига баҳо беришда ёрдам беради.

L_4 коэффициент 75% юқори бўлиши лозим .

Кўпгина мамлакатларда ликвидлилик кўрсаткичлари тижорат банклари балансининг актив ва пассив қисмини таҳлил қилиш асосида баҳоланади.

Францияда тижорат банкларининг ликвидлигини баҳолашда ишлатиладиган коэффициентлари умумий талаб қилиб олингунга қадар муддатли депозитларнинг (3 ойгача бўлгани) ва бошқа ресурсларнинг активларга нисбати билан аниқланади. У ерда бу коэффициентнинг ҳисоботи назорат органларига ҳар кварталда тақдим этилади. Бу коэффициент 60% дан кам бўлмаслиги керак.

3-§. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариши

Юқорида айтилганидек, ликвидликни бошқаришни бажариш масаласи, талаб этиладиган даражаси ушлаб турилиши учун тижорат банки мустақил равишда ўзининг фаолияти ва талабларига амал қилиши ҳамма тармоқлардаги иқтисодий асосланган сиёсатни ўтказиши лозим.

Бу мақсадларда тижорат банки доимо ўз капиталини ошириб бориши бошқа корхоналар ва ташкилотлардан жалб этилган маблағ ва ўз маблағлари ўртасидан оптималь нисбатни таъминлаши, банкнинг оборотида бўлган узоқ муддатли «ишончли» ва «арzon» кредит ресурсларини шакллантиришга интилиши керак. Кредит сиёсатини тўғри ишлаб чиқиш, кредит ресурсларини фойда келтирадиган соҳаларга қўйиши, ресурсларини жалб этишда кредит қўйилмалар ҳажми ва уларни муддатига этибор бериш, ликвид активларнинг ҳажмини ошириш билан банк активларининг оптималь структурани шакллантиришига эришиш лозим. Шунингдек, ҳиссадорларнинг қонуний талабларини бажаришга тайёр бўлиши учун шу маблағларнинг керагидан ортиқча харажат қилишига йўл қўймаслиги орқали, банкнинг даромад ва фойдасини оширишига интилиш зарур.

Банк ликвидлигини бошқариш назариялари тижорат банкларини ташкил этилиши билан бир вақтда пайдо бўлди.

Хозирги кунда 4та асосий назариялар фарқланади:

1. Тижорат ссудалари назарияси;
2. Жойдан-жойга (активларни) кўчириш назарияси;
3. Кутиладиган даромад назарияси;
4. Пассивларни бошқариш назарияси.

Биринчи учта назария бевосита активларни бошқариш назарияси билан боғлиқ. Банк амалиётида юқоридаги назарияларнинг барчаси қўлланилади, лекин ҳар хил банкларда уларнинг қайсигадир кўпроқ эътибор қаратилади.

Ликвидлик ҳолатини бошқаришда 2 та йўналишни ажратишимииз мумкин:

Биринчиси, резервларни доимий назорат қилиш сиёсати. Бу шуни англатадики, банкда даромад келтирмайдиган активларни ошишига йўл қўймаслик керак.

Иккинчиси, резервларни бир даражада сақлаб туришни қўллаб-куватлаш сиёсати, яъни мажбурий резерв нормалари, жалб қилинган депозитларга резервлар ва х.з.

Ликвид маблағларга бўлган талабни режалаштиришда нақд пулларни бошқариш, яъни мижозларнинг талабини қондириш мақсадида мажбурий резервларни бир маромда сақлаш лозимдир. Шуларни инобатга олган ҳолда банк кассасидаги пуллар кун давомида, яъни пул тушум ва чиқим битимларини амалга ошириш натижасида ўзгариб боради.

Банк амалиёти шуни кўрсатадики, ликвидлиларнинг етарли даражасини таъминланмаслиги банк фаолиятидаги жиддий камчиликларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолатнинг юзага келиши одатда банкдаги депозитларнинг йўқотилишига, бу эса нақд пул маблағларининг камайишига ва банк активларидаға ўта ликвид қимматли қоғозларнинг сотилишига сабаб бўлади.

Банк ликвидлилигини бошқа банклардан олинган кредитлар ҳисобига ҳам қондириш мумкин. Аммо, бошқа банклар юқори фоиз ставкада кредитлар тақдим этади ёки бериләётган кредитларга қўшимча таъминот қўйишни талаб этишади. Бу эса, банк оладиган даромаднинг камайишига сабаб бўлади.

Банкларнинг ликвидлилик муаммосини ҳал қилиш учун ликвидлиликни бошқаришни бир қанча стратегиялари мавжуддир.

Булар:

1. Активлар ҳисобига ликвидлиликни таъминлаш стратегияси (активларни бошқариш орқали ликвидлиликни бошқариш). Бу стратегияга мувофиқ банк активларни тез сотиладиган қимматли қоғозларга жойлаштиришни назарда тутади. Агар, ликвид маблағларга талаб юзага келадиган бўлса банк нақд пулларга бўлган талабни қондиргунча ўз активларини сотади. Одатда ликвидлиликни бошқаришнинг ушбу стратегияси активларнинг трансформацияси деб аталади, чунки пул қўринишида бўлмаган активлар нақд пулга айланиши ҳисобига ликвид маблағлар юзага келади.

Ликвид активлар учта хусусиятга эга бўлиши лозим:

- ◆ тез пулга айланиши учун ўз бозорига эга бўлиши лозим;
- ◆ бозорларда барқарор баҳога эга бўлиши ;
- ◆ сотувчи минимал ризк орқали бирламчи инвестицияни қоплай олиш имкониятининг бўлиши.

Активларни бошқариш орқали ликвидлиликни бошқариш стратегияси одатда майда банклар фаолиятида қўлланилади, чунки ушбу ликвидлиликни бошқариш методи қарз ликвид маблағлари орқали активларни трансформациялаш стратегияси ликвидлиликни бошқаришнинг арzon йўли ҳисобланмайди. Активларни сотилиши банкнинг келгуси даромадларини йўқолишига сабаб бўлади. Шунингдек, кўп активларнинг сотилиши қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларда брокерларга тўланадиган комиссиян ҳаражатлар билан боғлиқдир. Бундан ташқари, нақд пул маблағларига эга бўлиш мақсадида активларнинг сотилиши банк балансининг ёмонлашувига олиб келади, аммо бу активлар (мисол учун давлат қисқа муддатли облигациялари)ни мавжуд бўлиши банкнинг молиявий фаолияти барқарорлигидан далолат беради. Активларнинг сотилиши лозим бўлган пайтда бозорда қимматли қоғозларнинг баҳоси тушаётган даврга тўғри келиши банк капиталининг йўқолишига сабаб бўлиши мумкин. Банк бошқарувчилари келгуси давр даромадларини муқобил қийматини минималлаштириш учун, биринчи навбатда минимал фойда потенциалига эга бўлган активлар сотилишини таъминлаб бериши керак. Хуллас ликвид активларнинг салмоғи ошиб борган сари банкнинг даромадларини қисқаришига олиб келади.

2. Пул маблағларига талабни қондириш учун ликвид қарз маблағларидан фойдаланиш стратегияси (пассивларни бошқариш). Кўпгина йирик банклар ликвид маблағларнинг манбаси сифатида кўпроқ пул бозоридаги қарз маблағларидан фойдаланишади. Одатда бу стратегияни пассивларни бошқариш деб аталади. Бунда тижорат банклари ўзларининг ликвид маблағларга бўлган талабларини йирик микдордаги депозит сертификатларини ва бошқа банклардан олинган кредит маблағлари орқали таъминлашади. Пассивларни

бошқариш стратегияси орқали маълум бир муддат учун қарз маблағлари ҳисобига ликвидлилик таъминланади. Бу стратегияни йирик банклар амалга оширишининг асосий сабаби шундаки, банкларнинг ўз маблағларига нисбатан мажбуриятларининг ортиши ва банк балансида тез пулга айлана оладиган активларнинг етарли даражада бўлмаслиги, банкнинг тўловга лаёқатсиз бўлиш риски юзага келиши мумкин ҳамда банк ликвид маблағларга бўлган талабини қондира олмай қолиши мумкин.

3. Актив ва пассивларни бошқариш қарз ликвид маблағларини бошқариш стратегиясининг рисклилигини ва активларда ликвид маблағларнинг юқори баҳосини ҳисобга олган ҳолда, банклар ликвидлиликни бошқаришнинг актив ва пассивларини бошқариш стратегиясини танлайдилар. Бу стратегига мувофиқ ликвид маблағларга кутилаётган талабнинг бир қисми тез сотиладиган қимматли қоғозлар ва бошқа банклардаги депозит кўринишларида сақланади, шу пайтда ликвид маблағларга бўлган бошқа талаблар банк корреспондентлар билан очилган кредит линиялари ва бошқа маблағлар орқали қондирилади. Кутилмаганда юзага келадиган ликвид маблағларга талаблар қисқа муддатли кредитлар орқали қопланади.

- Тижорат банклари ликвидлилигини самарали бошқаришда банк ва унинг атрофидаги муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олевчи, аниқ ифодаланган ва хужжатлаштирилган ликвидликни бошқариш сиёсатининг мавжудлиги;
- банкнинг турли бўлинмаларининг мувофиқлаштирилганлиги;
- банк ликвидлик ҳолатининг мониторинги вазифалари юкланган бўлинманинг мавжудлиги;
- маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда банкнинг актив ва пассив ҳолатларини таҳлил қилиш учун ахборот тизимиининг мавжудлиги етакчи омилларидан ҳисобланади.

Ликвидлиликни бошқаришда банк ликвидлиликни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиши, ликвидликни бошқариш бўйича қарорлар банк кенгашида доимо муҳокама қилиб борилиши ва зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши лозим. Тижорат банкларининг таркибий бўлинмалари:

- банк ликвидлик ҳолатининг ҳар кунлик кузатуви;
- раҳбариятга банкнинг ликвидликка муносабати тўғрисида кундалик ҳисоботларни тайёрлаш, бунда ликвидликни қисқа муддатли режалаштириш ҳам ҳисобга олиниши керак;
- барча банк бўлимларидан керакли бўлган ахборотларни олиш ваколатига эга бўлиши лозим.

Кундалик ҳисоботлар етти кунлик давр ичida ликвидликнинг қисқа муддатли камайишини ёки ортиқчалигани акс эттириш учун етарли даражада батафсил бўлиши ҳамда маблағларни жалб этиш ва инвестициялаш бўйича талаб қилинган тавсияномалар билан таъминлаши лозим. Ушбу бўлинма маълум давр ичida (ой, чорак, йил якунлари бўйича) банк Бошқаруви Кенгашига банкнинг ликвидлик позицияси ҳолати тўғрисида умумлашган ҳисоботлар тақдим этиши керак. Ликвидлик ҳолати тўғрисидаги кундалик ҳисобот 10-иловада келтирилган.

Тижорат банклари ликвидлигини баҳолашда банкнинг жорий ликвидлилик ҳолати ва маблағларга келажақда бўладиган эҳтиёжини етарли даражада баҳолаш учун

- молиявий ресурсларнинг энг йирик манбалари, тармоқ ва географик ҳудуд бўйича ресурслар манбаларининг жамланганлиги;
- асосий номувофиқликларни аниқлаш учун активлар ва пассивларни тўлаш жадвали;
- ликвид активлар ва депозитларнинг олдинги трендлари (динамикасини акс эттирувчи жадваллар);
- балансдан ташқари мажбуриятлар,
- берилиши кутилаётган кредитлар,
- активларнинг даромадлилиги ва жалб қилинган ресурсларнинг қиймати;
- иқтисодиётнинг ахволи, шу жумладан, асосий иқтисодий индикаторлар ва фоиз ставкаларининг ўзгариши тахминлари.

Тўлиқ ахборот ва маълумотлар берилиши лозим.

Банк ликвидлигини бошқаришнинг самарали усули актив ва пассивларни бошқаришни ўз ичига олади.

Баланснинг актив қисмида банк ликвидлигини бошқариш учун сотилиши осон бўлган акцияларни, яъни ДҚО ни харид қилиш ёки уларга эгалик қилиш ёхуд захираларни кўпроқ ташкил қилиш ва сотилиши қийинчилик тутдирмайдиган пул маблағларига айлантириш кўп вақтни олмайдиган қисқа муддатли қўйилмаларни амалга ошириш йўли билан эришиш мумкин.

Банкларнинг ликвидлигини бошқаришда:

- жорий ликвидлик ҳолати;
- ресурсларга бўлган талабнинг даврий ўзгариб туриши;
- ресурсларга бўлган талабларнинг мўлжалланаётган ўзгаришлари;
- ресурслар манбалари. Раҳбарият банклараро бозорда активларни сотиш ва харид қилишни ёки бошқа манбаларни танлаши лозим;
- ресурсларнинг қиймати;
- активларнинг сифати каби омилларни инобатга олиш лозим.

Банк активларининг сифати ҳам банк ликвидлигига таъсир кўрсатади. Чунки, банкда муаммоли кредитлар, муддати ўтган, фойда келтирмайдиган кредитлар салмоғининг юқорилиги, пул маблағлари ҳаракатининг камлиги банк ликвидлигининг тушиб кетишига олиб келади.

Банк фаолиятининг барқарор ва ликвид бўлиши унинг ресурсларининг манбалари ва ҳажмига, ресурсларни ташкил қилишда диверсификация усулидан фойдаланганлигига ҳам боғлиқ. Агар, тижорат банки ресурсларининг асосий қисмини саноқли йирик корхоналар маблағлари ёки давлатнинг маблағлари ҳисобидан ташкил қиласидиган бўлса, банкнинг шу субъектлар депозитларига қарамлигини кўрсатади ва субъектлар томонидан турли хил бюджет тўловларини амалга ошириш, иш ҳақи тўлаш бўйича депозитдан маблағлар олиши банкнинг ликвидлилик риски шунча юқори бўлишига олиб келади.

Ундан ташқари, банк ликвидлилиги банкнинг капитали ва фойдалилигини ҳисобга олган ҳолда банкнинг умумий молиявий ҳолати ҳам таъсир кўрсатади.

Банкнинг молиявий ҳолати ёмон бўлса талаб қилинаётган воситаларни юқори нархда олиш ёки банклараро бозорга кира олмаслиги мумкин.

Балансдан ташқари мажбуриятлар ва шартномалар, жумладан, ишламаётган кредит линиялар, аккредитивлар, қимматли қофозлар ва валюта сотиб олиш учун тузилган келишувларнинг мавжудлиги ҳам банк ликвидлилигига таъсир кўрсатиши мумкин.

Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришда банклараро кредитларнинг муддати 1 кундан бир неча ойгача давом этиши мумкин. Фоиз ставкалари контрагент банклар ўртасидаги битим асосида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ёки ДҚО лари бўйича ставкаларни асос қилиб олган ҳолда белгиланиши керак.

Таъминотга эга бўлмаган банклараро кредит битимларини тузганда бир қарз олувчига бериладиган қарз меъёрларига амал қилиш керак. Фақатгина овернайт операциялари бундан мустасно, улар бўйича лимит чегараси банк капиталининг 25 фоизи атрофида ўрнатилади.

Банклараро кредитларнинг таъминоги сифатида ДҚО лари каби юқори ликвидли ва осон сотилувчи қимматли қофозлар қабул қилиниши мумкин. Таъминот сифатида топширилган қимматли қофозлар учинчи шахснинг (тижорат банки ёки Марказий банкда) эскроу ҳисобварағида жойлаштирилиши ёки Марказий банк дафтарларида уларнинг гаровга олинганлиги белгиланиши керак.

Репо операцияларида қўлланилувчи қимматли қофозлар осон сотилувчи ва ликвид воситалар, яъни ДҚО лари кўринишида бўлиши керак. Агар банклар бошқа қимматли қофозларни афзал деб билса, у ҳолда қарз берувчи томон уларнинг юқори ликвидлик талабларига жавоб беришига ишонч ҳосил қилиши ва уларни ўзларида сақланишини таъминлаши керак. Бундан ташқари, томонлар қимматли қофозларни учинчи томонда сақлаш ҳақида келишиб олиши мумкин.

Репо операциялари Марказий банк талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Келишувда ҳар бир томоннинг хукуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган бўлиши керак. Кредит берувчи томон қимматли қофозларнинг тўлов муддатига қараб гаров қийматининг кредит қийматидан камида 10 фоизга юқори бўлишини таъминлаши керак. Тўлов муддати қанча яқин бўлса, маржа шунчалик катта бўлиши зарур.

Таъминот сифатида ДҚО ларидан фойдаланилган ҳолда гаров қийматини, жорий дисконт асосида аниқлаш тўғрироқ бўлади. Купонли қимматли қофозлар қиймати уларнинг бозор нархи ҳамда ҳисобланган фоизлар миқдорида аниқланади.

Ҳозирги вақтда гаров тури бўйича маълум чекловлар ўрнатилмаган бўлсада, банклар бозорда котировка қилинмайдиган қимматли қоюзлар ва асосий воситалар каби гаровнинг ноликвид шаклларини қўллашда ўзларининг зиммаларидағи хатарни англашлари лозим. қимматли қофозлар бозори ривожланишининг чекланганлиги ва ликвидлиги корхоналар акцияларини

гаров сифатида қўлланилишига имкон бермайди. Шу туфайли, давлат қимматли қоғозлардан ташқари бошқа қимматли қоғозлар гарови асосида берилган кредит "таъминланган" битим деб ҳисобланмайди.

4-§. Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқаришинг банк ликвидилигига таъсири

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг фаолияти фойда олишга йўналтирилган бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида банк фойдасининг иқтисодий моҳияти янгича ижтимоий-иктисодий тус олиб бормоқда. Чунки, тижорат банкларининг фойдаси банк капитали тўпланишининг ва банк ривожланишининг асосий манбасидир.

Банк фойдасининг ўсиб боришига бир неча хил омиллар мавжуд бўлиб, булар: банкнинг рентабеллиги, вақтинча бўш маблағларнинг самарали ишлатилиши, турли хил пулли хизматлар кўрсатиш доирасини кенгайтириш, фойда келтирмайдиган активларни камайтириш, фойда келтирувчи активларни кўпайтириш ва бошқа омиллар ҳисобланади.

Иқтисодий ривожланиш босқичида тижорат банкларининг асосий иш тамойилларидан бири – юқори даражада фойда олишга йўналтирилган, қаратилган бўлади. Бироқ, буларнинг фаолияти доимо фойда кўриш билан боғлиқ бўлмасдан, улар фойлиятида зарар кўриш эҳтимоли ҳам учраб туриши мумкин. Банклар фаолияти ижобий бўлган ҳолларда, уларнинг фойда олиш ва салбий фаолият натижасида банкларнинг зарар кўриш эҳтимоли юқори даражада бўлади. Юқорида айтилган фойда келтирувчи резервларни амалда тадбиқ қилиш жараёнида банкнинг иш фаолияти иқтисодий жиҳатдан риск билан боғлиқ бўлади.

Активларни бошқариш деганда ўз ва жалб қилинган маблағларни жойлаштириш тартиби ва йўллари тушунилади. Тижорат банкларига қўлланилса – бу нақд пуллар, инвестициялар, ссудалар ва бошқа активларга тақсимлашдир. Маблағларни жойлаштиришда асосий диққат қимматли қоғозларга, инвестициялар ва ссуда операцияларига қаратилади. Маблағларнинг аниқ ечими шундай активларни «сотиб олиш» керакки, у банкка энг кўп даромад олиб келсин. Бироқ, тижорат банкларида фонdlарни бошқариш қатор омиллар орқали қийинлашмоқда.

Банк томонидан жалб қилинган маблағларнинг кўпчилик қисми мижозларнинг биринчи талаби билан тўланиши керак ёки огоҳлантириш муддати жуда қисқа бўлади. Шунинг учун банкни оқилона бошқаришни биринчи даражали шартларидан бири – бу жамғармачилар талабларини қондириш хусусиятини таъминлаш ҳисобланади. Иккинчи шарт – банк мижозларининг кредитга бўлган талабини қондира оладиган етарли маблағларга эга бўлиш. Бундай кредит бера олиш банк тижорат фаолиятининг асосий туридир. Мижозларнинг кредитга бўлган талабларини қондира олмаслик банк томонидан операцияларни йўқотишига, пировардида эса синиш эҳтимолига олиб келади.

Банкларнинг мамлакатнинг асосий пул массасини етказиб берувчи сифатидаги роли уларга жамият олдида катта масъулият юклайди.

Жамиятнинг банк системасининг тўловга лаёқатлилиги, ликвидилиги ва барқарорлиги тўғрисида ишончсизликка сабаби бўлмаслиги керак, жамғармачилар эса исталган банк ишончли эканлигига имони комил бўлиши

керак, Банк жамғармачилари ва унинг акция ушловчилари мақсадларини бирбирига таққослаб бўлмайди. Шунинг учун банк ўз маблағларини жойлаштираётганида ҳал этадиган асосий масалалардан бири бу ликвидлилик ва фойдалилик ўртасидаги муносабатдир. Бир томондан банк бошқарув маблағларни қимматли қоғозларга жойлаштириш орқали юқори даромад олишга кўз тутаётган акциядорларнинг босимини ҳис этса, иккинчи томондан банк бошқаруви бундай фаолият банк ликвидлигини сезиларли даражада ёмонлаштиришини, бу эса жамғармачиларга ўз маблағларини ололмаслигини ва эски мижозларнинг кредитга бўлган талабини қондира ололмаслигини аниқ билади.


Банк маблағларини турли активларга жойлаштириш юқори ликвидлилик даражасини ушлаб туриш ва маълум юқори даромад олиш эҳтиёжини белгилаб берувчи мавжуд қонун ва тартибга солувчи актлардан келиб чиқади. «Ликвидлик -даромадлилик» диллеммасини ечишга уринишлари активларни бошқаришда З усулни келтириб чиқарди. Бу методлардан бирортасини ҳам етук деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки уларнинг ҳар бирининг диққатга сазовор ва камчилик томонлари мавжуд. Ҳар бир методда алоҳида тижорат банкининг аниқ муаммоларини ечиш учун қўллаш мумкин бўлган элементлар мавжуд. Кўлланиш нуқтаи-назаридан содда бўлган метод – бу умумий фонд маблағлари методидир. (pool-of-funds approach). Бу методни кўпгина банклар маблағлар кўп бўлган даврда қўллайдилар. Тижорат банк бошқарувчиси жойлаштирилиши учун жавобгар бўлган маблағлар турли манбалардан: талаб қилиб олингунча қўйилмалар, жамғарма, муддатли қўйилмалар, шунингдек банк ўз капиталидан келиб тушади. Кўриб чиқилаётган метод асосида бу ресурсларни бирлаштириш ғояси ётади. Сўнгра маблағлар тўплами мос ҳисобланган активлар турлари (ссудалар, давлат қимматли қоғозлари, кассадаги нақд пул ва ҳоказо) ўртасида тақсимланади. Умумий фонд маблағлари методида маълум актив операцияни амалга оширишда маблағлар қайси манбадан келиб тушганлиги аҳамият касб этмайди, агарда уларнинг жойлаштирилиши банк ўз олдига қўйган мақсадларга еришишга ёрдам берса. Бу метод схематик равишда 1-расмда кўрсатилган.

Бу метод банк бошқарувидан ликвидлилик ва даромадлилик принципларини teng амал қилишини талаб этади. Шунинг учун маблағлар шу принципга мос келадиган актив операциялар турларига жойлаштирилади.

Маблағлар манаси



Маблағларни жойлаштириш



1-расм. Умумий фонд маблағлари модели ёрдамида активларни бошқариш.

Маблағларни жойлаштириш орқали оператив бўлим бошлиқларига ликвидлилик ва даромадлилик нисбатлари муаммоларини ҳал этишга кўмак берувчи маълум приоритетлар асосида амалга оширилади. Бу приоритетлар банк ихтиёридаги маблағнинг қайси қисми даромад келтириш учун биринчи ёки иккинчи галдаги резервларга жойлаштирилиш, ссуда ёки қимматли қоғозлар сотиб олишга ишлатилишини кўрсатиб беради. Маблағларни ер участкаларига, иморат ва кўчмас мулкка инвестициялаш одатда алоҳида кўриб чиқлади.

Иккинчи методнинг вужудга келиши – активларни тақсимлаш ёки маблағларни конверсиялаш (asset allocation or consession of funds approach) – биринчи метод бъязи камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, умумий фонд маблағлари позициясидан маблағларни жойлаштиришда ҳаддан зиёд дикқат ликвидликка берилиб, талаб қилингунча

қўйилмалар ва асосий капитал бўйича ликвидликка бўлган талаб ҳисобга олинмайди. Кўпгина намоёндалар фикрлари бўйича, бу камчилик Америка тижорат банкларининг фойда нормаси қисқаришининг ўсиб боришига сабаб бўлди.

Бу вақт ичидаги талаб қилингунча қўйилмаларга нисбатан камроқ ликвидлиликни талаб этувчи муддатли ва жамғарма қўйилмалар юқори темплар билан ўсиб борди. Активларни тақсимлаш методи умумий фонд маблағлари методи камчилигини енгиш имконини берди. Бу метод банкка зарур бўлган ликвид маблағлар миқдори фонdlарни жалб қилиш манбаларига боғлиқлигини белгилаб берди. Схематик равишда бу 2-расмда кўрсатилган.



2-расм. Активларни тақсимлаш модели ёрдамида активларни бошқариш.

Бу метод орқали маблағлар манбаларини мажбурий резервлар ва уларнинг айланиш тезлиги нормаларига мос чегаралашга ҳаракат қилинади. Бу методнинг асосий устун тарафи бу ликвид маблағлар ва ссудалар ҳамда инвестицияларга қўшимча маблағлар қўйиш қисмининг қисқартирилиши ва бу натижада фойда нормасининг кўтарилишига олиб келишидир. Активларни тақсимлаш методи-нинг тарафдорлари фойда нормасининг ошиши ошиқча ликвид активларни бартараф этиш ҳисобига амалга оширилади.

Лекин, бу метод ҳам унинг самарадорлигини пасайишига олиб келадиган камчиликларга эга. Унинг камчиликларидан бири, бу метод маблағлар манбалари уларни қайси йўлда қўллашдан қатъий назар мстақил деб тахминлайди, амалда эса бундай эмас. Масалан, банкир амалиётчилар ишchan фирмалардан кўп қўйилма жалб қилишга ҳаракат қиласидилар. Чунки, бу

фирмалар одатда шу банкдан қарз оладилар. Бундан шу келиб чиқадики, янги қўйилмаларни жалб қилиш билан биргаликда банк янги қўйилмачилар томонидан бўлган кредит заявкаларининг бир қисмини қониқтириш мажбуриятини олади. Бу эса, янги қўйилмаларнинг бир қисми шу қўйилма эгаларини кредитлаш учун йўналтирилиши кераклигини англатади.

Кўриб чиқилган 2 метод бир мунча соддалаштирилгандир. Уларнинг қарор қабул қилишда асос бўлиб хизмат қилувчи норматив йўриқномалар комплекси сифатида эмас, балки активларни бошқариш билан боғлиқ муаммоларни ечиш усулларини аниqlашда банк бошқарувига ёрдам берувчи умумий схема чегарасида қараш керак. Кўриб чиқилган 2 метод актив ва пассивлар турли моддалари ўртасидаги боғлиқликни анализ қилишнинг илмий бошқариш содда усулларига тўғри келади.

Бошқариш ва таҳлил қилишнинг 3 усули илмий метод, шунингдек ЭҲМни қўллаш билан боғлиқ. Бу метод нисбатан мураккаб математик методлар ва ЭҲМ орқали бошқариш муаммоларига ёндашибни касб этади.

Энди тижорат банкини активлари ва пассивларини аниқ мисолда кўриб чиқамиз.

Тижорат банклари активларини 4 категорияга бўлиш мумкин: кассадаги нақд пул ва унга тенглаштирилган маблағлар, қимматли қофозларга инвестициялар; ссудалар, иморат ва ускуналар. Буни 1-жадвалдан қўришимиз мумкин.

Акционерлик тижорат банки активлари таркиби.

(01.01.2000 йил.млн. АҚШ долларида)

Активлар моддаси	Сумма	Умумий активга нисбатан, % да
Касса ва унга тенглаштирилган маблағлар	628	17,4
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги резерв маблағлар	326	8,9
Банклараро операциялар	456	12,6
Суда ва заёмлар	1884	51,9
Кўчмас мулк ва асосий воситалар	210	5,8
Бошқа активлар	125	3,4
Жами активлар	3629	100

Юқорида келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, банк балансининг активида асосий ўринни берилган ссуда ва заёмлар эгаллаб туриди (51,9 %). Чунки, банкнинг асосий даромад манбаи шу модда ҳисобланади. Кейинги ўринда эса, ликвидлилик нуқтаи назаридан энг ликвид ҳисобланган актив моддаси: «Касса ва унга тенглаштирилган маблағлар» (17,4 %) туриди ва ҳоказо.

Агар, активлар таркибини банк фаолиятидаги асосий турлари бўйича гурухлаштиrsак, у ҳолда қуидаги хulosалар чиқариш мумкин:

Банк активлар операцияларида асосий ўринни кредит операциялари эгаллайди. Уларнинг улуши 19,9% дан 83,25% гача ташкил этади.

Банк активларида иккинчи ўринни қимматли қофозларга қилинган инвестициялар эгаллайди (2,15% дан 23,87% гача)

Учинчи ўринда – касса активлари (0,2% дан 12,94% гача)

Бошқа активлар улуши ҳисоб-китоб хусусиятларидан келиб чиқиб банк операцияларида жуда ҳам кенг спектрни эгаллайди (2% дан 78% гача).

Энди тижорат банкларини пассив операцияларини кўриб чиқамиз. Пассив операциялар тижорат банклари учун муҳим роль ўйнайдилар. Улар ёрдамидагина банклар пул бозорларида кредит ресурсларига эга бўладилар:

Тижорат банклари пассив операцияларининг асосан тўртта шакли мавжуд:

1. Қимматбаҳо қофозларни муомалага чиқариш йўли билан ресурсларни йиғиш;
2. Фойда ҳисобидан ҳар хил фонdlар ташкил қилиш ёки фонdlар суммасини ошириш;
3. Бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш;
4. Депозит операцияларни амалга ошириш.

Тижорат банкларининг ресурслари банкнинг ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлари ва эмитентлашган маблағлар ҳисобидан шаклланади. Юқорида

келтирилган пассив операцияларнинг биринчи ва иккинчи шаклларида банкларнинг ўз маблағлари юзага келади.

Банкларнинг ўз маблағларига банкнинг устав капитали, резерв капитали, махсус фонdlар, моддий рағбатлантириш фонди, бошқа ҳар хил ташкил қилинган фондлар ва тақсимланмаган фойдаси киради. Банкнинг устав капитали суммаси банк уставида кўрсатилади ва банк ишини бошлашнинг бошлангич нуқтаси ҳисобланади. Банкларни ташкил қилишнинг шаклларига қараб банкнинг устав капитали ҳам ҳар хил ташкил топади. Агар, банк акциядорлик жамияти тариқасида ташкил қилинадиган бўлса, устав капитали ёки фонди акциялар чиқариш ва жойлаштириш йўли орқали ташкил топади. Банкларнинг устав капитали суммаси қонун йўли билан чегараланмайди.

Жалб қилинган маблағлар тижорат банкларининг кредит ресурсларининг асосий қисмини ташкил этади. Уларнинг асосийси талаб қилиб олингунча депозитлар, муддатли ва жамғарма қўйилмаларга бўлинувчи депозитлардир.

Муддатли депозит счёtlар қатъий ўрнатган муддатга эга бўлиб, у бўйича эгаларига ўрнатилган фоиз тўланади. Муддатли депозит счёtlарида сақланувчи пул маблағларига талаб қилингунча депозитларга нисбатан мажбурий резервларга пастроқ норма белгиланади. Мижозлар учун муддатли депозит счёtlарининг яхши томони улар бўйича юқори фоиз олинишидир, банк учун эса – ликвидлиликни кам резерв билан ушлаб туриш мумкинлиги. Муддатли депозитларнинг мижозлар учун камчилиги, унинг паст ликвидлилиги ва муддатли депозит счёtlаридаги маблағларни ҳисоб-китоб ва жорий тўловларга ишлатиб бўлмаслигидир. Талаб қилиб олингунча депозитлар счёtlарида сақланувчи маблағлар характеристидан келиб чиқиб таснифланади: турли мулк шаклидаги корхоналар ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоб, жорий, бюджет счёtlаридаги маблағлар; турли фондларни сақлаш бўйича махсус счёtlардаги маблағлар, капитал қўйилмалар учун мўлжалланган корхоналарнинг ўз маблағлари; бошқа банклар билан ҳисоблашиш бўйича корреспондентлик счёtlаридаги маблағлар, маҳаллий бюджет маблағлари.

Жамғарма қўйилмалар уларнинг ҳисоблаш хусусиятларидан келиб чиқиб қўйидагиларга бўлинади: муддатли, қўшимча қўйиш билан муддатли, ютуқли, пул буюм ютуқли; шартли; жамғарма сертификатлар ва бошқалар.

Энди тижорат банкининг пассиви таркибини кўриб чиқамиз.

2-жадвал.

Акционерлик тижорат банкининг пассиви таркиби.

(01.01.2000 йил. млн. АҚШ долларида)

Мажбуриятлар капитали	ва акционерлик	Сумма	Умумий пассивга нисбатан, % да
Давлат ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки депозитлари		965	26,6
Мижозлар депозитлари		623	17,2
Банклар ва бошқа кредит муассасалари депозитлари		342	9,4
Давлатларо кредитлар		1075	29,6
Бошқа мажбуриятлар		53	1,5
Акциядорлик капитали		3058	84,3
Номинал акциядорлик капитали		364	10,0
Қўшимча капитал		20	0,5
Тақсимланмаган фойда		187	5,2
Жами акционерлик капитали		571	15,7
Жами мажбуриятлар ва акционерлик капитали		3629	100,0

Юқорида келтирилган (2-жадвалга қаранг) тижорат банкининг пассивлари структурасида давлат ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки депозитлари асосий ўринни эгаллаб турибди (26,6 %). Иккинчи ва учинчи ўринларда эса мос равишда давлатларо кредитлар (29,6 %) ва мижозлар депозитлари (17,2 %) эгаллаб турибди ва ҳоказо.

Банк активларининг қийматини тўғри ҳисоблаш ва улардан келадиган даромадларни тўғри ҳисоб-китоб қилиб режалаштириш банк фаолиятининг самарадорлигига олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунга келиб банклар маблағларни шакллантириш ва даромадни ортишининг янги манбаларига мурожаат қилмоқдалар, яъни активларни секьюритизациялаш ва кафолатли кредит хатларини чиқаришdir. Банклар бундай даромад ва резервлар манбаларига асосан улар банклар фаолиятини тартибга солиш ва жаҳон молия бозоридаги инвесторлар муомаласини ўзгартиришга ёрдам берганлиги учун мурожаат қиладилар. Бундай тартибга солишнинг янги нормалари узоқ муддатли капиталининг позициясини мустаҳкамлашни талаб этади. Кўпгина банкирлар шуни англадиларки, «капитал-активлар» муносабатини самарали яхшилаш воситаси бўлиб балансдан ташқари активларни сотиш ҳамда активларни қимматли қофозлар чиқариш орқали пакетлаштириш ва активларни ўзини резервда сақлаш ҳисобланади.

Қўйидаги таянч сўзларга таъриф беринг.

Тижорат банк ликвидлиги	Юқори рискли активлар
Тижорат банк тўловга лаёқатлилиги	Минимал рискли активлар
Банк активлари	Риск
Банк пассивлари	Банк риски
Банк фойдаси	Даромад келтирувчи активлар
Банк ликвид маблағлари	Даромад келтирмайдиган активлар
Ликвидлилик омиллари	Кредит баҳоси
Ноликвид активлар	Кредит ставкаси
Рискли активлар	

Ўз билимини текшириш бўйича саволлар

1. Тижорат банкларининг ликвидлилиги деганда нимани тушунасиз ва у қандай аталади?
2. Тижорат банклари тўловга лаёқатлилиги ва унинг кўрсаткичлари.
3. Тижорат банкининг тўловга лаёқатлилиги қандай аниқланади?
4. Даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган даромадлар ва уларни таърифланг.
5. Банкларнинг ликвидлилик даражаси қандай аниқланади?
6. Тижорат банклар ликвидлилиги ва тўловга лаёқатлилигига таъсир қилувчи омиллар.
7. Тижорат банкларининг активлари ва уларнинг рисклилик даражаси.
8. Тижорат банкларининг даромадларини сананг.
9. Тижорат банкларининг харажатларини келтиринг.
10. Тижорат банкларининг даромадларини ошириш имкониятлари.

III-БҮЛІМ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ

VIII-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ПАССИВ ВА АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

1-§. Тижорат банкларининг пассив ва актив операциялари

Пассивлар ва активлар бүйича мажбуриятларни бошқариш банкнинг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади. Захираларни жалб қилиш ёки уларни жойлаштириш – операцияларнинг ҳар иккаласи ҳам банк учун муҳим. Чунки булар ўзаро боғлиқ. ўзаро шартланган иккита жараёндир. Уларни рационал ташкил қилиш юқори натижаларга эришиш имконини беради.

Одатда, банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган операциялар банкларнинг пассив операциялари дейилади. Пассив операциялар ёрдамида тижорат банкларининг пассив ва актив – пассив счетидаги пул маблағларининг салмоғи ошиб боради. Банкларнинг пассив операциялари уларнинг фаолиятини ташкил қилишда катта рол ўйнайди. Пассив операциялар ёрдамида тижорат банклари кредитлаш учун зарур бўлган кредит ресурсларини ташкил қиласди.

Тижорат банклари пассив операцияларининг асосан тўртта шакли мавжуд:

1. Тижорат банклари қимматбаҳо қофозларини муомалага чиқариш йўли билан ресурслар ийғиши;
2. Банк фойдаси ҳисобидан ҳар хил фонdlар ташкил қилиш ёки фондлар суммасини ошириш;
3. Бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш;
4. Депозит операцияларини амалга ошириш.

Тижорат банкларининг ресурслари банкнинг ўз маблағлари, жалб қилинган ва эмитентлашган маблағлар ҳисобидан шаклланади.

Юқорида келтирилган пассив операцияларнинг биринчи ва иккинчи шаклларида банкларнинг ўз маблағлари юзага келади ва қолган охирги икки шаклида кредит ресурсларнинг иккинчи қисми жалб қилинган ресурслар юзага келади.

Банкларнинг ўз маблағларига – банкнинг устав капитали, резерв капитали, маҳсус фондлар, моддий рағбатлантириш фонди, бошқа ҳар хил ташкил қилинган фондлар ва тақсимланмаган фойдаси киради. Амалиётда банк пассивларининг 20 фоизига яқини банкларнинг ўз маблағларига тўғри келади.

Банкларнинг ўз маблағлари ичida асосий ўринни банкнинг ўз капитали эгаллади. Банкнинг ўз капитали таркибига биз юқорида келтириб ўтган капиталнинг бир қисми, яъни устав капитал, рискларни қоплаш учун ташкил қилинган резерв фонд, тақсимланмаган фойда киради. Банкларнинг ўз капитали банк кредиторларининг манфаатини ҳимоя қилиш, банк фаолиятининг

барқарорлигини таъминлаш, банк фаолиятини бошқариш каби функцияларни бажаради.

Банкнинг устав капитали суммаси банк уставида кўрсатилади ва банк ишини бошлашнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Банкларни ташкил қилишнинг шаклларига қараб банкнинг устав капитали ҳам ҳар хил ташкил топади. Ўзбекистон Респубилкасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида “Банкни устав фонди банк муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан ташкил топади” деб кўрсатилган. Шундан келиб чиқсан ҳолда агар банк акциядорлик жамияти тариқасида ташкил қилинадиган бўлса, устав капитали ёки фонди акциялар чиқариш ва жойлаштириш орқали ташкил топади. Банкларнинг устав капитали суммаси қонун йўли билан чегараланмайди. Банкларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида унинг минимал миқдори белгилаб берилади.

Банкнинг устав капитали унинг балансининг пассивида кўрсатилади. Устав капитали суммасининг оширилиши банк акциядорлари умумий мажлисида ҳал қилинади.

Банкларнинг устав капитали уларнинг мажбуриятларини бажаришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Банк кредитлари ҳисобидан банкларнинг устав капиталини ташкил қилиш мумкин эмас. Устав капиталини ташкил қилишда четдан бошқа пул маблағларини жалб қилиш ҳам мумкин эмас. Банклар ташкил қилинганда устав капиталининг таркиби моддий маблағлардан ва пул маблағларидан ташкил топади. Банк фаолиятининг бошланғич босқичларида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан биринчи навбатдаги банк харажатлари (ер, бино, асбоб-ускуна, иш ҳақи) қопланади. Банкларнинг ўз маблағлари узоқ муддатли активларга қўйилмалар қилишнинг асосий манбаси ҳисобланади.

Одатда Марказий банк тижорат банклари учун банкларнинг ўз маблағлари билан четдан жалб қилинган ресурслар ўртасидаги чегарани белгилаб бериши мумкин.

Банкларнинг акциядорлик капитали қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топиши мумкин. Булар: а) ўз акциядорлик капитали, бу капитал оддий ва имтиёзли акциялар чиқариш ва сотиш ҳисобидан, тақсимланмаган фойда ҳисобидан юзага келади; б) ҳар хил кўзда тутилмаган харажатларни ва тўланмаган қарзларни қоплаш учун ташкил қилинган резервлар; в) банкнинг узоқ муддатли мажбуриятлари (узоқ муддатли вексел ва облигациялар) бўлиши мумкин.

Банкларнинг резерв капитали ёки резерв фонди фойдадан ажратмалар ҳисобига ҳосил бўлади ва у кўзда тутилмаган заарлар ҳамда қимматли қоғозлар курсининг тушиши натижасидаги йўқотишларни қоплаш учун мўлжалланган.

Тақсимланмаган фойда – резерв фондига ажратмалар ва дивидендер тўланганидан сўнг қоладиган фойданинг бир қисмиdir.

Банкларнинг ўз маблағлари тижорат банклари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Банк устав капитали миқдорининг ўзгариши устав капитали миқдорининг оширилиши ёки камайтирилиши шаклларида амалга оширилиши мумкин. Банк

устав капитали миқдорининг оширилиши қўшимча акцияларни жойлаштириш ёки акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан устав капиталини ошириш қўйидаги усуллар билан амалга оширилиши мумкин:

*молиявий йил яқуни бўйича кўрилган фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини акциялар номинал қийматини оширишга йўналтириш;

*акциядорлар томонидан акциялар номинал қиймати оширилган қисмининг тўланиши;

*молиявий йил яъкуни бўйича кўрсатилган банк фойдасини акциялар номинал қийматини оширишга йўналтириш ва акциядорлар томонидан акциялар оширилган номинал қийматининг етишмайдиган қисмининг тўланиши.

Акциялар чиқариш ёки уларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан банкнинг устав капиталини кўпайтириш Марказий банкнинг лицензиялаш депортаменти рўхсати билан амалга оширилади.

Банкнинг ўз капитали ҳиссасининг камайиши баъзи ҳолларда банкларнинг синишига олиб келади.

АҚШда катталиги бўйича йигирманчи ўринда турувчи “Франклун нешнл банк”ни синишининг сабабларидан бири – банкнинг ўз капитали ҳиссасининг банк балансида кескин қисқариши бўлган. Худди шу сабаб, 1979 йил активида 250 млн. АҚШ доллари ва 44 минг омонатчисига эга бўлган АҚШдаги “Днуверз нешнл бэнк оф Чикаго” банкининг синишининг асоси ҳисобланади.

Иқтисодий ёки банк инқизозлари даврида пассивлар ва уларни жойлаштириш соҳасида етарли даражада ўйлаб чиқилмаган сиёsat банкларинг синишига олиб келади.

1980 йилларнинг иккинчи ярмида АҚШда банкларнинг банкротлик сони ўсади. 1984 йилда АҚШда биринчи ўнликда турувчи йирик банклардан бири бўлган “Континентал Иллинойс” банкининг синиш ҳолатининг, хукumatнинг маҳсус дастури орқали олди олинди.

Федерал резерв система бўлган АҚШ Марказий банки ўз ихтиёрига олган бир неча миллиард АҚШ долларини мувофиқлаштирибгина қолмай, балки депозитларни суғурталаш Федерал уюшмаси ва АҚШ Молия министрлиги билан бирга банк тўлаш қобилиятини мустахкамлаш соҳасида кафил сифатида чиқди.

Тижорат банклари синишлиарнинг энг кўпи 1988 йилга тўғри келган. Иқтисодий кўтарилиш туфайли АҚШ да тижорат банклари синишинг сони ўзининг аввалги ҳолига тушган. Шунга кўра 1994 йилда фақатгина 13 та тижорат банклари синган.

Шу билан бирга, муаммоли, яъни молиявий ҳолати бекарор бўлган банклар сони юқорилигича қолмоқда.

Жалб қилинган маблағлар тижорат банклари кредит ресурсларининг асосий қисмини ташкил этади. Булар депозитлар, шунингдек, контокоррент ва корреспондент ҳисоб варагидаги маблағлардир.

Уларнинг асосийси талаб қилиб олинадиган қўйилмаларга, муддатли ҳамда жамғарма қўйилмаларга бўлинувчи депозитлардир.

Талаб қилиб олинадиган қўйилмалар, шунингдек, жорий ҳисобварагидан маблағлар омонатчиларнинг биринчи талаблари билан олинади. Жорий ҳисоб варагининг эгаси банқдан чек дафтарчасини олади. Бунда у пул олиш билан бирга иқтисодий муносабатлар вакиллари бўлган корхона, ташкилот, муассасалар ҳисоб-китоб операцияларини олиб бориши мумкин.

Муддатли омонатлар – мижоз томонидан банкка маълум муддатга қўйиладиган қўйилмалар бўлиб, улар орқали мижозларга банк томонидан юкори фоизлар тўланади. Банкда фоиз ставкалари қўйилманинг муддати ва миқдорига боғлик бўлади.

Муддатли қўйилмаларнинг турларидан бири – маблағларни жалб қилишнинг аниқ қайд этилган вақтга мўлжалланган депозит сертификатлари ҳисобланади. Уларни муомалага 1961 йилда биринчи бўлиб «Ферс нешил сити бэнк» киритган. Ҳисоб варафи эгаларига, уларнинг номлари ёзилган, тўлаш муддати ва фоиз даражаси қўрсатилган маҳсус гувоҳномалар берилган.

Банкларнинг қимматли қофозлар билан, факторинг, лизинг ва бошқа операциялар билан шуғулланиши банк ресурсларининг таркиби нафақат пул маблағларидан, балки товар-моддий бойликларидан ва қимматли қофозлардан ташкил топишига олиб келди. Жалб қилинган маблағлар банкнинг реал ва салоҳиятли ёки балансдан ташқари мажбуриятларини ташкил қиласди. Реал мажбуриятлар банк балансида талаб қилингунга қадар депозитлар, муддатли депозитлар, жалб қилинган банклараро кредитлар сифатида акс эттирилса, балансдан ташқари мажбуриятлар банк томонидан бериладиган кафолатлар, мижозларга очилган кредит линияларда намоён бўлади. Мажбуриятларни бажариш манбаси бўлиб газнадаги маблағлар, вакиллик ҳисоб варағидаги қолдиқлар, ликвид активлар, банклараро бозор ёки Марказий банқдан олинган кредитлар хизмат қиласди. Банк ресурслари нафақат кредит бериш учун, балки банкнинг бошқа актив ва воситачилик операцияларини бажариш учун ишлатилади. Сертификатда қўрсатилган қўйилма муддати тугагандан сўнг унинг эгаси қўйилма суммасини ва келишилган фоизларни олиш ҳукуқига эга бўлади.

Банк ресурслари таркибида аҳолининг омонат қўйилмалари муҳим рол тутади. Улар тўлиқ суммада ёки бўлиб-бўлиб қўйилади ва берилиши мумкин. Омонатчи ва банк ўртасидаги маблағ қўйиш билан боғлик муносабат омонат дафтарчасини бериш билан тасдиқланади. Банклар тўловчилик асосида турли хил мақсадли қўйилмаларни, муддатли ёки талаб қилиш ҳамда олиш мумкин бўлган жамғармаларни қабул қиласди. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда бу қўйилмалар оддий фуқаролар орасида кенг қўлланилади. Улар банк учун қимматга тушсада, уларнинг кредит потенциалини мустахкамлаш манбаси ҳисобланади.

Банклар учун муддатли қўйилмалар жуда қулайдир.

Банк ресурсларининг муҳим манбаси – банклараро кредитлардир, яъни бошқа банклардан олинадиган ссудалар.

Агар мижознинг ҳисоб-китоб варафи ёпилиб, контокоррент ҳисоб варафи очиладиган бўлса, унинг ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағлар ҳисоби шу ҳисоб варағида олиб борилади.

Контокоррент – банк ва мижоз ўрсатидаги ҳамма ҳисоб-китоб ва кредит операцияларини амалга оширувчи ягона ҳисоб варағидир. Алоҳида давларда бу ҳисоб варағи пассив бўлади, бошқа ҳолларда эса актив бўлиши мумкин. Мижозда маблағ бўлганида бу ҳисоб варағи пассив бўлади, бу маблағлар йўқлиги туфайли мижоз банкка тўлов топшириқномасини кўрсатганда ёки чек ёзиб берганда у актив бўлади. Ҳам дебет, хам кредит бўйича контокоррент ҳисоб варақларида фоиз ҳисобланади.

Контекоррент ҳисоб варағи бўйича кредит тижорат векселлари таъминоти бўйича ёки таъминланмаган ссуда шаклида берилдаи. Контокоррентҳисоб варағи бўйича дебетга фоизларни ҳисоблаш факатгина мижоз ва банк орасидаги битимда кўрсатилган кредит лимити чегарасида амалга ошиши мумкин. Баъзи ҳолларда банкнинг четдан жалб қилинган маблағларнинг бир қисмини банкнинг эмитентлашган маблағлари деб ҳам юритилади.

Банкнинг эмитентлашган маблағлари. Банклар мижозлар маблағларидан етарли даражада узокроқ фойдаланишни амалга оширишдан манфаатдордирлар. Шу сабабли банклар облигация қарзлари, банк векселлари ва бошқаларни чиқариш йўли билан ўз ресурсларининг миқдорини кўпайтириб борадилар.

Облигация қарзлари облигациялар кўринишида эмитентлашади.

Хозирги даврда чет эл амалиётида икки валютали облигациялар учрайди. Бу облигациялар бўйича даромадлар облигация эгаси ихтиёрига кўра миллий валюта ёки АҚШ долларида ёки бошқа чет эл валютасида тўланиши мумкин.

Банк томонидан эмитентлашган қимматли қофозларнинг турларидан бири «сузувчи фоиз ставкали» қимматли қофозлардир. Масалан, АҚШ да 1970 йиллар ўрталарида иккита йирик тижорат банклари –«Ситибанк» ва «Чейз Манхэттен Бэнк» ҳолдинг компаниялари орқали «сузувчи фоиз ставкали» қимматли қофозлар чиқардилар. Бу қўйилмалар бўйича фоизлар З ойлик хазина векселларига нисбатан бир фоиз юқори тўланади.

Банклар мижозларнинг хоҳишига қараб бир йилда икки марта уларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Бунинг учун мижоз кўрсатилган муддатдан бир ҳафта олдин маблағларни олиши тўғрисида банкка хабар бериши шарт. Банк пассивларида 90-йиллар давомида банкнинг ўз маблағлари миқдорининг қисқариши давом этди ва хорижий мамлакатлар каби бизнинг банкларимизда ҳам жалб қилинган ресурслар салмоғи ошиб бормоқда. Янги ресурсларни жалб қилишда йирик ва майда банклар фойдасига номутаносибликлар кўпайиш ҳолатларини ҳам қўриш мумкин.

Амалиётда йирик тижорат банклариниг ресурс-депозит базаси майда хусусий банкларга нисбатан анча барқарор ва мустаҳкам бўлади ва уларнинг депозит операциялари пассивларининг 90 фоизидан ортигини юзага келтиришга замин яратади. Кичик хусусий банкларда уларнинг иқтисодиётда тутган ўрни, фаолиятининг барқарорлигига қараб депозитлар салмоғи у ёки бу томонга ўзгариши мумкин.

Амалиётда тижорат банкларининг пассивлари ичидаги депозитлар ҳажми охирги йилда нисбатан камайган бўлсада салмоқли ўрнига эга эканлигини таъкидлаш мумкин.

Депозитлар ичидаги асосий ўринни жамғарма депозитлар эгаллайди, банкнинг барқарор ресурс базасини таъминлаши мумкин бўлган муддатли депозитлар ҳажми баъзи бир тижорат банкларида камайиб борганлигини кўришимиз мумкин.

Жалб қилинган маблағларнинг яна бир тури – банк балансида турган ва уларни қайта сотиб олиш тўғрисидаги келишув асосида сотиладиган қимматли қоғозлар ҳисобланади.

2-§. Тижорат банкларининг депозит ва нодепозит операциялари.

Тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини банкга жалб қилиш билан боғлиқ операциялар депозит операциялари дейилади. Депозит операциялари ёрдамида тижорат бойликларининг 90 фоиздан ортиқ пассивлари ташкил қилиниши мумкин. Депозит операцияларини тижорат банклари ўзларининг депозит сиёсатлари асосида олиб борадилар. Тижорат банкининг депозит сиёсати унинг кредит сиёсати, фоиз сиёсати ва бошқа фаолият турлари билан чамбарчарс боғлиқ бўлиб, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир. Депозит операцияларини амалга оширишда бу операция турининг объекти субъектини аниқлаш лозим.

Депозит операцияларнинг субъектлари бўлиб бир томондан тижорат банклари қатнашса, иккинчи томондан:

- давлат корхона ва ташкилотлари;
- молия, суғурта, инвестицион ва траст компаниялар;
- хусусий корхона ва ташкилотлар;
- акционер компаниялар;
- банклар ва бошқа кредит муассасалари;
- қўшма корхоналар, кооперативлар;
- жамоа ташкилотлари ва фондлар;
- алоҳида жисмоний шахслар ёки уларнинг бирлашмалари қатнашадилар.

Депозит операцияларининг обьекти бўлиб эҳтиёждан ортиқча пул маблағлари (қўйилмалар) хисобланади. Депозит операцияларини ташкил қилишнинг асоси бўлиб, баланс ликвидлилиги, мижозларнинг молиявий аҳволининг барқарорлиги хисобланади. Депозит операциялари тижорат банкларининг депозит сиёсатини амалга ошириш орқали таъминланади, яъни:

- депозит операциялари банк даромадининг ошишга ёки келажакда даромад олишга шароит яратиши керак;
- банк балансининг ликвидлилигини сақлаш мақсадида депозит сиёсатини амалга ошириш керак;
- депозит операцияларини амалга оширишда муддатли қўйилмаларга эътибор қаратиш лозим;
- депозитларни жалб қилиш ва уларни вақтида қайтариб бериш билан боғлиқ банк хизматларини ривожлантириш чораларини кўриш зарур ва бошқалар.

Пул қўювчилар тоифасидан келиб чиққан ҳолда депозитлар қўйидагиларга бўлинади:

- юридик шахслар (корхоналар, ташкилотлар) қўйилмалари;
- жисмоний шахслар қўйилмалари;

Маблағларни олиш шаклига кўра депозитлар қўйидагиларга бўлинади:

- муддатли депозит маблағлар;
- талаб қилиб олингунга қадар депозит маблағлар;
- аҳолининг жамғарма қўйилмалари.

Ўз навбатида бу гурухларнинг ҳар бири турли белгиларига қараб таснифланади. Муддатли депозит маблағлар уларнинг муддатидан келиб чиқиб;

- 3 ой муддатгача депозитлар;
- 3 ойдан 6 ойгача депозитлар;
- 6 ойдан 9 ойгача депозитлар;
- 9 ойдан 12 ойгача депозитлар;
- 12 ойдан юқори бўлган депозит маблағларига таснифланади.

Биз 2-бўлимда банк депозитларининг турларини кенг кўриб чиқсанлигимиз боис бу параграфда депозитларнинг кўпайиш жараёнига эътибор қаратмоқчимиз.

Банклар орасидаги ресурсларни жалб қилиш учун рақобатли курашда муҳим восита бўлиб турлича фоиз сиёсати ҳисобланади, чунки қўйилган маблағларга даромад олиш мижозларнинг қўйилма қўйишга ундовчи муҳим омил ҳисобланади. Депозит фоиз ставкалари даражасини ҳар бир тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳисоб ставкаси, пул бозори ҳолати ва ўзининг депозит сиёсатидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгилайди. Депозит счетларининг алоҳида кўринишлари бўйича даромад ҳажми қўйилма муддати, суммаси, ҳисобварағини амал қилиш хусусияти, хизматлар ҳажми ва характеристи ва, ниҳоят, мижознинг қўйилма шартномаси шартларига амал қилишига боғлиқ.

Талаб қилингунгача бўлган депозитлар бўйича ҳисобварақалари эгалари томонидан жорий операцияларни амалга ошириш учун ишлатилади ва улар қолдиқнинг номуназамлиги билан характерланади. Шунинг учун бундай счетлар гурухи даромадлик даражаси билан ажралиб туради. Юридик шахсларга очилган талаб қилингунча ҳисобварақаларидаги маблағлар қолдиғи бўйича фоизлар умуман тўланмаслиги мумкин. Бундай фойда, одатда, мижозларни ҳисоб касса хизматлари учун тўлов маблағларини талаб қилингунча ҳисобварақаларда маблағларни минималлаштириш ва ортиқча суммаларни қўйилмаларнинг даромадлироқ шаклларига жойлаштиришга ундейди.

Жисмоний шахслар учун очилган талаб қилингунча варақалар бўйича фоизлар деярли мажбурий тартибда ўрнатилади, аммо у бўйича даромад ҳамиша муддатли қўйилмаларга қараганда пастроқ бўлади.

Муддатли қўйилмалар бўйича фоиз ставкаси ҳажмини ўрнатишдаги муҳим омил бўлиб, маблағлар жойлаштирилган муддат ҳисобланади.

Марказий банк эмиссия маркази сифатида макроиқтисодий даражадаги пул айланиши ҳамда банк тизимишин ликвидлилиги нуқтаи назаридан тижорат банкларининг улар томонидан жалб қилинган маблағлардан фойдаланиш имкониятларини доимий равишда тартибга солиб туради.

Назарий жиҳатдан замонавий банк тизимида нақд пулсиз айланишларнинг ривожаланиши натижасида дастлабки шакллантирилган депозитларни (дастлабки ёки реал депозитлар Марказий банк томонидан чиқарилган нақд пуллар асосида шаклланганликни тақозо қиласи) чекланмаган тарзда бир банкдан иккинчи банкка ўтказиш, шу билан бирга, тижорат

банклари томонидан берилаётган кредитларни чексиз ошириш имконияти мавжуд. Хорижий назарияда бу жараён депозит мультипликацияси (яъни маблағларнинг бир банқдан бошқасига занжирсимон шаклда ўтказилиши) ва кредит экспанцияси деб ном олган.

Марказий банк томонидан ўрнатилган мажбурий захира талаблари банк тизимида депозит ва кредитларни оширишнинг бевосита чекловчиси бўлиб хизмат қиласди.

12-жадвал

Мультипликация жараёни ва уни мажбурий захира томонидан чекланиши қуйидаги кўринишга эга.

Банклар	Депозит	Кредит (2-4)	Захира (2*20/100)
Банк А	1000	800	200
Банк Б	800	640	160
Банк В	640	512	128
Банк С	512	409,6	102,4
ЖАМИ	5000	4000	1000

А банкдаги дастлабки депозит 1000 бирликнинг 20%и (200 бирлик) мажбурий захира сифатида Марказий банкка ўтказилгандан кейин тижорат банкининг кредит бериш имконияти 800 бирликни ташкил қиласди. Бу кредит мижозга берилгандан кейин бошқа банкда депозитга айланиши мумкин. Масалан, ушбу берилган кредит суммаси Б банкининг мижози бўлган маҳсулот етказиб берувчининг ҳисобварагига сотувдан тушум шаклида келиб тушади. А банкнинг кредити Б банкда депозитни вужудга келтиради. Б банк бу депозитдан кредит берадиган бўлса, мажбурий захирани ҳисобга олган ҳолда ($800*20/100$) унинг миқдори 640 ($800-160$) бирликка teng бўлади. Ушбу жараённи охиригача (яъни депозит ва кредитларнинг тўлиқ ишлатилишигача) тасаввур қиласиган бўлсак, 1000 бирликда шакллантирилган дастлабки депозит миқдори, мажбурий захира даражаси 20% бўлганда барча банклар бўйича 5000 бирликка, 800 бирликка teng бўлган дастлабки кредит миқдори эса 4000 бирликка ўсиши мумкин.

Агар мажбурий захира йўқ деб тахмин қилинса назарий жиҳатдан депозит мультипликацияси ва кредит экспанцияси чексизликка teng ва тескариси, мажбурий захира 100% бўлган тақдирда депозит мультипликацияси Ога teng бўлади.

Депозит (ёки кредит) мультипликациясининг максимал миқдори ёки чегарасини ҳисоблаш учун қуйидаги математик формуладан фойдаланилади.

$$D = D_0 \frac{1}{R}$$

Бунда:

D – банк тизимида шакллантирилиш мумкин бўлган депозитнинг максимал миқдори;

D_0 – дастлабки депозит;

R – депозит бирлигига тенг келадиган ликвидлилик захираси.

Юқорида келтирған мисолимизда депозит мультипликацияси коэффиценти 5 ёки 5000 бирликка ($D=1000*(1/2)$), кредит мультипликацияси коэффиценти эса 4 ёки 4000 бирлик ($K=800*(1/0,2)$) да тенг.

Мультипликация даражаси мажбурий захира даражасига тескари мутаносиб равища үзгаради, демак мажбурий захира даражаси ошса, банк тизимининг кредит салоҳияти имкониятлари ҳам камаяди.

Депозит мультиликацияси ва кредит экспансияси ғояси қуидаги иқтисодий зарурятни келтириб чиқаради: ҳар қандай тижорат банки депозитларни қабул қила туриб, ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларни бажаришлари учун унинг маълум бир қисмини ликвидлилик захираси сифатида сақлашлари лозим. Шу боис тижорат банкларининг кредит бериш салоҳияти миқдори банк томонидан жалб қилинган молиявий ресурслар, мажбурий захира ва ликвидлилик захираси ҳажмига боғлиқ. Кредит потенциали (салоҳияти) миқдори (K_c)ни қисқача ҳолда қуидаги формула билан ифодалаш мумкин.

$K_c = D \cdot M_z \cdot L_z$

Бу ерда:

D – жалб қилинган маблағлар;

M_z – мажбурий захира миқдори;

L_z – ликвидлиликни таъминлаш бўйича заҳиралар.

Шундай қилиб тижорат банкларининг кредит салоҳиятига:

- банкка жалб қилинган маблағларнинг умумий миқдори;
- Марказий банк томонидан ўрнатилган мажбурий захира даражаси;
- Жорий ликвидлиликни сақлаш мақсадида ташкил қилинган захира ва ундан фойдаланиш тартиби;
- Кредит салоҳияти манбаларининг таркиби ва барқарорлиги;
- Банк мажбуриятларининг таркиби ва умумий миқдори каби омиллар таъсир кўрсатади.

Тижорат банкларининг нодепозит операциялари деб, тижорат банкларининг йирик пул бозорларидан пул маблағларини жалб қилиш, қимматли қоғозлар, векселларни, облигациялар воситасини муомалага қўйиш йўли билан маблағларни жалб қилиш соҳасидаги операцияларига айтилади.

Жаҳон банки амалиётида тижорат банкларига маблағларни жалб қилишнинг кенг тарқалган нодепозит шакллари ҳам мавжуд бўлиб, уларга қуидагилар киради:

- банклараро бозордан қарз олиш;
- қимматли қоғозларни қайтиб сотиб олиш шарти билан сотиш;
- банк акцептларини сотиш;
- тижорат қоғозларини чиқариш;
- евро-долларлар бозоридан қарз олиш;
- капитал ноталар ва облигациялар чиқариш ва бошқалар.

Одатда тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришда ресурсларнинг нодепозит манбаларидан ҳам фойдаланишга катта эътибор берилади. Улар бозорда рақобатчилик асосида воситачилар (брокерлар) орқали сотиб олинади.

Бу ерда, биринчидан, маблағларни сотиб олиш ғояси банкнинг ўзига тегишли, иккинчидан, бу ғоя банкнинг бирор-бир мижози билан боғлиқ эмас. Нодепозит манбалардан асосан молиявий марказларда жойлашган ҳамда молия бозори механизмидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган йирик банклар кенг фойланадилар. Нодепозит маблағлар йирик миқдорда сотиб олинади.

Кўйилмаларга маблағларни жалб қилиш учун тижорат банклари қўшимча равишда чет эл тажрибасидан фойдаланиши мумкин, хусусан:

- аҳоли маблағларини жалб қилиш бўйича турли дастурларни ишлаб чиқиш;
- мижозлар – пул қўювчиларга турли-туман, жумладан, нобанк хизматларни ҳам кўрсатиш;
- қўйилма муддати тугаши билан мукофот бериш билан инвестицион характердаги қўйилмалардан юқори фоиз ставкасини қўллаш;
- доимий пул қўювчиларга “банкка садоқати” учун мукофот тўлаш;
- мижоз ва банк иқтисодий қизиқишиларини оптималлаштирадиган аралаш характерда амал қилувчи НАУ ва САПС типидаги ҳисобварақларни қўллашни амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартағи Фармонига асосан тижорат банклари аҳолининг бўш пул маблағларини муддатли депозитларга жалб қилишни оширишга қараб банклар даромади имтиёзли солиқقا тортилиш ва фоиз миқдорларини ошириш мумкинлиги таъкидланган.

3-§. Тижорат банклари кредит потенциали ва унинг пассив операцияларга боғлиқлиги.

Тижорат банклари фаолиятининг асосий тамойилларидан бири бу реал мавжуд ресурслар доирасида иш юритишидир. Бу дегани тижорат банклари нафақат ўз ресурслари ва кредит қўйилмалари миқдори мос келишини таъминлаши, балки ўзининг ликвидлигини ҳам таъминлаши керак. Агар банк маблағларини қисқа муддатга жалб этиб узоқ муддатга кредит берадиган бўлса, у ҳолда банк ликвидлиги хавф остида қолади. Банк активлари таркибида кўп миқдорда риск даражаси юқори ссудаларнинг мавжудлиги банк ўз маблағларининг салмоғини оширишини талаб этади. Реал жалб қилинган ресурслар доирасида ишлаш тамоили – жалб қилинган депозитларга банк қизиқишининг ўсишига, давлат миқёсида бўш қолган кредит ресурслари учун соғ рақобат ривожланишига олиб келади. Пассивлар учун кескин кураш банкларнинг ўз ресурсларини шакллантиришнинг самарали усулларини излашни талаб қилади. Иқтисодий мустақиллик банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларини мустақил бошқаришни, мижоз ва омонатчиларни эркин танлашни, солиқлар тўлагандан кейин қолган даромадга мустақил эгалик қилишни назарда тутади.

Тижорат банкларининг кредит потенциали - бу жалб қилинган маблағларнинг кредит ва банкнинг бошқа актив операцияларини амалга оширишнинг иқтисодий чегараси ҳисобланади. Иқтисодиётдаги бўш пул маблағларининг тижорат банклари томонидан жалб қилиниши улар иқтисодий фаолиятининг асосини ташкил этади. Банклар томонидан жалб қилинган маблағларнинг барчаси кредит учун ишлатиласлиги мумкин. Кўп банкларда жалб қилинган маблағларнинг асосий қисми муддатсиз депозитлар зиммасига тўғри келади. Банк томонидан берилган кредитлар тўхтовсиз ҳаракатда бўлиб кредит мультипликациясини ташкил этади. Кредит мультипликацияси орқали муомаладаги пул оқими кўпаяди.

Кредит мультипликациясини қўйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин:

13-жадвал

Банклар	Депозит	Кредит	Мажбурий захира
1	2	3	4
Банк «А»	1000	800	200
Банк «Б»	800	640	160
Банк «В»	640	512	128
Банк «Г»	512	409,6	102,4
Жами	5000	4000	1000

А Банк томонидан жалб қилинган депозит турли банк операцияларига йўналтирилиши натижасида у бошқа (Б,В,Г,... ва ҳ.к) банкларга тушади.

Албатта, ҳар бир банкда 20 фоиз мажбурий захираға ўтказилишини инобатга олсак 1000 бирлик депозит чексиз ўсиб бориши мумкин.

Умуман олганда, тижорат банкларининг кредитлаш қудрати жалб қилинган маблағлар, яъни депозитларнинг умумий суммаси билан мажбурий захира ҳамда тижорат банклари томонидан ўз ликвидлигини таъминлаш учун ажратмалар айирмасидан иборат бўлиши мумкин.

Ликвидлилик шартларини ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларининг кредит қудратини жами маблағлар барқарорлиги жиҳатидан З гурӯхга бўлиш мумкин:

- 1) Бутунлай барқарор маблағлар;
- а. Банкларнинг ўз капиталари;
- б. Муддатли депозитлар;
- в. Бошқа банклардан олинган кредитлар.

- 2) Барқарор маблағлар;
- жами муддатсиз жамғармалар.

- 3) Барқарор бўлмаган маблағлар;

Барқарор бўлмаган маблағлар деганда – банкларга вақти- вақти билан (даврий) келиб тушадиган маблағлар тушунилади.

Тижорат банкларининг кредитлаш имкониятига ликвидлиликни таъминлаш учун ажратилиши мумкин бўлган резервни инобатга олмасдан, факат мажбурий захиралар фондига ажратмалар таъсир қиласи деб қарайдиган бўлсак, унинг салмоғини қуидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

14-жадвал

Тижорат банки бўйича жалб қилинган банк ресурслари ва улар бўйича кредитлаш қудратини аниқлаш.

(млн.сумда)

Банк жалб қилинган ресурслар	1.01.1998				1.01.1999			
	Маблағл ар колдиги	Мажбурий захира		Кредит- лаш қудрати	Кредит потенциа- ли	Мажбурий захира		Кредит потен- циали
		Фоиз да	сумма			Фоиз да	сумма	
1.Талаб қилингунча депозит	51552,0	20	10310,4	41241,6	498488	20	99698	398790
2.Жамғарма депозитлар	22,0	20	4,4	17,6	35	20	7	28
3.Муддатли депозитлар	30000,0	20	6000,0	24000,0	10160	20	2032	8128
4.Банклароро кредит	72718,3	--	--	72718,3	154256,0	--	--	154256,0
5.Марказий банк кредити	--	--	--	--	--	--	--	--
Жами	154292		16314,8	137977,3	662939		101737	1161202

Жадвалдан кўринадики, банк ресурсларида асосан талаб қилингунча депозитлар ва муддатли депозитларини улуши каттадир.

Тижорат банки йикқан ресурсларининг қарийб 20 фоизини мажбурий захиралар фондига ўтказадиган бўлса, у 80 фоиз ресурсини ва яна унинг ликвидлигини таъминлаш учун резервларни ташкил қиласидиган бўлса, у жалб қилган ресурсларидан 60-70 фоизини ўзининг актив операцияларини амалга ошириш учун йўналтириши мумкин.

Тижорат банки томонидан жалб қилинган ресурслардан мажбурий резервларга ўтказиладиган маблағларни янада кўпроқ қуидаги тижорат банки бўлими мисолида кўриб чиқамиз.

5-жадвал

Тижорат банки бўйича мажбурий захираларга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар (1.03.2002 й)

Маблағлар таркиби	Баланс ҳисоб варағи	Маблағ қолдиги	Мажбурий захира	Депонентлаштириладиган сумма
1. Талаб қилиб олинадиган депозитлар	20200-20202, 20206, 20296	381791	20	76358
2. Жамғарма депозитлар	20400-20402, 20406	0	20	0
3. Муддатли депозитлар	20600-20602, 20606	0	20	0
4. Бошқарув чеклари	21202	0	20	0
5. Мижозларнинг аккредитив бўйича депозитлари	22602	0	20	0
6. Ишонч ҳаражатлар ва импортга тратталарга аккредитив билан бирга депозитлари	22606	0	20	0
7. Республикага қарашли бюджет ташкилотларининг маблағлари	23404	107381	20	21476
8. Максус фондлар	23416-17515	0	20	0
9. Маҳаллий бюджетдан молиялаштириш маблағлари	23424, 23426	0	20	0
10. Маҳаллий бюджет маблағлари	23430, 23432	11108	20	2222
11. Ҳаракатсиз депозитлар (мажбуриятлар)	29842	5138	20	1028
12. Бошқа кредитлар	29846	0	20	0
13. Бошқа мажбуриятлар	29896	0	20	0
Жами мажбурий резервга ўтказиладиган маблағлар			101084	

Юқоридаги жадвалда тижорат банклари томонидан жалб қилинган ресурслар, улар қайси манбадан жалб қилинишидан қатъий назар, улар бўйича мажбурий захиралар фондига 20 фоиз миқдорида маблағ ўткизиши лозимлиги кўрсатилган.

Тижорат банклари Республика Марказий банкига депозит қўядиган мажбурий резервлар меъёрини белгилаш муомаладаги пул массаси ҳажмини бошқаришнинг асосий иктисодий усусларидан бири ҳисобланади.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ Марказий банкда Тижорат банкларининг мажбурий резервлари фондини шакллантиришнинг қуидаги тартиби белгиланади.

Марказий банкда депозитга қўйиладиган мажбурий резервлар фонди тижорат банкларининг йўқлаб олинадиган, муддатли омонатлар ҳамда депозитлар бўйича мажбуриятларига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади. Бунда жалб этилган маблағлар таркибида қуидагилар ҳисобга олинмайди: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки берган кредит ресурслари, бошқа банклардан олинган кредитлар: Ўзбекистон Марказий банкининг аниқ мақсадли дастурларини амалга ошириш учун берган кредит ресурслар; Чет эл валютасидаги жорий ҳисоб варакларда турган маблағлар; Мажбуриятлар бўйича қўшилган, лекин ҳали тўланмаган фоизлар. Тижорат банклари мажбурий резервлар фондига қўядиган маблағлар меъёрларини Марказий банк бошқаруви омонатлар ва депозитларни жалб этиш муддатларига қараб белгилайди.

Марказий банкдаги мажбурий резервлар фондига қўядиган маблағларнинг депонентлаш ҳисоб-китобига қўшилиши керак бўлган 29802 баланс ҳисобварафи бўйича маблағлар суммаси аникланаётганда 29802 ҳисобварафи пассив қолдиқда шу ҳисоб варакнинг алоҳида шахсий ҳисоб варакларидаги пассив қолдиқлар чегириб ташланиши керак:

-депозитлар, банклараро марказлаштирилган кредитларнинг қўшилган, тўланмаган фоизлари, шунингдек, акциядорларга тўланадиган дивиденdlар.

-банк ходимларига тўланиши керак бўлган 29802 ҳисоб варакда депонентланган қарз

-банклар фойдасидан, шунингдек, бюджетга бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар юзасидан ажратмалар ҳамда тўловлар.

Тижорат банклари мажбурий резервлар фондида депонентлаши керак бўлган маблағлар қолдиқлари ҳажмини Марказий банк муассасаси бош банк жойлашган ерда тижорат банкининг, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган филиалларнинг йигма баланси бўйича тартибга солади. Марказий банк фармойишини олган тижорат банкларининг мажбурий резервлар фондига ажратмалари минтақавий филиал жойлашган ер бўйича тартибга солинади. Тартибга солиш ҳар ойнинг 1-кунидаги баланс бўйича амалга қўйилган маблағлар суммаларини қўйилиши керак бўлган маблағлар ҳисоб вараклардаги қолдиқларга ҳамда амалдаги резерв талаблари меъёрларига асосланиб амалга оширилади.

Кўрсатилган санада тижорат банки (минтақавий филиал) резервларга қўйилиши керак бўлган маблағлар хажми ҳисоб-китобини чиқаради, бунда

мажбурий резервлар фонди ҳисоб варагига амалда қўйилган суммани кўрсатиб, бу сумманинг меъёрга етмаган қисми учун ёзилган тўлов топшириқномаси нусхасини, шунингдек, 23416 ва 29802 баланс ҳисобвараклари маълумотларини илова қиласди. Бу хужжатлар ойнинг 1-куни учун банк балансини тақдим этиш юзасидан белгиланган муддатда баланс билан бирга Марказий банкка топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоб-китоб маълумотларини тегишли тижорат банки бўйича амалда резервга қўйилган маблағлар ҳажми билан солиштиради.

Тақдим этилган хужжатлар уларга мос келса, тижорат банки талабни бажарган ҳисобланади. Хужжатлар талабга жавоб бермаган тақдирда Марказий банк ҳисоб-китоб тақдим этилган кунини ҳисобга олмагандан, икки иш куни мобайнида тижорат банки билан бирга тегишли тарзда қайта ҳисоб-китоб қиласди. Бундай ҳолларда Марказий банк ундан қўйилган сумма камомадини тўлдириш учун топшириқнома олади ёки унга мажбурий резервлар фондига қўйилган маблағнинг ортиқча қисмини қайтариб беради.

Мажбурий резервлар фонди тижорат банкининг вакиллик ҳисоб варагидан пул ўтказиш йўли билан шакллантирилади. Мажбурий резервлар ҳисобига даромад келтирувчи активларнинг хилма хил турлари ўтказилишига йўл қўйилмайди. Тижорат банкида мажбурий резервлар ҳисобига ўтказиш учун ликвид фондлар вақтинча етишмай турганда Марказий банк унга кредит бериши мумкин. Бундай кредит бериш шартлари кредит шартномасида белгилаб қўйилади.

Тижорат банкларининг умумий кредитлаш қудратига қуйидаги омиллар йифиндиси объектив таъсир кўрсатади:

- Банкда йифилган жами маблағларнинг умумий ҳажми;
- Кредитлаш қудрати манбаларининг тузилиши ва барқарорлиги;
- Марказий банк томонидан ўрнатилган мажбурий захиралар даражаси;
- Тижорат банклари жорий ликвидлигини ушлаб туриш учун захирадан фойдаланишга йўл қўйилган ҳолларда ундан фойдаланиш тартиби;
- Банк мажбуриятларини тузилиши ва умумий суммаси ва бошқаларга боғлиқдир.

Қуйидаги ҳолларда кредитлаш қудратининг самарадорлигига эришиш мумкин:

- Ликвидлилик минимал даражаси таъминланса;
- Кредитлаш учун мавжуд барча маблағлардан фойдаланилса;
- Кредит ресурслардан максимал даражада юқори фойда олинса;

Банк активларига йўналтирган кредит ресурслари барқарорлигини таъминлашда маблағлар, манбалари муҳим аҳамият касб этади. Кредит ресурслари ҳам анъанавий равишда ўз ва қарз ресурслар ҳисобидан ташкил топади. Қарз маблағлари асосий ўринни эгаллаб, иқтисодий белгисига қараб депозит, жамғарма омонатлари ва пул бозори маблағлари шаклида бўлиши мумкин.

Тижорат банкининг кредитлаш қудратини оширишда:

- банк мижозларининг сонини ошириш;

-бакнинг мавжуд мижозларининг маблағларини кўпайтириш;
-банкнинг ташкилий тармоғини қенгайтириш;
-банк муассислари маблағларини бирор мақсадда бирлаштириш орқали кўпайтириш ва унинг самарадорлигини оширишга замин яратиш мумкин.

Қўйидаги таянч сўзларга таъриф беринг

1. Тижорат банкнинг пассив операциялари.
2. Тижорат банкнинг актив операциялари.
3. Депозит операциялар ва депозитлар.
4. Банкнинг ўз маблағлари.
5. Четдан жалб қилинган маблағлар.
6. Банк мажбуриятлари.
7. Тақсимланмаган фойда.
8. Нодепозит операциялар.
9. Мультипликация.
10. Депозит мультипликацияси.
11. Кредит салоҳият.

Ўз билимини текшириш учун саволлар

1. Тижорат банкларининг пассив ва актив операциялари, моҳиятини тушунтиринг.
2. Депозит ва нодепозит операциялар моҳияти ва турларини изоҳланг.
3. Банк мажбуриятлари қайси вақтда ошади?
4. Тижорат банкининг кредит потенциали деганда нимани тушунасиз ва унга қанақа омиллар таъсир кўрсатади?
5. Депозит мультипликацияси нима?
6. Тижорат банкларининг актив операцияларининг самарадорлигига қайси йўллар билан эришиш мумкин?

IX -БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ СИЁСАТИ

1-§. Кредит сиёсатининг мақсади ва вазифалари

Кредитлашни ташкил этиш кредит муносабатларининг икки субъекти – банк ва қарз олувчининг ўзаро мажбуриятлари ҳамда манфаатларини уйғулаштиришни назарда тутади. Кредитор сифатида банкларнинг олиб борадиган фаолияти улар учун меъёрий бўлган ҳужжат кредит сиёсатида ўз аксини топади. Тижорат банклари кредит сиёсатини мустакил тузадилар.

Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлаш фаолиятининг муҳим томони ҳисобланади. Тижорат банкининг кредит сиёсати кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартағи «Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида» ги Низомига асосан банкнинг кредит сиёсатига қуидагича таъриф берилади: Банкнинг кредит сиёсати – кредитлаш жараёндан юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услугларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир.¹³ Кредит сиёсати банкнинг кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши шарт.¹⁴

Тижорат банкларининг кредит сиёсати кредит менежментини самарали олиб боришнинг асоси ҳисобланади. Бу сиёсат банк ходимларининг кредит бериш, банкнинг кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ объектив стандартларини ва мезонларини аниқлаб беради. Кредит сиёсатини тўғри тузиш ва олиб бориш, барча бўлимлар томонидан бу сиёсат мақсадининг аниқ тушинилиши банк бошқарувига кредит стандартларини тўғри олиб боришига, юқори рисклардан қочишга, банк имкониятларини тўғри аниқлашга асос ҳисобланади.

Яхши ишлаб чиқилган кредит сиёсати кредит рискини бошқариш ва уни камайтиришга яхши имкон беради.

Кредит сиёсатининг зарурлиги шундаки, банк катта ёки кичиклигидан, унда кам ёки кўп ходим ишлашдан қатъий назар, банкда бу сиёсат бўлиши лозим. Чунки бу сиёсат кредит бўйича унифицирлашган умумий қоида ва тамойилларининг бажарилишини, операциялар бажарилишининг кетма-кетлигини таъминлайди. Банкнинг кредит сиёсати банкнинг ҳамма ходимлари - кичик ходимдан ёки банк бошқаруви раисигача бир хил бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам кредит сиёсатини олдиндан белгилаб олинган қоида ва ечимлар тўплами дейилади.

¹³ Ўзбекистон Республикаси банк тизимины ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича конунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.: «ЎЗБЕКИСТОН», 2003й. 326 б.

¹⁴ Абдуллаева Ш.З. «Банк рисклари ва кредитлаш». Т.: «МОЛИЯ», 2002й. 33-56 б.

Кредитлаш сиёсати ва унинг самарадорлиги тўғри кредит нархлари белгиланган шароитида муваффақиятли бўлиши мумкин.

Кредит сиёсатини самараали олиб боришда банк ходимлари банк мижозларининг маблағларини кимларга фойдаланишга бериш мумкинлигини яққол билиши лозим.

Банк қандай кредитлар, қанча миқдорда, қандай шаклда, кимга, қайси шартлар билан берилишини ҳал қилиши зарур. Бизнеснинг шундай турлари борки, банк кредит бера туриб улар бўйича қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир фаолият риск билан боғлиқ эканлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик лозим. Банкнинг кредит сиёсати унинг фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хавфли ҳолатларнинг олдини олишга, бунинг учун депозитлар ва кредитлар ўртасидаги нисбатнинг, банк мажбуриятлари билан капитали ўртасидаги ва бошқа қўрсаткичларнинг меъёрда бўлишини тақозо қиласди. Оқилона кредит сиёсати бериладиган кредитларнинг сифатини оширади. Шунинг учун кредит сиёсатининг асосий мақсади бошқарув жараёни, фонdlарнинг етарлилиги, рискларни сифат даражаси бўйича туркумлари, кредит портфелининг баланси, мажбуриятларнинг таркибий қисмларини ажратиш каби элементларини ўз ичига олмоғи лозим. Энди биз банк сиёсатига тўхталаған бўлсак, банк сиёсати - банкнинг депозит сиёсати, кредит сиёсати, фоиз сиёсати, валюта сиёсати, мижозларга касса-ҳисоб хизматини қўрсатиш сиёсати ва бошқа банк хизматларини қўрсатиш бўйича сиёсати, банкларнинг ликвидлилигини таъминлаш сиёсати, кадрлар сиёсати мажмуасидан иборатdir. Шундай қилиб, банкларнинг фаолият сиёсати қўйидаги асосий элементлардан ташкил топган.

Кредит сиёсати банк умумий сиёсатининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Буни биз қўйидаги схемадан кўришимиз мумкин.

IX -БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ СИСАТИ

1-§. Кредит сиёсатининг мақсади ва вазифалари

Кредитлашни ташкил этиш кредит муносабатларининг икки субъекти – банк ва қарз олувчининг ўзаро мажбуриятлари ҳамда манфаатларини уйғулаштиришни назарда тутади. Кредитор сифатида банкларнинг олиб борадиган фаолияти улар учун меъёрий бўлган ҳужжат кредит сиёсатида ўз аксини топади. Тижорат банклари кредит сиёсатини мустақил тузадилар.

Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлаш фаолиятининг муҳим томони ҳисобланади. Тижорат банкининг кредит сиёсати кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартағи «Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида» ги Низомига асосан банкнинг кредит сиёсатига қуидагича таъриф берилади: Банкнинг кредит сиёсати – кредитлаш жараённада юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услугларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир.¹³ Кредит сиёсати банкнинг кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши шарт.¹⁴

Тижорат банкларининг кредит сиёсати кредит менежментини самарали олиб боришнинг асоси ҳисобланади. Бу сиёсат банк ходимларининг кредит бериш, банкнинг кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ объектив стандартларини ва мезонларини аниқлаб беради. Кредит сиёсатини тўғри тузиш ва олиб бориш, барча бўлимлар томонидан бу сиёсат мақсадининг аниқ тушинилиши банк бошқарувига кредит стандартларини тўғри олиб боришига, юқори рисклардан қочишга, банк имкониятларини тўғри аниқлашга асос ҳисобланади.

Яхши ишлаб чиқилган кредит сиёсати кредит рискини бошқариш ва уни камайтиришга яхши имкон беради.

Кредит сиёсатининг зарурлиги шундаки, банк катта ёки кичиклигидан, унда кам ёки кўп ходим ишлашдан қатъий назар, банкда бу сиёсат бўлиши лозим. Чунки бу сиёсат кредит бўйича унифицирлашган умумий қоида ва тамойилларининг бажарилишини, операциялар бажарилишининг кетма-кетлигини таъминлайди. Банкнинг кредит сиёсати банкнинг ҳамма ходимлари - кичик ходимдан ёки банк бошқаруви раисигача бир хил бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам кредит сиёсатини олдиндан белгилаб олинган қоида ва ечимлар тўплами дейилади.

¹³ Ўзбекистон Республикаси банк тизимины ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича конунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.: «ЎЗБЕКИСТОН», 2003й. 326 б.

¹⁴ Абдуллаева Ш.З. «Банк рисклари ва кредитлаш». Т.: «МОЛИЯ», 2002й. 33-56 б.

- Кредит ишлари сақланиши ва текширилиши учун ким жавобгарлиги, ким ва қандай ҳолатда уларни олиш хуқуқига эгалиги түғрисида батафсил маълумотлар;
- Кредитнинг таъминланганлиги ва уни қабул қилиш, баҳолаш ва амалга оширишнинг асосий қоидалари;
- Барча кредитлар сифатини белгилайдиган меъёрлар баёни;
- Энг юқори кредит имтиёзларини белгилаш ва қўрсатиш (яъни кредит суммалари ва банк ялпи активларининг энг юқори нисбати);
- Банк хизмат қўрсатадиган минтақа, кредит қўйилмаларининг асосий қисми жорий этиладиган тармоқ, иқтисодиёт соҳаси ёки сектори;
- Муаммоли кредитлар таркиби ва таҳлили, бунда муаммоларни қандай ҳал этилиши эҳтимоллари қўрсатилади;

Қолган ҳужжатларда таъқиқланадиган ёки номақбул кредит турлари тавсифланади (тўловга қодирлиги шубҳали бўлган ёки ҳужжатлар тўлиқ рўйхатини тақдим этмаган қарз олувчилар ва ҳоказолар).

Кредит сиёсати малакали тузилиб, банк раҳбаридан тортиб операторгача барча даражаларда меъёрда амалга оширилса, бу банк раҳбариятига тўғри қарорлар чиқариш, ортиқча рисклардан холос бўлиш, банк кредитларини тўғри баҳолаш имконини беради. Шу билан бир вақтда кредит сиёсати сиёсий, иқтисодий ва хуқуқий шартларни ҳисобга олган ҳолда анча юмшоқ бўлиши даркор.

2-§. Кредит сиёсатининг мезонлари ва кредит турлари.

Ҳар қандай тижорат банки кредит сиёсатининг мақсади одатда қўйидагилардан иборат бўлади: кредит қўйилмалари ҳажмининг ўсишини, риск юқори бўлган операцияларнинг оқилона диверсификациясини, ўрта ва узоқ муддатли кредит қўйилмалари ҳажмини кескин кўпайтириш ва уларнинг самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган бўлади. Шунингдек, кредит сиёсат инвестицион кредитлар салмоғини ошириш, устун даражада иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш каби асосий йўналишларни ҳам ўз ичига қамраб олган бўлиши лозим.

Кредит сиёсати банкнинг ўзига хос «кредит тили»ни яратади ва у банк фаолияти ёмонлашганда ҳамда кредит ваколатлари ва мажбуриятлари ўзгарганда ҳуқуқни сақлаб қолиш учун катта аҳамият касб этади. Қатъий сиёсат асосида берилган банк умумий кредитлаш фаолиятининг банк умумий кредитлаш фаолиятининг ривожланиши ва кредитларнинг самарали ишлатилиши учун замин яратади. Кредит сиёсати қоидаларига риоя этиш банкнинг асосий мақсадлари: фойда олишни таъминлаш, рискларни бошқариш, банк фаолияти меъёрларига риоя этишга эришиш имконини беради.

Кредит сиёсатининг мавжудлиги, энг муҳими – барча даражаларда ишлаб чиқилган сиёсатга риоя этиш банк ссуда портфелини сифатли бошқариш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида, унинг қарздорлари ва акциядорлари фойдасини кўпайтиради ва фаровонлигини оширади.

Масалан, аниқ бир тижорат банкнинг кредит сиёсатида кредит портфелини бошқаришнинг асосий йўналишлари қилиб қўйидагиларни белгилаб олинганилигини кўришимиз мумкин:

Булар:

- кредит рискларини дарajasiga таъsир кўrsatuvchi омилларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва бартараф этиш;
- қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик дарajasini ва унинг молиявий аҳволини аниқлаш кредит рискини башорат қилиш;
- муаммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш ва уларни сўндириш чораларини ишлаб чиқиш;
- кредит қўйилмаларни диверсификация қилишни, уларнинг ликвидлилигини ва даромадлилигини таъминлаш;
- кредит олган мижоз билан доимий алоқада бўлиб туриш;
- кичик ва ўрта тадбиркорликни, дехқон ва фермер хўжаликларни молиявий қўллаб-қувватлашдан иборат.

Банк томонидан, хўжалик субъектларининг айланма маблағлари этишмаслиги, мавжуд маблағларнинг меъёрдан ортиқча тайёр маҳсулот қолдиқларига жалб қилиниши, маблағларнинг тайёр маҳсулот сифатида қотириб қўйиш сабабларини ўрганиб бориш, заарга ишлаётган ва банкротлик аломатлари кўзга ташланаётган хўжалик субъектларининг молиявий аҳволини

доимий мониторингини ташкил қилиш банк кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Кредит сиёсати банк томонидан бериладиган кредитлар тоифаси ва турларини аниқлаши ва белгилаши лозим. Масалан, кредитлаш соҳалари бўйича: тижорат фаолияти, саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қўйилмаларни молиялаш ва бошқа тармоқларга кредит бериш, кредит турлари бўйича: “кредит линияларини очиб ва очмай” кредитлаш ёки кредитлашнинг бошқа усувларини қўллашни белгилаб бериши мумкин.

Кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим, кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар беришлари лозим. Қарздор ёки гаров ахволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун жуда муҳимdir.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича «тўловсизлик» тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек, банк Бошқаруви ва Кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичига олиши лозим. Кредит сиёсатида қарзларни қайтаришга доир изчил, босқичма-босқич чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилиниши керак. Раҳбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

Кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик банк Кенгashi ва Бошқаруви аъзоларига юклатилган. Одатда тижорат банкнинг кредит сиёсати йўналишлари қуидагилардан ташкил топиши мумкин:

- банк ўрни ва обўсини молиявий-барқарор банклар сингари яхшилаш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нормативларига мувофиқ даражада ўз капиталининг етарлилигини таъминлаш;
- банкнинг самарадорлиги ва барқарорлигини қўллаб-қувватлаган ҳолда унинг даромадларининг максималлашувини таъминловчи аниқ кредит ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;
- стратегик жиҳатдан муҳим бўлган шаҳар районларида янги омонат кассаларини очиш билан боғлиқ бўлган банк тармоғини кенгайтириш.

Кредитлаш жараёнида банк сиёсати банк олдидағи мажбуриятларни бажара оладиган мавжуд ва янги мижозларни кредит ресурслари билан таъминлаш, синф даражасидаги кредитларни тақдим этишни кенгайтириш ҳисобланади. Тижорат банки фойдалилигини ҳисобга олган ҳолда халқаро стандартлар миқёсида мижозларга сифатли кредит хизматини тақдим этишга интилади. Шунинг учун банк-кредит сиёсатининг асосий тамойилларига қуидагилар киритилган:

- кредитлаш тўғрисида қарорлар қабул қилишнинг барча даражалар бўйича жавобгарликни тақсимлаш;
- банк томонидан амалга ошириладиган кредит операциялари учун аниқ белгиланган шартларнинг мавжудлиги;
- маҳсус кредитлаш тамойиллари – муддатлилик, тўловлилик, қайтариб беришлилик, таъминланганлик ва рентабеллик асосида бериладиган кредитларни мажбурий назорат қилиш;

- банк бошқарувининг умумий сиёсати билан махсус фаолият йўналишлари сиёсати (яъни депозитлар бўйича, инвестиция бўйича, активлар ва пассивларни бошқариш бўйича ва ҳоказо) нинг узвий боғлиқлигидир.

Ҳозирги кунда кредит сиёсатини тузишда ҳар бир тижорат банки мустақил бўлиб, улар кредит сиёсатининг моҳияти, мақсади ва таркибини такомиллаштириб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг фаолиятида хўжалик субъектларини кредитлаш функцияси биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлиги учун банклар фаолиятининг самарадорлиги ва ликвидлигини таъминлаш учун авваламбор, банкларнинг кредит сиёсатини тўғри ишлаб чиқишига эътибор бериш зарур. Банклар оладиган даромадлар унинг актив операциялари натижасида, асосан кредит операциялар туфайли вужудга келиши банклар томонидан кредит сиёсатни оқилона танлаш ва ўтказишни тақозо қиласи.

Кредит сиёсати банк стратегиясининг бир бўлаги сифатида кредит бозорида банкнинг ҳаракат қилишидан кўзлаган мақсадини, тамойилларини ва йўналишларини ўз ичига олади, тактик жиҳатдан эса молиявий ёки бошқа инструментларни, кредит битимларни амалга оширишдан банкнинг мақсадларига эришиш йўналишларини ва қоидаларини, ҳамда кредит жараёнини ташкил этиш тартибларини ишлаб чиқиши ўз ичига олади.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида хулоса қилиб айтганда, кредит сиёсати кредит рискларни камайтириш орқали банкнинг хавфсизлиги, ликвидлиги ва рентабеллигини таъминлаш мақсадида кредитлаш бўйича олдиндан белгиланган қоида ва ечимлар мажмуаси асосида ташкил қилинган кредит портфелини бошқариш соҳасидаги банкнинг стратегия ва тактикасирид. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда мустақил ўзининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва олиб бориши мумкин.

Одатда ссуда операциялари банк фойдасининг асосий кисмини ташкил қиласи. Шуни инобатга олган ҳолда банклар ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқишида ва олиб борища ссуда операцияларидан келадиган даромад ва уларнинг самарали олиб борилишига катта эътибор беришлари лозим. Банкнинг кредит операцияларини олиб бориш ва уларнинг самарадорлиги учун жавоб бериш банкнинг директорлар кенгаши зиммасига юклатилади. Директорлар кенгаши кредитларни бериш билан боғлиқ вазифаларни бошқарувнинг қуий табақаларига юклайди. Кредит сиёсати ҳайъати кредитни қайси соҳаларга бериш, кредит беришнинг умумий тамойиллари, уни беришдаги чекланишлар ва бошқаларни ишлаб чиқади ҳамда шуларнинг амалга оширилишини назорат қилиб бориши лозим.

Хорижий давлатларнинг йирик банкларида ёзма равища банкнинг кредит сиёсати тўғрисида меморандум ишлаб чиқилади ва барча банк ходимлари ўз фаолиятини шу меморондум асосида олиб боришлари зарур. Меморандумнинг таркиби ҳар бир банкнинг фаолият хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил бўлсада, у банк фаолиятининг асосий йўналишларини қай тариқада олиб

боришиň ўз ичига олади. Меморандумда олиб бориладиган сиёсатнинг асосан, яъни кўпроқ ишончли ва фойда келтирувчи кредитлар бериш, кредитлар беришда мавжуд кредит ресурсларни ҳисобга олиш, бориладиган кредитларнинг рисклилик даражасини ҳисобга олиш, кредит беришнинг охирги чегарасини белгилаб бериш ва бошқалар кўрсатилади.

Хужжатда қайси кредитларни бериш банк учун фойдали ва қайси кредитларни беришдан банк сақланиши лозимлиги, банк ходимларига кредитлар бериш, кредитларнинг сифатини назорат қилиш шакллари ва бошқалар кўрсатилади.

Бунинг учун қуидагилар аниqlанади:

- банк учун масъул бўлган кредитлар турлари;
- қандай кредитлар, беришдан банк ўзини тутиши;
- кўнгилдагидай бўлган қарзларнинг таркиби;
- кўнгилсиз қарзларнинг таркиби;
- банкнинг кредитлаш билан боғлиқ фаолияти доираси;
- банкнинг ўз ходимларига кредит бериш доирасидаги сиёсати;
- қарздорликнинг ҳар хил даражаларига кўра кредитларнинг ҳажмини қисқартириш;

кредит рискини бошқариш, текширув ва назорат доирасидаги банкнинг сиёсати.

Йирик бир америка банкларининг меморандуми схемаси 5 бўлимни, яъни умумий қоидалар, кредитлар категорияси, кредит сиёсатининг ҳар хил масалалари, кредит портфели сифати устидан назорат ҳамда банк қўмиталарини ўз ичига олади (1-илова).

Кредит сиёсати бўйича меморандум умумий тавсия ва йўлланмаларини ўз ичига олади ва у банк ходимларининг амалий ишбилармонлигини чеклаб қўймасликни таъминлайди.

Ҳозирги кунда тижорат банклари мустақил равишда ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқадилар. Лекин амалиёт шуни кўрсатадики, баъзи банклар фаолиятида бу сиёсатни ишлаб чиқиша маълум камчиликларни кўриш мумкин . Биринчидан, кредит сиёсатини ишлаб чиқиша кўпроқ бош банклар актив роль ўйнаб улар ҳар доим ҳам банкнинг қуий бўғинларининг кредит ишларини инобатга олмайдиган ҳолатларини учратиш мумкин.

Иккинчидан, банк салмоғи катта-кичиклигидан қатъий назар ҳар бир банк ходими банкнинг кредит сиёсатининг ҳеч бўлмаганда мақсади, умумий йўналишлари билан таниш бўлиши, уларнинг бажарилиши бўйича фаолият олиб бориш лозим.

Кўпгина тижорат банкларининг кредит сиёсатида асосий эътибор кредитлар бериши бўйича эркинлик, кредит турлари, кредитларни тўлаш, фоиз ставкалари, кредит бўйича гаров қиймати ва унинг баҳоси, мижоз тўғрисида молиявий ахборот, ўз вактида тўланмаган ва муддати кечикирилган кредитлар, банк кенгаши ва бошқарувчига бериладиган ҳисботлар, кредитларнинг концентрацияси, алоқадор шахсларнинг ишлаш тамойиллари, риски баҳолаш, кредит портфелини аудит қилиш каби йўналишларни ўз ичига олиши кўзда

тутилган бўлсада, уларнинг моҳиятини очиб беришда баъзи бир ноаниқликлар мавжуд эди.

Масалан, кредитларни концентрация қилиш тўғрисидаги йўналишида кредитларнинг тури, ҳудудий жойланиши ва бошқа белгилари бўйича концентрация қилиш лозим дейилса, яна шундай кредитлар концентрацияси банкларини катта заарларга қувиши мумкинлиги таъкидланади. Ёки мижозларнинг молиявий аҳволини ифодаловчи кредитга лаёқатлилик кўрсаткичлари тўғрисида маълумотларни ифодаловчи кредитнинг баҳоси ва самарадорлигини кўрсатувчи йўналишлар келтирилмаган. Тижорат банклари кредит сиёсатини ишлаб чиқишида иш йўналишлар бўйича аниқ маълумот ва хужжатларга эга бўлиши ва кредит сиёсати сифатида режалаштиришлари, бизнинг фикримизча, банкларни катта рисклардан олдиндан ҳимоя қилиши мумкин. Ундан ташқари юқорида келтирилган кредитни концентрациялаш бўлими ўрнига кредитларни диверсификациялаш ёки кредит портфелини бошқариш бўлими деб киритиш мақсадга мувоғик бўлар эди. Банклар томонидан бериладиган кредитлар республикани иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга, инфраструктуруни такомиллаштиришга, экспорт салоҳиятини кенгайтирувчи соҳаларга йўналтирилган бўлиши керак.

Тижорат банкининг кредит сиёсати, кредит бозорини таҳлил қилиш ва энг кичик кредит рискка эга бўлган бозорларни аниқлаш; маблағларни депозитга жалб қилиш; кредитлаш жараёнида юқори самарадорликка эришиш; банкнинг депозит ва кредит портфелини бошқаришни оптималлаштириш; муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш; банкнинг ликвидлилиги ва тўловга лаёқатлигини таъминлаш каби масалаларни ўз ичига олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора- тадбирлар тўғрисида” ги 2000 йил 21 мартағи фармони тижорат банкларининг фаолиятини олиб боришида ва уларнинг кредит сиёсатини тузишда тўла эркинлик ва мустақиллик берилишига йўл очиб берди. Эндиликда тижорат банклари ўзларининг мустақил кредит сиёсатини ишлаб чиқмоқдалар. Чунки ҳамма банклар учун тўғри келадиган, ягона кредит сиёсати мавжуд эмас эди. Алоҳида олинган тижорат банки унинг фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи рискларни инобатга олган ҳолда минтақа, вилоят, тумандаги иқтисодий, сиёсий, социал ҳолатдан келиб чиқиб ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқишлиари керак. Банкнинг аниқ кредит сиёсатига эга эмаслиги банк рискларини оширади. Кредит сиёсатининг аниқ эмаслиги белгилаб қўйилган вазифаларининг тўлиқ бажарилишига ва ундан кутилган самарага эришишга тўсқинлик қиласи.

Банкнинг кредит сиёсатини олиб бориши, кредит портфелининг самарали натижасини таъминлашни кўзда тутганлиги учун банкларнинг кредит портфелини ташкил қилишга таъсир қилувчи омиллар ичидаги банклар хизмат кўрсатиш бозорининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан ҳар бир банк ўзи танлаган бозор секторидаги асосий мижозларнинг қарз маблағига бўлган талабини ҳисобга олиши керак.

Банкнинг фоиз сиёсати кредит сиёсатининг асосий бўлими ҳисобланади. Бу сиёсат турли кредитлар ва қарздорлар бўйича белгиланувчи фоиз ставкаларини аниқлашда фойдаланиладиган қуидаги З омилларни ўз ичига олади:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси;
- 2) кредит ресурслари (ўз ва жалб қилинган маблағлари) манбалари;
- 3) кредитлаш, қарздорлар турлари ва йўналишлари.

Жалб қилинган кредит ресурсларини бошқа тижорат банклари ҳамда марказлаштирилган фондларидан сотиб олиш сифатида фойдаланган ҳолда кредитлардан фойдаланиш учун фоизлар жалб қилинган ресурслар суммаси плюс банк (даромади) маржаси орқали аниқланади. Бу З дан 7% миқдоргacha ошмаслиги керак.

Гаров таъминоти бўйича талаблар аниқ сифатли характеристикаларга мос бўлиши керак, яъни (сақлаш) узоқ муддат сақлашнинг мавжудлиги; нархларнинг нисбатан баркарорлиги; гаровга қўйиладиган мулк, мулкнинг бозор талабларига мос келиши, ликвидлилиги ва бошқалар.

Фавқулодда ҳолатлар юз берадиган бўлса, гаров эгаси гаров мулкини ўз ҳисобидан унинг тўлиқ қийматини суғурта қилиш керак.

Гаровга олинган мулк қиймати кредит суммасига нисбатан 20% юқорироқ бўлиши даркор.

Тижорат банкларининг кредит тақдим этишдаги асосий вазифаси – омонатчиларнинг пулларини кимга ишониб топшириш мумкинлигини ҳал этишдан иборат. Бу фаолият ўта муҳим ва ўта таъсирчан жараён бўлиб, уни муваффақиятли амалга ошириш сармоя тузилмасидаги леверажни жиддий ошириш имконини беради. Банк кредитларни қачон, кимга ва қандай шартларда беришни аниқ белгилаб олиши шарт.

Банк фаолияти доимо турли рисклар билан боғлиқ. Шунинг учун кредитлар, депозитлар ва бошқа мажбуриятлар билан ўз маблағлари ўртасида мақбул мувозанатни сақлаш банкнинг энг муҳим мақсадларидан биридир. Оқилона кредит сиёсати банк кредит портфелини сифат жиҳатдан тартибга солиш қўламини, маблағ олиш имконияти, энг юқори риск дарражаси, ссуда портфели манбалари ва муддатлари бўйича мутаносиблигини, банк мажбуриятлари ва активлари тузилмасининг мослигини ҳисобга олиши керак. Кредит сиёсатининг асосий йўналишлари банк директорлари Кенгаши томонидан белгиланади.

Банк мураккаб ва мунтазам ўзгариб турадиган иқтисодий шароитларда, аввал ҳеч қачон дуч келинмаган ёки тўлиқ ҳал этилмаган вазифа (масалан, риск концепциясини ишлаб чиқиш ва ссудалар бўйича эҳтимолий йўқотишларни кўра билиш, кредитлар жамланиши ҳисобини юритиш ва иқтисодий шароитнинг қарздорлар даромадларига қанчалик таъсир кўрсатишини аниқлаш) кўндаланг турганида кредит сиёсатининг ўрни айниқса муҳимдир. Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш фойда олиш ва самарали иш юритиш ҳолати сақланган ҳолда, бозор эҳтиёжлари қондириладиган энг юқори риск дарражасини аниқлашни тақозо этади.

Кредит сиёсати банкнинг ўзига хос «Кредит тили» ни яратади. Бу сиёсат банк фаолияти ёмонлашгандан ҳамда кредит ваколатлари ва мажбуриятлари ўзгарганда ҳуқуқни сақлаб қолиш учун катта аҳамият касб этади. Қатъий сиёсат асосида яратилган кредит тили банк умумий кредит сиёсатининг ривожланиши учун замин яратади. Мастьулиятли шахслар кредит сиёсати билан танишилари ҳамда унга тўлиқ мувофиқ ишлашлари шарт. Кредитларни танлаб, тасдиқланганида ва ҳатто берилгандан кейин ҳам уларга қатъий риоя этиш зарур. Улар ташқи ва ички аудиторлар, мустақил кредитни таҳлил қилиш хизматлари, директорлар Кенгаши ва тартибга солиш органлари томонидан назорат этилади.

Кредит сиёсатидаги ҳар қандай четланиш тўлиқ ҳужжатлаштирилиши, асосланиши ва истиснолар кўрсатилиши керак.

Шу тариқа, кредит сиёсатини қатъий ва батафсил ишлаб чиқиши ҳар қандай банк учун катта аҳамият касб этади ва у кредитлаш тадбирларини мазмунини аёнлаштиради. Бу тадбирларни амалга оширадиган ходимлар мажбуриятларни белгилаб беради. Кредит сиёсати қоидаларига риоя этиш банкнинг асосий мақсадлари: фойда олишни таъминлаш, рискларни бошқариш, банк меъёрларига риоя этишга эришиш имконини беради.

Кредит сиёсатининг мавжудлиги, энг муҳими – барча даражаларда ишлаб чиқилган сиёсатга риоя этиш банк ссуда портфелини сифатли бошқариш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида, унинг қарздорлари ва акциядорлари фойдасини кўпайтиради ва фаровонлигини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкининг кредит сиёсати банкнинг кредитлашни амалга оширишдаги мақсади ва стратегиясини, кредит бериш жараёнида банк ходимларининг ваколат даражаси ва масъулиятини, тижорат банки томонидан бериладиган кредитларнинг турлари ва тоифаси, банк кредити йўналтириладиган иқтисодиёт соҳаларини белгилаб олиш, кредитлаш усуллари, кредитлаш кўрсаткичлари, кредитларни қайтариб тўлаш шартлари ва қоидалари, кредитнинг муддати, қарздорликни ундириб олиш бўйича чоратадбирлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар, мижознинг кредитга лаёқатлилик кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида ифода қилувчи қарздорларнинг фаолиятига оид молиявий ахборотлар, гаров таъминотига қўйиладиган талаблар, кредит мониторингига қўйиладиган талаблар, фоиз ставкалари бўйича бажариладиган операциялар, кўзда тутилмаган ҳолатлар моддалари, кредит портфелини аудит қилиш бўйича талаблар банк Бошқаруви ва Кенгашига тақдим қилинадиган ҳисоботлар бўйича талабларни ўзида ифода қилиши лозим.

Қўйидаги таянч сўзларга таъриф беринг.

Банк сиёсати
Кредит сиёсати
Валюта сиёсати
Кредит меморандуми
Фонд сиёсати
Кредит менежменти
Кредит портфели
Кредит мониторинги

Ўз билимини текшириш учун саволлар

1. Кредит сиёсатининг моҳияти ва мақсадини тушунтиринг.
2. Кредит сиёсатини қайси муассаса тузади, унинг хусусиятларини келтиринг.
3. Кредит сиёсатининг таркибий қисмларини сананг ва тушунтиринг.
4. Кредит сиёсатида асосий эътибор нимага қаратилади.
5. Кредит сиёсати қанча даврга тузилади ва уни ўзгартириш мумкинми?
6. Агар кредит сиёсатини ўзгартириш мумкин бўлса, у қандай амалга оширилади.
7. Агар сиз банкингиз учун кредит сиёсати ишлаб чиқсангиз, қайси омилларга асосий эътиборни қаратасиз?

Х-БОБ. АЙЛАНМА МАБЛАГЛАР ВА МИЖОЗНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

1-§. Айланма маблағлар ва уларни ташкил қилишида банк кредитининг роли

Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва шу асосда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб боришда айланма маблағлар муҳим ўрин тутади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш, пул муомаласини барқарорлаштириш асосида миллий пул бирлигини мустаҳкамлашнинг асосий йўлларидан бири - ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уни такомиллаштиришдан иборат. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва унинг самарадорлигини ошириш, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслардан тўғри фойдаланиш, уларни ишлаб чиқаришда қўллаш, иқтисодлилик тамоилига риоя қилиш, материал харажатларини камайтириш, арzon, лекин сифатли материалларни ишлаб чиқаришда қўллаш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Шуни таъкидлашимиз лозимки, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш аввалом бор айланма маблағлардан тўғри фойдаланишга боғлиқ.

Ҳар бир хўжалик ўз ишлаб чиқаришини ташкил қилиш, ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш учун маълум қийматни аванслаштириши керак. Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун эса аванслаштирилган қиймат ишлаб чиқариш ва муомала сфераларида доимий равишда айланиб туриши зарур. Аванслаштирилган қиймат меҳнат воситалари ва предметларини сотиб олишга сарфланиши мумкин. Шу жиҳатдан ишлаб чиқариш воситаларини икки шаклдаги активларга, яъни узоқ муддатли ва активларга бўлиш мумкин. Узоқ муддатли активлар ишлаб чиқаришда узоқ йиллар давомида қатнашади. Эскириб бориши билан узоқ муддатли активлар ўз қийматини қисман янги яратилаётган маҳсулотга ўтказиб боради.

Айланма активлар узоқ муддатли активлардан фарқ қилиб, ишлаб чиқариш жараёнида бир марта қатнашади ва яратилган маҳсулотга ўз қийматини тўла ўтказади, шакли ўзгаради.

Айланма активлар айланиш жараёнида уч босқични босиб ўтади: пул, ишлаб чиқариш ва товарларни сотиш билан боғлиқ босқичлар.

Айланишнинг биринчи босқичида ишлаб чиқариш воситалари сотиб олинади (П-Т(и/в)). Корхоналарнинг ажратилган пул фонdlари ишлаб чиқаришнинг ашёвий омилига айланади. Биринчи босқичнинг хусусияти шундаки, бу босқичда баъзи корхоналар ўз маблағлари етарли бўлмаган ҳолларда қарзга банк кредитини оборотга жалб қилишлари мумкин.

Айланма активлар айланишнинг иккинчи босқичи - ишлаб чиқариш босқичи (Т-и/ч-Т') бўлиб, бунда ишлаб чиқариш омиллари (иш кучи ва ишлаб чиқариш воситалари) қўшилиши юзага келади ва бу жараён айланма активлари айланиши иқтисодий моҳиятини янада чуқурроқ ифодалашга ёрдам беради. Чунки, иккинчи босқич асосий ва ҳал қилувчи босқич ҳисобланади. Бу босқичда янги қийматга эга бўлган янги маҳсулот яратилади. Иккинчи босқич,

ишлаб чиқаришда самарадорликка эришиш омилларига бой бўлган босқич бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун: ишлаб чиқаришни моддий ресурслар билан тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаш; материал ресурсларини иқтисод қилган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини арzonлаштириш; меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш зарур.

Айланма активлар айланишининг учинчи босқичи, (Г'-П')да янгидан яратилган маҳсулот реализация қилинади. Охирги босқичда айланма маблағлар яна бошланғич шакл - пул шаклига ўтади ва бу эса айланиш жараёнини бошидан бошлаш имконини беради.

Айланма активлар айланишининг учала босқичи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва уларни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш жараёнини тўғри ташкил қилиш, унинг узлуксизлигини таъминлаш, айланиш босқичлари бўйича активларни тўғри тақсимлаш ишлаб чиқаришда самарадорликка, корхоналар молиявий фаолиятининг яхши натижаларга эришишига олиб келиши мумкин.

Фонdlар айланишининг асосий шакли - пул шакли ишлаб чиқаришни ташкил қилишда асосий рол ўйнайди. Шунинг учун улар айланишининг асосий шакли, жараён бошланишида пул маблағларини аванслаштириш ва жараён тугашида активларнинг пул шаклига ўтишидир. Ҳақиқатда пул маблағларини аванслаштиrmасдан туриб фонdlар айланишини бошлаш мумкин эмас ва шундан келиб чиқсан ҳолда бошқа босқичлар ўз-ўзидан амалга оширилмайди.

Корхоналарнинг аванслаштирилган маблағлари натурал-ашёвий шаклда ва бошқа шаклда, яъни қиймат шаклида бўлиши мумкин. Активларнинг қайси бир турини мослаштиришга қараб, улар асосий ва айланма маблағларга бўлинади.

Аванслаштиришнинг хусусияти шуки, маблағлар корхона оборотида доимий равишда бўлиб туради ва активларнинг айланшига қараб ўз шаклини ўзгартириб туради. Активларнинг айланиши давомида айланма маблағлар пул шаклидан ишлаб чиқариш заҳиралари шаклига, ишлаб чиқариш заҳиралари шаклидан тугалланмаган ишлаб чиқариш (тайёр бўлмаган маҳсулот)га, тугалланмаган ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот шаклига ўтади. Охирги босқичда маҳсулот сотилади, яъни товар шаклидан пул шаклига ўтади ва жараён бошида аванслаштирилган маблағлар келиб тушган тушум ҳисобидан тикланади. Айланма активлари ва уларнинг иқтисодий моҳияти тўғрисида охирги йиллар ичida бирорта ҳам йирик иқтисодий адабиёт ёзиб, чоп қилинган эмас. Шунинг учун айланма активлар тўғрисидаги баъзи бир муноzара бўйича 80-90 йиллар адабиётларигагина мурожаат қилишимиз мумкин.

Айланма активлар иқтисодий категория сифатида бир неча хусусиятларга эга. Шулардан бири - айланма ишлаб чиқариш ва муомала активлари учун аванслаштирилган қийматларни бир иқтисодий категория - айланма активлар категориясига бирлашишидадир. Баъзи иқтисодчилар айланма активларни иқтисодий категория сифатида қарамайдилар. Уларнинг фикрича, айланма фонdlаргина иқтисодий категория сифатида товар ишлаб чиқариш жараёнининг асосини ташкил қиласди. Айланма активларнинг яна бир хусусияти - уларнинг ташкил қилиниши ва улардан фойдаланишdir.

Айланма активларнинг айланишини бошлиш учун аввалом бор аванслаштирилган қийматга эга бўлиш лозим.

Айланма активлар корхона балансининг актив қисмида қўрсатилиб қўйидаги таркибий гуруҳларга бўлинади.

I гурух. Товар-моддий бойликлар, буларга:

- 1 ишлаб чиқариш заҳиралари;
- 2 тайёр маҳсулот;
- 3 товарлар киради.

II гурух. Ишлаб чиқариш харажатлари, буларга:

- 1 тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- 2 келгуси давр харажатлари ва бошқалар киради.

III гурух. Пул маблағлари, буларга:

- 1 ғазнадаги пул маблағлари;
- 2 валюта маблағлари;
- 3 ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари;
- 4 бошқа счётлардаги пул маблағлари киради.

IV гурух. Дебиторлар, буларга:

- 1 харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар;
- 2 бўнак тўловлари;
- 3 бюджет билан ҳисоб-китоблар;
- 4 ходимлар билан ҳисоб-китоблар;
- 5 шуъба корхоналар билан ҳисоб-китоблар;
- 6 уюшма корхоналар билан ҳисоб-китоблар;
- 7 таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар;
- 8 бошқа дебиторлар киради.

Айланма активлар ўзининг қайси тармоқقا қарашли эканлигига қараб айланиши даврида маълум хусусиятларга эга бўлади.

Айланма активларнинг айланиш давридаги хусусияти хўжалик субъектининг қайси тармоқка тааллуқли эканлигига боғлиқ. Мавсумий тармоқлар (қишлоқ хўжалиги, тайёрлов, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар)да айланма активларнинг айланиши бир текисда кечмайди.

Чунки бу тармоқларга айланма активларга бўлган эҳтиёж йилнинг фаслига, мавсумга қараб турлича бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалигида қиш, баҳор ойларида айланма активларга бўлган талаб ошиши, кузга келиб айланма активларга бўлган талаб камайиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ва шунга ўхшаган бошқа тармоқларда айланма активларга бўлган талаб банк кредитини жалб қилиш йўли билан қопланиши мумкин.

Мавсум билан боғлиқ бўлмаган тармоқлар (саноат, савдо, таъминот ва бошқалар)да айланма активларнинг айланиши (маҳсулот сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини амалга ошириш) бир маромда кечиши мумкин. Шунга қарамасдан номавсумий тармоқларда ҳам материалларнинг мол етказиб берувчидан келиб тушишда, товар ортиқча ёки кам келиб тушганда, транспорт бўйича қийинчиликлар бўлганда, импорт моллар кўп миқдорда келиб тушганда,

тайёр маҳсулотни сотиш жараёни ва бошқаларда айланма маблағларга бўлган талаб банк кредити ҳисобидан қоплаши мумкин.

1990 йилгача айланма активлар бўйича нормативлар ўрнатилган. Норматив - бу минимал миқдордаги заҳиралар бўлиб, улар доимо хўжалик субъектлари оборотида бўлиши лозим. Норматив миқдорини корхоналар ўз маблағидан қоплаши керак.

Охирги йилларда хўжалик субъектларининг айланма активларига норматив ўрнатиш яна амалиётда қўлланилмоқда.

Корхона ва ташкилотлар ўзида мавжуд захира ва ҳаражатлар суммасини хом чўт қилиш асосида ўтган даврда мавжуд маблағлар ва кутилаётган ўзгаришларни ҳисоб-китоб қилиш йўли билан кредитга бўлган талабни аниқлайдилар.

Хўжалик субъектларининг айланма активлари қўйидаги манбалар ҳисобидан ташкил қилинади:

1. Корхонанинг ўз айланма маблағлари.
2. Банк кредитлари.
3. Кредитор қарзлар
4. Бошқа манбалар

Хўжалик субъектлари ишлаб чиқариш ва товарларни сотиш жараёнини нормал олиб бориш учун товар-моддий бойликлар ва ишлаб чиқариш ҳаражатларининг минимал миқдорида ўз айланма маблағларига эга бўлиши керак.

Корхоналарнинг ўз айланма маблағлари қўйидаги манбалардан ташкил топади:

- а) давлат корхоналарида бюджетдан ажратмалар ҳисобидан;
- б) юқори ташкилотларнинг ажратмалари;
- в) таъсисчиларнинг пай бадаллари;
- г) акциядор корхоналарда акциялар чиқариш ва сотиш йўли билан вужудга келадиган манбалар ҳисобидан.

Корхонанинг ўз айланма маблағлари унинг капиталида ўз ифодасини топади. Устав капитали асосан фойда ҳисобидан ёки қўшимча акциялар чиқариш ва сотиш ҳисобидан кўпайтириб борилади. Корхонанинг ўз капиталининг миқдори қанча юқори бўлса, унинг фаолияти шунчалик бошқа кредиторларга боғлиқ бўлмайди, яъни ўз айланма маблағларининг юқори салмоғи корхонанинг молиявий жиҳатдан мустақиллигидан далолат беради.

Айланма активларнинг иккинчи манбаси - банк кредити ва бошқа қарз маблағлари ҳисобланади. Корхонанинг нормал фаолиятини олиб бориш учун ўз айланма маблағлари етарли бўлмаса, оборотга қисқа муддатли банк кредитлари жалб қилиниши мумкин. Хўжаликлар фаолиятида бундай аҳвол мавсумий ва вактинчалик заҳиралар ва ҳаражатларни қоплаш, аккредитив очиш ва бошқа ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларда юзага келади.

**Айланма активларни ташкил қилиш манбалари
(фоиз ҳисобида)**

	Манбалар	1.01.1987	1.01.1990	1.01.1995	1.01.1999
1.	Үз айланма маблағлари	25	30	39	52
2.	Банк кредитлари	50	40	36	28
3.	Кредитор қарзлар	14	16	15	14
4.	Бошқа манбалар	11	14	10	6
	Жами	100	100	100	100

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, охирги йилларда айланма активларнинг манбасидаги корхонанинг ўз айланма маблағлари салмоғи ошиб бормоқда. 80-йиллардан айланма маблағларнинг 50 фоиздан ортиғи банк кредити ҳисобидан ташкил қилинган бўлса, 90-йилларнинг охирига келиб корхонанинг ўз маблағлари миқдори 52 фоизни ташкил қилган. Бу кўрсаткич хўжалик фаолиятини олиб бориш мустақиллигидан далолат беради.

Хўжалик субъектларининг айланма активларини ташкил қилишда кредитнинг ролини қуидагилар билан ифодалаш мумкин:

1. Кредитнинг хўжалик оборотида иштирок этиши айланма маблағларни иқтисод қилишга олиб келади.
2. Кредит хўжаликлар фаолиятида учраб турувчи мавсумий эҳтиёж, бошқа ҳолатлар билан боғлиқ бўлинишларнинг олдини олишга ёрдам беради.
3. Кредит ишлаб чиқариш, тайёрлов ва сотиш жараёнини тезлаштиради ва хажмини оширади.
4. Кредит ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга оширишга имконият яратади.
5. Банк корхоналарга кредит бериш йўли билан уларнинг фаолиятини яхшиланишига таъсир кўрсатади.

Айланма активларнинг учинчи манбаси - кредитор қарзлардир.

Кредитор қарз шаклидаги маблағлар корхонага тегишли бўлмаган маблағлар бўлса-да, улар корхона оборотида доимо иштирок этади. Шу туфайли улар айланма активларнинг манбаи ҳисобланади. Кредитор қарзларга қуидагилар киради:

1. Мол етказиб берувчилар билан ҳисоблар.
2. Бюджет бўйича қарзлар.
3. Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар.
4. Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар.
5. Мулкий ва шахсий суғурта бўйича қарзлар.
6. Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар.
7. Шуъба корхоналарига қарзлар.
8. Уюшма корхоналарига қарзлар
9. Бошқа кредиторлар.

Айланма активларнинг бошқа манбаларига моддий рағбатлантириш фонди ва бошқа фондлар қолдиқлари кириши мумкин. Корхоналарнинг

молиявий аҳволи ижобий бўлса, у ўз вақтида банк кредитини тўлаши, мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилиши, иш ҳақини тўлаши, бюджетга тўловларни ўз вақтида амалга ошириши мумкин.

Корхонанинг молиявий аҳволи ёмонлашганда тўланмаган қарзлар ҳосил бўлади. Тўланмаган қарзлар:

- а) банк кредитлари бўйича;
- б) мол етказиб берувчиларга ўз вақтида тўланмаган қарзлар;
- в) иш ҳақи бўйича тўланмаган қарзлар ва бошқалар бўйича юзага келади.

Тўланмаган қарзларнинг юзага келиш сабаблари корхона кўзлаган режаларининг амалга оширилмаганлиги, айланма активлардан фойдаланишида самарага эриша олмаслик ва бошқалар бўлиши мумкин.

Айланма активлардан фойдаланишда бўладиган камчиликлар:

1. Корхоналар ўз айланма маблағлари билан етарли таъминланмаган шароитида;
2. Айланма активлар айланиши секинлашганда;
3. Корхонада талабдан ортиқча товар моддий бойликлар захиралари йиғилиб қолганда;
4. Айланма активлар кўзда тутилганидан бошқа мақсадларга ишлатилганда юзага келади.

Корхона ўз айланма активларининг ҳолатини, уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини доимий назорат қилиб бориш лозим.

Айланма активлардан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари бўлиб:

- а) айланма активларнинг кунларда айланиши;
- б) айланма активларнинг айланиш коэффициенти;
- в) корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси;
- г) корхона оборотида мавжуд бўлган ўз айланма маблағлари каби асосий кўрсаткичлар ва бир неча қўшимча кўрсаткичлар мавжуд.

1. Айланма маблағ(актив)ларнинг кунларда айланиши (Ак.а.) айланма маблағлар бир марта айланиши (яъни П-Т...и/ч...Т'-П'гача) учун неча кун кетганлигини тавсифлайди ва қуидаги формула бўйича аниқланади.

$$Ак.а. = \frac{А.ў.қ. \times К}{С};$$

Бу ерда: А.ў.қ. - Айланма маблағ(актив)ларнинг ўртача қолдиғи
К - ҳисоблананаётган даврнинг кунлар сони (90 кун, 180 кун, 360 кун)

С - сотув ҳажми.

Айланма активларнинг кунларда айланиш сонининг қисқариши улар айланишининг тезлашувидан, бу ўз навбатида сотув ҳажми ва фойданинг кўпайишидан, аксинча ҳолат эса, корхонанинг молиявий аҳволининг танглигидан далолат беради.

2. Айланма активларнинг айланниш коэффициенти (Ka) маълум бир давр (1 йил, 6 ой, 1 ой) ичида айланма активлари неча марта айланганидан далолат беради ва қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$Ka = \frac{C}{A_{\text{ю.к.}}};$$

Айланма активлар маълум бир давр оралиғида қанча кўп айланса, унинг самарадорлиги шунча юқори бўлади, яъни шунча марта даромад олишга эришиш мумкин. Ҳар бир хўжалик субъекти ўзида мавжуд бўлган айланма маблағларнинг тезроқ айланнишини таъминлаши лозим. Бу эса корхона тушумининг кўпайишига, унинг мол етказиб берувчилар, бюджет, банк ва бошқа субъектлар олдидағи мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга имкон яратади.

3. Айланма активларнинг самарадорлигини ифодаловчи кейинги кўрсаткич - корхонанинг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик даражаси ёки муҳторийлик коэффициенти (Km)дир. Бу кўрсаткич корхонанинг молиявий жиҳатдан мустақиллик даражасини кўрсатиб, ўз маблағлари манбаларини корхона балансининг жами пассивига бўлиш йўли билан аниқланади.

$$Ka = \frac{\text{ЎзММ}}{Бп};$$

ЎзММ - ўз маблағлари манбаси (баланс 390 қатор)

Бп - баланс пассиви (550- қатор)

Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси 30 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Агар бу кўрсаткич 60 фоиздан юқори бўлса, кредитлаш бўйича риск минимал бўлиши мумкин.

4. Корхона оборотида мавжуд бўлган ўз айланма маблағлари миқдори корхонанинг ликвидилигини ифодалаши мумкин.

Бу кўрсаткич (ХМА) қуидагича аниқланади:

ХМАқЎзММ - Уа

Бу ерда

Уа - узоқ муддатли активлар (110 баланс қатори - 350 б.к.) (қопланмаган зарарлар).

Агар корхонанинг узоқ муддатли активлари унинг ўз маблағлари манбасидан юқори бўлса, бундай корхоналар «ноликвид корхоналар» дейилади ва уларга кредитлар берилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, айланма маблағ(актив)лари хўжалик субъектлари фаолиятининг асоси бўлиб, банк томонидан бериладиган кредитларнинг аксарият қисми айланма активларга йўналтирилади. Шу туфайли ҳар бир хўжалик субъекти айланма активларини тўғри ташкил қилмоғи, улардан фойдаланишда самарадорликка эришмоғи лозим.

2-§. Мижознинг кредитга лаёқатлилиги тушунчаси

Кредитга лаёқатлилик – бу мижознинг молиявий фаолиятига ҳар томонлама берилган баҳо бўлиб, у қарз олувчининг сўралаётган кредитни (асосий қарз суммаси ва у бўйича фоидларни) ўз вақтида қайтариш ва бошқа қарз мажбуриятларини тўлай олиш қобилиятини кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг, банклар фаолиятининг тижоратлашуви юзага келади. Кейинги йилларда турли хил мулкчилик шаклига асосланган корхоналар ташкил топди. Бу корхоналар қайси мулкчилик шаклига асосланган бўлишига қарамасдан иқтисодий жиҳатдан тўлиқ мустақил бўлиб, ўз харажатларини ўз даромадларидан қопладилар. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган корхоналарда қўшимча пул маблағларига эҳтиёж юзага келади ва бу эҳтиёж зарур бўлганда банк кредитлари ҳисобидан қопланиши мумкин. Шу сабабли, бозор иқтисодиёти шароитда кредит ва унинг муҳим элементларидан бири кредитга лаёқатлиликни баҳолашнинг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этади. Чунки банклар ҳам бозор муносабатларининг мустақил субъектларидан бўлиб, иқтисодий жиҳатдан фаолият натижалари учун ўзлари жавобгар ҳисобланадилар. Биз олдинги параграфларда таъкидлаганимиздек, банкларнинг мақсади ҳам корхоналарнига ўхшаш бўлиб, улар ўз харажатларни ўз даромадлари ҳисобидан қоплаб юқори фойда олишга интиладилар. Банкларнинг фойда билан ишлаши уларнинг янада кенг тармоқли фаолият олиб боришига, мижозларга кўрсатадиган хизмат турлари ва сифатини кенгайтиришга, устав капиталини оширишга, банк ходимларини моддий рағбатлантиришга, кўпроқ маблағ ажратишга, ўз акционерларига кўпроқ дивидендлар тўлашнинг ва буларнинг барчаси банкка бўлган ишончнинг янада ошишига имконият яратади. Тижорат банклари фаолиятида қўйган мақсадга эришиш ва берган кредитларининг самара билан банкка қайтиб келишини таъминлаши учун мижознинг молиявий ҳолатини унинг кредитни ўз вақтида қайтара олиши имкониятларини текшириб кўриши лозим.

Кредитлаш жараёни турли хилдаги риск омиллари билан боғлиқ бўлиб, кредитга лаёқатлилик кредитни ўз вақтида тўлашни ўзида мужассамлаштиради. Шунинг учун банк ссуда бераётганда кредитга лаёқатлиликни ўрганиши, яъни қарз олувчининг молиявий ҳолатини ҳамда унинг кредитни ўз вақтида тўлиқ қайтариб бериш қобилиятини баҳолашни ўзига шарт деб билади. Кредитга лаёқатлиликни таҳлил қилишнинг мақсади қарз олувчининг мажбуриятини ўз вақтида ва тўлиқ қайтариб бериш қобилиятини аниқлашдан иборат. Шу боис банк ўзига олишга тайёр бўлган риск даражаси у тақдим этаётган кредит ҳажми ва кредит бериш шартларининг қай даражада бажарилишига боғлиқ .

Банк нафақат мижознинг маълум кунлардаги тўлов қобилиятини баҳолаши, шу билан бирга, унинг келажакдаги молиявий барқарорлигини ҳам прогнозлаши зарур. Молиявий барқарорликни ва кредит операцияларидаги риск ҳисобини объектив баҳолаш, банкка кредит ресурсларини самарали бошқариш ҳамда фойда олиш имконини беради.

Бозор муносабатларининг ривожланиши корхоналарнинг тўлов қобилияти ва барқарорлигини аниқлашда чет эл тажрибасига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритиш заруратинии туғдирди, бунда бухгалтерия балансининг янги таҳлилини юритиш асосий ўринни эгаллади. Балансдаги актив ва пассивларни қабул қилинган моддалар бўйича гурухлаштирилиши, тўлов қобилияти ва кредитга лаёқатлиликни етарли даражада чукурроқ таҳлил қилиш имконини беради.

Банк рискларини камайтириш ва унинг даромадини оширишда кредит жараёнини туғри ташкил қилиш, мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш муҳим ўрин тутади. Мижозга берилган кредит ўз вақтида қайтиб келишини хоҳлайдиган банк авваламбор мижознинг кредит заявкаси ва унинг кредит тарихини мукаммал ўрганиб чиқиши лозим. Бу жараён банк рискини олдини олишнинг илк босқичи ҳисобланади.

Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини ўрганиш ва кредит берилгандан кейин кредит мониторингини мунтазам олиб бориш банк рискини камайтириш ва унинг даромадини оширишнинг навбатдаги босқичларидан бири ҳисобланади.

3-§. Мижознинг кредитга лаёқатлиигини баҳолашнинг манбалари

Кредит механизми хўжалик механизмининг таркибий қисми бўлиб, ўз ичига кредитлаш шартларини, усулларини ва кредитни бошқариш тамойилларини олади. Кредит механизми ёрдамида банк тизимининг кредит сиёсати амалга оширилади.

Кредитлаш жараёнини ташкил қилиш кредит заявкасини кўриб чиқишдан бошланади. Биз амалиётда кредит заявкаларини кўришда нималарга эътибор бериш зарурлигини таъкидламоқчимиз.

Ҳар бир мижозга чуқур эътибор билан муносабатда бўлиш, ҳар бир банк ходимининг фаолият қўрсатиш қоидаларининг ажralmas қисми бўлиши керак. Одатда ўз мижозларига эътибор билан муомала қилмайдиган ходимлари бўлган банкнинг, бизнинг фикримизча, келажаги бўлмайди. Бизнинг банкларимиз билан мижозлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг аксарият жиҳатлари бизга маълум бўлганлиги боис биз амалиётимизда банк билан мижоз ўртасида мавжуд кредит муносабатларга тўхталмасдан, жаҳон амалиётида кредит жараёнининг ташкил қилиниш асосларига қисқача тўхталамиз. Жаҳон амалиётида кредитлаш жараёнини ташкил қилишда банк ходими мижозларга кредитлаш шартлари ҳақида маълумот беради ва банкнинг анкета саволларига жавоб беришни таклиф қиласди. Чет эл банкларида мижозлар билан бўлган биринчи ва ундан кейинги учрашувлар натижаси ҳисоботларда умумлаштирилади. Бу ҳисоботлар маълум миқдорда саволларнинг стандарт йигимини ўз ичига олади. Бундай ҳисоботга мижознинг банкга ҳар ташрифидан сўнг ўзгариши киритилади ва янги маълумот билан тўлдирилади. Бу ҳисоботлар кредит инспекторига келгуси мижоз тўғрисида учрашувлари олдидан керакли маълумотларни беради. Келгуси мижоз кредит инспектори билан бўладиган учрашувга олинадиган ссуда, унинг ишлатилиш мақсади, суммаси, қайталиш муддати ва тақдим қилинган таъминотини ўз ичига олган кредит заявкаси билан келади.

Кўпгина давлатларда нуфузли банклар кредит аризаси билан бирга бир неча ҳужжатларни кўриб чиқади, буларга:

- 1) қарз олувчи компания (корхона) таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- 2) молиявий ҳисобот, корхона баланси ва охириги уч йил учун фойда ва зарар ҳисботини ўз ичига олади. Баланс йил охиригача тузилиб, унда активлар, мажбуриятлар ва капитал тузилмаси қўрсатилади. Фойда ва зарар счёти бир йиллик вақтни ўз ичига олади ва компания даромади ва ҳаражатлари, соф даромади, унинг резервга тақсимланиши ва чегирмалар, дивиденд тўловлари ва ҳ.к.лар тўғрисида батафсил маълумот берилади.
- 3) Касса тушумлари ва ҳаракати тўғрисида ҳисббот. У икки ҳисббот муддатида тузилган балансларнинг солиширилишига асослан-гандир ва у ҳар хил бўлимлар ва фондлар ҳаракатида бўладиган ўзгаришларни кўришга ёрдам беради. Ҳисббот ресурслари дефицитини, ишлатилишини, фоизлар учун маблағлар бўшаш вақти ва касса тушумларининг дефицитини юзага келиши ва ҳ.к.нинг умумий ҳолатини кўришга ёрдам беради.

- 4) Ички молия ҳисоботи. Бу ҳисобот компания молиявий ҳолати, 1 йил, квартал ёки ой давомида ресурсларга бўлган эҳтиёжининг ўзгаришларини акс эттиради.
- 5) Ички оператив ҳисоб бўйича маълумотлар. Баланс тузиш учун кўп вақтни талаб қиласди. Лекин кредитор банкга қарз олувчи компания тўғрисида баъзи бир оператив ҳисббот маълумотлари керак бўлиб қолиши мумкин.
- 6) Молиялаштиришнинг прогнози. Бу ҳисббот келгуси сотувни баҳолаш, харажат, товарни ишлаб чикариш билан боғлиқ ҳаражатлар, дебитор қарздорлик, захиралар қайтарилиши, нақд пулга эҳтиёж, капитал қўйилма ва ҳ.к.ларни ўз ичига олади.
- 7) Солик декларацияси энг керакли қўшимча ахборот сифатида. Унда қарз олувчи солик тўловчи сифатида бошқа ҳужжатларга киргизилмаган ахборотлар бўлиши мумкин.
- 8) Бизнес-режа. Кўпгина кредит заявкалари ҳали молия ҳисбботи ва бошқа ҳужжатларга эга бўлмаган ишни энди бошлаётган корхоналарни молиялаштириш билан боғлиқ. Бундай пайтда қарз олувчи компания банкка кредитланадиган лойиҳа мақсади ва уни амалга ошириш усуллари хақида маълумотларни ўз ичига олувчи батафсил бизнес-режани тақдим этиши керак.

Кредит инспектори кредит заявкаси ва унга киритилган ҳужжатларни яхшилаб ўрганиб чиқади. Бундан сўнг у келгуси қарз олувчи билан яна бир бор суҳбатлашади. Суҳбат давомида кредит инспектори қарз олувчи компания (банк) ишларини ҳар томонлама ўрганиши шарт эмас, у кредитор-банкни қизиқтирадиган саволларга керакли даражада аҳамият бериши керак.

Кўзга кўринган чет эл банкларининг амалиёти шуни кўрсатадики, келгуси мижоз билан суҳбат аниқ бир тартибда берилган қуйидаги саволларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Банк кредитлашнинг биринчи босқичида қуйидагиларни аниқлаши керак:

А. Қарз олувчининг ишончлилиги ва кредитга лаёқатлилиги, унинг шерик сифатидаги фаолияти доимийлиги ва самараси.

Б. Кредит заявкасининг асосланганлиги ва кредит қайтарилишининг таъминланганлик даражаси. Банк керак бўлса кредит таклифи бўйича ўз талабларини ишлаб чиқиши ва мижозни у билан таништириши мумкин.

В. Кредит таклифининг банк кредит сиёсати ва ссуда портфели тузилмасига тўғри келиши. Янги кредит бериш ва кредит портфели диверсификацияси кредит рискининг пасайишига олиб келадими ёки йўқми деган саволга жавоб топиши лозим.

Банкнинг кредит бериш билан шуғулланувчи ходимлари яхши билмайдиган иқтисод тармоқларидағи корхоналарига ссуда бермаслиги керак. Лекин бундай ҳолларда кредит таклиfinи баҳолаш учун нуфузли эксперталарни жалб қилишлари мумкин. Аммо бу банкнинг қўшимча ҳаражатига олиб келса-да, кредитлаш билан боғлиқ рискларнинг олдини олиши мумкин.

Хар қандай ариза ва қўшимча ҳужжатлар ҳамда суҳбат натижаларини аниқлашнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қарз характеристи ва кредитга лаёқатлилигини аниқлаш ҳисобланади. Кредит инспектори қарз олувчига аризани тайёрлаш давомида мижознинг кредитни қоплашга лойиқ қимматли активларини ва даромад миқдорини билади. Мижознинг оғзаки жавоблари ёзма

берган маълумотларига қараганда қўпроқ маълумот беради. Шу билан бир вактда инспектор мижоз ҳамкорлик қилган банкларга мурожаат қиласди.

Кредит инспектори қарз оловчи даромадининг фақатгина миқдорига эмас, балки барқарорлигига ҳам эътибор бериш керак. Улар мижоздан соф даромад хақида маълумот олишни истайдилар.

Даромаднинг миқдори ва доимийлиги турғунлигининг билвосита кўрсаткичи бўлиб, мижозларнинг депозит ҳисобларидағи ўртача бир қунлик қолдик тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади. Қарз оловчи томонидан берилган бу маълумотлар кредит инспектор томонидан тегишли банк томонидан берилган маълумотлар билан таққосланади.

Банк депозит ҳисобларидағи салмоқли қолдиқларни бўлиши мижоз молиявий аҳволининг ишончлилигидан, унинг молиявий интизомлилигидан ва олинган кредитларни қайтариш борасидаги интилишлари жиддийлигидан далолат беради.

Тажрибали кредит инспектори аҳамият берадиган омиллардан яна бири мижознинг бир жойда узоқ ва доимий фаолият кўрсатиши, яшаши ҳамда машғул бўлишидир. Кўпгина банклар одатда кўрсатилган жойда бир неча ойгина ишлаётган шахслар ва яқинда рўйхатдан ўтган фирмаларга рад жавобини берадилар.

Кредит инспекторлари “қарзлар пирамидаси” деб аталувчи ҳолатнинг пайдо бўлишини қўллаб-қувватламайдилар. “Пирамида” ҳолати бу қарздор 1 та банк ёки фирмадан олган қарзини тўлаш учун бошқа кредитордан қарз олиши тушунилади. Мижознинг кредит карточкалари бўйича қарзининг катталиги, кўплиги ўзининг ҳисобидан ёзиб берилган чекларнинг тез тез қайтиб келишига инспекторлар катта эътибор беради. Бундай далиллар асосида мижознинг ҳақиқий молиявий аҳволи ва унинг пул маблағларини бошқариш қобилияти ҳақида хулоса қилинади.

Агар мижоз билан ишларни давом эттириш ҳал қилинса, унда инспектор кредит досьесини йифади ва уни кредит бўлимiga юборади. Бу бўлимда мижознинг кредитга лаёқатлилиги чуқур ўрганилади ва кредит рискига баҳо берилади.

Кредит механизмининг муҳим элементларидан бири бўлган - кредитга лаёқатлиликдир. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини ҳисобга олган ҳолда кредит бериш, кредитни ўз вактида қайтаришнинг муҳим шартидир. Давлат мулкчилигига асосланган жамиятда кредитга лаёқатлилик кўрсаткичи кредит механизмда муҳим ўринни эгаллай олмайди. Банклар фаолиятига давлат якка ҳукмонлиги уларнинг мустақил субъект сифатида фаолият кўрсатишига тусқинлик қиласди ва кредит ресурслари марказлашган тарзда, режа асосида тасдиқланади. Энг хусусиятли томони шундаки, банклар берадиган кредитлари бўйича фоиз ставкаларини мустақил ўзлари белгилай оладилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида эса, кредитга лаёқатлилик кўрсаткичи кредит беришда эътибор қилинадиган асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб қолади. Чунки тижорат банки ўз фаолияти натижаси учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Кредит учун фоиз эса унинг асосий даромад манбаи бўлиб қолади.

Корхонанинг кредитга лаёқатлилигини ўрганиш тижорат банкига кредит бериш мумкинлигини аниқлашга, унинг миқдорини, фоиз ставкасининг даражасини белгилашга имкон беради. Бундан ташқари, кредитга лаёқатлилигини аниқлаш ссудани ўз вақтида қайтариш эҳтимолини, энг асосийси банк рискини камайтиришга имкон беради.

Кредитга лаёқатлиликни баҳолаш корхонанинг ўзи учун ҳам катта аҳамият касб этади. Бу қўрсаткичларнинг таҳлилига асосланиб, улар мол етказиб берувчилар харидорлар ва бошқа банклар билан ўзаро муносабатларни ўрнатишлари мумкин.

Ижобий кредитга лаёқатлилик қўрсаткичга эга бўлган корхоналар ҳеч қандай тўсиқларсиз кредит олишлари ва унинг ҳисобидан товар моддий бойликларни сотиб олиши, салмоқли маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, олдиндан олинган кредитлар бўйича қарзларни тўлашга йўналтиришлари мумкин. Салбий кредитга лаёқатлилик қўрсаткичига эга бўлган корхоналар банкдан кредит ололмасада, ўз молиявий ахволини яхшилаш, ишлаб чиқариш, сотув ҳажмини, ўз маблағлари миқдорини, рентабеллилик қўрсаткичларини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш лозимлиги тўғрисидаги ахборотга эга бўладилар.

Корхона ва банклар учун кредитга лаёқатлилик қўрсаткичининг аҳамияти муҳимлигини ҳисобга олиб биз кредитга лаёқатлилик қўрсаткичининг иқтисодий моҳияти тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Иқтисодий адабиётларда бу қўрсатгичнинг моҳияти тўғрисида турли таърифларни учратиш мумкин. Кўпгина муаллифлар томонидан кредитга лаёқатлилика, корхоналарнинг қарз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олиш имконияти сифатида таъриф берилади. Бизнинг фикримизча, бу таъриф кўпроқ корхонанинг тўловга лаёқатлилигига берилган таърифdir. Амалиётда кредитга лаёқатлилик қўрсаткичи кўпроқ банкдан қарз олувчи корхона фаолиятини ифода қиласди. Кредитга лаёқатлилик қўрсаткичларини икки томонлама қўриб чиқиш мумкин:

- қарз олувчи нуқтаи назаридан кредитга лаёқатлилик;
- кредит шартномасини тузиш имконияти, олинган кредитларни ўз вақтида қайтара олиш қобилиятини ифодаласа;
- банк нуқтаи назаридан - корхонага бериладиган кредитнинг ҳажмини тўғри аниқлай олиш масъулиятини билдиради.

Баъзи иқтисодчилар қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик қўрсаткичини баҳолашда биринчи ўринга корхонанинг даромад олиш имкониятини қўйишиади. Бизнинг фикримизча, даромад олиш - корхонанинг ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолият турининг натижаси ҳисбланиб, шу натижага эришиш мақсадида корхона кредитга муҳтожлик сезади.

Агар қарзларни тўлаш миқёсида қарайдиган бўлсак, кредитга лаёқатлиликка нисбатан тўловга лаёқатлилик тушунчаси кенгроқдир. Чунки тўловга лаёқатлилик жисмоний ва хукуқий шахсларнинг барча қарз ва мажбуриятларини ўз вақтида тўлай олиш имкониятини ифодалайди. Кредитга лаёқатлилик тўловга лаёқатлиликдан фарқ қилиб, ссуда бўйича қарзларни ўз

вақтида тўлаш имкониятини кўрсатади. Ундан ташқари кредитга лаёқатлилик тўловга лаёқатлиликдан тўлаш манбалари билан ҳам фарқ қиласди.

Корхона, ташкилотлар ўз қарз, мажбуриятларини сотишдан тушган тушум ёки бошқа ҳар хил тушумлар ҳисобидан амалга ошиrsa, кредит бўйича қарзларни тўлаш биринчи навбатда маҳсулотни сотиш ҳисобидан тушган тушумдан амалга оширилиши белгиланади. Банк кредитини тўлаш бўйича муаммолар юзага келганда, ссудани тўлашнинг кафолатлик манбалари қўл келиши мумкин. Булар:

- ссуда бўйича гаров сифатида олинган мулк;
- бошқа банк ёки корхоналарнинг кафолати;
- суғурталаш ҳисобидан қоплаш ва бошқалар.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, тўғри кредит берган банк, корхона тўловга лаёқатли бўлмаган ҳолда ҳам берган кредитни, тўлиқ ёки қисман қайтиб олишни мўлжаллаши мумкин.

Ўзининг барча аҳамиятига қарамасдан бу кўрсаткичлар айrim маънода чегараланган аҳамиятга эга. Биринчидан, кўпгина кўрсаткичлар, шу жумладан, молиявий аҳволни, капиталнинг борлиги ва бошқаларни характерловчи кўрсаткичлар асосан ўтмиш билан боғлиқ бўлиб, улар ўтган давр кўрсаткичлари асосида ҳисобланади, келажакдаги кредитга лаёқатлиликни режалаштириш эса келажакда ссудаларни қайтарилиш имкониятларига баҳо беради. Иккинчидан одатда бундай кўрсаткичлар ҳисбот муддатига қолган қолдиқ асосида ҳисобланади, ваҳоланки маълум даврдаги оборотлар ҳақидаги маълумотлар ссудаларни қайтариш имкониятларини тўлароқ тасвиirlайди.

Кредитга лаёқатлиликни таҳлил қилишда маълумотларнинг ҳар хил манбаларидан фойдаланилади:

- а) бевосита мижозлардан олинган материаллар;
- б) мижоз ҳақидаги банк архивида мавжуд бўлган материаллар;
- в) мижоз билан иш юзасидан алоқада бўлган шахслар (унинг мол етказиб берувчилари, кредиторлари, унинг мижозлари, банклари ва бошқалар) томонидан берилган маълумотлар;
- г) хусусий ва давлат агентликлари ва ташкилотларининг ҳисботлари ва материаллари (кредитга лаёқатлилик ҳақидаги ҳисботлари, инвестиция бўйича маълумотномалар ва бошқалар).

Бундай ташкилотлар ҳозирчалик бизнинг амалиётимизда йўқ. Биз олдинги бобларда шундай агентлик зарурлиги тўғрисида гапириб ўтган эдик.

Банк томонидан ўрганиб чиқилган материалларни ва мижоз томонидан берилган бевосита маълумотларни олган кредит бўлимининг эксперtlари ўз банк архивига мурожаат қиласди. Агар мижоз олдин ҳам кредит олган бўлса архивда унинг қарзини кечикириб тўланганлиги ва бошқа камчиликлари ҳақидаги маълумот бўлади. Ундан ташқари банк бошқа кредит ташкилотлари билан алоқа ўрнатиб, ушбу қарздор тўғрисида маълумот олиши мумкин.

Кредит аризасини баҳолашда кредит бўлими ходимлари аниқ қарз олувчи билан боғлиқ саволларни кўриб чиқибгина қолмай, у фаолият кўрсатаётган минтақа, тармоқларда юзага келган иқтисодий аҳволни ҳам ҳисобга олишлари лозим.

Кредит бериш бўйича сифат таҳлили ҳам бир неча босқичларда амалга оширилади:

а) қарз олувчи обрўсини ўрганиб чиқиш;

б) кредит мақсадини аниқлаш;

в) асосий қарз ва фоизларнинг қайси манбалар ҳисобидан қопланишини аниқлаш;

г) банк қисман ўз бўйнига оладиган қарз олувчининг рискларини баҳолаш.

Қарз олувчининг репутацияси синчковлик билан текширилади, бунда мижознинг кредит тарихини ўрганиб чиқиш жуда муҳимдир. Корхона раҳбарининг шахсий ва иш билан боғлиқ бўлган хислатларига ҳам катта эътибор берилади.

4-§. Мижознинг кредитга лаёқатлиигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари

Корхоналарнинг кредитга лаёқатлиигини аниқлашда турли хил кўрсаткичлардан фойдаланилади. Кўрсаткичлар сони чегараланмаган, яъни қарз олувчининг фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда, ҳар бир тижорат банки уни ўзи мустақил аниқлайди. Банклар орқали қарз олувчининг кредитга лаёқатлиигини баҳолаш турлича бўлиши мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси маълум бир андозага туширилган молиявий коэффициентлардан фойдаланадилар. Уларга:

- қоплаш коэффициенти;
- ликвидлилик коэффициенти;
- мустақиллик(мухторийлик) коэффициенти, яъни ўз маблағлари билан таъминланиш коэффициенти киради.

Ликвидлилик mijoznинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини (қопланишини) билдиради. Ликвидлилик ва қоплаш коэффициентлари қарз олувчининг баланс ликвидлиигини, яъни пассивдаги мажбуриятларни қоплаш учун активдаги пул маблағларининг етарлилик имкониятларини тасвирлайди. Қоплаш ва ликвидлилик коэффициентлари баланснинг актив ва пассивларини солиштириш йули билан ҳисобланади. Ликвид маблағлар ўзининг тез пулга айланиши даражасига қараб З гурухга бўлинади.

Биринчи гурӯҳ ликвид маблағларга:

- пул маблағлари (баланснинг 170-қатори), жумладан ҳисоб-китоб варағи;
- валюта ҳисоб варағидаги (180 - қ),
- бошқа ҳисоб вараклардаги ва кассадаги пул маблағлари (190 - қ) киради;

Иккинчи гурӯҳ ликвид маблағларига тез пулга айланадиган талаблар(бу талабларнинг муддати одатда 3 ойдан ошмаслиги лозим):

- ишончли дебиторлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар (200-220 - қ);
 - муддати 3 ойгача бўлган аванс тўловлар (230 - қ);
 - бюджет билан ҳисоб-китоблар (240 - қ);
- корхоналар билан қисқа муддатли характерга эга бўлган бошқа операциялар (260-270 - қ) ;
 - ишчи- хизматчилар билан ҳисоблашишлар (250- қ);
 - таъсисчилар ҳамда бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар (280-290 - қ);

Иккинчи гурӯҳ ликвид маблағларнинг аксарият қисмини яқин 3 ой ичида тўланиш лозим бўлган дебиторлар ташкил қиласиди. Шунинг учун кредит беришда бу ликвид активларнинг ҳақиқатта 3 ой ичида пулга айланиш эҳтимолини чуқур таҳлил қилиш лозим.

- 3 ой да тўланиши лозим бўлган векселлар;
- хорижий корхоналар билан ҳисоб-китоблар;

Учинчи гурух ликвид маблағларига тез сотиладиган товар моддий кимматликларининг захиралари бўйича талаблари киради:

- ишлаб - чиқариш захиралари ва келгуси давр ҳаражатлари (120 - қ);
- тугалланмаган ишлаб-чиқариш (130 - қ);
- тайёр маҳсулот (140 - қ);
- товарлар (150 - қ);
- бошқа захиралар ва ҳаражатлар киради.

Кисқа муддатли мажбуриятларни аниқлашда:

а) ўзгартиришлар киритмасдан қўйидаги кўрсаткичлар олинади:

- кисқа муддатли қарзлар (420 - қ);
- кисқа муддатли кредитлар (430- қ);
- буюртмачилардан тушган аванслар (440 - қ);

Кредиторлар:

- мол етказиб берувчилар олдидағи қарзлар (450 - қ);
- бюджетга қарзлар (460 - қ);
- иш ҳақи бўйича қарзлар (470 - қ);
- ижтимоий сұғурта ва таъминот бўйича қарз (480 - қ);
- мулк ва шахсий сұғурталаш бўйича қарз (490 - қ);
- бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарз (500 - қ);
- шўъба корхоналар бўйича қарзлар (510 - қ);
- уюшма корхоналар бўйича қарзлар (520 - қ);
- бошқа кредиторлар (530 - қ);

б) ўзгартиришлар киритилиб қўйидаги кўрсаткичлар олинади (яқин уч ой муддатга):

- узоқ муддатли қарзлар (400 - қ);
- узоқ муддатли кредитлар (410 - қ);

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда пул маблағлари = $170+180+190$ баланс қаторлари.

Тез сотиладиган талаблар = $200+220+230+240+250+260+270+$ + $280+290$ баланс қаторлари.

Тез сотиладиган захиралар = $120+140+150$ баланс қаторлари.

Кисқа муддатли мажбуриятлар = $420+430+440+450+460+470+$
 $480+490+500+510+530+(400+410$ ўзгартиришлар билан) баланс қаторлари.

Учинчи гурух ликвид маблағларини таҳлил қилганда, товар – моддий бойликларнинг ҳақиқатда ишлаб чиқариш учун зарурлигига эътибор бериш лозим. Кредитга лаёкатлилик кўрсаткичларини ҳисобга олганда айланма активлар таркибига :

- корхона омборида туриб қолган, ишлаб чиқариш учун зур бўлмаган товар моддий бойликлар ;
- ишлаб чиқаришдан олиб ташланган товарлар;
- талаб бўлмаган ,сифатсиз товар-бойликлар,
- қийин сотиладиган товарлар ва бошқалар қўшилмаслиги керак.

Агар мижознинг ликвид активлари унинг қисқа муддатли мажбуриятларидан икки баробар ва ундан ортиқ, бўлса, мижоз молиявий жиҳатдан барқарор ҳисобланади.

Мижоз баланси ва бошқа молиявий ҳужжатларга асосан кредитга лоёқатлилик кўрсаткичлари аниқланади.

Ликвидлилик коэффициенти (Кл) қуидагича ҳисобланади:

$$Кл = \frac{1,2 \text{ ва } 3 \text{ гурӯҳ ликвид маблағлар}}{\text{қисқа муддатли қарз мажбуриятлари}}$$

Қоплаш коэффициенти (Кп)ни ҳисоблашда барча ликвид маблағларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати олинади. Қоплаш коэффициенти ликвидли активлар қанчалик даражада қисқа муддатли мажбуриятларни қоплай олиши мумкинлигини ифодалайди. Агар корхонанинг ликвид активлари унинг қисқа муддатли мажбуриятларини 2 ва ундан ортиқ баробар қопласа, субъектнинг молиявий аҳволи шунчалик барқарор ҳисобланади. Баъзи ҳолларда ҳўжалик субъектлари фаолиятида эҳтиёждан ёки нормативдан ортиқча товар моддий бойликлар (айниқса, мавсумий корхонаналарда) заҳираларининг юзага келиши яхши ишлайдиган корхоналарда ҳам қоплаш коэффицентининг паст бўлишига олиб келиши мумкин. Лекин қоплаш коэффиценти 1дан кам бўлмаслиги лозим. Қоплаш коэффицентининг 1 га тенглиги ликвид активлар кредитлар ва заёмлар ҳисобидан ташкил қилинганлиги ва ликвид активларни ташкил қилишда корхонанинг ўз маблағлари иштирок қилмаганлигини кўрсатади. Қачоқи қоплаш коэффиценти 1дан кичик бўлса ,хўжалик субъектининг молиявий аҳволида муаммолар борлиги , унинг барқарор эмаслиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин ,чунки корхона ўз мажбуриятларини қоплай ололмайди.

$$Кл = \frac{1 \text{ ва } 2\text{-гуруҳ ликвид маблағлари}}{\text{қисқа муддатли қарз мажбуриятлари}}$$

Қоплаш коэффициенти мижознинг қисқа муддатли мажбуриятларини тўлаш учун барча турдаги айланма маблағларнинг етарли даражасини аниқлашга имкон беради.

Ликвидлилик коэффициенти қарз олувчи ўз маблағлари ҳисобидан қарзнинг қанча қисмини тўлай олиш қобилиятини кўрсатади, яъни бу коэффициентдан мижознинг яқин келажакда оператив равишда банкка қарз тўлаб бериш қобилиятини прогнозлаш учун фойдаланилади. Ликвидлилик коэффициенти қанча юқори бўлса, кредитга лаёқатлилик шунча юқори бўлади.

Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги муҳторийлик коэффициенти умумий корхона баланси пассивининг қанча кисми корхонанинг ўз манбаларидан ташкил топганлигини баҳолайди ва қарз маблағлари ичидаги корхона мустақиллигини акс эттиради.

Молиявий мустақиллик ёки муҳторлик коэффициенти (Км) мижознинг ўз маблағларининг барча маблағлар манбалари ичida тутган салмоғини, яъни

корхона фаолиятининг қанча қисми ўз капитали ҳисобидан молиялаштирилишини кўрсатади ва қуидаги формула орқали аниқланади

$$K_m = \frac{\text{Ўз маблағлари манбалари}}{\text{баланс суммаси}} * 100\%$$

Банк учун кредитга лаёқатлилик кўрсаткичлари кредит шартномаси тузилаётганда риск даражасини аниқлаш нуқтаи назаридан муҳимдир. Ўз маблағлари манбалари ва унинг ҳажми қанчалик катта бўлса, мижознинг ўз вақтида қарз мажбуриятларини тўлаш қобилияти шунча юқори бўлади. Корхонани кредитлаш учун унинг ўз маблағлари манбалари билан таъминланганлиги 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Хўжалик объектлариниг ўз маблағлари манбалари таркибига қуидагилар киради:

- устав фонди;
- резерв фонди;
- бошқа ташкил қилинган фондлар;
- ўтган ва ҳисбот йилларидағи тақсимланмаган фойда.

Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги 30% дан кам бўлмаслиги керак. Айланма активларининг айланиш тезлиги ва корхона фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда бу кўрсаткич озгина паст бўлиши ҳам мумкин. Агар бу кўрсаткич 60% дан юқори бўлса, кредит бўйича рискни минимал деб қараш мумкин.

Юқоридаги кўрсаткичларнинг натижаси меъёрий талаблар билан таққосланади ва корхонанинг молиявий аҳволи аниқланиб, кредит бериш мезонлари белгиланади. Кредит бериш бўйича синфларга ажратишда қуидаги талаблар ҳисобга олинади.

5-жадвал

Кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларига қараб мижозларни синфларга ажратиш бўйича талаблар

№	Кўрсаткичлар	I синф	II синф	III синф
1.	Қоплаш коэффициенти (K_k)	$K_k \geq 2,0$	$2,0 > K_k \geq 1,0$	$1,0 > K_k$
2.	Ликвидлилик коэффициенти (K_l)	$K_l \geq 1,5$	$1,5 > K_l \geq 1,0$	$1,0 > K_l$
3.	Мухторлик коэффициенти (K_m)	$K_m \geq 60\%$	$60\% > K_m \geq 30\%$	$30\% > K_m$

Кредитга лаёқатлиликнинг ҳар бир синфдаги корхоналарга банклар ҳар хил кредит муносабатлари туза оладилар. 1-синфга мансуб қарз олувчилярга банк кредит линияси очиши, контокоррент ҳисоб рақами бўйича кредит бериши, бошқа қарз олувчилярга нисбатан паст фоизларда ишончли кредитлар бериши, кредитлар бўйича таъминганлик талаб қилинмаслиги мумкин.

2-синфга мансуб қарз олувчига эса умумий асосларда ва одатдаги тартибда, яъни мажбуриятни мувофик, шаклда таъминланиши (кафолат, гаров, кафиллик) шароитида кредит берилади., агар унинг қўшимча кўрсаткичлари ижобий ҳолда бўлса, унда унга имтиёзлар берилиши мумкин, аммо ишончли кредитлар берилмайди. Агар қўшимча кўрсаткичлар бўйича камчиликлар бўлса, унинг молиявий аҳволи нобарқарор деб топилиши ва уни яхшилаш учун чоралар кўришни талаб қилиш, кредит бўйича гаровни мустаҳкамлаш, фоиз ставкаларин ошириши, ссуданинг суммасини ва муддатини чеклаш чораларини кўриш мумкин.

Банк учун 3-синфга мансуб корхоналарни кредитлаш жиддий рисклар билан боғлиқдир. Шунинг учун улар камдан-кам ҳолатларда ва юқори турадиган корхоналар кафолати ҳамда мулкни гаровга қўйган ҳолатда энг юқори фоизларда кредитланадилар.

Агарда таҳлил бўйича мижознинг молиявий ҳолатида қоплаш коэффициенти $0,5$ дан ($\kappa < 0,5$) кичик бўлса, ликвид маблағлари жуда кам бўлса ёки умуман мавжуд бўлмаса ва унинг ўз маблағлари миқдори ҳам кам бўлса, у ноликвид балансга эга бўлган, молиявий ҳолати ночор корхона деб қаралади ва уни 4-синфга киритиш мумкин ва бундай корхоналарга одатда умуман кредит ажратилмайди.

Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг муҳим бир хусусияти шундаки, юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар корхонанинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг якуний кўрсаткичлари ҳисобланмайди. Мижозлар фаолияти ва уларнинг молиявий аҳволини янада чуқурроқ кўриб чиқишида ҳамда кредитга лаёқатлилигининг асосий кўрсаткичлари бўйича мижоз турли хил синфларга тааллукли бўлиб чиқса, у ҳолда молиявий аҳволи хақида туфри хulosага келиш учун кредитга лаёқатлилик даражасини баҳолашнинг қўшимча кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим бўлади.

5-§. Кредитга лаёқатлиликни баҳолашнинг қўшимча қўрсаткичлари

Юқорида таъкидлаганимиздек, мижознинг молиявий ҳолатини баҳолашда аниқ бир хуносага келиш учун кредитга лаёқатлиликнинг асосий қўрсаткичларига қўшимча сифатида кредитга лаёқатлиликнинг қўшимча қўрсаткичлари таҳлил қилинади. Корхонанинг кредитга лаёқатлиликнинг қўшимча қўрсаткичлари асосан мижознинг айланма активлари ҳолатини янада чуқурроқ таҳлил қилишни кўзда тутади. Маълумки, қисқа муддатли кредитлар хўжалик субъектларининг айланма активлариға берилади. Шунинг учун мижознинг кредитни ўз вақтида банкка қайтара олиш қобилияти ҳам унинг айланма активларидан фойдаланишидаги самарадорлик даражасига қараб белгиланади. Хўжалик субъектлари айланма активлардан қанчалик самарали фойдаланаётган бўлса ва айланма активларнинг айланниш тезлиги қанчалик юқори бўлса, кредитдан фойдаланиш самараси ва уни ўз вақтида банкка тўлаш имконияти ҳам шунчалик юқори бўлиши мумкин. Биз айланма маблағларнинг самарадорлик қўрсаткичлари тўғрисида олдинги параграфларимизда кенгроқ тўхталган эдик. Шу боис биз қисқача бўлсада кредитга лаёқатлиликнинг қўшимча қўрсаткичларини келтириб ўтмоқчимиз. Бу қўрсаткичлардан бири бу айланма активларнинг айланниш коэффициенти ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг айланниши коэффициенти (Кл) жорий активларнинг айланниш тезлиги ва активларга қўйилган маблағларнинг пул маблағларига айланниш тезлигини характерлаб, у маълум давр(ой, квартал, йил) ичida айланма маблағлари неча марта айланганлигини ифодалайди :

Реализация қилинган маҳсулот ҳажми

Коб =

айланма маблағларнинг ўртача хронологик қолдиғи

Коб. ни ҳисоблаш айланниши прогнозлаш ва кредитлаш муддатини аниқлашга имкон яратади. Айланма активларнинг айланниши коэффициенти айланма активларнинг ҳаракати тезлигини ифодалайди ва таҳлил қилинаётган даврда маҳсулотни сотишдан тушумларнинг чекланиши ҳамда айланма активларнинг ўртача қийматини ҳисоблаб боришга имкон яратади.

Шунингдек, айланма активларнинг кунларда айланнишини ҳам ҳисоблаш мумкин. Бу қўрсаткич корхона айланма маблағларининг бир марта айланниши (П-Т-И/Ч-Т-П) учун неча кун кетишини қўрсатади.

(О кунларда Айланма маблағларининг ўртача қолдиғи x 360 кун айланниши)

А_к = _____;

реализация ҳажми

Айланма активлар айланнишига қанча кам кун кетса, корхонанинг фойда олиши, бинобарин кредитни банкка тўлаши шунча тез амалга оширилади.

Бу ерда айланма активларнинг ўртача қолдиғи, ўртача хронологик усулда аниқланади.

Мижознинг молиявий аҳволини характерловчи яна бир муҳим кўрсаткич – бу уларнинг ўз айланма маблағларининг ҳақиқий мавжудлигини тасдиқловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Ўз айланма маблағларининг мавжудлиги кўрсаткичи (ЎАЙММ) Куйидагича аниқланади:

ЎАЙММ= Ўз маблағлари манбалари - Узоқ муддатли активлар
(110-330 баланс қаторлари)

қопланмаган зарарлар

Агар корхонанинг асосий активлари ўз маблағлари манбаларидан юқори бўлса, у холда корхона баланси ноликвид эканлигини кўрсатади. Ноликвид балансга эга бўлган корхоналар банк кредитларидан фойдаланиш хуқуқидан маҳрумдирлар.

Корхоналарга кредит беришда унинг кредитга лаёқатлиигини баҳолашда қуйидаги жадвалда келтирилган кўрсаткичлар ҳисоб-китоб қилиниши лозим.

16-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Даврлар			
		1 кв	1/2 йил	9 ой	йил
1.	Қоплаш коэффициенти				
2.	Ликвидлилик коэффициенти				
3.	Мухторлик коэффициенти				
4.	Ўз айланма маблағлари мавжудлиги динамикаси				
5.	Фойдалилик				
6.	Тўланмаган қарзлар А) банк ссудалари бўйича Б) ҳисоб-китоблар бўйича				
7.	Айлана маблағлар айланиши А)айланиш коэффициенти Б)кунларда айланиши				

Мижознинг молиявий ҳолатини янада чуқурроқ таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин .

Мижознинг қарз маблағлари салмоғи.

$$\frac{\text{Карз маблағлари}}{\text{коэффициенти}} = \frac{\text{Карз маблағлар}}{-\text{Барча маблағлар}}$$

$$\frac{\text{Үзлик маблағлар}}{\text{айланувчанлик}} = \frac{\text{Реализациядан тушум}}{\text{Үз маблағлар}}$$

Карз маблағлар айланувчанлиги күрсаткичи.

$$\frac{\text{Карз маблағлар}}{\text{айланувчанлик}} = \frac{\text{Реализациядан тушум}}{\text{Карз маблағлар}}$$

Фирманинг үз қарздорлари (дебитор) ҳисоб рақамлари ҳисобидан қанчалик тез түловларини амалга оширишини күрсатувчи коэффицент.

$$\frac{\text{Дебиторлик қарzlари}}{\text{айланувчанлик}} = \frac{\text{Реализациядан тушум}}{\text{Дебиторлик қарzlари}}$$

Фирманинг қанчалик кредиторлар олдида үз мажбуриятларини қоплай олишини күрсатувчи күрсаткич :

$$\frac{\text{Кредиторлик қарzlари}}{\text{айланувчанлик}} = \frac{\text{Реализациядан тушум}}{\text{Кредиторлик қарzlари}}$$

Асосий воситалар айланышини ифодаловчи күрсаткич:

$$\frac{\text{Асосий активлар}}{\text{айланувчанлик}} = \frac{\text{Реализациядан тушум}}{\text{Асосий активлар}}$$

Хар бир сўм үзлик маблағларига тўғри келувчи фойда миқдорини күрсатувчи күрсаткич:

$$\frac{\text{үзлик маблағлар}}{\text{рентабеллигининг}} = \frac{\text{Фойда}}{\text{үзлик маблағлар}}$$

6-§. Ривожланган давлатларда мижознинг кредитга лаёқатлиигини баҳолаш усуллари

Мижознинг тўловга лаёқатлиигини таҳлил қилиш деганда мижозга берилган кредитни ишлата олиш ва қайтариб бера олиш имкониятини ўрганиш тушунилади. Дуненинг кўп мамлакатларида мижознинг кредит лаёқатлииги турлича аниқланади.

АҚШда мижознинг кредитга лаёқатлиигини баҳолаш ва кредит рискини минималлаштириш мақсадида 5 “С” номини олган усулдан фойдаланилади. Бу усул асосида мижоз фаолиятини баҳолашнинг қуидаги мезонлари ётади.

- customer character –мижознинг обруси;
- capacity to pay – тўловга лаёқатлииги;
- capital – капитал;
- collateral – ссуданинг таъминланиши;
- current business conditions and goodwill-иқтисодий ҳолати ва унинг келажаги.

Бу усул бўйича мижознинг обруси, масъулият даражаси, қарзни тўлашга бўлган истаги ва тайёргарлиги текширилади. Даставвал банк мижознинг: ўтмишда ўз мажбуриятларига қандай муносабатда бўлганлиги; қарзларни тўлашда камчиликлар бўлганлиги; кредитланувчи субъектнинг иқтисодда, бозорда қандай мавқега эга эканлигини текширади. Бунда банк қарздор билан сухбат олиб боради, архивдан мижоз тўғрисида материалларни олиб, таҳлил қиласи, бошқа фирма ва банклар билан маслаҳатлашади ва ҳоказо.

Қарздорнинг тўлов қобилиятида унинг молиявий имкониятлари, унинг кредитни тўлаш қобилияти қарздорнинг фойда ва зарарлари ҳамда келажакда бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар пухта таҳлил қилиш орқали аниқланади. Унда банк қарзни тўлаш бўйича мижоз маблағларининг 3 манбасини чукур ўрганиб чиқади. Булар:

- жорий касса тушумлари (cash flow) ;
- активларни сотиш;
- молиялаштиришнинг бошқа манбалари (жумладан, пул бозоридаги қарзлар).

“Беш “ой”лар”га қайтар эканмиз, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, банк асосий эътиборини бошқа омилларга ҳам, жумладан, фирмаларнинг акциядор капиталига, унинг тузилишига, актив ва пассивларнинг бошқа моддаларига бўлган нисбатига ҳамда қарзнинг таъминланишига, унинг етарлилик даражасига, сифатига ва қарзни тўламаслик ҳолида гаровни сотиш даражасига қаратади.

Сўнгра, кредитга бўлган талабномани қараб чиқсанда умумий шартшароитлар жумладан; давлатдаги ишбилармонлик иқлимини аниқловчи ва банк билан биргаликда қарздорнинг ҳолатига таъсир этувчи омиллар: иқтисодий аҳвол, монанд товар бўйича бошқа ишлаб чиқарувчилар томонидан рақобатнинг мавжудлиги, соликлар, хом ашёга нарх-наволар ва бошқаларга эътибор қаратилади.

Англия банкларида мижознинг кредитга лаёқатлиигини аниқлашда саволлар варағи мавжуд. Саволларга жавоблар банкка кредит бериш карорини қабул қилишга имкон беради. Қуйида шундай савол-варақнинг намунасини келтирамиз.

Авваламбор қарз оловчи (borrower)га таъриф берилади.

Унинг оиласи, обрў-эътибори, софдиллиги, банкка танишлиги, банк билан муносабатлари.

Бошқарув таркиби малакаси – маълумоти, мутахассислик бўйича стажи, бошқара олиш қобилияти;

Тўловга қобиллик – тўлов интизомига риоя қилиш, бизнес талабларига ресурсларнинг мослигига эътибор берилади. Кейин эса қўйидаги асосий кўрсаткичлар текширилади:

1. Purpose (кредит мақсади). Қонунийлиги, банк кредит сиёсатига тўғри келадими? ва бошқалар;
2. Amount (кредит суммаси) кредит суммасини ҳисоблашда аниқлик. Тақдиқловчи хужжатлар мавжудми? сўралган сумма етарли, кам ёки кўплиги.
3. Repayment (қайтариш) кредит качон қайтарилади? қайтарилиш графиги мавжудлиги? қайтарилиш манбаси-келажак даромадлари, қисқа муддатли кредитлар , активларни сотиш? қарз оловчи пул окимларини башорат қилиш;
4. Viability (кредитланаётган лойиҳанинг реаллиги) мазкур кредит қанчалик зарур? техник-иктисодий асослар бажарилганми? Мазкур компания ҳисобвараклари таҳлил қилинганми? қарз оловчи баланси баҳоланганми?
5. Risks (рисклар). Банк ва компания учун рисклар манбаларини мужассамланганлиги рискнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш мумкинми?
6. Security (таъминланганлик). Таъминот тақдим этилмоқдами? у мавжудми? Гаровларни суғурта полисларини текшириш. Гаров қиймати кандай? Гаровни қайта баҳолаш бўлиб ўтадими, качон?
7. Profitability (фойдалилик) кредит шартномасида даромад ва харажатлар аниқ таърифланиши лозим. Фоиз даражаси банк тортилган рискка мос келадими? Фоиз даражаси, харажатларни қоплайдими?

Юқоридагиларни ўзида ифода қилувчи “Parts” номли қарз оловчи қобилиятини таҳлил қилиш усули кенг тарқалган бўлиб, унда:

- Purpose - кредитнинг мақсади;
- Amount - ссуданинг ҳажми;
- Repayment - қарзни тўлаш;
- Term - муддати;
- Security - ссуданинг таъминланганлиги кабилар таҳлил қилинади.

Мижозларнинг кредитга лаёқатлиигини текширишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд. Мижознинг кредитга лаёқатлииги асосида мижознинг фаолиятини характерлайдиган зарур ахборотларни йиғиш ётади. АҚШ ва бошқа Ғарб мамлакатларида мижознинг кредитга лаёқатлиигини таҳлил қилишда банклар учун маҳсус ҳуқуқий норма ва қонунлар мавжуд. Мижозлар

ҳисоботларини банклар томонидан таҳлил қилиниши икки хил кўринишга эга: ички ва ташқи кўринишга эга. Ташқи таҳлил шу қарз олувчи фаолиятини бошқалар билан солиштиришдан иборат. Ички таҳлил эса молиявий ҳисоботларнинг турлича қисмларини маълум вақт оралигига солиштиришдан иборатdir.

Хорижий давлатлар амалиётида мижознинг пул оқими чукур таҳлил қилинади.

Пул оқими мижознинг ўз харажатларини қоплаш ва қарзларни ўз ресурслари ҳисобидан тўлаш қобилиятининг ўлчамидир.

Бундай таҳлил турлича олиб борилади, жумладан, бу мақсадда қарз олувчининг пул маблағларининг ҳаракат ҳисботидан фойдаланиши мумкин.

Бунинг учун мижоз пул маблағларининг ҳаракати ҳақидаги ҳисботи тузилади ва у қўйидаги саволларга жавоб беришига имконият беради.

- Мижоз келажакда молиявий активларнинг ўсиши учун ўзини пул маблағлари билан таъминлай оладими ?
- Қарз олувчи фаолиятининг ўсиш суръати ташқи манбалардан молиялаштириш зарур бўлган даражада тезлиги.
- Қарз олувчи кейинги инвестициялашдан пайдо бўлган қарзни қоплаш учун ортиқча пул маблағларига эгами?

Банк амалиётида мижознинг кредитга лаёқатлилигини текширишнинг тўғри ва эгри усуллари мавжуддир.

Тўғри усуллардан кам фойдаланилади. Бунда мижоз томонидан тўпланган баллар, у олишга ҳақли бўлган ссуда суммасига тенглаштирилади.

Эгри усуллар эса жуда кенг тарқалган. Унинг мазмуни турлича баҳолаш кўрсаткичларига маълум баллар беришдан иборатdir. Бунинг натижаси бўлиб мижознинг кредитга лаёқатлилигини синфини аниқлаш хизмат қиласи. Ўз - ўзидан аён бўлиб турибдики, мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда баллар тизимидан фойдаланиш - энг объектив ва иқтисодий асосланган қарорларни қабул қилиш жараёнидир. Ягона муаммо шундан иборатки, бунда мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш бўйича ахборотларнинг янгиланиши талаб қилинади, бу эса ўз навбатида, банк учун жуда қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун унча катта бўлмаган банклар одатда ахборот базасининг чекланганлиги ва кўп харажатлилиги туфайли мижознинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда “коэффициентлар” усулидан фойдаланилади.

Тўловга лаёқатлиликни таҳлил қилиш асосида мижознинг фаолиятини тўлароқ акс эттирувчи маълумотни йиғиши ётади. АҚШ ва бошқа Ғарб давлатларида тўловга лаёқатлиликни аниқлашда банк томонидан қўлланиладиган маълумотларни йиғиши тартиби ва маълумот ҳажмига тегишли маҳсус юридик нормалар ишлаб чиқилган. Унда кўрсатилишича тўловга лаёқатли бўлган ихтиёрий қарз олувчига кредит бериш мумкин. АҚШ Конгресси “Тенг кредит олиш имконияти тўғрисида”ги (ECOA) –Equal Credit Opportunites Act) қонунни қабул қилган. Қонунга мувофиқ кредиторлар томонидан кредит қарз олувчиларнинг ёши, оиласи аҳволи, жинси, дини ва миллатига қараб ажратилмаслиги керак. Кредит ҳақиқатда мижознинг кредит тўлай олиш қобилиятига қараб ажратилиши лозимлиги кўзда тутилган.

Мижозни тўловга лаёқатлилигини аниқлашда ва банк томонидан анкета тўлдиришда асосий мезонларни белгилайдиган бошқа бир юридик ҳужжат АҚШ ФРТ томонидан қабул қилинган “В” йўриқномасидир. Бу йўриқномада қайси маълумотлар мижозни тўловга лаёқатлилигини аниқлашда балли тизим қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган; мижозга қарши ишлатиладиган маълумот йиғишдаги чекловлар ҳам кўрсатиб ўтилган.

Масалан, қарз оловчи мажбуриятлари бўйича жавобгарлигидан қатъий назар ўз оиласи ҳақида анкетага маълумот ёзиши керак.

Кредиторлар эса кредит олиш учун аризани олганларидан кейин 30 кун мобайнида мижознинг кредит олиш имконияти ҳақида унга хабар қилиши керак.

Масалан, Буюк Британия Парламентида 1993 йил мамлакатнинг йирик банкларидан бири (N) **National Westministir Bank** кўп йиллар давомида ўз мижозларидан сиёсий ахборотлар ва сўровлар олганлиги ҳақида тортишувлар бўлган.

АҚШда қонун қарз оловчининг оилавий аҳволи ва ҳолати, телефони бор-йўқлиги ҳақидаги маълумотларни мижозлардан йиғиш имкониятини банклар учун чеклаб қўйган.

Чет эл адабиётларида мижознинг кучли ва кучсиз томонлари, унинг имкониятлари ва рискини аниқлашда “SWOT” (S – strong, W – weak, O-opportunities, T-threat) методидан фойдаланилиши мумкинлиги тўғрисида фикр билдирилган. Бунда мижознинг тўловга лаёқатлилигининг асосий мезонлари ; яъни:

- қарз олиш учун ариза берувчиларнинг кучли томонлари;
- қарздорнинг кучсиз ва бўш томонлари;
- қарз оловчининг муваффақияти учун қайси омиллар муҳимлигини аниқлаш;
- кредит беришдаги риск даражаси каби кўрсаткичлар ўрганиб чиқилади .

Мижознинг молиявий ҳисботининг банкирлар томонидан таҳлил қилишнинг икки хил шакли бор: Ички ва ташки таҳлил. Ички таҳлилда мижоз ҳисботининг муҳим элементлари бир-бирига таққосланади ва маълум вақт давомида ўзгариши таҳлил қилинади. Ташки таҳлилда қарз оловчи бошқа қарз оловчилар билан таққосланади.

Ички таҳлил коэффициентлар таҳлили бўлиб, унинг иккита камчилиги бор: 1) Коэффициентлар мижоз операциялари қандай ўтаётганлиги тўғрисида маълумот бермайди; 2) Таҳлилда ўтиб кетган маълумотлардан фойдаланилади, лекин кредит келажакдаги фаолият учун берилади.

Кўпгина ғарб мамлакатларида мижозларнинг тўловга лаёқатлилигини баҳолаш қўйидаги йуналишларда олиб борилади:

- 1) **Personal capacity** - қарз оловчининг шахсий фазилатлари (одиллиги, мақсадининг жиддийлиги яхши ишчи сифатида тавсифи ва бошқалар);
- 2) **Revenues** – мижоз даромади, оиланинг ялпи даромади таҳлили. Бунда мижознинг кредитни қоплаш харажатлари унинг ойлик даромадларининг 1/3 қисмидан ошмаслиги керак.

3) **Material capacity** – ссуданинг таъминланиши, мижознинг қўчмас ва бошқа мулклари таҳлили;

Кўпинча мижознинг пул оқимлари тўғрисида маълумот талаб қилинади.

Пул оқими (cash flow) – бу мижознинг харажатларини ва мажбуриятларини қоплаш учун хусусий ресурсларининг етарлилиги ёки йўқлигини ўлчайди. Хорижий давлатларда мижознинг кредитга лаёқатлиигини аниқлашда қуйидаги тартибда пул маблағлари ҳажми аниқланадаи:

Қарз олувчининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот.

Кўрсаткичлар	Жами	Жорий йил	30 кундан ортиқ	60 кундан ортиқ	60 кундан ортиқ	1 йилдан ортиқ
1. Даромадлар: - Маош; - Мукофот; - Гонорар; - Нафака; - Компенсация; - Бошқалар.						
2. Харажатлар: - Солиқлар; - Квартира тўловлари; - Коммунал тўловлар; - Болалар ташкилотига тўловлар; - Кредит учун фоиз тўловлари; - Бошқалар.						
3. Ссудани қоплаш учун жами(1-2) Ортиқча “к” Етишмовчилик “-”						

Юқоридаги жадвал келажакда ссудани қоплаш имкониятини ўрганиш учун ишлатилади.

Ривожанган мамлакатларда мижозни кредитлашнинг муҳим жиҳати кредит бериш жараёнининг (юридик ва жисмоинй шахсларга) марказида инсон туради. Масалан, Германияда қандай кредит олишдан қатъий назар, қарз олувчи ўзининг шахсий фазилатлари ва тўловга лаёқатлилиги тўғрисида бир катор ҳужжатларни банкка бериши лозим.

Кредит бериш жумбогини ечишда **немис банкини** қизиқтирадиган муаммолар қуйидагилардан иборат:

- 1) тадбиркорнинг шахсий характеристи: хулқ-автори, қиликлари, ташки қўриниши, одати, таъсирчан талаффузи, одиллик даражаси(иқтисодий ва молиявий ҳолати тўғрисида очик сўзлаши), ёши, оилавий ҳолати, жамоат ишларида ўрни, мансаби ва хоббиси;
- 2) умумий маълумоти: ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси, квалификацияси, рискка қўл уриши, иқтисодга қизиқиши, режалаштириш қобилияти;

- 3) жисмоний ҳолати: соғлиги ҳолати, (олдинги касалликларини хисобга олган ҳолда), спорт билан шуғулланиши;
- 4) техник билим савияси: маҳсус ўқув юрти, тажрибаси, ишга ихтисослашуви;
- 5) мулки: ташкилот ишларида қатнашиш даражаси, шахсий мулки, қўчмас мулкка эгалик қилиши, даромаднинг бошқа манбалари, корхона даромадидан шахсий фойдаси, шахсий қарзлари, солиқ мажбуриятлари, оила аъзоларининг мулкий ҳолати, мусобақаларда иштироки.

Саволларга жавоблар банк бўлимида сұхбат, телефон ёки анкета бериш орқали аниqlаниши мумкин.

Немис банкларида мижознинг тўловга лаёқатлиигини баҳолашда аризанинг “Ойлик даромад ҳисоби” бўлими асосий ўрин эгаллайди.

A: Ойлик даромад <ul style="list-style-type: none"> ➤ солиқдан ташқари маош ➤ болалар учун олинадиган нафақалар ➤ пенсия ➤ омонатлар ва қимматли қоғозлар бўйича фоизлар ➤ бошқа даромадлар <p>ЖАМИ:А:</p>	B: Ойлик харажати <ul style="list-style-type: none"> ➤ жорий харажатлар ➤ суғурта бадаллари ➤ олдинги кредит учун тўловлар ➤ квартира тўловлари ➤ бошқа харажатлар <p>ЖАМИ:B</p>
---	---

C: Ихтиёридаги даромад (A-B)

Хозирги вақтда Германиядаги барча тижорат банклари индивидуал шахсларга берилган ссудалар тўғрисида Бундес банкнинг маҳсус департаментига маълумот беришлари шарт. Бу банкнинг шу сферадаги фаолиятини назорат қилишга имконият яратиб беради.

Франция ва Бельгияда тижорат банклари Марказий банкдан индивидуал ссудаларни тўламайдиганлар ҳақида маълумот олиш хукуқига эга. Люксембургда банк сирини сақлаш зарурияти туфайли бу хукуқ ишлатилмайди. Лекин, мижознинг, масалан, жамғарма депозитини ссуда олинган банкка кўчириш имконяти банклар учун яратилган. Булардан ташқари мижоз кредитни тўлай олмаса, маошидан акцептсиз шаклида ундириб олиш хукуқини банкка беради.

Булар билан бир қаторда мижоз обрўсини баҳолаш ҳам жуда муҳимдир. Буни баҳолашнинг бир йули – кредит скоринг йулидир. Скорингни (очко, балл ийғиши) ҳар бир банк ҳолати, вазиятига қараб ўзлари ишлаб чиқадилар.

Кредит скоринг модели биринчи бўлиб, америка иқтисодчиси Д.Дюран томонидан 1940 йиллар бошида ишлаб чиқилганди. У балл хисоблашда қўйидаги коэффициентларни қўллади:

- 1) ёши: 20 дан юқори бўлган ҳар бир йил учун 0,1 бал (максимум- 0,3);
- 2) Жинси: Аёл – 0,4; эркак – 0;
- 3) Яшаш муддати: берилган жойда яшаган ҳар бир йили учун 0,042 балл (максимум – 0,42);

- 4) Касби: кичик рисқдаги касб учун – 0,55, юқори рисқдаги касб учун – 0, 0,16 – бошқа касблар учун;
- 5) Бандлиги – 0,059 – бир коорхонади ишлаган ҳар бир йили учун(максимум – 0,59);
- 6-8) молиявий кўрсаткичлари: 0,45 – банқдаги маблағлари учун; 0,35 – кучмас мулкка эгалиги учун, 0,19 – ҳаёти суғурта полиси учун.

Бу коэффициентларни қўллаш билан Дюран “яхши” ва “ёмон” мижоз ўртасидаги чегарани 1,25 балл деб олди. 1,25 баллдан юқори балли мижозлар кредитга лаёқатли ҳисобланган, бундан кам балл йиққанлар эса кредитга лаёқатсиз деб топилган.

Хозирда АҚШ банклари идивидуал шахсларни кредитлашда турли хил ёндашувлар ишлаб чиқмоқдалар. Ҳар бир банк ўзининг хусусий тизимини ишлаб чиқмоқда. Кўпгина Америка банклари ўз амалиётида мижозларнинг кредитга лаёқатлиигини баҳолашда икки хил усулдан фойдаланадилар:

- 1) банклар биринчи мижозни банк талаблари юзасидан текшириб чиқади ва кредит бериш ёки бермасликни ҳал қиласди.
- 2) кредитга лаёқатлиликни баҳолашда балли тизимдан фойдаланилади. Бунда математик корреляцион таҳлил ва омиллар таҳлилидан фойдаланилади.

Банклар мижоз балансининг моддалари ва бўлимлари орасидаги турли пропорцияларни таърифловчи бошқа молиявий коэффициентларни ҳам ҳисоблайди. Банклар бу коэффициентларни меъёрий катталикларини белгилайдилар ва мавжуд катталикларни улар билан солишириб, сўнг солишириш натижаларига кўра мижознинг кредитга лаёқатлииги ҳисобланади. Коэффициент-ларнинг меъёрий чегараси турли тармоқ, ҳудуд ва бошқалардаги корхоналар учун турлича бўлиши мумкин. Бундай баҳолашлар ҳақиқатга яқинроқ бўлиши учун узоқ муддат орасидаги мижознинг молиявий аҳволини назорат қилиб бориш, ўзгаришнинг аниқ йуналишларини, даврларини, қонуниятларини аниқловчи хусусий статистик маълумот базасини яратиш зарур.

Банк кредитга лаёқатлиликнинг балл (рейтинг) тизимини қўллаши ҳам мумкин, унда, ҳар бир коэффициентга (унинг нормативга яқинлигига қараб) балларда белгиланади ва тўпланган баллар йифиндисига қараб мижознинг юқори, ўрта ёки паст гуруҳ ликвидлик бўйича ажратилади. Мижозни рейтинги бўйича қайси гурҳга мансублигига қараб кредит талабларини сусайтириши, кучайтириши ёки умуман кредитлашни рад этиши мумкин.

Қарз олувчи молиявий ҳолатини баҳолаш билан бирга банк унинг иқтисодий ҳолатини, фаолият жараёнини, ишлаб чиқариш мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан муносабатларини, корхона эгалари билан елланма ишчилар ўртасидаги, бошқарувчи ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни ўрганади. Шунингдек, банк фойдалани-лаётган технологиялар, воситалар, уларнинг янгилигини ва рақобатбардошлигини ўрганади, бозорларни эгаллаш (ёки тўхтатиш) имкониятларни ва бошқаларни баҳолайди. Ҳужжатларни таҳлил қилиш билан бирга банк ходимлари мижозларни

“жойларга” бориб текшириш, мижозларнинг иш жараёнини тартиби ва ташкил этилиши билан танишиши мақсадга мувофиқ.

Кейинги пайтларда, айниқса, иқтисодий ривожланган давлатларда банк мижозларининг маънавий-ахлоқий сифатларига тобора кўп эътибор берилмоқда. Бу сифатларнинг етарли даражада аниқ баҳолаш имконини берувчи тестлар ва услублар яратилди.

Ана шундай тестлардан бири “қизил сигналлар тизими”dir. У хориж банкларининг тажрибаларининг қўрсатишича мижозларнинг ишончлилигини аниқлашга имкон беради.

□. **Қарз оловчи тарихидан сигналлар; “қизил сигналлар тизими”** тўғрисида қисқача тўхталамиз. Бу тизим қарз оловчининг фаолиятига баҳо берувчи бир неча бўлимлардан иборат:

1. Яқин ўтмишдаги молиявий ноқобиллиги;
2. Қарз оловчи маълумотларидағи номутаносибликлар ва қарама-қаршиликлар.

□. **Қарз оловчини бошқаришга доир “сигналлар”.**

3. Қарз оловчи ишончли алоқалари мавжуд, ҳамкорни қидирмоқда.
4. Бошқарувчининг паст маънавий сифатлари.
5. Бошқариш учун ходимлар, оила аъзолари, компания хўжайинлари орасида кураш.
6. Бошқаришдаги тез-тез ўзгаришлар.
7. Бошқарувчининг ховлиқма характеристи.
8. Бошқарувчиларнинг кредитлаш жараёнини тезлаштиришга ҳаракат қилишлари.

Айланма активлар. Ишлаб чиқариш фаолиятини акс эттирувчи “сигналлар”.

9. Мол етказиб берувчилар ва харидорлар қаторини фарқларди.
10. Қарз оловчиниг ўз дебиторлари устидан назорати сусайганлиги.
11. Қарз оловчининг бугунги кунда муаммоларни бошидан кечираётган соҳага тегишлилиги.
12. Балансининг актив ва пассив моддалари бўйича мутаносиблиги.

□. **Кредитлашга тегишли “сигналлар”.**

13. Қарз оловчи кредит мақсадини аниқ қўрсатмайди.
14. Қарз оловчида қарзни тўлаш бўйича аниқ дастур йўқ.
15. Кредитни тўлаш бўйича заҳира маблағлари йўқ.
16. Қарз оловчи мақсади моддий таъминотга эга эмас.
17. Қарз оловчининг кредит саволномаси ёмон асосланган.
18. Қарз оловчи бир вақтнинг ўзида ҳам активлари, ҳам умумий капитали гаровига ссуда олишни мўлжаллаган.
19. Кредит бевосита киймат ташкил этилувчи, ишлаб чиқариш жараёнига эмас, балки муомала соҳасига йуналтирилган.
20. Кредитни қайтариш муддати тўлиқ асосланмаган.

□. **Белгиланган нормалардан четлашиш “сигналлари”.**

21. Ўз хўжалик фаолияти бўйича ҳисбот маълумотларини тақдим этиш даврийлигидаги бузилишлар.

22. Банк ҳисоб ва рақларини юритишдаги нормалардан четлашишлар.
23. Кредитлаш шартларини қайта кўрилиши; кредитни қайтариш схемасидаги ўзгаришлар; ссудани чўзиш бўйича илтимослар.
24. Хўжалик фаолияти молиявий кўрсаткичларини режадан фарқланиши.
25. Қарз олувчининг маҳорати ва ҳисоб тизимларида четланишлар.

Национал Де Пари (Франция) банкида индивидуал мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашга доир мисол.

Кўрсаткичлар	Ҳақиқатдаги маълумотлар	Ўртacha статистик маълумот	Касби бўйича ўртacha
ғчи	20 йил	0,25	30
Битта иш ўрнида ишлаган вақти	2,5 йил	0,15	2
Иш жойи	Банк		
Йиллик даромади	100 минг франк	2%	Маълумот маҳсус
Оилавий ҳолати	Оилали, 1 та боласи бор	2%	

Суда муддати	1 йил-гача	2 йил	3 йил	4 йил	5 йил...
Кредитга лаёқатлилик синфи					
5 (аъло кредит га лаёқатли)	40 %	60 %	80 %	100 %	120 %
4 (яхши)	20 %	30%	-	-	-
3 (ўрта)	10%	15%	-	-	-
2(қониқарли)	-	-	-	-	-

Кредитга лаёқатлиликни баҳолаш билан бирга банк кредитдан фойдалнишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳам текширади. Бунинг учун қарз олувчини кредит олишдан мақсадини тасдиқловчи ҳужжатлар қўриб чиқилади. Банк қарз олувчининг мақсадини реаллигини ва ҳаққонийлигини, уларни (талаб, таклиф, сифат ва миқдор, нархи, рақобатчиларнинг қаршилиги ва бошқа кўрсаткичлари бўйича) шаклланаётган бозор конъюктурасига мос келишини баҳолайди. Шу билан бирга, банк мижоз кредит сўраган фаолият тури бўйича даромад ва харажатларни солиштиради. Банк кредитдан фойдаланиш натижасида мижознинг ўз харажатларини қоплаши ва кредитнинг қайтарилишига етарли даромад олишга имкон бўлиши лозим.

Ана шундай баҳолашларга асосан банк кредитни бериш (ёки уни рад этиш) тўғрисидаги қарор қабул қиласди. Мижознинг кредитга лаёқатлилигига қараб банк кредит бўйича фоиз, муддат ва суммасини ўзгартириши мумкин. Бу параметр қарз олувчи билан муқокама этилади ва кредит шартномасида белгилаб қўйилади.

Кўриб чиққанимиздек, турли мамлакатларда кредитга лаёқатлиликни аниқлашда турлича ёндашувлар бўлсада, уларнинг асосий мақсади банк томонидан бериладиган кредитларнинг самарали ишлатилиши ва уларнинг ўз вақтида банкка қайтиб келишини таъминлашдан иборат.

Қўйидаги таянч сўзларга таъриф беринг.

Айланма активлар (маблағлар)
Айланма активларларнинг манбалари
Ўз маблағлари
Банк кредити
Кредиторлар
Ишлаб чиқариш захиралари
Кредитга лаёқатлилик
Тўловга лаёқатлилик
Ликвид маблағлар
гуруҳ ликвид актилар
гуруҳ ликвид актилар

гуруҳ ликвид актилар
Ўз айланма маблағлари
Қисқа муддатли мажбуриятлар
Қоплаш коэффициенти
Ликвидлилик коэффициенти
Мухторийлик коэффициенти
Айланма маблағларнинг
айланиш коэффициенти
Айланма абрағларнинг кунларда
айланиши

Ўз билимини текшириш учун саволлар:

1. Кредитга лаёқатлилик деганда нимани тушунасиз?
2. Тўловга лаёқатлилик деганда нимани тушунасиз ва унинг кредитга лаёқатлиликтан фарқи нимада?
3. Кредитга лаёқатлиликнинг асосий ва қўшимча кўрсаткичларини келтиринг.
4. Қоплаш, ликвидлилик коэффициентлири қандай аниқданадилар?
5. Мухторийлик коэффициенти нимани англатади, унинг юқори ва паст чегараларини изоҳланг.
6. Кредитга лаёқатлиликнинг қўшимча кўрсаткичлари нима учун зарур ?
7. Хорижий давлатларда мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг қандай усулларини биласиз?
8. Мижознинг молиявий хужжатлари асосида унинг кредитга лаёқатлилигини баҳоланг .
9. Кредит олиш учун бизнес- режа тузинг ва кредит олишни асослаб эссе ёзинг.

ХІ-БОБ. ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

1-§. Кредитлаш шартлари (тамойиллари)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик юритувчи субъектларга кредит бериш тижорат банклари томонидан «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонун асосида ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофиқ равишда амалга оширилади. Кредитлар Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида» ги Қонунига асосан кредит ўз капитали ва мустақил балансига, юридик шахс хуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектларга берилади. Тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларга, уларнинг мулкчилик шаклларидан қатъий назар, шартнома асосида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар берадилар. Кредит мижознинг ҳисоб-китоб варафи жойлашган банкда берилади. Зарар кўриб ишлайдиган, ноликвид балансга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга кредит берилмайди, илгари берилган ссудалар эса белгиланган тартибда муддатидан илгари ундириб олинади. Кредит ресурсларидан узоқ муддатли молиявий нобарқарорлик, хўжасизлик ва заарларни қоплаш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди. Кредитлар муддатига кўра қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли турларга бўлинади.

Қисқа муддатли кредит амал қилиш муддати 12 ойдан ошмайдиган ссуда бўлиб, унинг муддатининг узайтирилиши кредитланётган тадбирларни ўтказиш муддати, уларнинг қопланиши ва бошқа шартлардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади. Қисқа муддатли ссудалар кредитларнинг бошқа турларига нисбатан ликвидлироқ ҳисобланади. Ўрта муддатли 1 йилдан 3-5 йилгача, узоқ муддатли кредитлар 3- 5 йилдан ортиқ муддатга берилади.

Кредитлаш жараёни бир нечта тамойиллар асосида амалга оширилади:

1. Кредитнинг муддатлилиги
2. Кредитнинг қайтарилишилиги
3. Кредитнинг таъминланганлиги
4. Кредитнинг тўловлилиги
5. Кредитнинг мақсадлилиги

Кредит иқтисодий муносабатларни белгиланган тизими сифатида бошқа пул муносабатларидан фарқ қиласи, яъни пулнинг харажати қайтариб бериш шарти билан амалга оширилади.

Кредитнинг кейинги тамойили муддатлилик бўлиб, у қайтаришлик тамойили билан узвий боғлиқ бўлади. Кредитлашнинг муддатлилиги икки томонлама характерга эга. Биринчидан, кредитнинг моҳияти вақтинча фойдаланишга берилган маблағларнинг қайтарилишинигина билдириб қолмай, балки бу қайтарилиши аниқ муддатларини белгилашни ҳам тақозо этади. Кредитнинг муддати, бир томондан фойдаланишга берилаётган кредит ресурсларининг бўш туриш муддати билан белгиланса, иккинчи томондан қарз

олувчининг маблағларга бўлган вақтинчалик эҳтиёжларининг муддатига боғлиқ. Кредитлаш муддатлилигининг бу икки томонлама характеристи инобатга олинганда вақтинчалик фойдаланишга берилган маблағларни тўлиқ ва белгиланган муддатда қайтарилишини таъминлаш мумкин. Кредитнинг муддатлилигига риоя қилиш банклар учун ҳам, қарз олувчилик учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг ҳисобига банк кредит ресурсларининг айланишини жадаллаштирулар ва улардан оқилона фойдаланишга эришсалар, хўжаликлар ўз даромадларини кўпайтириш, ўз ва қарз маблағларидан фойдаланиш самарасини оширишлари мумкин. Кредит муддатини узайтириш аксарият ҳолларда банкнинг рухсати билан амалга оширилади. Кредит муддати қарз олинган маблағларни қайси давргача фойдаланишини ҳисобига олган ҳолда белгиланади

Қайтарилиш тамойили кредитнинг моҳиятини ифодалайди. Банк томонидан мижозларга бериладиган ҳар бир сўм пул маблағлари яна банкка қайтарилиши лозим. Қайтариб беришни иқтисодий асоси сифатида маблағларнинг узлуксиз доиравий айланиши ҳисобланади. Қайтариш тамойилининг шундай муҳим хусусияти борки, кредитни бошқа товар-пул муносабатларининг иқтисодий котегорияларидан фарқи бўлган иқтисодий котегория сифатида ажратиб туради. Қайтарилиш кредитнинг ажралмас атрибути ҳисобланади.

Кредитнинг кейинги тамойили - кредитнинг таъминланган-лигидир. Бунда ссуданинг таъминланганлиги кредит берилишига асосан қарз олувчининг мулки, моддий бойликлар заҳиралари, кўчмас мулки ёки ишлаб чиқариш харажатлари суммасига мос келиши билан белгиланади. Бу ўз навбатида кредитни ўз муддатида қайтарилишига кафолат берилишини тасдиқлайди. Олинган кредит маблағлари корхонада ишлаб чиқариш захираси, тугалланмаган ишлаб чиқариш ёки тайёр маҳсулот ҳамда мавжуд моддий бойликларни таъминлаш учун берилади. Бу тамойил асосан корхоналарга берилган ссудалар ёки томонлар мажбуриятлари билан реал таъминланади. Ўзбекистон Республикасида банклар фаолиятининг халқаро банк амалиётига яқинлашиб бораётган шароитда кредитнинг таъминланганлиги сифатида товар-моддий бойлик ва харажатлардан ташқари гаров, кафолат ва кафиллик каби шакллари ҳам амалиётда кенг қўлланилмоқда. Бу ҳолат банк рискларини камайтирган ҳолда кредитларнинг банкка ўз вақтида қайтишини таъминлайди. Ссуданинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш учун кредит шартномасига кўра қарз олувчи гаровга маълум қийматга эга бўлган мол-мулкни қўйиб расмийлаштиради. Агар кредит олувчи кредитни ўз вақтида қайтара олмаса, у ҳолда гаровни сотиш чоралари кўрилади. Кредит миқдори гаровга қўйилган мулк қийматининг 50 фоизидан 80 фоизигача миқдорида берилади.

Кредитлашнинг яна бир тамойили - олинган кредит учун ҳақ тўлаш ёки фоизлилиkdir. Бунда шартномага кўра кредит олувчи корхона ўз эҳтиёжи учун кредитга олган пул маблағларидан вақтинча фойдаланганлиги учун банкка белгиланган ҳақни тўлаши лозим. Амалиётда бу тамойил банкнинг фоиз механизми орқали амалга оширилади. Банкнинг фоиз ставкаси бу кредитнинг «нархидир». Кредит учун ҳақ тўлаш корхоналарни хўжалик ҳисобига шу

жумладан ресурсларни кўпайишига ҳамда жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга таъсир этади. Банк муассасалари кредит фоизи ҳисобидан ўз харажатларини қоплайди. Кредит учун ҳақ тўлаш тамойили қарзга олинган маблағлардан унумли фойдаланиш ва кредитни қайтариш муддатини тезлаштириш мақсадида корхонага иқтисодий таъсир кўрсатиш воситасидир. Банк фоизи кредит турларига қараб турлича белгиланади. Қайтарилиш муддати ўтиб кетган кредитлар учун оширилган микдорда фоиз олинади, бу эса қайтариш муддати шартларига қатъий равишда риоя қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит тўлови микдорини белгилашда аҳамият берадиган қўйидаги асосий тамойиллар мавжуд. Булар:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига бериладиган ссудалар буйича ўрнатилган базавий фоиз ставкаси;

- банклараро кредит буйича ўртача фоиз ставкаси, яъни актив операцияларни амалга ошириш учун бошқа банклардан сотиб олинган ресурслар буйича;

- турли депозит ҳисобварақлар буйича мижозларга банк томонидан тўланадиган ўртача фоиз ставкаси;

- банкнинг кредит ресурсларининг таркиби (жалб қилинган маблағлар ҳиссаси юқори бўлганда кредит нархи ҳам юқори бўлади);

- кредитга бўлган талаб;

- талаб қилинаётган кредит муддати ва кредит тури, яъни унинг таъминланганлигига боғлиқ равишда риск даражаси;

- мамлакатдаги пул айланишини мувозанати(инфляция суръати юқори бўлса кредит шунчалик қиммат бўлади, чунки пул кадрсизланиши туфайли банкнинг ўз ресурсларини йўқотиш риски ортади) ва бошқалардир.

- кредитнинг яна бир тамойили сифатида кредитнинг мақсадга йўналтирилганлигини олиш мумкин. Бунда аниқ хўжалик жараёнларининг кредит билан боғлиқлиги таъминланади. Кредитни мижоз томонидан мақсадли йўналтирилиши тамойили қарз олувчи зиммасига пул маблағларини фақат кредит шартномасида кўрсатилган мақсадлар учун сарфлашни кўзда тутади. Узок муддатли кредит мақсадли тарзда аниқ курилиш объектлари ва асбобускуналарни сотиб олиш учун берилади. Кредитлар бизнес-режа асосида берилади.

- кредитнинг мақсадли йўналтирилишини таъминлаш унинг ўз вақтида қайтарилиши учун реал шарт-шароитларни яратиб беради. Бу тамойилга риоя қилиш банк муассасалари томонидан қарз олувчи корхоналарнинг ҳисботлари асосида назорат қилинади. Берилган кредит қарз олувчи томонидан бошқа мақсадга ишлатилган бўлса, у ҳолда белгиланган тартибда кредит муддатидан илгари қайтариб олинади ва чоралар кўрилиши мумкин.

Банкнинг кредитлаш тамойилларининг барчасини амалиётда ялпи қўлланилиши банк манфаатларини ҳимоялашга ёрдам беради.

2-§. Кредит муносабатларининг объектлари ва субъектлари

Бозор иқтисодиёти шароитида банк кредити, яъни тижорат банклари томонидан бериладиган ҳар хил турдаги ва кўринишдаги кредитлар кредитнинг асосий тури бўлиб ҳисобланади. Кредит муносабатлари юзага келиши учун унинг объектлари ва субъектлари бўлиши лозим. Банк кредити соҳасидаги кредит муносабатларининг субъекти бўлиб хўжалик субъектлари, аҳоли, давлат ва бошқа субъектлар ҳисобланиши мумкин. Маълумки, кредитлаш жараёнида кредит муносабатларининг субъектлари бир томондан кредит берувчи ва иккинчи томондан қарз оловчи сифатида қатнашадилар.

Кредиторлар бўлиб, ўзининг вақтинча бўш турган пул маблағларини маълум бир муддатга қарз оловчи ихтиёрига берувчи жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланадилар.

Қарз оловчи – ўзига тегишли бўлмаган маблағни вақтинча ишлатиб, уни белгиланган муддатда қайтариб бериш ва у бўйича фоиз тўлаш мажбуриятини оловчи томондир. Банк кредитига келсак, кредит муносабатларининг субъектлари бўлиб, албатта, кредит берувчи банк ва қарздор бўлиб турли юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланадилар. Кредитнинг бу тури асосан банкларнинг жалб қилинган маблағлар билан ишлаши билан боғлиқ. Ўзида жалб қилинган маблағларни эҳтиёжи борларга қайта тақсимлаш орқали банклар кредитор сифатида фаолият кўрсатади.

80-йилларнинг иқтисодиётида қайта қуриш жараёнларининг бошланишига қадар собиқ СССРда банк кредитини қарзга оловчи бўлиб асосан хўжалик юритувчи корхона ва ташкилотлар қатнашганлар, аммо хўжалик органлари ва банклар орасида банк кредити соҳасидаги амалга ошган муносабатлар аксарият ҳолларда бир хил турдаги давлат мулкчилигига асосланган субъектлар ўртасида бўлган. Фаолият кўрсатувчи банклар давлат банклари бўлган, ундан ташқари собық Иттифоқ давридаги хўжалик субъектлари таркибида кооперативлар ва бошқа мулкчилик турларига асосланган субъектлар ҳиссаси жуда сезиларсиз бўлган.

Мустакилликнинг қўлга киритилиши ва бозор муносабат-ларининг шаклланиши билан Ўзбекистонда кредит муносабатлари субъектларининг мавқеи ўзгарди. Бу вазият мулкчилик муносабатларининг чуқур ўзгариши билан боғлиқ бўлди. Банк соҳасидаги мулкчилик муносабатлари кушимча равишда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун билан тартибга солина бошланди. Ишлаб чиқаришни деконцентрациялаш ва давлат тасарруфидан чиқариш иқтисодиётни демонополизациялаш, мулкчиликни хусусийлаштиришни Ўзбекистонда қабул қилинган қонунлар асосида тўғри амалга оширилиши:

- биринчидан – хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа банклар сонининг тез кўпайишига;

- иккинчидан – уларнинг кўпчилигига эгалик қилаётган давлат мулкчилик шаклини турли хил мулкчилик шаклларига ўзгартирилишига олиб келди.


Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида хусусий, давлат, жамоа ва коллектив мулкчилигига асосланган корхона ва ташкилотлар тузилиши ҳамда фаолият кўрсатишига ҳуқуқий асос яратилди. Шу билан биргаликда, аралаш мулкчиликка асосланган корхоналар ҳам очилиши ва фаолият кўрсатиши мумкин бўлди.

Айниқса, ҳукумат томонидан хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш, акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш, уларни хусусийлаштириш ва фаолиятини эркинлаштириш шароитида кредит муносабатлари субъектларининг кўлами ошиб бормоқда.

Тўғридан-тўғри кредит, ҳисоб-китоб, касса хизмати билан шуғулланувчи тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ истаган мулкчилик турига асосланган бўлиши, шу жумладан, хорижий капитални жалб қилган ҳолда ҳам ташкил қилиниши мумкинг.

Кредитлаш обьекти – бу қарзга олинган сумма ва унинг қайси обьект-товар-моддий бойликлар, харажатлар ва ҳоказоларга йўналтирилганлигини англатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кредитлаш таркибини қуидагича тасвираш мумкин:



Уч базавий элемент (кредитлаш субъекти, обьекти ва таъминоти) умумлашган ҳолда кредитлаш тизими сифатида ҳаракат қиласи. Лекин бошқа томондан ёндашадиган бўлсақ, улардан бири ҳам етарли бўлиши мумкин. Масалан, обрўли ва халқаро бозорда ўз ўрнига эга бўлган фирма, жорий молиявий кийинчиликларга дуч келиб банк кредитига мурожаат этди. Бунда банк иложи борича бу кредитни беришга ҳаракат қиласи, чунки бундай мижозни йўқотиш банк учун фойдали эмас. Яна бир мисолда қуришимиз мумкин, бир корхона келажаги жуда самарали, истиқболли ва фойдали бўлган лойиҳани банкка тақдим этиб, бу лойиҳани молиялаш учун кредит сўраши мумкин. Банк ушбу лойиҳа истиқболига амин бўлиб, юқори фойда олиш мақсадида кредит бериши мумкин.

Бу иккала мисолда, биринчи ҳолда фақатгина кредитлаш субъектига, иккинчи ҳолда фақатгина кредитлаш обьектига эътибор берилмоқда. Бу ҳолларда, кредитлаш риски юқори бўлиб, банк бу маблағлардан ажралиб қолиш эҳтимоли бор. Шунинг учун юқорида санаб ўтилган уч базавий элементларга умумлашган ҳолда эътибор бериш лозим.

Энди кредитлаш субъектига яна қайтадиган бўлсак, қарз оловчи бўлиб мулкчилик туридан қатъий назар, банк ишончини қозонган, маълум моддий ва ҳуқуқий кафолатларга эга фоиз тўлаш ва кредитни ўз вақтида қайтаришга рози бўлган субъектлар бўлиши мумкин.

Кредитлаш субъектларига янада аниқроқ ёндашадиган бўлсак уларни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- давлат корхона ва ташкилотлари;
- кооперативлар;
- ишлаб чиқариш субъектлари ва савдо ташкилотлари;
- якка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар, фермерлар, микрофирмалар, ширкатлар, бирлашмалар;
- бошқа банклар;
- бошқа хўжаликлар хусусан ҳукумат корхоналари, қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ундан ташқари, қисқа муддатли кредитларни юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тадбиркорлар ҳам олишлари мумкин. Юқоридаги субъектлар кредит оловчи сифатида фаролият кўрсатса, тижорат банклари ёки бошқа кредит муассасалари кредит берувчи субъект сифатида намоён бўлади. Лекин шуни таъкидлаш керакки, банклар банкларро кредитларда қарз оловчи субъект сифатида ҳам фаолият кўрсатадилар.

Тор маънода кредитлаш обьекти, кредит (ссуда) айнан қайси мақсад учун берилса, шу кредит обьекти ҳисобланади ва кредит битими шу обьект устида тузилади. Амалиётда қисқа муддатли кредитлар ишлаб чиқариш захираларининг турли элементлари учун берилади. Саноатда, масалан, банклар хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, таралар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва бошқаларни кредитлашади. Савдода кредитлашнинг обьекти бўлиб, товароборотдаги товарлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида банклар дехқончилик ва чорвачилик харажатлари; минерал ўғитлар, ёқилғи ва бошқа харажатларни кредитлашади. Умуман олганда, қисқа муддатли кредитлар қуйидаги З та асосий обьектни кредитлашга йўналтирилади:

- 1) Товар-моддий бойликлар.
- 2) Ишлаб чиқариш харажатлари.
- 3) Ҳисоб-китоблар учун зарур бўлган маблағлар.

Товар моддий бойликлари юқори салмокқа эга бўлган кредитлаш обьекти ҳисобланади. У корхонанинг нормативдан юқори бўлган товар моддий бойликларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда мавсумий корхоналарда товар моддий бойликларни режадан ташқари қабул қилинганда, импорт маҳсулотлари келиб тушганда, уларни транспортировкаси билан боғлиқ харажатларни, савдо

ва таъминот ташкилотларида нормативдан юқори товар захиралари юзага келганды кредитларга мурожаат этилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш билан маблағлар тушиши жараёни бир-бирига мос келмаганда, тугалланмаган ишлаб чиқариш салмоғи ошиб кетганда келгуси давр харажатларига, баъзи корхоналарга янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва корхонани қайта таъмирлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни амалга оширишда кредитларга мурожаат этилади.

Айланма маблағларга одатда дебиторлик қарзлари ёки товар-моддий бойликлар билан таъминланади.

Курилиш учун «оралиқ» кредитлари бино ва иншоотлар, оффислар, савдо марказлари ва шу кабиларни қуриш учун берилади. Аникроғи кредит, бино ва иншоотларни қуришда керак бўладиган курилиш материаллари, қуриш жиҳозларини сотиб олишга, қурувчи ишчиларни ёллашга берилади. Бу каби кредитлар кредит олувчининг бошқа бир узоқ муддатли таъминоти остида берилади.

Қимматли қоғозлар дилерларига кредитлар, давлат қимматли қоғозлари ва хусусий қимматли қоғозлар дилерлари баъзи вақтларда қисқа муддатларда янги қимматли қоғозлар сотиб олиш учун маблағга эҳтиёж сезадилар. Бу каби кредитларни кўпгина банклар «жон» деб тақдим этадилар. Сабаби, бу кредитлар давлат қимматли қоғозлари билан таъминланган бўлади. Бундан ташқари, бу кредитлар жуда қисқа муддатларга берилади.(бир кундан бир неча кунгача).

Чакана товароборотга кредитлар. Банклар автомобиллар, электрмайший жиҳозлар, мебеллар ва бошқа узоқ муддат ишлатиладиган товарларни қарзга сотиб олишни, дилерлар қарзга сотиш шартномасини имзолаганидан сўнг пайдо бўладиган дебиторлик қарзини молиялаштириш орқали кредит беради. Бу каби кредитлашни дебиторлик қарзини сотиб олиш деб ҳам изоҳлаш мумкин.

Активлар билан таъминлашга кредит. Бундай кредитлар фирмаларнинг жорий эҳтиёjlари учун, айланма маблағларнинг айланишини таъминлаш учун, ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигини таъминлаш учун тез пулга айланувчи активлари гарови остида, 12 ойгача бўлган муддатга берилади. Таъминот сифатида одатда хомашё захиралари, товар-моддий захирадари, тайёр маҳсулот ва кўп ҳолларда дебиторлик қарзи ҳисобланади. Бу турдаги кредитнинг кенг тарқалган шакли факторинг ҳисобланади. Тижорат банклари фирмаларга унинг дебиторлик қарзининг 70 фоизи миқдорида кредит беради. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар корхонанинг мол етказиб берувчилар билан бўладиган ҳисоб-китобларни амалга оширишда, аккредитив очишида, иш ҳақи бўйича давлат корхоналарига кредитлар беришда, ўзаро қарзларни кечишда кредитларга мурожаат этилади.

Узоқ муддатли кредитлар қуйидаги кредитлаш объектларига йўналтирилиши мумкин:

- ишлаб чиқариш объектларини қуриш учун;
- ишлаб чиқариш объектларини қайта таъмирлаш, техник қуроллантириш ва кенгайтириш учун;

- техникалар, асбоб-ускуналар ва транспорт воситаларини сотиб олиш учун;
- янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун;
- ноишлаб чиқариш соҳасидаги обьектларни қуриш ва ҳоказо.

Ўрта муддатли кредитларни кредитлаш обьекти ҳам ҳудди узоқ муддатли кредитларнинг обьекти сингари бўлади.

Кўриниб турибдики, кредитларнинг турларига қараб уларнинг кредитлаш обьекти ва субъекти фарқланади. Масалан:

- тижорат кредитида – кредитлаш обьекти товар ҳисобланиб, субъект эса сотувчи билан ҳаридор ҳисобланади;
- банк кредитида юқорида кўриб чиқкан барча обьектлар бўлиши мумкин;
- истеъмол кредитида – кредитлаш обьекти истеъмол товарлари ҳисобланади;
- халқаро кредитда – кредитлаш субъекти бўлиб асосан давлатлар ҳисобланади ва ҳоказо.


3-§. Банкнинг кредит операциялари ва уларнинг хусусиятлари.

Кредит операциялари (лотинча «creditum» - ссуда деган маънони англатади.) деганда шартлар асосида, яъни қайтаришлилик, муддатлилик ва тўловлилик шартлари асосида маълум бир миқдордаги пулни (ёки товарни) қарзга бериш тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, қарздор қарзни белгиланган муддат ичидаги қайтариб бериши ва ундан ташқари маълум суммани тўлаши лозим. Бу сумма қарзга олинган маблағлар учун тўлов баҳоси бўлиб, у кредит учун фоиз деб аталади. Одатда, замонавий банк кредитни пул шаклида қарзга беради.

Банк ўз табиати жиҳатидан молия-кредит ташкилоти бўлиб, унинг учун кредит операциялари, банк хизматлариниг бир қўриниши ҳисобланиб, у бошқа банк операциялари (валюта, қимматли қофозлар, қимматликларни саклаш буйича операциялар ва бошқалар) ичидаги асосий ўрин эгаллайди.

Банк ўз кредит операциялари учун фақатгина ўзига тегишли бўлган пул маблағларини ишлатмай, балки бундай пул маблағларининг манбаларини шакллантиришдан ҳосил бўлган пул маблағларини ҳам ишлатади. Бунда бошқа тижорат банкларидан (ёки Марказий банқдан) олинган кредит билан бир қаторда, банк шунингдек пул маблағларини ўз омонатчилирдан ва ташкилотлардан турли ҳисоб-варакларга жалб этади. Бу ерда маблағлар сакланади ва турли хил ҳисоб-китобларда (ҳисоб-китоб, жорий, жамғарма, талаб қилингунча, муддатли депозит, валюта ва бошқа мижозларнинг ҳисоб вараклари) қўлланилади. Бундай, пул маблағларни жалб этиш ҳам кредит характеристига эга, чунки у ҳам қайтаришлилик, муддатлилик ва тўловлилик шартларига асосланади, банк эса бу ерда қарздор сифатида намоён бўлади.

1-схема **БАНКНИНГ КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ СХЕМАСИ**



Банк кредитлари муддатига қараб турлича бўлади. (узоқ, ўрта ва қисқа); қарздорнинг ташкилий-хуқуқий тузилишига қараб (давлат, хусусий ва акционерлик жамияти, кооперативлар, уюшмалар, бошқа банклар, қўшма корхоналар, фермерлар, хусусий шахслар ва ҳоказолар); тармоққа қараб, (саноат қишлоқ хўжалиги, коммунал кредит); мақсадига қараб (мавсумий харажатлар учун, тўлов хужжатларни тўлаш учун, айланма маблағларни тўлдириш учун ва бошқа асосий активлар билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш) шунингдек, бошқа мезонларга қараб йирик, ўрта ва кичик кредитларга фарқланади.

Банк кредит бериш учун жалб қилинган барча маблағларни ва ўз маблағларини ишлатиши мумкин. Тижорат банклари бу маблағларнинг бир қисмини мажбурий резервлар сифатида Марказий банкга ўтказиши керак ва, шунингдек, уларнинг бир қисмини юқори ликвид маблағлар шаклида (кассадаги нақд пуллар, мижозларга жорий хизматларни тўлаш учун етарли бўлиши лозим ёки бошқа операциялар қимматли қоғозлар, мол-мулкка эга бўлиш ва бошқалар учун ишлатишида) сақланиши лозим.

Маблағлар қолдиги банкнинг кредит потенциалини ифодалаб, кредит бериш учун ишлатилади. Банк фойда кўриб ишлаши учун ўз кредит потенциалидан самарали фойдаланиши лозим, бу эса замонавий шароитларда жуда қийин масала ҳисобланади. Бозор иқтисодиётида режали иқтисодиётдан фарқли ўлароқ, кредит муносабатларининг марказлаштирилган қатъий меъёрлари бўлмайди.

Бу эса, банк ва қарздор ўзаро муносабатлари шартнома асосида тузилишини англатиб, иккала томон ҳам teng ҳуқуқли ва ўз мақсадларига асосланган ҳолда уларни мужассамлаштириб фаолият кўрсатадилар. Қарздор кредит олиш учун ўзига муносиб банкни танлаши ва бир йўла турли банклар кредитларидан фойдаланиши мумкин. Банк ҳам ўз навбатида мижозларни танлаш ҳуқуқига эга ва унга кредит беришда ўзларига муҳим ва фойдали деб топган шартларни қўйиши мумкин.

4-§. Банк кредитларининг турлари ва шакллари.

Энди банклар томонидан берилаётган кредитларни турли белгилари ва шаклларига қараб кўриб чиқсак.

Жаҳон амалиётида банк кредитларини ягона, умумлашган таснифи йўқ, чунки кредитларни турли хил шакллари ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, унинг урф-одатларига, аҳоли орасида ссудаларни бериш ва қайтариш тарихан шаклланган усулларига боғлиқ бўлади. Шундай бўлса ҳам энг кўп учрайдиган банк кредит операцияларини турли хил мезонлар ва ўлчовларидан келиб чиқкан ҳолда гурухлаштириш мумкин. Банк кредит операцияларини таснифлаш мезонлари.

1. Банк кредитларини қарз олувчиларнинг гурухлари бўйича таснифланиши мумкин: Банк кредитларини олувчилари бўлиб ҳукumat, бошқа банклар, хўжалик субъектлари, турли молия ташкилотлари, аҳоли ҳисобланади.

2. Кредитлар мақсади ёки қайси соҳага йўналтирилиши бўйича: саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, инвестицион, истеъмол ва бошқа кредитларга бўлинади.

Банк кредитлари ишлатилиши соҳаси бўйича 2 хил бўлиши мумкин: асосий капитални молиялаштириш учун ёки айланма капитални молиялаштириш учун ссудалар берилади. Булар ўз навбатида ишлаб чиқариш ёки муомала(савдо) соҳасига йўналтириладиган кредитларга бўлинади. Инфляция шароитида тижорат банклари амалиётида савдо ва спекулятив (чайқовчилик) операцияларини молиялаштиришга йўналтирилган ссудалар аксарият қисмни ташкил этади.

3. Ҳажми бўйича кредитлар катта(йирик), ўрта ва кичикларга бўлинади. Лекин халқаро амалиётда бу кредитларни белги бўйича ягона ўлчов(мезон)и йўқ. ХВФ, ЕТТБнинг нуқтаи назаридан 10000 АҚШ долларигача бўлган суммадаги кредитлар кичик кредитларга киради.

4. Қайтариш муддати бўйича кредитлар талаб килингунча ва муддатли бўлади. Муддатли кредитлар қисқа, ўрта ва узоқ муддатлilarга бўлинади. Ссудаларни бу мезон бўйича турли мамлакатларда фарқланади. Аксарият банклар асосан қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредит бериш билан шуғулланади.

18-жадвал. Қайтариш муддати бўйича кредитларни таснифлаш.

Муддат-лари	Россия	АҚШ	Б.Британия	Франция	Ўзбекистон
Қисқа	1 йилгacha	1 йилгacha	3 йилгacha	1 йилгacha	1 йилгacha
Ўрта	1-3 йил	1-6 йил	3-10 йил	2-7 йил	1-3 йил
Узоқ	3 йилдан ортиқ	6 йилдан ортиқ	10 йилдан ортиқ	7 йилдан ортиқ	3 йилдан ортиқ

5. Таъминланганлиги бўйича кредитлар таъминланмаган ва таъминланган кредитларга бўлинади. Таъминланган кредитлар

таъминланганлик ҳарактерига қараб гаровли, кафолатланган, суғурталанган ва ҳоказоларга бўлинади.

Таъминланмаган кредитлар ишончли (бланкали) деб ҳам аталади ва одатда факат соло-вексел (қарз олувчининг ссудани қайтариш мажбурияти) орқали тақдим этилади. Таъминланмаган кредитлар қарз олувчининг обрўсини ҳисобга олган ҳолда ва унинг даромадлари даражасини баҳолашдан сўнғина берилади. Кредитнинг сифати паст бўлганда ҳам у таъминланмаган кредит деб юритилади ва бунда кредитлар бўйича кредитнинг қайтмаслик риски юқори бўлади.

6. Берилиш усуллари бўйича кредитлар, қоплаш учун ва тўлов кредитларга бўлинади. Биринчи ҳолатда кредит қарз олувчининг ҳисоб варағига харажатларни қоплаш учун ўтказилади. Бунда яна аванс ҳарактеридаги ссуда маблағларини ўтказилиши ҳам назарда тутилади. Иккинчи ҳолатда банк ссудаси бевосита накд пулсиз ҳисоб-китобларда ҳисоб хужжатларини тўлаш учун берилади.

Шу билан бирга, бир марталик кредитлар ҳам бўлади, яъни шартномада белгиланган муддат ва суммада тақдим этилади. Бироқ кўпчилик мамлакатларда кредит линиялари кенг қўлланилади.

7. Банк кредитларини қайтарилиш тартиби бўйича 2 гурухга ажратиш мумкин.

Биринчи гурухга бир вақтда қайтариладиган кредитлар, иккинчи гурухга бир неча муддатда бўлиб-бўлиб тўланадиган кредитлар киради.

Одатда юридик шахслар ва ахолига жорий эҳтиёжларни қоплаш учун нақд пул маблағлари керак бўлганда бериладиган қисқа муддатли кредитлар, бир вақтда қайтариладиган кредитлар ҳисобланади. Бу ерда асосий қарз ва фоизларни ягона суммада кредит муддати тугаши билан қайтарилади.

Бир неча муддатда қайтариладиган кредитлар бу икки ёки ундан ортиқ тўловлар билан амалга ошириладиган ссудалар ҳисобланади. (одатда ҳар ой, ҳар квартал ёки ҳар ярим йилда). Бу гурухга турли хил кредитлар: тижорат, очик счёт бўйича, вексел, лизинг, факторинг, форфейтинг ва бошқалар киради.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда бир кечада муддатда қайтариладиган кредитлар юридик ва жисмоний шахсларга товарлар ва кўчмас мулкларни сотиб олиш учун бериладиган ўрта ва узоқ муддатли кредитлашда кенг қўлланилади.

Жаҳон молия бозорларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредитлар бир неча муддатларда қайтариш шарти билан берилади.

8. Фоиз ставкаларининг турлари бўйича банк кредитларини 2 гурухга бўлиш мумкин: қатъий фоизлардаги кредитлар ва сузувчи фоиз ставкаларидаги кредитлар.

Ссудалар кредитлашнинг бутун муддатига бериладиган ва қайта кўриб чиқилмайдиган қатъий фоиз ставкалари шартларида берилиши мумкин.

Қарз олувчи бу ҳолатда фоиз ставкалари бозорларида коньюктура ўзгаришига қарамасдан кредитдан фойдаланганлиги учун ўзгармас келишилган ставкада фоиз тўлайди. Бу ҳам кредиторга, ҳам қарз олувчига қулай, чунки иккала томон ҳам берилган кредитдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ўз

даромад ва харажатларини тўғри ҳисоблаб чиқиш имкониятига эга бўлади. Қатъий фоиз ставкалари одатда қисқа муддатли кредитлашда қўлланилади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда кредитларни беришда қатъий ва сузуб юрувчи фоиз ставкаларининг ҳар иккаласи ҳам кенг қўлланилмоқда.

Сузиб юрувчи фоиз ставкалари-бу кредит бозорларида вужудга келадиган ҳолатларга боғлиқ бўлган доимий ўзгарадиган фоиз ставкалариdir.

9. Кредит қайси валютада берилишига қараб ҳам гурухларга бўлинади. Одатда тижорат банклари кредитларни миллий валютада ёки чет эл валютасида бериши мумкин. Ўзбекистонда миллий валюта ва чет эл валютасидаги кредитлар кўп қўлланилмоқда.

10. Кредитлар сони бўйича кредитлар куйидаги гурухларга бўлиниши мумкин:

- ягона банк берадиган кредитлар;
- синдикатлашган кредитлар;
- параллел кредитлар.

Амалиётда бир банк томонидан бериладиган ссудалар кенг тарқалган.

Бироқ айрим мамлакатлар ва интеграцион гурухлар иқтисодиётнинг ривожланиш имкониятига қараб ягона банк имконияти етмайдиган йирик кредитларга эҳтиёж сезилмоқда. Бу эса банкларнинг гурухларга қўшилиб синдикатлашган кредит беришга ундан олиб беради.

Синдикатлашган кредит – бу (консорциум) бирлашган 2 ёки ундан ортиқ кредиторлар бир қарздорга кредит тақдим этади. Бир гурух банк-кредиторлар маълум муддатга бўш турган молиявий ресурсларини маълум бир обьект ёки қарздорни кредитлаш мақсадида бирлаштиради. Бир ёки етакчи банк-координаторларнинг катта бўлмаган бир гурухи бутун синдикат номидан қарз олувчи билан кредит битими шартлари бўйича музокаралар олиб боради, керакли сумма йиғишини таъминлайди.

Амалиётда икки ёки ундан ортиқ банклар қарз олувчига параллел кредитлар бериш ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин. Синдикатлашган кредитдан фарқли ўлароқ, бу ҳолатда мижоз билан ҳар бир банк алоҳида иш олиб боради, сўнгра эса умумий кредит шартномасини тузадилар. Шундай қилиб тижорат банкларининг кредитлари қайси белгиларга қараб таснифланмасин, уларни беришдан мақсад мижознинг маблағга бўлган эҳтиёжини қондирган ҳолда банкка юқори даромад келтиришини таъминлашдан иборат.

5-§. Кредитлаш услублари ва ссуда ҳисобварақларининг шакллари

Кредит соҳасидаги муносабатлар белгиланган маълум тизимиға эга бўлади. Банкнинг кредитлаш тизими деганда кредитлаш жараёнини ташкил қилувчи ва уни кредитлаш тамойили бўйича тартибга солинишини белгиловчи элементлар мажмуаси тушунилади. Кредитлаш тизимининг ташкилий элементлари сифатида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

- кредитлаш жараёнида қарз олувчининг ўз маблағларининг қатнашиш тартиби ва даражаси;
- кредитнинг мақсадга йўналтирилганлиги;
- кредитлаш услублари;
- ссуда ҳисобварақларининг шакллари;
- ссуда қарзини тартиблаш усуллари;
- ссуда маблағларини мақсадли ва самарали фойдаланилишини ҳамда ўз вақтида қайтарилишини назорат қилиш тартиби ва шакллари.

Банкнинг илгари ҳукм сурған кредитлаш тизими хўжалик органларининг ўз ва қарз маблағларидан фойдаланиш чегараси қонун билан қатъий чегараланишига асосланган.

Замонавий кредитлаш тизими давлат томонидан хўжалик органларининг ўз ва қарз маблағлари ўртасидаги нисбат каби меъёрларни белгиламаслиги билан характерланади.

Фаолият юритишнинг бундай тижорат асослари хўжаликларнинг ўз маблағларини максимал ишлатишга ва қарз маблағлари олдида тўлиқ масъулиятни сезишга мажбуrlайди. Шунингдек, қарз маблағлари фақатгина банк кредити сифатида эмас, балки хўжаликлараро пул ва товар шаклида қатнашмоқда. Бундан буён корхоналарга кимдан ва қандай миқдорда қарз олиш ва унинг шартларини шартномада кўрсатиш ҳуқуқи берилган. Корхоналарнинг хўжалик оборотидаги ўз маблағлари ҳажмининг олиниши мумкин бўлган кредит ҳажмига ва кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларини ҳисоблашдаги мижоз фаолиятининг самарадорлик даражасига таъсир қиласи.

Бозор муносабатларига ўтишдаги айланма маблағларини бундай ташкиллаштириш обьектни кредитлашдан субъектни кредитлашга ўтишга замин яратди. Бу эса кредитлаш механизмидаги янги ва самарали даврdir.

Банкнинг кредитлаш тизимининг асосий элементи бўлиб кредитлаш усуллари ҳисобланади, чунки улар бу тизимнинг бир қатор элементлари: ссуда счёти тури ссуда мажбуриятини тартибга солиш, қарз маблағларини мақсадли ишлатиш ва уларни ўз вақтида қайтариш тартибини ва шаклини назорат қилиш кабиларни белгилаб беради.

Кредитлаш усуллари деганда кредитлаш тамойилларига мос равишда кредитни бериш ва қайтариш услублари тушунилади.

Собиқ Иттифоқ банк амалиётида кредитлашнинг З усули: қолдиқ бўйича, айланма бўйича ва айланиш-қолдиқ усуллари бўйича кредитлаш тартиби қўлланилган. Қолдиқ усули бўйича кредитлашнинг моҳияти шунда эдики, кредитнинг ҳаракати кредитланаётган моддий қийматликларнинг, яъни товар-маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари, тайёр

маҳсулот ва юклаб жўнатилган товарларнинг қолдиқ қиймати билан боғланар эди. Захираларнинг меъёрдан ошиши кредитга талабни ошириш, камайиши эса кредитнинг маълум қисмининг қайтарилиши лозимлигини кўрсатарди. Шу билан бирга, кредитлаш усусларида кредит қоплаш характерга эга эди, чунки захира ва харажатларнинг меъёрдан ортиқ қисми ўз маблағлари билан эмас, балки кредит ҳисобидан қопланар эди.

Айланиш усули бўйича кредитлашнинг хусусияти шунда эдики, кредит ҳаракати материал қийматликларнинг айланиши яъни, келиб тушиши ва ишлатиши билан белгиланар эди. Кредитлашнинг бундай усули янги кредит бериш ва илгари берилган кредитни қайтариш фақатгина вақт бўйича мос келиши мумкин эди. Бу ерда кредит тўлов характерига эга эди, чунки ссуда бериш бевосита ишлаб чиқариш харажатларини, тижорат банки Марказий банкка тўлаш учун қарз маблағларига эҳтиёж сезилган вақтда амалга ошириларди. Қарз маблағларини тўлиқ оборотидан сўнг кредитни қайтарилиши режага асосан амалга ошириларди. Кредитлашнинг ушбу усули ёрдамида хўжалик органларининг тўлов оборотининг узлуксизлигига ва шунингдек қарз олувчини хўжалик оборотида кредитни доимий қатнашувига эришилган эди.

Қолдиқ бўйича кредитлаш усули ўзининг амалий моҳиятини хўжалик юритишнинг бозор муносабатлари даврида йўқотди, чунки 80-йиллардаги банк ислоҳотининг биринчи босқичида кўпгина самарасиз обьектларни кредитлашдан соғлом обьектларни ягона, умумлаштирилган схемада фақатгина айланиш бўйича кредитлашга ўтилди. Шу билан бирга, айланиш усули бўйича кредитлаш ялпи захира ва ишлаб чиқариш харажатлари бўйича кредитлаш шаклини олди ва бунга хўжалик тармоқларининг деярли барчаси ўтказилди. Замонавий шароитларда баъзи давлат саноат, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалик, савдо ва таъминот ташкилотларини кредитлаш ушбу тартибда амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари янги тижорат тузилмалари, яъни мулкчиликнинг бошқа турига асосланган субъектларга кредит беришда тижорат банкларининг хориж амалиётига таяниб кредитлашнинг янги усусларидан фойдаланмоқдалар.

Хорижий банк амалиётида кредитлашнинг икки усули маълум.

Биринчи усулнинг аҳамияти ҳар бир ссуда индувидуал тартибда кўриб чиқилишидадир. Ссуда маълум мақсаддаги маблағ эҳтиёжини қондиришга берилади. Ушбу усул аниқ муддатга ссуда ажратишда қўлланилади.

Иккинчи усулда ссуда банк томонидан қарз олувчига олдиндан белгилаб қўйилган кредит лимити бўйича берилади, бунда қарз олувчи унга қўйилган тўлов ҳужжатини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

Кредитлашнинг ушбу шакли кредит линияси деб аталади. Очилган кредит линияси кредит ҳисобига барча ҳисоб-китоб пул ҳужжатларини банк ва мижоз ўртасидаги шартномага асосан тўлаш 1 йилга очилади, аммо кредит линияси ундан қисқа муддатга ҳам очилиши мумкин. Кредит линияси муддати давомида мижоз банк билан қўшимча келишувни истаган вақтида ссуда олиши мумкин. Аммо банк қарз олувчининг молиявий ҳолатини заифлашганини аниқласа, мижозга белгиланган лимит чегарасида ссуда беришдан бош тортиши

мумкин. Кредит линияси, одатда, молиявий барқарор ва эътиборли мижозларга очилади. Мижоз илтимосига биноан кредитлаш лимити қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Давом эттириладиган ва эттирилмайдиган кредит линиялари ўзаро фарқланади. Давом эттирилмайдиган кредит линияси очилиб ссуда берилган ва қайтарилгандан кейин мижоз ва банк ўртасидаги алоқалар тугатилади. Давомлаштириладиган кредит линиясида кредит белгиланган лимит асосида автоматик равишда берилади ва қайтарилади. Агар, банк томонидан мижозга кредит линияси маълум товарларга бир шартнома бўйича бир йил ичида пул тўлаш учун очилган бўлса, кредит линияси мақсадли бўлади.

Кредитлаш усули кредит беришда ва қайтаришда ишлатиладиган ссуда ҳисобварағини шаклини танлаб беради. Банклар кредитлаш операцияларини амалга ошириш учун ссуда счётларини очадилар.

Махсус ссуда ҳисобварағлари доимий кредитга эҳтиёжи сезувчи ва тўлов оборотининг катта қисмини кредит ҳисобига амалга оширувчи хўжалик органларига очилади. Махсус ссуда ҳисобварағларини ишлатиш товарларни сотишдан бўлган барча тушумни кредитни ўз вақтида қайтарилишини ва қарз олувчининг ўз маблағларини қайта ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ иштирокини таъминлаш учун ажратилишини билдиради. Шундай қилиб махсус ссуда, ҳисобварағидан доимий кредитлаш ва қайтариш операциялари ўтказилади. Ҳисоб-китоб ҳисобварағига ёрдамчи рол берилади, чунки ундан қисқа доирадаги яъни даромадни тақсимлаш ва иш ҳақи бериш операциялари ўтказилади.

Суда ҳисобварағини ишлатишнинг бундай тартибли унинг замонавий хўжалик юритиши шароитида ишлатилишини чеклаб қўяди.

Оддий ссуда ҳисобварағлари банк асосан бир марталик ссуда беришда ишлатилади. Бу ҳисобварағлар бўйича мажбуриятларни қайтариш белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Агар корхоналар бир вақтнинг ўзида бир неча обьектлар учун кредит олмоқчи бўлса бир неча оддий ссуда ҳисобварағлари очадилар ва ссудалар турли муддатга, шартларда ва ҳар хил фоизларда берилади. Суданинг бундай ҳисоб шакли банк назорати учун муҳим аҳамиятга, эга.

Айланма-қолдиқ усул бўйича тўловларни ва кредитга лаёқатли корхоналарни кредитлаш ягона актив-пассив яъни **контокоррент** ҳисобварағидан амалга оширилади. Ушбу ҳисобварақ мижозга бўлган юқори ишончни билдиради. Ҳисобварағнинг дебетидан мижознинг ишлаб чиқариш фаолияти ва фойдани тақсимлаш билан боғлиқ тўловлари ўтади, кредитга барча тушумлар ёзилади. Ҳисобварағнинг кредит қолдиғи корхонани ўз маблағи борлигини дебет қолдиғи эса банкдан маблағ жалб қилинганини билдиради.

Хўжалик юритишинг бозор муносабатлари шароитида оддий ссуда ҳисобварағлари кенг таркалган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан хўжалик субъектларини қисқа муддатли кредитлаш қўйидаги усулларда амалга оширилмокда:

1. Алоҳида ссуда ҳисобварағи орқали кредитлаш. Тижорат банклари хўжалик субъектларини «кредит линияси очиб» ёки «кредит линияси очмасдан» кредитлаш мумкин ва бу кредитлар қуйидаги мақсадга берилади, товар моддий бойликлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлаш учун, муддати 30 кундан ошмаган даврга, қарздорнинг асосий фаолияти билан боғлиқ булган аккредитивлар очиш учун.

Кредит банк томонидан келишилган муддатларда қуйидаги тартибда сўндирилиши мумкин:

- сўндирилиш муддати келган мажбуриятлар бўйича маблағларни мижознинг ҳисобварағидан ундириб олиш орқали;
- муддатидан олдин қарздорнинг топшириғига кўра ҳисоб ракамдаги бўш қолдиқ маблағларни сўраб олиш орқали;
- гаров мулкини ўзлаштириш орқали.

Хўжалик субъектининг «кредит линияси очиб» кредитлаш алоҳида ҳисобварақ орқали олдиндан келишиб олинган кредит суммаси доирасида амалга оширилади. Кредит линиясининг ҳисобидан қарздорнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган товар-моддий бойликларни бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар бўйича пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тўлови амалга оширилади.

Бундан кейин қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи, тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга, савдо, таъминот ва бошқа хил фаолият билан шуғулланувчи хўжалик субъектларига, кредитлашнинг барча тартиб-қоидалари асосида берилади.

Контокоррент счёти очилганда мижознинг бошқа счёtlари ёпилади.

Контокоррент ҳисобварақлар

- дебет қолдиғи бўйича мижоз банкка шартномада келишилган ставка бўйича фоизлар тўлайди;
- кредит қолдиғи бўйича банк мижозга шартномага мувофиқ фоиз тўлайди.

Контокоррент ҳисобварағининг амал қилиш муддати 12 ойдан ошмаслиги лозим. Муддат тугаши билан мижоз кредит сальдосини таъминлаши керак. Акс ҳолда, муддат тугагач уни тўла сўндиргунга қадар кредит бериш тўхтатилади.

Овердрафт, бу контокоррент кредитнинг маҳсус шакли ҳисобланади. Унинг алоҳида хусусияти шундаки, банк мижозга унинг ҳисобрақамида қисқа давр ичida дебет сальдога эга бўлишга рухсат беради.

Одатга кўра овердрафтдан фойдаланиш жуда ишончли мижозларга тақдим этилади. Овердрафтда қарздорликни сўндириш учун овердрафт ҳисоб варага келиб тушаётган барча суммалар йўналтириллади, натижада кредитнинг ҳажми келиб тушаётган маблағлар ҳажмига қараб ўзгариши мумкин. Овердрафтда қарздор ҳар ойнинг охирига овердрафт қолдиғи бўйича кредит сальдосини таъминланиши керак. Агар мижознинг шу банкда депозит счёти бўлса, ундаги маблағлар доирасида доимий дебет сальдога эга бўлишига рухсат берилади. Аксинча бўлса, маблағлар бериш у тўла сўндирилгунга қадар тўхтатилади.

Қимматли қоғозлар гарови остида кредит (ломбард кредит). Ломбард кредити ўзида товар моддий бойликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар (асосий фаолиятга тегишли бўлган)ни тўлаш учун алоҳида ссуда счётидан қимматли қоғозлар гарови остида берилган қисқа муддатли кредитларни ифодалайди.

Ломбард кредит таъминотига қўйидагилар кредит шартномасига асосан қабул қилинади:

- давлат қимматли қоғозлари;
- бошқа хил эмитентларнинг акция ва облигацияси, депозит сертификатлари.

Ломбард кредитининг эътиборли хусусияти шундаки, гаров шартнома имзоланган кунги номинал қиймати бўйича эмас, балки унинг курс ўзгариши рискини ҳисобга олган ҳолда унинг маълум қисмигагина баҳоланади.

Қимматли қоғозлар гарови остидаги ломбард кредити алоҳида ссуда ҳисоб варакдан товар моддий қийматлар ва хизматлари учун ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлашга қимматли қоғозлар гарови остидаги кредит берилади.

Банкларнинг ўзи томонидан чиқарилган қимматли қоғозлари гаров сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

Шу боис қимматли қоғозларни гаровга олиб ломбард кредити бериш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда банк қарз олувчининг молиявий аҳволи ва кредит қобилиятини таҳлил қилиш билан бир вақтда кредит таъминоти тарзида қабул қилинадиган қимматли қоғозлар сифати, уларнинг курс риски даражасини баҳолашга алоҳида эътибор беради.

Шу тариқа қимматли қоғозлар котировка қилинаётганда уларнинг курс рискини белгилаб берувчи қимматли қоғозлар бозоридаги биржа курси ўзгаришлари муносабати билан қимматли қоғозларнинг гаров қиймати биржа қийматининг 80 фоиздан, котировкаланмайдиган қимматли қоғозлар гаров қиймати эса номинал қийматининг 60 фоиздан ошмаслиги зарур.

Қимматли қоғозларни гаровга олиб бериладиган кредит 12 ойгача муддатга ёки қимматли қоғозлар муомалада бўлиши муддатига берилиши лозим.

Қимматли қоғозлар котировкасининг биржа курси кредит шартномасида қайд этилганда фонд биржасидаги охирги савдода чиқарилган котировка маълумотлари ҳисобга олинади. Давлат қимматли қоғозлари рейтинг сифати, айникса, юқори даражада бўлади. Шу боис улар гаровга қабул қилинаётганда бериладиган кредитнинг максимал суммаси улар гаров қийматининг 90 фоизгача етиши мумкин.

Қарз олувчи фонд бозоридаги сотиб олган бошқа қимматли қоғозлар гаровга олинаётганда кредит максимал суммаси улар гаров қийматининг 80 фоиздан юқори бўлмайди.

Ломбард кредитини бериш, қайтариш ва улардан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш тартиби умумий асосларда амалга оширилади ва у алоҳида қарз ҳисобварағи бўйича кредитлаш тартибига ўхшашдир.

Асосий фаолият билан боғлиқ товар моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш мақсадида тузилган пул ҳисобкитоб ҳужжатлари пулинни тўлаш учун қабул қилинади.

Қарз олувчи банкка гаровга қўйган қимматли қоғозлар бўйича олинадиган даромадларга фоизлар қўшилмайди.

Қимматли қоғозларни гаровга олиб кредит шартномаси тузилгандан кейин банк қимматли қоғозлар эмитентига унинг қимматли қоғозларини гаровга қўйиш битими тузилганлигини ҳамда қимматли қоғозлар бўйича даромадлар киритилиши лозим бўлган депозит ҳисобварафи номерини маълум қиласди. Ломбард кредити бериладиган ҳолларда гаровга қўйилган қимматли қоғозлар бўйича олинадиган даромадлар қарз олувчининг муддатсиз депозит ҳисобварафига қўйилади (депозит шартномасини расмийлаштирмасдан) ва, биринчи навбатда, уларни сақлаш харажатларини қоплашга, шунингдек, кредитдан фойдаланиш учун фоизларни тўлашга йўналтирилади.

Кредитлаш жараёнида банк гаровга қўйилган қимматли қоғозлар котировкаси биржа курсидаги ўзгаришлар тўғрисида телекс, компьютер алоқаси ва алоқанинг бошқа турлари ёрдамида ахборот тўплаб борилади.

Кредитлаш давомида фонд биржасида ўтказилган савдо натижаларига кўра, гаровга қўйилган қимматли қоғозлар қиймати пасайган бўлса, у ҳолда кредит қўмитасининг қарорига мувофиқ қарз олувчига шу суммада қўшимча таъминот бериш талаби билдирилиши ёки кредит микдори қайтарилиб, кредитнинг таъминланмаган қисми муддатидан олдин ундирилиб олиниши мумкин.

Ломбард кредити бўйича барча мажбуриятлари бажарилганидан кейингина гаровга қўйилган қимматли қоғозлар ва улар бўйича олинган даромадлар қарз олувчига қайтарилади.

Товар(мол) гарови остидаги ломбард кредити. Ломбард кредити учун гаров кўринишида фақатгина нисбатан баҳоли товарлар, қайсики уларнинг савдоси биржада юритилиши, товар партиясини микдори ва сифатини белгилаш билан бир вақтда баҳосини ҳам аниқлаш имконини бериши шартларида ишлатилиши мумкин. Масалан, кофега, буғдойга, шакарга, паҳтага бу тегишли. Бу товарларнинг қиймат баҳосини аниқлаш унча қийин эмас. Товар турига қараб гаров баҳоси 50дан 66 гача 2/3% тебраниб туради. Гаров сифатидаги товарлар банк номига юклатиди. Банкка товарни сақлашлик гувоҳномаси берилади. Айрим ҳолларда бу мижозниг ўзида ҳам қолиши мумкин. Лёкин, банк рухсатисиз товардан фойдаланишга ҳаққи йўқ. Йулдаги товар, айниқса, денгиз орқали ташиладиган товарлар гарови остидаги кредит кенг тарқалган ҳисобланади. Бундай пайтда гаров ҳужжати сифатида коносамент ишлатилади.

Коносамент – бу юклатилган товарга эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат. Бу ҳужжатни янги эгасига бериш билан у товарлардан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам олади. Гаров сифатида юкланган товарларни ишлатишда юк суғурта ҳужжатларининг расмийлаштирилиши муҳим роль уйнайди.

Қимматбаҳо металл гарови остидаги кредит. Бу ломбард кредитининг эски усусларидан бўлиб, ҳозирда у жуда кам ишлатилади. Гаровни

баҳолашдаги қиймати бу асосан олтин тангалар, слиткалар, кумуш, платина ва бошқалар қарийб 95% фоиз қимматбаҳо металл нархига мос келади.

Талабнома гарови остидаги кредит, ҳар хил молиявий талаблар, масалан, жамғарма омонатлари, сұғурта шартномаси бўйича талаблар, ипотекалар ва бошқалар гаров сифатида хизмат қилиши мумкин. Талабнома гаровларини баҳолашда уларнинг турларига қараб ажратилади, аммо уларнинг умумий даражаси нисбатан юқори бўлади.

Ломбард кредити белгиланган муддатларда қайтарилимаган ҳолларда банк имтиёзли ой тугаганидан кейин гаров тўғрисидаги амалдаги қонунга мувофиқ ўз гаров хуқуқидан фойдаланади.

Ломбардли кредитнинг кредит олувчи учун афзаллик томонлари қўйидагилар хисобланади:

- ликвидли маблағларга кучли эҳтиёж сезилган тақдирда вақтинчалик, қисқа муддатли пулларни юзага келтиради;
- кредитнинг амал қилиш муддати унга бўлган заруриятига боғлиқ равишда ўрнатилиши мумкин;
- рентабелли қимматли мулклар гаровга қўйилганда уларни сотишга зарурат қолмайди;
- гаровга қўйилган буюмга мулкчилик хуқуқи сақланиб қолади;
- кредит берувчи томон учун афзаллиги.

Ломбард кредит - бу аввало ишончли кредит, яъни кредит тўлови кечикиб қолган тақдирда кредитор гаровни сотади ва тушумдан пулга эга бўлади. Юқорида биз баъзи кредит турларига таъриф бериб ўтдик, баъзи кредит турларининг моҳиятини чуқурроқ кейинги параграфларда кўриб чиқамиз.

Қўйидаги таянч сўзларга таъриф беринг

Кисқа муддатли кредитлаш
Молиялаштириш
Инвестициялар
Кредитнинг тамойиллари
Таъминланганлик
Кредитлаш усуслари

Кредитнинг обьекти
Кредитнинг субъекти
Кредитор
Қарз олувчи
Кредит линия
Коносомент

Ўз билимини текшириш учун саволлар:

1. Кредитлашнинг асосий тамойилларини тушунтиринг?
2. Кредитнинг таъминланганлиги деганда нимани тушунасиз?
3. Кредитнинг обьекти ва субъектлари нималардан иборат?
4. Кредитлашнинг қандай усусларини биласиз?
5. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси амалиётида кредитлашнинг қандай усусларидан фойдаланилади?
6. Кредитлашнинг қайси усули сизнинг фикрингизча самаралироқ ва нима учун?

ХІІ-БОБ. ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ ЖАРАЁНИ.

1-§. Кредит пакетини ташкил қилиши.

Банк мижоздан кредит олиш учун ариза қабул килгач кредит пакетини шакллантириш ва уни таҳлил қилишга киришади. Бу жараён қуйидаги босқичда амалга оширилади:

- кредит олиш тўғрисидаги аризани қўриб чиқиш ва келгусидаги қарз оловчи билан мулоқотда бўлиш;
- кредит нархини аниқлаш;
- кредит шартномасини тайёрлаш.

Кредит олиш учун қарз оловчи ўзининг молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини қуйидаги мазмунда таҳлил қилиши лозим:

- ўз маҳсулотини сотиш бозори, унга талаб ва таклифни ўрганиш;

кредит олиш учун асос бўлувчи товар-моддий бойликларни етказиб бериш, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва товарларни сотиш бўйича шартномалар билан таъминланганлиги;

- кредитланадиган тадбирнинг самарадорлиги;

қарз оловчи ҳисоб варағига пул маблағларининг келиб тушиш даврийлиги;

- кредитни ва унга тегишли фоизларни тўлаш манбалари;

кредит учун тўланиши мумкин бўлган фоиз ҳисоб-китоби ва унинг даврийлиги;

- олдинги давр (йил, чорак, ой)даги молиявий хўжалик фаолиятининг респектив таҳлили;

- жорий давр учун бизнес-режа.

Хўжалик субъекти кредит олиш учун таҳлилий ва хомчўт маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда, кредит олиш учун илтимосномасини тузади.

Кредит олиш учун аризада кредит олиш зарурияти, унинг самарадорлиги, қайтарилиши, тўловлиги ва таъминланиши, шунингдек, ўз капитали таркиби ва унинг кредитланаётган тадбирдаги иштироки батафсил баён қилинади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

1. Пул оқими таҳлили кўрсатилган бизнес-режа;

2. Охириги ҳисобот даври учун бухгалтерлик баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ва тўлов муддати 60 кундан ошган қарзларни қиёслаш далолатномалари талқини билан бирга;

3. Фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот;

4. Айланма маблағларини айланиши ҳисоб-китоби;

5. Бошқа кредитлар, қарз маблағлари мавжудлиги ва бошқа банкларда сақланадиган бўш маблағларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома;

6. Капитали билан иштирок этганлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Кредит ходими ёки кредит пакетини ўрганувчи шахс юқорида қайд этилган ҳужжатларни олгач, уч кунлик муддатда қуйидагиларни аниқлайди:

- субъектларнинг кредитга ва тўловга қобилияти, унинг рейтинг баҳосини, шунингдек, кредит мақсадларининг устав фаолиятига мувофиқлиги, кредитнинг турини аниқлади, бунда у мажбурий тартибда ликвидилик, қоплаш, муҳторият, қарз маблағларини жалб қилиш, фойда ва айланма маблағлари айланиши коэффицентиларини ўрганиб чиқиши лозим.

Кредит пакетини таҳлил қилишда нафақат кредит битимларинининг турли соҳаларига, балки раҳбарнинг шахсий сифатларига ҳам баҳо берилади.

Тақдим этилган хужжатларни батафсил ўрганиб чиққач, банк ходими кредит битимини тузиш учун хулосани расмийлаштиради. Бунда қуидагилар кўрсатилади:

- кредитнинг мақсади, муддати ва миқдори;
- кредит қайтарилишининг таъминланиши;
- фоиз миқдори ва бошқалар.

Банк ходимининг хулосаси раҳбар томонидан имзоланган ва хужжатлар илова қилинган ҳолда кредит қўмитасига кўриб чиқиш учун юборилади. Қўмита ўз ваколатларидан келиб чиқсан ҳолда уч кун мобайнида тегишли қарор қабул қиласди. Мазкур хулоса кредит қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади. Шундан сўнг кредит шартномаси тузилади ёки кредит битимини тузиш ва ссуда беришдан бош тортиш сабаблари кўрсатилган ҳолда қарз олувчига ёзма равишда рад жавоби берилади.

Кредит қўмитасининг ижобий хулосаси келтирилган ҳолда банк билан мижоз ўртасида кредит шартномаси тузилади. Кредит шартномасига банк раҳбари ва қарз олувчи имзо қўйганидан сўнг у юридик кучга эга бўлади.

Кредит шартномасида қуидагилар кўзда тутилади:

- кредитнинг мақсади ва суммаси;
- уни бериш тартиби ҳамда тўлаш тартиби ва шакли;
- мажбуриятларни таъминлаш шакллари, фоиз ставкалари, уларни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш шакли;
- кредит бериш ва уни тўлаш вақтида томонларнинг хуқук ва мажбуриятлари;
- кредит бериш учун зарур бўлган маълумотлар, ҳисоб-китоб ва хужжатларнинг рўйхати ҳамда уларнинг даврийлиги;
- банк томонидан жойида ҳисоб юритиш, кредитнинг қайтарилишини таъминлаш юзасидан текширувлар ўтказиш имконияти ва бошқа масалалар(Бу ҳақида кейинги бобда тўхталамиз).

Кредит ходими кредит шартномаси тузилганидан сўнг кредитни тўлаш муддати ва фоиз ставкаларини кўрсатган ҳолда ссуда ҳисоб варағини очиш тўғрисида қарор қабул қилгач, қарз олувчига кредит варақчаси очилиб, унга асосан кредит юзасидан назорат амалга оширилади.

Банк кредитидан фойдаланилган вақт учун ҳақ тўлаш кредит нархини ташкил этади, у ҳисобот ойи бошлангунга қадар банк бўйича юзага келадиган ўртача фоиз ставкаси ва маржани ўз ичига олади.


Кредит нархи Марказий банкнинг «қайта молиялаш» ставкаларини меъёрлари билан тартибга солинади, ҳамда маҳсулот ва хизматлар тан-нархи даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган чегара кўрсаткичларидан

ошмаслиги лозим. Амалда қайта молиялаш ставкаси «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддасига мувофиқ Марказий банк томонидан мустақил равишда белгиланади. Ҳозирги кунда қайта молиялаштириш фоиз ставкаси ойига 1,7 фоизни, ҳамда йилига 20 фоизни ташкил этади. Бу фоиз ставкасига тижорат банклари 1,5 мартагача маржа қўйиши мумкин.

2-§. Кредитни беришини ҳужжатлаштириши тартиби.

Кредит бўйича ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 22 февралда тасдиқланган ҳолда 2001 йил 27 февралда ўзгартиришлар киритилган „Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисидаги низом” асосида амалга оширилади.

Кредитни бериш ва ҳужжатлаштириш тартиби ҳозирги пайтда марказлаштирилмаган ва у тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади. Лекин амалиётда кўрсатилишича, кредитлашнинг умумий ишлаб чиқилган тартиби ҳамон мавжуд бўлиб, унга тижорат банклари амал қиласидар. Бундай тартибни шартли равишда муҳим схема, яъни кредитлашнинг асосий умумий схемалари асосида тасвирланиши мумкин.



Вариант «А»

6А. Кредитни ва фоизини ўз вақтида қоплаш.

Вариант «Б»

6Б. Кредитни ва фоизини қоплаш бўйича қийинчиликлар.

7Б. Қарзни қоплаш бўйича алоҳида тартиб (кредит шартномасини бекор қилиш, кредит муддатини чўзиш, мижознинг банкрот бўлиши)
8Б. Банкка қарзни қайтиб келиши.

Кредит олиш учун ариза, қарздор кредит хизматларидан фойдаланиш учун муносаб банкни танлагандан сўнг расмийлаштиради ва тақдим этилади. Бунда мижоз банкнинг кредит салоҳияти ҳажмини, унинг пассивлари, банкнинг

ишончлилик даражасини, банкнинг таъсисчилар таркиби, унинг тармоқ ҳарактери ва у ёки бу операцияларга мослашуви ва ихтисослашуви шунингдек, кредит бўйича сумма, фоиз ва кредит муддатларини инобатга олиши мумкин. Бу каби ахборот манбалари сифатида очиқ муҳр (банкнинг йиллик баланс ва ҳисоботларни расмий эълон қилинган, акциялар эмиссиясининг проспекти, ва бошқалар) шунингдек, банк мижозлари билан норасмий шартномаси бўлиши мумкин.

Иқтисодий нобарқарорлик ва доимий равишдаги кредит қайтарилемасликлар шароитида банклар кредитни шу банкда ҳисоб-китоб варагига эга бўлган қарздорларга беришни маъқул кўрадилар, бу эса қарздор томонидан банкни танлаш имкониятини чеклайди.

Банк қарздорни танлагандан сўнг, қарздор аризани расмийлаштиради ва унда маълум микдордаги кредит суммаси, муддати ва мақсадларини белгилайди. Ариза қарздор-ташкилот раҳбарининг имзоси ва бош бухгалтер имзоси билан тасдиқланиши керак. Бундай ариза кредитлашнинг қуйидаги босқичларини амалга ошириш учун асос бўлади. Кредитга лаёқатлиликни баҳолаш учун банк мижоздан ўтган даврдаги ҳисботи хужжатларни (ҳисбот, бухгалтерия баланси иловаси билан квартал ва йиллик учун) талаб қиласди, кўрсаткичларни янада аниқрок текширишга эҳтиёж туғилганда бошланғич бухгалтерия хужжатлари ва агар мумкин бўлса узоқ муддатли ҳисботлар талаб қилинади.

Кредитга лаёқатсизлик рискини олдиндан кўра билиш кўпинча осон кечмайди, чунки керакли пайтда мижознинг фаолиятида кутилмаган молиявий қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Бу қийинчиликлар мижознинг қобилиятсизлиги туфайли унинг мол етказиб берувчилари, харидор ва бошқа ташқи омилларнинг хатоси ва муаммоси бунга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун банк кредит операцияларининг ҳар бир тури кредитнинг қайтаслик риски билан боғлиқ бўлади. Бундай рискини пасайтириш учун банк бўлажак мижознинг мавжуд ўтган молиявий аҳволи бўйича кредитга лаёқатлигини баҳолаб, салбий томонларни олдиндан билишга, мижознинг келажак муаммоларини кўришга интилади.

Қисман бу потенциал мижознинг ҳисбот ва балансини таҳлил қилишга ундейди.

3-§. Ссуда ҳисобварагидан кредит берииш ва қайтарилиши тартиби

Ўзбекистон Республикаси Тижорат банклари алоҳида бир кредит муассаса сингари ўзининг кредит сиёсатига эга. Яъни ҳар бир банк ўзининг бўш тўрган маблағларини ўзи хоҳлаган йўналишга, кўпроқ даромад олишга йўналтирадиган бўлди.

Мижоз ссуда олиш учун банкка белгиланган тартиба ҳужжатлар пакетини расмийлаштириб топширганидан кейин кредит комиссиясининг қарорига кўра кредит бериш лозим деб топиллиб, банк ва кредит оловчи ўртасида имзоланган кредит шартномасига асосан мижозга кредит берилади. Бунинг учун мижозга алоҳида ссуда ҳисобвараги очилади.

Ушбу ҳисобрақамининг дебетида мижозларга ссудалар берилади. Банк томонидан берилган ссудалар қайтарилганда ёки муайян ссуданинг мақоми ўзгариши муносабати билан бошқа турга ўтказилаётганда ва ушбу ссудалар бўйича кўрилган зарап қопланаётганда тегишли ссуда ҳисоб рақамлари кредитланади.

Берилган ссудалар бўйича кўрилиши мумкин бўлган заарлар учун заҳиралар банкнинг ҳаражатлари ҳисобидан яратилади. Ушбу заҳиралар қарздорнинг молиявий ҳолатини берилган ссуданинг таъминланганлиги ва қайтмаслик рисклари баҳолаш натижасида яратилади.

Демак, банкларда ссуда операцияларини олиб бориш учун қуидаги ссуда ҳисобрақамлари очилади.

12100-бошқа банкларга берилган қисқа муддатли ссудалар.

12300-хукуматга берилган қисқа муддатли ссудалар.

12500-жисмоний шахсларга ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган шахслар бериладиган қисқа муддатли ссудалар

12100-давлат корхоналарига берилган қисқа муддатли ссудалар.

12900-қўшма корхоналарга берилган қисқа муддатли ссудалар.

13100-хусусий корхоналар ва нодавлат корпорацияларига берилган қисқа муддатли ссудалар.

Бу асосий ҳисобваракларнинг дебет томонида тегишли банк корхона, ташкилот, жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар, кредит томонида уларнинг қайтарилиши акс этади. Юқоридаги ҳисобваракларнинг барчаси бир қатор суб ҳисобваракларни ўз ичига олиб, уларда муддатли, муддати ўтган, қайта кўрилаётган ссудалар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритилади.

Агар харид қилинган товарнинг ҳақини дарҳол тўлаш лозим бўлса, лекин бунинг учун фирманинг ўз маблағи етмаса, бундай ҳолларда фирмада бир марталик қарз маблағларига эҳтиёж пайдо бўлади. Бу эҳтиёжни қондириш учун “кредит линияси очилмаган” ссуда ҳисоб варагидан фойдаланилади. Бундай ҳисоб варакдан кредит бериш бир марта ссуда бериш йўли билан амалга оширилади. Бундай ссуданинг ҳар бири бўйича банк алоҳида қарор қабул қиласи.

Корхона ва ташкилотларга ёки алоҳида олинган жисмоний шахсларга ссуда ҳисоб вараги очилгандан сўнг улар бўйича ссуданинг берилшиши ва қайтарилиши

бўйича операцияларни амалга ошириш мумкин. Ҳар бир ссуданинг берилиши кредит комиссияси фармойиши асосида амалга оширилади, яъни кредит бўлимига мижозга ссуда бериш тўғрисидаги фармойишини ҳисоб операцион бўлими масъул ижрочиларига берадилар. Масъул ижрочилар фармойишда кўрсатилган реквизитлар асосида ссуда бериш бўйича бухгалтерия проводкаларини бажарадилар. Суда ҳисобваракларининг ўзи муддатли, муддати ўтган, қайта кўрилаётган каби ссудалар бўйича алоҳида юритилади.

Куйида биз хусусий корхоналарга ва нодавлат корхоналарга ссуда бериш проводкалари билан танишиб чикамиз.

Хусусий корхоналарга ва нодавлат корпорацияларига берилган „қисқа муддатли ссудалар” номли баланс ҳисоб рақами очилади. Бу ҳисобрақам бир қатор субҳисоб рақамларни ўз ичига олади.

13101-“Хусусий корхоналар ва нодавлат корпорацияларига берилган қисқа муддатли ссудалар.”

13105-“Хусусий корхоналар ва нодавлат корпорацияларига берилган муддати ўтган ссудалар.”

13109-“Хусусий корхоналар ва нодавлат корпорацияларига берилган қисқа муддатли, шартлари қайта кўриб чиқиладиган ссудалар.”

Суда берилаётганда корхонанинг ҳисоб-китоб ҳужжати тўланаётган бўлса, пул ўтказилиши лозим бўлган мол сотовучи ёки хизмат кўрсатган корхона ҳисоб варагига ссуда суммаси ўтказилади. Пул туширилиши лозим бўлган корхонага бошқа банк бўлими хизмат кўрсатса ссуда суммаси ссуда бераётган банкнинг вакиллик ҳисоб вараги орқали тегишли банкга ўтказилади.

Суда бераётганда қўйидаги бухгалтерия проводкаси амалга оширилади.

Дебет 13101 Хусусий корхоналар ва нодавлат корпорацияларига берилган қисқа муддатли ссудалар.

Кредит 10301 Банкнинг вакиллик ҳисоб вараги ёки маҳсулот сотовучи корхона ҳисобвараги.

13101 ҳисобваракида банк томонидан хусусий фирмалар ширкатлар ва жамоа хўжалиги ҳамда корхоналари нодавлат корпорациялар ва шу каби хусусий мулкчилик шаклига эга бўлган корхоналарга берилган қисқа муддатли ссудаларнинг ҳисоби юритилади. Бу ҳисобрақам бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қарздор ва ссуда турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисоб варакаларда олиб борилади.

Суда оловчи ва банк ўртасидаги тузилган кредит шартномасига биноан ссуданинг қайтариш муддатлари белгиланади. Суданинг қайтариш муддати тугагандан сўнг суда қайтариш бўйича бухгалтерия проводкалари қўйидаги кўринишда бўлади.

Дебет 20208 -Суда олган хусусий корхонанинг талаб қилгунча сақланадиган ҳисоб вараги.

Кредит 13101 Хусусий корхоналар ва нодавлат корхоналарига бериладиган қисқа муддатли ссудалар.

Бу бухгалтерия проводкаси мижознинг талаб қилгунча сақланадиган депозит бўйича ҳисобварагида ссудани қайтариш учун етарли пул маблағлари бўлган ҳолда амалга оширилади. Агар қарздорнинг қарзни қайтаришга маблағи

бўлмаса, ссуда суммаси, 13101 “Муддати ўтган хусусий корхоналарга ва нодавлат корпорацияларига берилган ҳисоб варағи”га ўтказилади.

Бу операция бўйича қуидаги бухгалтерия проводкаси амалга оширилади.

Дебет 13105 Хусусий корхоналарга берилган муддати ўтган қисқа муддатли ссудалар .

Кредит 13101 Хусусий корхоналарга берилган қисқа муддатли ссудалар.

Қайтариш муддати келганда тўланмаган ва шундан сўнг 90 кун ўтгандан сўнг қайтиб келмаган ссудалар 13109 “Хусусий корхона ва нодавлат корпорацияларга берилган қисқа муддатли шартлари қайта кўриб чиқиладиган ссудалар” баланс ҳисоб варағига ўтказилади.

Корхона ҳисобвалағига пул келиб тушгандан сўнг ссудани қайтариш бўйича бухгалтерия проводкалари бажарилади.

Шундай қилиб, кредит берилганда:

Дебет -13 101

Кредит- 10301

Кредит қайтарилаётганда,

Дебет-20208

Кредит-13101

тариқасида банк проводкаси амалга оширилади.

4-§. Қисқа муддатли кредитни ўз вақтида қайтарилишини таъминлашда банк назоратининг роли.

Тижорат банки ўзи хизмат кўрсатаётган мижозлар фаолияти тўғрисида доимий ахборотга эга бўлиши, унинг кредит қобилиятини, тўлов интизоми аҳволини таҳлил қилиб бориши, яъни «маълумотлар банки»ни барпо этиши лозим. Кредитлаш жараёнида кредит шартномаси шартларини бажаришга қарз олувчи олинган кредитдан самарали фойдаланишига, уни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришига, кредитдан фойдаланиладиган бутун давр мобайнида қарз олувчи билан яқин алоқа сақлаб туришга қаратилиши лозим. Шу мақсадда мижознинг хўжалик молиявий ҳолати, унинг тузилган шартномаларга номувофиқ маҳсулот етказиб бериши борасидаги ўз мажбуриятларини, ишлаб чиқариш ҳажмларини қандай бажараётгани, йўл қўяётган бехуда харажатлар ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, олаётган фойдаси, ўз айланма маблағлари қўпайиши динамикаси, товар-моддий бойликлар захиралари ҳамда айланма маблағлари айланишини аҳволи таҳлил қилиб турилади.

Банк ҳар чоракда мижознинг кредит қобилиятини ҳисоблаб чиқиб қарз олувчи бўйича тутилган маҳсус йиғма - жилдда бу маълумотларни тўплаб боради.

Жойнинг ўзида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ишларининг аҳволи, баланс маълумотларининг тўғрилиги ва дебиторлик-кредиторлик қарзларининг ҳолати, шунингдек, банкка берилган гаров ҳолати текшириб турилади. Қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашган, у банк назоратидан бўйин товлаган, ҳисобот маълумотлари нотўғри олиб борилган, бухгалтерия ҳисоби ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ҳоллари аниқланганда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, банк бундан буён кредит беришни тўхтатишга ҳамда илгари берилган кредитларни таъминот сифатида қабул қилинган ва кредит шартномаси шартларида кўзда тутилган мажбуриятлар орқали қарз олувчининг ўз маблағлари ҳисобидан муддатидан олдин ундириб олишга ҳақли.

Гаров тўғрисидаги шартнома бўйича, банк гаровга қўйилган мулкни мустақил равишда сотиши мумкин. Гаров предмети аукцион орқали сотилади. Айни пайтда, қарз олувчи банкка гаровга қўйилган мулк олдиндан маълум паст нархларда сотилиши учун жавобгарлик тўғрисида талаб қўйишга ҳақли. Агар аукцион бўлиб ўтмагани эълон қилинса, банк гаровга қўйилган мулкни дастлабки нархда ўз ихтиёрида қолдиришга ҳақли. Бунда, банк қонунга мувофиқ унинг талаблари олдида устунликка эга бўладиган даволарни қолдиришга мажбур.

Бундай ҳолларда банк мажбурияти шу мулкнинг аукцион учун дастлаб белгиланган нархи суммасидан ошмаслиги зарур.

Гаров предметини сотишдан олдин сумма кредитини қоплаш учун етарли бўлмаган ҳолларда, банк, агар шартномада бошқа шарт кўзда тутилмаган бўлса, етишмаётган суммани қарздорнинг бошқа мулки ҳисобидан қонунда кўзда тутилган навбатдаги тартибда олиш ҳуқуқига эга.

Гаров предметини сотишдан тушган сумма қайтарилимаган кредит ҳажмидан ортиқ бўлса, банк ўртадаги бу тафовутни бир ой ичидаги қарз олувчига тўлаши шарт.

Агар қарз олувчи тўлов муддати келгандан сўнг 90 кун ичидаги кредит шартномасига мувофиқ қарзни тўлаш бўйича мажбуриятларни бажармаса банк «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, тўловга лаёқатсизлик тўғрисида иш қўзғаш учун хўжалик судига мурожаат қилиш керак.

Тижорат банклари амалдаги Низомга мувофиқ кредит портфели сифатини мунтазам равишда таҳлил қилиб боришлари, ҳар бир кредит билан боғлиқ риск даражасини таснифлашлари ҳамда уни қуидаги 5 та тасниф разрядидан бирига киритишлари лозим:

- а) яхши
- б) стандарт
- в) субстандарт
- г) шубҳали
- д) умидсиз

Тижорат банки қарз бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун резерв барпо этиши шарт. Бу резервга маблағлар амалдаги тартибга мувофиқ киритилади. Қарзлар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун резерв хўжалик органларга берилган кредитлар таҳлили ҳамда банк фаолиятининг риск даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни белгилаш асосида ташкил қилинади. Резерв ҳажми амалдаги қарздорлик риск ҳужжати ёки гуруҳига боғлиқ бўлади. Тижорат банклари резерв ҳажмини ҳисобот ойининг ҳар биринчи куни учун амалдаги тартибга асосан ҳисоблаб чиқадилар. Берилган қарзлар киритилган «risk гуруҳи» ёмонлашган тақдирда қарзлар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун резервга ажратмалар ҳар ойда ўтказиб борилади. Банк олдидағи ўз мажбуриятларини бажармаган қарз олувчига нисбатан банк кредит шартномаси шартларига кўра қуидаги хуқуқларга эга:

- агар у келишилган муддатларда банк тавсияларини бажармаса, кредитлаш тўхтатилиб, уни қайтариб олиш тўғрисида огоҳлантирилган даъво хати юбориш;

- кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ўз вақтида тўланмаган, шунингдек кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтарилиши эҳтимолдан узоқ бўлган ҳолларда, қарз олувчига банкротлик тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган жазо чоралари қўлланиши ҳақида огоҳлантириш берилган даъво хати юборилиб, кредит бўйича қарз қолдини муддатдан олдин ундириб олиш;

- қарз олувчи ҳисоб юритиш ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларини бузганлиги аниқланса, кредитлашни тўхтатиш ва бу ҳақда солиқ инспекциясига хабар бериш, шунингдек, ундан ҳисоб ва ҳисобот қоидалари бузилиш сабаблари тўғрисида изоҳ берилиши, уларни тугатиш юзасидан қандай чоралар кўрилаётгани билдирилишини талаб қилиш.

Кредитни ўз вақтида қайтариш борасидаги мажбуриятларни бажараётган қарз олувчи ўзининг тўловга лаёқатсизлиги тўғрисида матбуотда эълон бериши, банк эса бу ҳақда солиқ инспекциясига хабар қилиши керак. Банк хўжалик

судига мурожат қилиб, бундан буён қарз олувчи банкрот деб танилишини сўрашга ҳақлидир.

Қарз олувчи тўловга лаёқатсиз ёки банкрот деб эълон қилинганда унга янги қарзлар бериш тўхтатилади, илгари берилган кредитлар эса муддатидан олдин ундириб олинади. Тўловлар навбати «Банкротлик тўғрисида»ги қонунга мувофиқ белгиланади. Қарз олувчи банкрот деб эълон қилинган вақтдан бошлаб уни қуийдагилар билан боғлиқ операциялари тўхтатилади:

- мулкни бегоналаштириш ва бериш;
- мажбуриятларни қоплаш;
- ҳисоб-китобдаги ҳаражатлар;
- дивидендлар, солиқлар, тўловлар тўлаш.

Тўловга лаёқатсиз қарз олувчининг барча қарз мажбуриятлари тугаган ҳисобланади ва унга янги талаблар билдирилишига йўл қўйилмайди. Бундай қарз олувчининг барча турдаги қарзларига пеня ва фоизлар қўйиш тўхтатилади. Унинг мулкини сотиб, пул ундириш борасидаги барча чеклашлар бекор қилинади. Мулкий ёки молиявий тусдаги ҳамма талаблар фақат тугатиш жараёни доирасида ҳал қилинади. Бунда банк талаблари иккинчи навбатда қаноатлантирилади.

Мулк етарли бўлмагани туфайли қондирилмаган қарз мажбуриятлари қаноатлантирилган ҳисобланади ва белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади. Кредитдан қўзланмаган мақсадларда фойдаланганлик учун қарз олувчи банкка кредит шартномасида белгиланган ҳажмда жарима тўлайди.

Банк эса ўз навбатида, тузилган шартномага мувофиқ қарз олувчини кредит ресурслари билан таъминлаши шарт.

Банк ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда қарз олувчига шартномада кўзда тутилган миқдорда жарима тўлайди.

5-§. Кредит мониторинги ва уни амалга оширилиши

Назоратдан фарқли кредит мониторинги кредитлар ҳолатини доимий кузатиб боришини қўзда тутади.

Умуман, кредитлаш операциялари тижорат банкларининг ўз кредит сиёсатлари асосида, Марказий банкнинг кредит сиёсатига қўйилган талабларидан келиб чиқсан ҳолда олиб борилади. Кредит мониторинги кредит сиёсатининг ажралмас таркибий қисми бўлиб мижозларга берилган кредитларнинг қайтарилишини, қолаверса, банкларнинг асосий даромад манбаларидан бири ҳамда энг рискли операцияси бўлган кредитлаш банкнинг рақобатбардошлигини, рентабеллигини қисқача ифодалаганда, банкнинг келажагини таъминлайди.

Кредит мониторинги берилган кредитларни қайтарилиши ва уни таъминлаш борасида қабул қилинадиган ишловлар ва чора-тадбирлар тизимиdir. Кредитлар кредит қўмитасининг қарори асосида, белгиланган меъёрий шартлар асосида, алоҳида ссуда ҳисобрақамини очиш ва ушбу ҳисобрақамдан қарз олувчининг тўлов топшириқномаси асосида моддий товар бойликлар учун нақд пулсиз ўтказиш йўли билан қарз берилади. Тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторинг амалга оширилади ва у қарз олувчи томонидан унинг лойиҳаси ва кредит шартномаси шартларининг амалга оширилишига ҳар томонлама қўмаклашишига қаратилган бўлиши лозим.

Мониторинг жараёнида кредит олган мижознинг хўжалик молиявий фаолияти, унинг тузилган шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажариши, ишлаб чиқариш ҳажмлари, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, фойда ва даромад мутаносиблиги, ўз айланма маблағлари мавжудлигининг динамикаси, товар-моддий бойликлар заҳиралари аҳволи, айланма маблағларнинг айланиши таҳлил қилинади. Банк қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги бўйича доимий мониторингни амалга оширади ва унинг кўрсаткичларини қарздорнинг кредит пакетига тикиб боради.

Булардан ташқари банкка тақдим этилган гаровнинг ҳолати ва кредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиши кредит шартномасида келишилган шартларга мувофиқ гаров объекти фаолият жойининг ўзида ўрганилади.

Курилишни молиялаштириш учун берилган кредитлар бўйича банк мониторинг жараёнида кредитланган объектда кредит шартномасида қайд этилган муддатлар ва шартлар асосида бажарилган ишлар ҳажмининг назорат ўлчовини амалга оширади.

Берилган кредитлардан бошқа мақсадларда фойдаланганлик ҳолати аниқланганда, банк кредит шартномасида белгиланган тартибда, кредитнинг мақсадга номувофиқ ишлатилган қисмини қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамидан муддатдан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга. Қарз олувчи томонидан асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилемаса, банк Фуқаролик

кодексининг 280-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ мустақил равишда судга мурожаат этмасдан, гаров предметини тасарруф қилиш хуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 22 февралда тасдиқланган, 432-сонли «Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан кредит мониторинги фаолиятида қўлланиладиган ҳужжатлар келтирилган. Унга кўра, тижорат банклари ҳар бир берилаётган ёки олинаётган кредитлар бўйича кредит пакетига қуйидаги ҳужжатларни илова қилиш лозим:

- қарздорнинг молиявий аҳволи ва тўловларни ўз вақтида амалга ошириши имкониятларини текшириш мақсадида тегишли шартномалар тузилганидан сўнг банк ва қарздор ўртасида юз берган муаммоларни акс эттирувчи ёзишмалар ва ҳужжатлар;
- кредит таъминоти сифатида берилган мулкни текшириш ҳужжатлари;
- қарздор кафилининг молиявий аҳволини акс эттирган барча ҳужжатлар;
- кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминловчи ҳужжатлар;
- қарздор тўловларни амалга оширмаган ҳолда банк томонидан кўрилган чора-тадбирларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

Кредитга доир хизмат кўрсатувчи банк ўтказиш тўғрисидаги шартнома шартларига мувофиқ кредитнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини акс эттирувчи ҳужжатларни кредит пакетида юритиши шарт.

Кредит мониторингига қўйиладиган талаблар қуйидагиларни ташкил этади:

- кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим;
- кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар беришлари керак;
- қарздор ёки гаров аҳволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун жуда муҳимдир.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича «тўловсизлик» тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек, банк Бошқаруви ва Кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичига олиши лозим. Ҳисоботларда аҳволнинг ёмонлашиши, яширин сабаблари ва соғломлаштириш режалари батафсил баён этилади. Сиёсат қарзларни қайтаришга доир изчил, босқичма-босқич чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилиши керак. Раҳбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

Кредит мониторинги фаолиятининг асосий тамойили қуйидагиларга асосланиши керак:

1. Турли хил кўринишдаги кредитларнинг даврий назорати. Бу назорат асосан кичик ҳажмдаги кредитлар юзасидан бўлиб, 30 кунлик, 60 кунлик, 90 кунлик назоратлар шаклида бўлади.

2. Кредит назорати босқичларининг дикқат билан қайта кўришни, яъни:

- мавжуд кредит бўйича тўловлар ҳисоби маълумотларининг ишончлилиги;
- кредит таъминотининг ҳолати ва сифати;
- хуқуқий жиҳатдан кредит қайтарилишининг ишончли маълумот — хужжатларининг тўлиқ бўлиши лозим;
- мижознинг банк кредити бўйича молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар ва натижада кредит миқдорининг ортиши ёки қисқартирилиш даражаси;
- берилган кредитнинг банк кредит сиёсатига ва стандартларига мос бўлиши.

3. Муаммоли ссудаларни тез-тез текширилиши.

4. Иқтисодий нобарқарорлик даврида кредитларни тез-тез назорат қилиш ва бошқалар.

Хозирги кунда кредитлаш соҳасида энг асосий муаммолардан бири кредитнинг тўлиқ қайтарилишидир. Бу ўринда кредит мониторинги жуда катта аҳамиятга эга. Кредитларнинг тўлиқ қайтиб келмаслигига асосий сабаб, «кредит танлови»нинг иқтисодий тамойилга мос тушмай қолишидир. Бу йўқотишлар, хатолар бевосита кредит олувчи субъект ҳақида маълумотларнинг етарли эмаслиги ёки объектив эмаслигидан юзага келади. Бунинг учун хориж амалиётида кенг қўлланиладиган ва хозирда Ўзбекистонда ҳам амалиётга тадбиқ қилиниб борилаётган кредит Бюросини ташкил қилиш, унда марказлашган ҳолда, мижозлар ҳақида тўлиқ маълумотлар бера оладиган ахборотлар базасини яратиш ва уни ишончли ва объектив ишлишини шакллантириш банклар учун, иқтисодиёт учун, бир банк инфраструктураси учун катта фойда келтиради. Биринчидан, тезкор маълумотлар асосида банклар ҳамда мижозлар вақтдан ютадилар. Иккинчидан, бу тезкор маълумотлар кредит харажатларини пасайтиради, учинчидан, банк фаолияти оперативлигини, барқарорлигини, салоҳиятини оширади ва албатта, кредит мониторинги ишлари ҳам қисман енгиллашади, хусусан муаммоли кредитларнинг камайиши ҳисобига.

Кредит мониторинги ишларини енгиллаштирадиган яна бирор хусусий ечим кредитларни беришда мижознинг бизнес лойиҳасидан келиб чиқкан ҳолда, лойиҳанинг маркетинг тадқиқотининг ҳаққонийлиги, ҳаётга яқинлиги бўлиши керак чунки янги ишлаб чиқариладиган товарга талаб қанчалик юқори бўлса, лойиҳанинг молиявий натижаси ҳам самарали бўлади. Бу эса, кредитларни тўлиқ қайтарилишини таъминлайди. Зотан, кредит мониторингининг асосий вазифаси мижозга кредитни қайтаришига кўмаклашишдир.

Қўйидаги таянч сўзларга таъриф беринг.

Кредит пакети
Кредит мониторинги
Банк назорати
Бизнес режа
Пул оқими

Қайта молиялаш
Ссуда ҳисобварағи
Дебетлаш
Кредитлаш
Фоиз миқдори

Ўз билимини текшириш учун саволлар.

1. Мижоз кредит олиши учун нима қилиш керак?
2. Кредит пакети деганда нимани тушунасиз, унинг таркибини гапиринг.
3. Кредит бериш қоидасини айтинг.
4. Кредит қандай турланади?
5. Кредитлашда банк назорати қандай амалга оширилади?
6. Кредит мониторинги нима ва у қандай амалга оширилади?
7. Тижорат банкларида кредит ҳужжатларини юритиш қайси меъёрий ҳужжатга асосан олиб борилади?

XIII-БОБ. КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ, УНИНГ МОҲИЯТИ МАЗМУНИ

1-§. Кредит шартномасининг мазмунни ва моҳияти.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банки ва мижоз ўртасидаги кредит муносабатлар кредит шартномасига асосланади. Шу боис банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларни кредитлашни ташкил этишининг асосий хусусиятларидан бири – бу ҳар бир кредит битимининг шартномавий характерга эга эканлигидадир.

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 31-моддасида банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлари шартномалар асосида амалга оширилиши белгиланган бўлиб, амалиётда банклар ва мижозлар ўртасидаги ҳар бир кредит муносабати шартномавий характерга эга.

Банк ва қарз оловчи ўртасида тузилган кредит шартномаси кредит битимининг хуқуқий-иктисодий шартларини аниқлайди. Ба бу шартлар кредит муносабатлари иштирокчиларининг мавқеидан қатъий назар ўзаро манфаатларга асосланган бўлади.

Кредит шартномаси юридик ҳужжат ҳисобланиб, унинг барча пунктлари бажарилиши томонлар учун мажбурийдир. Бу Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси билан белгилаб қўйилган.

Кредит шартномасининг моҳияти шундан иборатки, унга кўра банк (кредитор) шартномада кўрсатилган шартлар асосида ва унда белгиланган миқдорда қарз оловчига пул маблағларини кредитга бериш, қарз оловчи эса кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Кредит шартномасида томонларнинг номланиши, шартноманинг амал қилиш муддати, кредит битимининг предмети ва шартлари, томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, бу мажбуриятларни бажарилишининг хуқуқий кафолатлари кўрсатилган бўлади.

Кредит шартномаси одатда ёзма шаклда тузилади ва керакли шахслар томонидан имзоланади. Ёзма шаклда тузилмаган кредит шартномаси ҳақиқий ҳисобланмайди.

Фуқаролик Кодексининг 744-моддасига асосан **кредит шартномасига** кўра, бир тараф – банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз оловчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул мабалғлари(кредит) бериш, қарз оловчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Кредит шартномаси:

- **икки тарафлама шартномадир**, яъни ҳар икки тараф тегишли хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади;
- **ҳақ эвазига тузиладиган шартномадир**, яъни қарздор кредиторга кредит олганлиги учун фоиз, маржа, комиссия кўринишида ҳақ тўлаши лозим;
- **консенсуал шартномадир**, яъни у кредит шартномаси тарафлар томонидан имзоланиши биланоқ тузилган ҳисобланади ва кучга киради, бироқ

берилган кредитга фоизлар шартнома тузилган кундан эмас, балки ҳақиқатда кредит маблағларидан фойдаланилган давр учун тўланади;

- **хўжалик шартномасидир**, чунки кредит шартномаси асосан тадбиркорлик фаолиятига мансуб соҳаларда тузилади.

Кредит миқдори ва унинг қайтарилиш муддати, фоиз миқдори ва уни тўлаш муддати, кредитнинг мақсади ва бошқалар кредит шартномасининг мухим шартлари хисобланади.

Тижорат банки ва мижоз ўртасидаги кредит муносабатлари кредит шартномага асосланади. Ривожланган давлатлар банк тизимида ҳар қандай кредит муносабатлари унда иштирок этувчи томонларнинг мавқеидан қатъий назар ўзаро манфаатли шартномалар асосида амалга оширилади. Кредит шартномада қўйидаги асосий шартлар кўрсатилади.

1. Кредитнинг мақсади.

Тижорат банки учун кредитнинг қандай мақсадларга сўралаётганлиги мухим ҳисобланади. Шартномада кредитнинг қайси мақсад учун ишлатилиши кўрсатилади. Кредитни қайси мақсад учун ишлатилишини корхоналар ўзларининг бизнес режасида кўрсатиб ўтишлари шарт. Бизнес режада кўрсатилган мақсад бўйича кредит суммаси ўтказилиб берилади ва корхонанинг кейинги фаолияти ҳам банк томонидан шартнома асосида назорат қилиб борилади. Тармоқлардаги ўзаро номутаносибликлар, ўша тармоқда фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг ҳолатига кучли таъсир кўрсатади. Тижорат банки мана шу омилларни ҳисобга олиши керак.

2. Кредит суммаси.

Кредит шартномасида кредитнинг суммаси мижознинг гаровга қўйган мулкининг 120 фоизи миқдорида ёки кафолатланган сумма миқдорида белгиланиб кўрсатилади. Тижорат банки мижоз аризасида кўрсатилган суммани ҳар томонлама асослаб бериши керак. Одатда мижозлар ўз имкониятларини максимал даражада баҳолаб келадилар. Тижорат банклари керакли ҳолларда кредитланаётган объектни тўла ўрганиб чиқиш учун мутахассисларни жалб қилиши мумкин.

3. Кредитнинг фоиз ставкаси.

Хозирги кунда кўпгина тижорат банклари қайта молиялаш ставкасини ва жалб қилган ресурсларининг баҳосини ҳисобга олган ҳолда ўзларининг кредит сиёсатига мувофиқ мустақил ўрнатади.

4. Кредитни қайтариш муддати.

Шартномага асосан кредитдан фойдаланиш муддати келганда кредит олган корхона муддатида кредитни қайтармаса, муддати ўтган қарз ҳисоб рақамига чиқарилади. Ҳар ойнинг биринчи кунига ҳар ой учун олинадиган фоиз суммасини ўз вақтида тўлаб бормаса, муддати ўтган фоиз ҳисобланиб борилади. Кредит учун олинадиган фоиз бир неча марта муддати ўтган фоиз ҳисоб рақамига чиқса, банк кредитни муддатидан олдин ёпишга фармойиш беради. Барча ссуда операциялари шу ҳисоб рақам орқали олиб борилади. Кредит суммаси банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан вакиллик ҳисоб рақами орқали тўлаб берилади.

Республикамизда қисқа муддатли кредитлаш ва умуман тижорат банклари томонидан кредит бериш “Банклар ва банк фаолияти тұғрисида”ги Қонунга асосан олиб борилади. Банклар томонидан кредит бериш кредитлашнинг асосий тамойиллари асосида амалга оширилади. Улар қуйилагилардан иборат:

1. Кредитнинг мақсадлилиги.
2. Кредитнинг таъминланганлиги.
3. Кредитнинг муддатлилиги.
4. Кредитнинг қайтарилиши.
5. Кредитнинг түловлилиги.

Кредитнинг ушбу тамойиллари ва мижознинг баланси асосида молиявий ахволи ва кредитга лаёқатлилиги аниқланиб мижоз билан банк ўртасида кредит шартномаси тузилади.

Кредит шартномаси хуқуқий жиҳатдан бир қатор хусусиятларга эга. Ўзининг хуқуқий табиатига кўра кредит шартномаси томонларнинг мақсадларини ва шу мақсадларнинг амалга ошишини бирлаштиради. Мақсад сифатида кредит шартномаси банкнинг маълум шартлар асосида ссуда бериш розилиги ва қарз олувчининг уни маълум даврдан сўнг қайтариб беришга тайёрлигини акс эттиради. Мақсадларнинг бажарилиши сифатида кредит шартномаси ссуда бериш ва тўлаш бўйича аниқ ҳаракатни кўзда тутади. Мижознинг ссудани қайтариш бўйича мажбуриятлари шартномани имзолашдан олдин амалга оширилган бўлса ҳам, фақатгина ссуда олингандан сўнг пайдо бўлади. Кредит шартномаси, шунингдек, кредит битимининг иқтисодий шартларини тартибга солади. У бир томондан мижоз талабининг тўлароқ ҳисобини, иккинчи томондан эса, банкни кредит рискидан сақлашнинг мувофиқ механизмини таъминлаб беради.

Ҳар бир кредит шартномасида унинг предметини аниқловчи пункт бўлади. Лекин унинг таркиби мижозлар талабига қараб турлича бўлиши мумкин.

Кредит шартномаси қарз шартномасининг бир тури ҳисоблансада, у қарз шартномасидан фарқ қиласи. Бу фарқни қуидаги жадвалда кўриш мумкин.

Кредит шартномаси (Фуқаролик кодексининг 744-748-моддалари)	Қарз шартномаси (Фуқаролик кодексининг 732-743-моддалари)
Асосан банклар, бошқа кредит ташкилотлари кредит бериши мумкин	Барча жисмоний ва юридик шахслар бошқа шахсларга қарз бериши мумкин
Банкдан кредит сифатида фақат пул маблағлари берилади.	Қарз сифатида эса пул маблағлари ва бошқа ашёлар берилиши мумкин
Доимо ёзма шаклда тузилиши керак	Баъзи ҳолларда қарз шартномаси оғзаки шаклда ҳам тузилиши мумкин
Кредит шартномаси консенсуал шартномадир	Қарз шартномаси реал шартномадир, яъни у пул ёки ашёлар қарз олувчига топширилиши

	билин тузилган ҳисобланади.
Кредитор томонидан қарз олувчига, ҳатто шартнома тузилгандан кейин хам кредит суммаси бутунлай ёки қисман берилмаслиги мумкин	Қарз берувчи қарз олувчига қарз суммасини беришдан бош тортишга ҳақли эмас, чунки қарз суммаси берилмаган тақдирда, қарз шартномаси тузилмаган бўлиб қолади.

Банк билан мижоз ўртасида кредит шартномасини тузишда барча шартномалар учун зарур бўлган қуидаги асосий талаблар инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин:

1) барча ҳуқуқ ва манфаатларни тўлиқ ҳимоя қилиш имконини берувчи, барча ҳолат ва вазиятлар учун тўғри келувчи **универсал шартномалар шакли мавжуд эмас**. Барча ҳолат ва вазиятларни ўз ичига қамраб оладиган шартнома шаклини ишлаб чиқиш имкони йўқ;

2) шартнома (бизнинг ҳолатда кредит шартномаси) – **индивидуал** характерга эга бўлган расмий юридик хужжатdir.

3) Аниқ кредит шартномасини тузишда, кредит олиш учун мурожат қилган мижозларга алоҳида (индивидуал тарзда) ёндашиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва кредитланаётган лойиҳанинг хусусиятига эътибор берилиши мақсадга мувофиқdir;

Шартнома тузиш жараёнига юридик ва иқтисодий жиҳатдан пухта, аниқ, талаб даражасида ижодий ёндашиши керак.

2-§. Кредит шартномасининг таркибий қисмлари

Кредит шартнома таркиби қонунда белгиланмаган. Кредит шартномасини тузишда бир қанча талабларни бажариш керак:

- 1) кредит мақсадли бўлиши шарт;
- 2) кредитнинг суммалари аниқ белгиланган бўлиши шарт;
- 3) кредитни қоплаш тартиби аниқ кўрстилган бўлиши лозим;
- 4) кредит муддати кўрсатилиши шарт;
- 5) кредитнинг таъминланганлиги асосланган бўлиши лозим;
- 6) кредит фоизлари кўрсатилиши лозим ва бошқалар.

Кредит шартноманинг таркиби одатда қўйидаги қисмлардан иборат бўлади:

- кириш қисм - умумий ҳолат – шартнома предмети – кредит бериш мақсади, шартлари - ҳисобланиш шартлари ва таркиби – томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари – бошқа шартлари – юридик манзиллари, реквизитлари, томонлар имзолари.

Бу шартларнинг ҳар бирини банк кредит бўлимларининг ходимлари чукур билишлари зарур. Чунки бу шартлардан бирортасининг асоссиз белгиланиши кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилимастилигига олиб келиши мумкин. Ҳар бир кредит шартномаси шаклига кўра қўйидаги тўртта асосий тамойилларга асосланади:

- мустаҳкам ҳукуқий асос;
- шартнома тузиш эркинлиги;
- томонларнинг ўзаро манфаатдорлиги;
- шартнома шартларининг келишилганлиги.

Кредит шартномасининг ҳукуқий асосини қонунлар, банк фаолиятига оид бошқа юридик ва меъёрий хужжатлар ташкил этади.

Кредит шартномасини тузиш эркинлиги мижозни ссуда олмоқчи бўлган банкни танлаш эркинлигига ва банкнинг шу мижозга кредит бериш масаласини ечиш эркинлигига ўз аксини топади. Иккала томон шартномавий муносабатларга ўз хоҳишларига кўра кирадилар.

Томонларнинг бир-биридан ўзаро манфаатдорлиги кредит шартномаси шартларини келишиш имкониятини билдиради. Ҳар бир томон ҳам ўз манфаатларини қондирувчи оптималь варианти топишга ҳаракат қиласади.

Кредит шартномаси таркибини шакллантиришда муҳим ва ёрдамчи шартларнинг бор эканлигига аҳамият бериш керак.

Муҳим шартлар деганда, биз кредит шартномасини тузиш имкониятини аниқловчи шартларни тушунамиз. Уларга томонларнинг номи, шартнома муддати, предмети ва суммаси, ссудани бериш ва қайтариш тартиби, ссудадан фойдаланиш баҳосининг даражаси, кредит қайтарилишинг таъминланганлиги, томонларнинг жавобгарлиги киради.

Қўшимча шартлар кредит қайтарилишини таъминлашга, қўшимча гаровни яратишга қаратилган бўлади. Улар аниқ бир қарздорлар учун қўланилади ва қўйидагиларни ўз ичига олади:

- қарздорнинг аниқ бир кредитга лаёқатлилик даражасига эришиш мажбурияти;
- ҳисоб ва ҳисоботнинг зарурий ҳолати;
- гаровга қўйилган мулкни сақланганлиги;
- банк назорат қоидаларига риоя қилишлик;
- банк рухсатисиз корхонани қайта ташкил этишни таъқиқланганлиги ва бошқалар.

Юқорида кўрсатиб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда, кредит шартномасининг умумий схемаси қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

1. Шартнома мақсади
2. Банк ҳуқуқлари
3. Қарз олувчининг ҳуқуқлари
4. Банк мажбуриятлари
5. Қарз олувчининг мажбуриятлари
6. Шартноманинг амал қилиш муддати
7. Бошқа шартлар
8. Томонларнинг юридик манзили ва имзолари.

Шартнома бошланишида иштирокчиларнинг юридик шахс сифатидаги реквизитлари: қарз олувчи учун – номи, бўйсунгандиги, ҳисоб-китоб варағи номери; банк учун эса унинг номланиши, улар томонидан иш кўрувчи шахслар мансаби, исми, фамилияси, отасининг исми кўрсатилади. Бу бўлимда, шунингдек, мижознинг ҳуқуқий шаклини: у алоҳида корхонами ёки ташкилотми(ширкат, корпорация) кўрсатиш керак (-илова).

1- “шартнома мақсади” бўлими кредит битими объективни сифат ва миқдор тавсифини акс эттиради.

Кредит битими объективнинг сифат тавсифи ссуданинг мақсадли йўналтирилганлигини кўрсатади. Шуларга кўра кредит тури қуйидагича тавсифланади:

- 1. Мақсадига кўра кредит.**
 - кундалик ишлаб чиқариш талабларини;
 - савдо-воситачилик эҳтиёжларини;
 - инвестиция эҳтиёжларини;
 - истеъмол эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади.
- 2. Иқтисодий таркибиغا кўра**
 - тўловга маблағ етишмаслиги;
 - товар-моддий бойликларини шакллантириш;
 - қимматли қоғозларни сотиб олиш;
 - ишлаб чиқариш харажатлари;
 - кўчмас мулк сотиб олиш ва бошқалар учун берилган кредитлар.
- 3. Объект умумлашувига кўра кредит**
 - йириклишган;
 - жамланган (йиғма);
 - алоҳида эҳтиёжга мўлжалланган бўлиши мумкин.

Шартнома мақсади бўлимида кредит битими объекти ва шунингдек кредит суммаси кўрсатилади. У кредитлашнинг миқдорий чегарасини характерлайди. Кредит агарда кредит линияси очиш тартибида берилаётган бўлса, унинг даражаси ойларга бўлинган ҳолда кўрсатилади.

Иккинчи бўлим ссудани бериш ва қайтариш тартиби ва у бўйича банк хуқуқларини ўз ичига олади. Йириклишган ёки жамланган объектни кредитлаш систематик тарзда амалга оширилади ва шунинг учун кредит бериш айни тўловлар амалга оширилаётган пайтда ҳисоб-китоб варағидан ўтмаган ҳолда бажарилади. Кредитни қайтариш ҳам ҳудди шундай систематик тарзда ҳисоб-китоб варағидан томонлар келишилган муддатларда амалга оширилади.

Кредит шартномасида банкнинг қуйидаги хуқуқлари белгиланади:

- қарз олувчидан кредитни ишлатишини назорат қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бухгалтерия ва статистика ҳисботларини олиш;
- берилган кредитлар учун фоизлар олиш;
- шартнома шартларига амал қилинмаган ҳолларда шартномани бекор қилиб, кредит беришни қисман ёки тўлиқ тўхтатиш ва берилган кредитларнинг муддатидан олдин фоизлари билан ундириб олиш;
- қайта молиялаш фоизи ўзгарган ҳолда кредит учун фоизларни ўзгартириш;
- шартнома муддатини узайтириш сабабларини тасдиқловчи хужжатларни талаб қилиш;
- шартномада кўрсатилган бошқа хуқуқлар;
- кредит бўйича қарздорлик жадвал бўйича муддати ўтган қарздорликка ўтказилгандан сўнг мижознинг ҳисобрақамига пул маблағи бўлганда ва келиб тушган ҳолатда кредитнинг асосий суммасини қайtариш мақсадида мижознинг розилигисиз унинг ҳисоб рақамидан чегириб олиш. Бу ҳолда банк қарз олувчига ҳисоб рақамидаги маблағлар кредит бўйича қарзни қондиришга қаратилиши тўғрисида ёзма хабар беради. Қарз олувчининг ҳисоб рақамида маблағи бўлганда ва маблағ келиб тушган ҳолда банк томонидан кредит бўйича қарздорлик мижознинг розилигисиз мемориал ордер билан чегириб олиниши амалга оширилади.
- қарздорнинг пул маблағлари етишмаган тақдирда кредит бўйича қарзларни қарздорнинг розилигига кўра унинг ликвидли мол-мулки ҳисобидан ёки хўжалик суди орқали қарздорнинг мол-мулкига қаратиш йўли билан ундириш;
- кредит қарз олувчи томонидан муддатида қайtарилмаган ҳолда қайtарилмаган асосий қарз суммаси бўйича фоиз тўлов даражасини қуйидаги тартибда ошириш:
 - а) кредит суммаси муддати ўтган қарздорликка чиқарилгандан сўнг 60 кун ичida кредит шартномасида кўrсатилган фоиз тўлови даражасининг 1,5 баравар миқдорида;
 - б) кредит суммаси муддати ўтган қарздорликка чиқарилгандан сўнг 1 ой ичida кредит шартномасида кўrсатилган фоиз тўлови даражасидан 1,3 баравар миқдорида;

в) 60 кундан сўнг Марказий банкнинг қайта молиялаш даражаси миқдорида фоиз тўловларини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 425-сонли тартиби асосида тадбирлар амалга оширилганда фоиз ҳисоблаш балансдан ташқари ҳисоб рақамлар орқали амалга оширилади;

Қарз олувчи тўловга қобилиятсиз деб белгиланганда, бизнес режада кўрсатилган пул оқимлари тушуми муддатида таъминламай банк олдида қарздорликларни юзага келтирганда, у томонидан кредитнинг таъминланиши бўйича мажбуриятлари бажарилмаганда, кредитнинг асосий қарзи ёки унга тегишли фоиз тўловлар ушбу шартномада кўрсатилган муддатларда тўланмаганда, қарз олувчи томонидан кредитнинг ишлатилиши мажбуриятлари бузилганда, қарз олувчи томонидан ҳисботлар мунтазам тақдим этилмаганда ёки улар аниқ бўлмаганда, банк ходимларига бирламчи ҳисботлар ва муҳосиблик хужжатларини ўрганишга рухсат берилмаганда, кафил ташкилотнинг молиявий ҳолати ёмонлашганда, ташкилотнинг тугатилиши ёки банкрот бўлиши ҳолати келиб қолганда, гаровга олинган мулк саклаш ҳолати талабга жавоб бермаган ҳолларда банк қуидаги хукуқларга эга:

- ушбу кредит шартномасида қайд этилган кредитни қарз олувчига тўлиқ ёки қисман беришни рад этиши;
- берилган кредит ва у бўйича фоиз тўловларини муддатидан олдин ундириш, шу жумладан, ушбу шартномада белгиланган кредит таъминоти ҳисобидан ундириш;
- таъминот турини бошқа ликвид турига алмаштирилишини талаб қилиши мумкин.

Алоҳида обьектларни кредитлаш эса ўзгача механизмга эга бўлиб, у кредит шартномасида белгиланган бўлиши керак. Масалан, кредитни бериш ва қайтариш тўлиқ суммада ёки қисмларга бўлиб бажарилиши мумкин. Мувофиқ тарзда кредит бериш ва қайтаришнинг сумма ва муддатлари кўрсатилиши керак. Ссудани бериш маблағлари тўғридан-тўғри тўловларни бажаришга йўналтириш йўли билан, шунингдек маблағларни ҳисоб-китоб варағига ўтказиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Кейинги ҳолатда ссуданинг мақсадли йўналтирилганлигини таъминловчи механизм бўлиши керак. У ўз ичига: а) мижознинг ссуданинг мақсадли йўналтирилганлиliga риоя этиш мажбурияти; б) берилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан банк назорати шаклини олади.

Кредит шартномасининг 3-бўлимида қарз олувчининг хукуqlари кўрсатилади.

Мижоз қуидаги хукуқларга эга:

- кредит шартномасида назарда тутилган миқдорда ва муддатда кредитни олиш;
- шартномага асосан ёки кредитор қарши бўлмаса, кредитни муддатидан олдин қайтариш;
- шартномага амал қилинмаса кредит шартномасини бекор қилиш;
- кредит шартномаси муддатини узайтириш ва қайта молиялаш ставкасига асосан кредит фоизини ўзгартиришни талаб қилиш;

- кредит шартномасида кўрсатилган бошқа ҳукуқлар.

Кредит шартномасининг 4-бўлимида банкнинг мажбуриятлари акс этади. Банк мажбуриятларига мижозга ссуда варағини очиш, ссудаларни керакли сумма, кўриниш ва аниқ муддатларда беришни киритиш мумкин. Банк мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- ўз вақтида кредитни бериш ва пул ҳисоб ҳужжатлари бўйича тўловларни амалга ошириш;
- кредит шартномасига биноан кредитларга фоиз ҳисоблаш;
- кредитни ва унга фоизларни муддатидан олдин ундириш ҳолларида қарздорга маълумот бериш;
- норматив ҳужжатларнинг ўзгариши тўғрисида мижозни хабардор қилиб туриш;
- шартномада кўрсатилган бошқа мажбуриятлар.

Бу мажбуриятларни бажармаганде банк мижозга жарима тўлаши кўзда тутилган бўлади (одатда ҳар бир кечикирилган кун учун 0,01 фоиз миқдорида). Шунингдек, банк кредит беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш ҳукуқига эгадир. Агар қарз олувчи уни қайтара олмаслиги тўғрисида маълумотлар бўлса, берилган кредит банк томонидан муддатидан илгари ундирилишининг сабаблари тўғрисида қарз олувчига ёзма хабар бериш;

- қарз олувчининг ҳисобварағига маблағ келиб тушган сана инобатга олинган ҳолда берилган кредитлар бўйича кунлик фоиз тўловларини ҳисоблаш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш бўйича киритиладиган ўзгаришлар бўйича қарз олувчига хабар бериш ва бошқалар.

5-бўлим мижознинг мажбуриятларига бағишланиб, бу бўлимда қўйидаги мижозлар кредит ва фоизларнинг ўз вақтида ва тўлиқ кўрсатган, қайтарилишига йўналтирилган кредитларнинг мақсадсиз ишлатилиши аниқланган ҳолларда, мақсадсиз ишлатилган сумманинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлаш ва ушбу шартноманинг 1-бандида кўрсатилган кредит суммасининг тўлиқ қайтарилишини;

- қарз олувчи корхона раҳбари инвестиция лойиҳаларини (бизнес-режа) техник-иқтисодий асосланганлиги, ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва ишончлилиги, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослаш параметрларини ва бизнес-режаларни амалга оширилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради, бизнес режа бўйича кўзда тутилган пул оқимларини график бўйича тушишини таъминлаши;

- банкка гаровга берилаётган кўчмас мулк ва моддий бойликлар суғурта идораларида суғурталанган ва кредит шартномаси юридик кучга эга бўлиши учун ҳаракатдаги Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан нотариал идораларда тасдиқланган ва давлат рўйхатидан ўтган бўлиши шарт.

Банкка гаровга берилаётган кўчмас мулк ва моддий бойликларнинг яхлитлигини сақлаш юзасидан тўлиқ моддий жавобгар бўлиши (кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар) уларни сотиб юбормаслиги ва бошқа учинчи шахсга бермаслиги шарт. Кафолатчи ташкилотнинг молиявий ҳолати ёмонлашганда, тугатилиши ёки банкротлик ҳолатига келиб қолиш

ҳолатлари рўй берганда, кредит таъминотига берилган мулк ҳолати ёмонлашганда, банк талабига биноан олинган кредит ва фоизларни муддатидан олдин узиш ёки таъминотини бошқа ликвид таъминотга алмаштириш кўзда тутилиш мумкин.

Кредит учун фоиз тўловлар ҳар ойнинг 20 санасигача тўланади.

Қарз олувчи банкка қўйидагиларни таъминлайди:

- Қарзларнинг юзага келиш саналари кўрсатилган дебитор ва кредитор қарздорлиги бўйича ёйилмаси илова қилинган йиллик ва чорак баланслари;

- Муддати ўтган қарзлар бўйича солиштирма далолатномалар ва Банк назорат функцияси учун зарур бўлган бошқа хужжатлар;

- Бирламчи ҳисоботлар ва муҳосиблик хужжатларига рухсат берилиши ва банк талабига қўра қарз олувчи тегишли хужжатлардан зарурлари нусхаси тақдим этилиши;

- Кредитнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан банк ходимлари томонидан текширув ўтказилишини рухсат берилиши, шунингдек, кредитнинг ишлатилишини жойига чиқиб текшириш учун рухсат берилиши;

- Ушбу кредит шартномаси билан ҳуқуқий жиҳатдан боғлиқ бўлган товар-моддий бойликларини сақланиши ҳолати бўйича банк ходимлари томонидан текширув ўтказишга рухсат берилиши;

- Агар кредит суғурталанган бўлса, ҳар йил учун суғурта тўловларини ўз вақтида тўлаб борилиши;

- Ҳар йил учун алоҳида кафил ташкилот молиявий ҳолати тўғрисида ёзма маълумот тақдим этиш кабилар бўлиши лозим.

Шунинг учун мижознинг мажбуриятлари тўғридан-тўғри кредитнинг тамойиллари, қоидалари ва шартларига амал қилишга боғлиқдир.

Мижоз мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- кредитдан белгиланган мақсадларда фойдаланишини таъминлаш;

- ўз вақтида фоизларни тўлаш ва кредитни қайтариш;

- ўз тўловга лаёқатлилиги тўғрисида банкка маълумот бериб туриш;

- кредитни таъминлаш;

- берилган кредит бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни ечиш учун бирламчи бухгалтерия ҳисоботлари ва хужжатларини керакли пайтда кредит бўлимiga тақдим этиш;

- З-шахсдан кредит олиш тўғрисида банкни хабардор қилиш;

- корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгариши ҳолларида банкни хабардор қилиш;

- ликвидация пайтида зудлик билан кредитни (фоизлари билан) қайтариш;

- шартномага биноан бошқа мажбуриятлар.

Кредит шартномасининг 5-бўлимидаги кредит қайтарилишини таъминловчи аниқ усуслари кўрсатилади. Улар қўйидагича бўлиши мумкин:

А) гаровга қўйилган товар-моддий бойликлар;

Б) банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати;

В) учинчи шахснинг кафиллиги;

Г) суғурта полиси.

Юқорида келтирилган кредит қайтарилишини кафолатини таъминловчи усуулар кредитнинг барча турларида қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ишлатилади. Улар мижозга ишонч етарли бўлмаганда, ссудани пул тушумлари ҳисобига қайтаришнинг юқори риски мавжуд бўлганида қўлланилади.

5-бўлимда кредитдан фойдаланганлик учун банкка тўланадиган фоизлар даражасини акс этади. Бу бўлимда қуйидаги ҳоллардаги фоиз ставкасини белгилаш қайта кўриб чиқиш, мақсадга мувофиқdir:

- а) шартномада кўрсатилган ссудадан фойдаланиш муддати давомида;
- б) ссуда пролонгация қилинганда;
- в) ссуда тўлашни кечиктирганда;
- г) мижознинг кредитга лаёқатлилигининг ёки битимнинг кредит рискини кўпайтирувчи бошқа омилларнинг пайдо бўлишида.

Бундан ташқари кредит шартномасида кредитга фоиз ҳисоблаш ва уни ундириш муддатлари кўрсатилиши зарур. Инфляция шароитида кредит шартномасининг яна бир пунктида бошланғич ўрнатилган фоиз ставкаларининг инфляция ўсиш даражаларига боғлиқ ҳолда ўзгартириш тартиби берилган бўлади. Фоиз ставкасини қайта кўриб чиқишга асос бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг ўзгариши сабаб бўлади.

Баъзи ҳолларда кредит шартномада томонларнинг жавобгарлиги бўлимида томонлар олган мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмагандан Ўзбекистон Республикаси қонунлари олдида жавобгар эканлиги ва санкциялар берилган бўлади.

«Шартноманинг қўшимча шартлари» деган бўлимида олдинги бўлиmlарда кўрсатилмаган бошқа шартлар белгиланади. Уларга агар мижоз бу банкда ҳисоб-китоб варағига эга бўлмаса, сумма ва муддати кўrсатилган мажбурий муддатли депозит очиш; кредитлаш ёки кредит линияси лимитининг бошланғич ўрнатилган суммасини ўзгартириш тартиби; кредит шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартибини киритиш мумкин.

«Келишмовчиликларни ҳал қилиш» деган бўлимида қуйидагиларни кўrсатиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- а) томонлар ўртасида шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ бўлган келишмовчиликларни ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиш;
- б) ўзаро келишув билан ҳал қилиш мумкин бўлмаган келишмовчиликларни Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан республика хўжалик судида ҳал қилиш.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит шартномасининг яна бир бўлими шартноманинг амал қилиш муддати бўлиб, унда кредит шартноманинг амал қилиш муддатини, яъни унинг бошланиши ва охирини белгилайди.

Шартномада шунингдек, томонларнинг юридик манзили (почта адреси, ҳисоб-китоб ёки вакиллик ҳисоблари, телефон, факс) ни ҳамда муҳрлар билан тасдиқланган имзоларни акс этади.

3-§. Кредит шартномаларини қўллаши бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси

Хорижий банклар ўзларининг кредит шартномаларини қўллашнинг бой тажрибасига эгадирлар. Уни ўрганиш Ўзбекистон Республикаси учун катта амалий аҳамиятга эгадир. Турли мамлакатларда тузиладиган кредит шартномаларининг асосий хусусиятлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- ҳукуқий маданиятнинг юқори даражаси;
- кредит битими шартларининг батафсил характеристи;
- кредит шартномалари шаклларининг типлашганлиги;

Японияда кредит шартномалар тузиш ва уларни амалга ошириш соҳасида банк юристлари ҳар доим адвокат конторалари билан алоқа қиласилар ва қийин юридик саволларга жавоб топадилар. Банк юристлари банк ходимларни юридик жиҳатдан доимий тарзда ўқитиб турадилар.

АҚШда энг батафсил кредит шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мижоз ҳақида умумий маълумотлар;
- тузилаётган кредит битимининг асосий параметрлари, сумма, муддат ва мақсади;
- тасдиқланган шартлар;
- инкор этиладиган шартлар;
- ссудаларни тўлаш кафолатлари;
- шартнома шартларини бажармаганлик учун жазо чоралари;
- тўловга лаёқатсиз ва банкрот деб эълон қилиш меъзонлари;
- банкка қарзни тўламаган тақдирдаги банк ҳукуқлари.

Германияда бир тизимдаги банклар учун (хусусий, жамғарма,...) умумий кредит шартлари ўрнатилади. Қонунлар билан биргаликда улар кредит операцияларининг асосини ташкил этади. Умумий кредит шартлари мижозларга етказилади, кредит шартномасида улар тақрорланмайди, фақат қарз олувчи унга рози бўлган пункт ёзилади. Германияда кредит шартномалари эркинлашган характеристерга эга.


Кредит шартномасининг типик шаклида қуйидаги кўрсаткичлар бўлади:

- томонларнинг тўлиқ номлари ва манзиллари;
- олинган ва олинаётган кредитлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар;
- янги кредитнинг мақсади;
- янги кредитнинг шартлари;
- кредит учун ҳисобланган ва ундириладиган фоизлар суммасини ҳисоблаш тартиби;
- кредит қайтарилишининг кафолати;
- бошқа шартлар;
- маъсул шахсларнинг муҳрлар билан тасдиқланган имзолари.

Германияда банк ва корхона ўртасида кредит шартномаси З босқичда тузилади:

- мижоз томонидан кредит шартномаси таркибининг шакллантирилиши;

- унинг банк томонидан кўриб чиқилиши ва хулоса берилиши;
- кредит шартномасини имзолаш.



Германияда кредит шартномасини тузиш схемаси.

Банларда кредит аризасини кўриб чиқишининг мажбурийлиги кредит шартномасини тузишнинг ҳукуқий асосланганлиги гаровидир.

Хорижий давлатларда нафақат кредит битимини, балки мижозни ўзини ҳам чуқур ўрганиш унинг кредит риски омилларига доир мажбуриятларини аниқлаштиришга ёрдам беради. Шунинг учун мижознинг мажбуриятларига бағишлиланган кредит шартномасининг бўлими таркибига ҳар бир ссудани қайтиб келишига қаратилган аниқ иқтисодий ва ҳукуқий шартлари киритилган.

Кўйидаги таянч сўзларга таъриф беринг

Кредит шартнома
Банк мажбуриятлари
Банк ҳукуқлари
Мижоз мажбуриятлари
Мижоз ҳукуқлари.

Ўз билимини текшириш саволлари

1. Кредит шартномаси қачон ва қай тартибда тузилади?
2. Кредит шартноманинг таркибий қисмларини изоҳланг.
3. Кредит шартнома қачон ўз кучини йўқотади?
4. Кредит шартнома бўйича хорижий мамлакатлар амалиёти тўғрисида гапириб беринг.

АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида» ги Қонуни, (1998. 24 декабрь). Халқ сўзи, 1999. 12 январ. 7-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни, (1998. 30 апрель). Халқ сўзи, 1999 й. 12 январь. 7-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар хуқукларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонун. (1998. 30 апрель). Солиқ ва божхона хабарлари, 1998 й. 22-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, (1997. 31 январь). Солиқ ва божхона хабарлари, 1997 й. 6-12 январ. 7-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Халқ сўзи. 2000 й. 21 март.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори. Тошкент оқшоми. 2001 й. 24 август. 99-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори. (2001. 10 сентябрь). Мулкдор, 2001 й. 14-20 сентябр. 37-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни учун хорижий кредитлар беришни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарори, (1997. 7 февраль), Солиқ ва божхона хабарлари, 1997 й. 6-12 январ. 7-сон.
9. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
10. Каримов И. А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». - Т.: Ўзбекистон, 1995.
11. Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишиланган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2003 й. 18 февраль.
12. Ангелиди М.С. Организация кредитного процесса в коммерческих банках. – Т., 1996.
13. Абдуллаева Ш. З. Банк рисклари ва кредитлаш. –Т.: Молия, 2002.
14. Абдуллаев F.А., Шоғаъзамий Ш.Ш. Қимматли қоғозлар: 100 савол ва жавоб. -Т.: Мехнат, 1997.
15. Абдуллаев F., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 100 савол-жавоб. (1-қисм). – Т.: Мехнат, 2000.
16. Абдуллаев F, Бобоқулов Т. Кредит. 100 савол-жавоб. - Т.: Мехнат, 1996.
17. Анализ инвестиционных проектов: Учебное пособие. М. И. Ангелиди., Н. Г.

- Каримов. –Т.: Ташк. фин. ин-т, 2000.
18. Банковские опреации, Часть-2, Учетно-ссудные опреации и агентские услуги банков, Под ред. О. И. Лаврушина, - М.: ИНФРА-М., 1996.
19. Бусигын А. В. Предпринимательство, начальный курс, - М.: НИРП, 1992.
20. Бусигын А. В. Предпринимательство. Основной курс: Учебник для вузов. – М.: ИНФРА-М, 1997.
21. Бизнес-план инвестиционного проекта: Отечественный и зарубежный опыт. Современная практика и документация: Учеб. пособие. – 5-е изд., перераб. и дополн. / Под ред. В.М.Попова. – М.: Финансы и статистика, 2002.
22. Богатин Ю. В., Швандар В. А Инвестиционный анализ. Учебное пособие для вузов – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.
23. Бочарев В. В., Попова Р. Г. Финансово-кредитный механизм регулирования инвестиционной деятельности предприятий. Учеб. пос. – СПб.: УЭФ, 1993.
24. Бочарев В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. –М.: Финансы и статистика, 1998.
25. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти, -Т.: Ўқитувчи, 2000.
26. Беренц В., Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций: Пер. с англ. перераб. и дополн. – М.: ИНФРА-М, 1995.
27. Банковское дело и финансирование инвестиций – том I 1-2 часть, том II. 1-2 часть, ИЭР, Всемирный банк. Под редакцией Н. Брука, 1995.
28. Богатырев А.Г. Инвестиционное право. – М.: Росс. право, 1992.
29. Бутыков И. Л. Кимматли когозлар бозори. Дарслик. – Т.: Консаудитинформ, 2001.
30. Ваҳобов А. В., Иброҳимов А. Т. Молиявий таҳлил: Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002.
31. Шоҳаъзамий Ш.Ш. и др. Предприниматель на рынке ценных бумаг: Вопросы и ответы. -Т.: Адолат, 2002.
32. Шоҳаъзамий Ш.Ш. ва бошқалар Тадбиркор қимматли қоғозлар бозорида: Саволлар ва жавоблар. -Т.: Адолат, 2002.

ҚҰШИМЧА АДАБИЁТЛАР

1. Васильев Н. М., Катырин С. Н. Лепе Л. Н. Лизинг как механизм развития инвестиций и предпринимательства. - М.: ДЕКА, 1999.
2. Вахрин П. И. Инвестиции: Учебник. – М.: Дашков и К, 2002.
3. Волков И.М., Грачева М.В. Проектный анализ: Учебник для вузов. – М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1998.
4. Гулямов С. С., Догиль Л. Ф., Семенов Б. Д. Предпринимательство и малый бизнес. – Т.: ТГЭУ, 1996.
5. Золотогоров В. Г. Инвестиционное проектирование: Учеб. пособие. – М.: ЭкоПрессКтива, 1998.
6. Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлаш /А. Т.Узоқов, Э. И. Носиров, М. А. Султанов. – Т.: Тошкент Молия институти, 2001.
7. Лапуста М.Г., Старостин Ю.Л., Малое предпринимательство - М.: ИНФРА-М, 1997.
8. Основы предпринимательской деятельности: Экономическая теория: Учеб. пособие / Под ред. В. М. Власовой. – М.: Финансы и статистика, 2002.
9. Пиндайк Роберт С., Рубинфельд Дэниел Л. Микроэкономика: Пер. с англ. – 2-е изд. – М.: Дело, 2001.
10. Рыночное преобразование и развитие предпринимательства: Сборник научных трудов / Ред.колл.: И. Л. Бутыков, Р. И. Беркинов, Р.И.Яушев – Т.: Консайдитинформ, 2002.